ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ
ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА

# «ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

# "ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ"

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ МЕЖДУНАРОДНОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

(2020 ЙИЛ 21-22 ФЕВРАЛЬ)
(21-22 ФЕВРАЛЯ 2020Г.)

САМАРҚАНД-ТАМБОВ – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА**

**Г.Р.ДЕРЖАВИН НОМИДАГИ ТАМБОВ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАМБОВСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ Г.Р. ДЕРЖАВИНА**

**Самарқанд иқтисодиёт илмий мактаби**

# «ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ»

**халқаро илмий-амалий анжуман**
**МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

# “ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ”

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ**
**международной научно-практической конференции**

**(I қисм)**
**(часть 1)**

**(2020 йил 21-22 февраль)**
**(21-22 февраля 2020 г.)**

**САМАРҚАНД – ТАМБОВ – 2020**

**Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш муаммолари**. / Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари (I-қисм). 2020 йил 21-22 февраль кунлари. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 266 бет.

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**
**М.Қ.Пардаев** – иқтисод фанлари доктори, профессор

**Нашр учун масъуллар:**
**М.М.Мухаммедов –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Ж.Р.Зайналов –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**И.С.Тухлиев –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Н.А.Ибрагимов –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**К.Б.Уразов –** иқтисод фанлари доктори, профессор,
**Т.С.Шарипов** – иқтисод фанлари номзоди, доцент,
**А.Н.Холиқулов –** иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Саҳифаловчи: Ҳилола Очилова**

Анъанавий илмий-амалий конференция материалларида инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини стратегик ривожлантириш тенденцияси ва истиқболлари, соҳанинг алоҳида тармоқ-лари самарадорлигини ошириш муаммоларига оид масалалар ёритилган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва методо-логик муаммолари, туризм соҳасини ривожлантириш масалалари, хизмат кўрсатиш соҳасида менежмент, маркетинг ва молиявий муносабатлар, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни такомиллаштириш, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни ва шулар орқали аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсияларга бой мақола ва тезислар ўрин олган.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалари, магистрлар, таянч докторантлар, докторантурада таҳсил олувчилар, мустақил изланувчилар ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган.

**Мақолалар муаллифлар таҳририда босилмоқда. Уларда келтирилган рақамлар, фактлар, хулоса ва тавсияларга муаллифлар масъул. Уларнинг айрим фикрлари ташкилий гуруҳ қарашларига тўғри келмаслиги мумкин.**

**© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020**

# I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ”

**М.Э.Пўлатов –** СамИСИ ректори, и.ф.д., профессор,
**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ЯНГИЧА ТУРЛАРИ ВА МЕЗОНЛАРИ

**Аннотация:** мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг янгича турлари ва мезонлари қараб чиқилган. Бунда иқтисодий ўсишнинг рецессия, беқарор, мунтазам, барқарор, юқори суръатда, жадал суръатда ўсиш турлари борлиги илмий жиҳатдан асосланган ва Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш даражасиининг ҳолатига баҳо берилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ўсиш, рецессия, беқарор, мунтазам, барқарор, юқори суръат, жадал суръат, модернизация, диверсификация, инновация.

**Аннотация:** в статье рассматриваются новые виды и критерии экономического роста в обновляющемся Узбекистане. При этом научно обоснованы такие виды экономического роста как рецессия, нестабильный, регулярный, стабильный, высокий, интенсивный рост, а также дана оценка состоянию экономического роста в Узбекистане.

**Ключевые слова:** экономический рост, рецессия, нестабильный, регулярный, стабильный, высокий, интенсивный, модернизация, диверсификация, инновация.

**Abstract:** The article discusses new types and criteria of economic growth in a renewed Uzbekistan. Moreover, such types of economic growth as recession, unstable, regular, stable, high, intensive growth are scientifically substantiated, and the state of economic growth in Uzbekistan is assessed.

**Keywords:** economic growth, recession, unstable, regular, stable, high, intensive, modernization, diversification, innovation.

Жамиятнинг иқтисодий тараққиётини белгилавчи асосий мезон – бу иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичлардир. Ҳозирги пайтда бундай кўрсаткич мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) билан белгиланади. Охирги пайтларда иқтисодий ўсишнинг турли шакллари ҳақида турли фикрлар айтилмоқда. Масалан ЯИМнинг пасайиши рўй берган мамлакатларда рецессия жараёни рўй бераётганлиги таъкидланса, айрим мамлакатлар иқтисодиётида беқарорлик рўй бераётганлиги айтилмоқда. Яна бошқа бир мамлакатда мунтазам ўсиш сақланиб қолинаётганлиги эътироф этилса, айримларида барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётганлиги қайд қилинган.

Мамлакатимиз иқтисодиётига келадиган бўлсак, олдин барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётганлиги хусусида гап кетган бўлса, ҳозирги пайтда юқори суръатлар билан ўсиш кузатилаётганлиги қайд қилинмоқда. Бундай қарашларни жамлаб бир нарсага амин бўлдикки, иқтисодий ўсишнинг

мезонларини белгилаб чиқиш керак экан. Аммо иқтисодий ўсишнинг алоҳида турлари бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқилмаган. Буларни инобатга олиб, ушбу ҳолатларни мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари ҳамда тарихий манбаларни чуқур таҳлил қилиш натижасида, иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг номлари ва даражасини (мезонларини) ишлаб чиқдик. Бу қуйидаги жадвалда таркиб топган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Иқтисодий ўсишни ифодаловчи кўрсаткичларнинг турлари ва даражасини белгиловчи мезонлари**[1]

| **Иқтисодий ўсишнинг турлари** | **Даражаси** |
|---|---|
| Рецессия (пасайиш) | Ўтган йилга нисбатан паст бўлса |
| Беқарор | Бир ошиб, бир камайиб ўсганда |
| Мунтазам | 100,1 дан 105,0 %гача ўсиш таъминланса |
| Барқарор | 105,1 – 108,0 % ўсиш таъминланса |
| Юқори суръатда | 108,1 – 110,0 % ўсиш таъминланса |
| Жадал суръатда | 110,1 % дан ортиқ ўсишга эришилса |

Ўзбекистон иқтисодиётида қатор йиллар давомида (1996-2003 йиллар) мунтазам ўсишга (5,0 %гача) эришилди. 2004-2006 йилларда барқарор суръатлар билан (8,0 %гача) ўсди. 2007-2013 йиллар давомида юқори суръатлар билан ўсиш (8,0 % кўп) таъминланди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таҳлил қиладиган бўлсак, 1995 йилга қадар рецессия жараёни юз бериб келди. 1996 йилдан бошлаб ўнгланиш содир бўлди, яъни аста-секинлик билан ривожланиш рўй берди. Буни биз тавсия қилган мезонлар бўйича қуйидагича баҳолаш мумкин бўлади (2-жадвал).

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида мустақиллик йилларида иқтисодий ўсишнинг тўртта шаклини бошидан кечирибди. Жумладан, 1996 йилгача иқтисодиётимизда **рецессия** жараёни содир бўлган. 1996-2003 йиллар давомида **мунтазам** ўсишга эришилган. 2004-2006 йиллада иқтисодиётимизда **барқарор** ўсиш рўй берган. 2007 йилдан 2016 йилгача **юқори суръатлар** билан ривожланиб келган. 2017 йилдан бошлаб мунтазам ўсиш суръати давом этиб келмоқда.

Ушбу иқтисодий ўсишнинг турлари ва даражасини белгилашда методологик асос қилиб расмий ҳужжатлар, маърузалар олинди. Жумладан, мунтазам ривожланиш мезони ҳам мамлакатимиз Биринчи Президенти томонидан белгилаб берилган мезонлардан келиб чиқилган. Масалан, 2003 йилнинг натижалари ва 2014 йилда амалга ошириладиган устувор вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 февралдаги маърузасида: “Кейинги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳар йили **мунтазам** (таъкид бизники – М.П.) равишда 4 фоиздан кўпроқ ошмоқда”[2], деб таъкидлади. Демак 5,0 %гача ўсиш суръатини

[1] Муаллиф томонида ишлаб чиқилда ва тузилди.

[2] Каримов И.А. Тинчлик ва хафсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қаъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 185-бет.

**2-жадвал**

**Ўзбекистонда ЯИМнинг 1995-2019 йилларда ўсиш суръати (%)[1]**

| Йиллар | Мамлакат ЯИМнинг ўзгариш суръатлари, % | Ўтган йилга нисбатан фарқи (+,-) | Йиллар бўйича иқтисодий ўсишнинг турлари |
|---|---|---|---|
| 1995 | -0,9 | - | Рецессия |
| 1996 | 1,7 | +2,6 | Мунтазам ўсишга эришилган |
| 1997 | 5,2 | +3,5 | |
| 1998 | 4,3 | -0,9 | |
| 1999 | 4,3 | 0 | |
| 2000 | 3,8 | -0,5 | |
| 2001 | 4,2 | +0,4 | |
| 2002 | 4,0 | -0,2 | |
| 2003 | 4,2 | +0,2 | |
| 2004 | 7,4 | +3,2 | Барқарор ўсиш рўй бер-ган |
| 2005 | 7,0 | -0,4 | |
| 2006 | 7,3 | +0,3 | |
| 2007 | 9,5 | +2,2 | Иқтисодиётимиз юқори суръатлар билан ривожланмоқда. |
| 2008 | 9,0 | -0,5 | |
| 2009 | 8,1 | -0,9 | |
| 2010 | 8,5 | +0,4 | |
| 2011 | 8,3 | -0,2 | |
| 2012 | 8,2 | -0,1 | |
| 2013 | 8,0 | -0,2 | |
| 2014 | 8,0 | 0,0 | |
| 2015 | 8,0 | 0,0 | |
| 2016 | 8,0 | 0,0 | |
| 2017 | 4,5 | -3,5 | Мунтазам ўсиш |
| 2018 | 5,1 | +0,6 | |
| 2019 | 5,6 | +0,6 | |

мунтазам ўсиш, деб аташ лозим деган хулосага келдик.

**Барқарор** ривожланишнинг методологик асосини ҳам расмий маърузаларда кўришимиз мумкин. Жумладан “2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7,3 фойизга ўсди” [2] . Бундай макроиқтисодий кўрсаткичлар “...жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантиқий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва **барқарор**

[1] Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 1965-2010 гг. Т.: Госстандарт. Соответствующие годы. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг йилнинг якунлари ва келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифаларни белгилаб берадиган ҳар йилги анъанавий маърузасида ва Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига анъанавий Мурожаатномасида келтирилган маълумотлардан олинди.

[2] Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир./ Ислом Абдуғаниевич Каримов – Т. 15. –Т.: “Ўзбекистон”, 2007. – 155-бет.

**ривожлантириш**нинг (таъкид бизники – М.П.) амалий намоёни бўлди”[1]. Кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиёти 7,3 % ўсган пайтни Биринчи Президентимиз барқарор ривожланиш, деб атаган эди. Ушбу кўрсаткич 8,0 %дан ошганда эса, юқори ўсиш, деб таъкидланган. Масалан, “2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг **иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришган, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар** (таъкид бизники – М.П.) **билан ривожланганини** қайд этамиз”[2], деб таъкидлади.

Президентимизнинг ушбу таъкиди биринчидан, иқтисодиётимизнинг 8,0 %га ошганлиги, унинг **“юқори суръатдар”** билан ривожланганлигини кўрсатса, иккинчидан, унинг **модернизация ва диверсификация ҳисобидан** амалга оширилганлигини эътироф этмоқда. Бу ерда гап ўсиш ва унинг омили ҳақида кетмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ривожланиши айнан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авж олиб турган пайтларда ҳам сақланиб қолди. Бунинг асосий омили, мамлакатимизда мустақил ривожланиш стротегиясини тўғри белгилаб олинганлиги бўлган бўлса, кейинчалик шу асосда мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда унга инновацион омилларни жорий қилиш бўлди.

Буни мамлакатимизнинг Биринчи Президентининг 2009 йил 22 майда “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига мурожаатида қуйидагиларни таъкидлайди: “...иқтисодиёт-ни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш ривожланишнинг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак мувоффақиятларга эришади”[3], деган гапларидан ҳам англаб олиш мумкин. Биз молиявий-иқтисодий инқироз шароитида айнан шу тамойилларга амал қилганлигимиз учун мамлакат ЯИМнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Кўриниб турибдики, иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда унга инновацияларни жорий қилишдан иборат экан. Аммо ушбу тушунчалар нечоғлиқ муҳим бўлмасин, уларнинг айрим назарий ва амалий масалалари ҳамон иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаган. Шу туфайли ушбу тушунчаларнинг илмий-назарий ва амалий масалаларига[4] эътиборни

---

[1]Ўша жойда. – 155-бет. (Мазкур ҳаволада келтирилган таъкид бизники – М.П ва О.П).

[2] Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – “Халқ сўзи” газетаси. – 2014 йил 18 январь. – 1-3 бетлар.

[3] Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг асосий мақсадимиз.- Т.17. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. – 231-бет. (Мазкур ҳаволада келтирилган таъкид бизники – М.П ва О.П)

[4] Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Пардаев О.М. Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий

қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Мамлакатимиз 2017 йилдан бошлаб янги йўналишга ўтди. Бунинг ёрқин намунаси сифатида бешта йўналишни қамраб олган 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини келтириш кифоя. Энди "Янги Ўзбекистон" шаклланмоқда. ЯИМнинг ҳар бир фоизининг салмоғи ҳам кескин ўсди. 2010 йил жорий баҳосида ЯИМнинг 1 % ўсиши 623,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда – 1718,1 млрд. сўмга, 2018 йилда – 2811,3 млрд. сўмга тенг бўлган. 2018 йилдаги 1 % ЯИМнинг салмоғи, 2010 йилнинг худди шундай кўрсатгичига нисбатан 4,5 марта (2811,3/623,9) юқори. 2020 йилга келиб, бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича 1 % ўсишининг салмоғи 3505,9 млрд. сўмни ташкил қилмоқда. Бугунги 1 % ўсиш, 2010 йилдаги 5,6 % (3505,9/623,9) ўсганлигига тенг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Янгиланаётган Ўзбекистон-нинг ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган иқтисдий ўсишнинг тўққизта устувор вазифалари белгилаб берилди ва Мурожаатноманинг охирида мамлакатимиз халқига қарата: "Бугун биз ҳам танти, сабр-қаноатли ва меҳнаткаш халқимиз билан бирга улуғ мақсадларни белгилаб, маррани баланд олмоқдамиз. Олдинда бизни улкан вазифалар, катта имкониятлар кутмоқда"[1], деб таъкидлади. Аммо ушбу марраларни бажаришга халқимиз бор куч ва қудратини, илмий ва интеллектуал салоҳиятини аямайди, деб тўлиқ ишонч билдирди. Аммо белгилаб олган марранинг қийинлиги ва қанча машақатли бўлмасин, орқага йўл йўқлигини ҳам қатъий такидлаб, халқимзга катта ишонч билдирди. Унда қуйидаги гаплар айтилди: "Бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмайлик: биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган халқмиз. Биз – ҳеч қачон меҳнатдан қочмайдиган, қийинчилик-дан қўрқмайдиган, адолатни қадрлайдиган, азму шижоатли, буюк халқмиз.

Барчамиз бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил бўлиб ҳаракат қилсак, ҳалол-пок бўлиб, яхши ният билан меҳнат қилсак, ҳар қандай марраларни эгаллашга, бошқача айтганда, тарихимизнинг янги саҳифасини яратишга қодир халқмиз.

Бу йўлда қандай қийинчилик ва машаққатлар бўлмасин, барчасини мардона енгиб ўтишга тайёрмиз. Бундай эзгу ишларда бизга Яратганнинг ўзи, буюк аждодларимизнинг пок руҳлари мададкор бўлади, деб ишонаман"[2], деб таъкидлади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиёти бундан кейин ҳам жадал ривожланади. Юқори суръатлар билан иқтисодий ўсишга эришилади. Бунинг учун барча асосларимиз бор.

---

ўсишнинг муҳим омили. Монография. – Т.: "Наврўз" нашриёти, 2014. – 104 бет.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси//"Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетла

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси//"Халқ сўзи" газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар

**Е.А.Колесниченко** – д.э.н., профессор, зав.кафедрой кадрвого управления
ФГБОУ ВО «Тамбовский государственный
университет имени Г.Р.Державина»,

# УПРАВЛЕНИЕ ПРОЦЕССОМ АДАПТАЦИИ РАБОТНИКОВ В ОРГАНИЗАЦИИ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация:** в условиях инновационной и цифровой экономики важность процесса адаптации возросла. Многие компании направляют усилия на поиск и отбор кандидатов, а в результате теряют вновь принятых сотрудников из-за отсутствия грамотно построенного процесса адаптации. В рамках данного исследования был проведем анализ кадрового состава одного из крупных предприятий области за 2018 год. Выявив слабые места кадровой политики автор пришел к выводу, что отсутствие грамотно построенного процесса адаптации можно расценивать как фактор, влияющий на текучесть кадров. В результате предложен комплекс мероприятий по адаптации персонала, реализация которых позволит снизить текучесть кадров и привести её к минимуму, что обеспечит повышение качества продукции и увеличит рентабельность производства, а это положительно отразится на финансовом состоянии предприятия.

**Ключевые слова:** управление персоналом, адаптация персонала, управление человеческими ресурсами

**Abstract::** In an innovative and digital economy, the importance of adaptation has increased. Many companies focus on finding and selecting candidates, and as a result lose newly recruited employees due to the lack of a well-built adaptation process. Within the framework of this study we will analyze the personnel composition of one of the major enterprises of the region for 2018. Having identified weaknesses in personnel policy, the author concluded that the absence of a well-constructed adaptation process could be considered as a factor affecting staff turnover. As a result, a set of measures to adapt personnel has been proposed, the implementation of which will reduce staff turnover and bring it to a minimum, which will ensure improvement of product quality and increase profitability of production, which will have a positive impact on the financial condition of the enterprise.

**Keywords:** personnel management, personnel adaptation, human resources management

Для современных организаций характерны следующие тенденции.

Во-первых, на фоне общего снижения численности сотрудников наблюдается рост числа руководителей, что может указывать на снижение эффективности деятельности и сокращение объемов производства.

Во-вторых, снижение численности основных рабочих и вспомогательных рабочих, что так же указывает на сокращение объемов производства.

В-третьих, сокращение количества учеников может указывать либо на изменение политики предприятия в этой сфере, либо на снижение заинтересованности молодых людей в получении рабочих специальностей.

Исследуемое автором предприятие использует как внешние источники найма, так и внутренние, но больший упор делается все-таки на внутренние [1]. На места, высвобождаемые естественным путем, например, в случае ухода сотрудника на пенсию или увольнения по собственному желанию, переводят сотрудников с сокращаемых должностей, проводят их стажировку или обучение. Кроме того, у предприятия формируется свой внутренний кадровый резерв, состоящий из студентов, которые проходили практику на предприятие, учеников, которые не были трудоустроены по окончании ученического договора из-за отсутствия необходимого количества свободных ставок или сотрудников, которые работают до договорам. Это выгоднее для предприятия, чем создание обособленного отдела по отбору и найму персонала.

Процессу адаптации на предприятие не уделяют должного внимания. Адаптация персонала предусмотрена только для основных рабочих и проводится в форме наставничества. На предприятие было разработано и введено в действие положение о наставничестве, цель которого заключается в оказании помощи молодым специалистам и ученикам производственных профессий в их профессиональном становлении.

Стоит также отметить, что для основных и вспомогательных рабочих процесс адаптации проходит несколько более структурировано, так на предприятие принято и введено в действие «Положение о наставничестве».

В процессе адаптации можно выделить три основных блока: введение в организацию, введение в подразделение, введение в должность. Каждому этапу характерно знакомство с определенными документами. Например, на этапе введения в организацию сотрудника следует ознакомить с уставом предприятия, коллективным договором, правилами внутреннего трудового распорядка, инструкциями по охране труда, положением о пропускном режиме, приказом о режиме труда и отдыха.

В целях совершенствования методов трудовой адаптации следует рассматривать следующие рекомендации [2]:

- разработка программы адаптации;
- внедрение наставничества для специалистов с доплатой к основной заработной плате наставника;
- официальное представление нового сотрудника всему трудовому коллективу;
- улучшение условий труда сотрудников;
- проведение общих собраний, которые позволят сообщить о целях, планах предприятия на определенный период, выявить проблемы, которые видят сотрудники, а также собрать их предложения по исправлению ситуации;
- проводить корпоративные мероприятия;
- своими силами или с помощью консультационной фирмы проводить тренинги на предприятии, направленные на сплоченность коллектива;

- использовать такие инструменты адаптации, как коучинг; планирование первого рабочего дня нового сотрудника; «welcome! Тренинг».

Приведем примерную программу адаптации новых сотрудников, которая поможет унифицировать процедуру адаптации во всех структурных подразделениях. Программа адаптации будет состоять из двух частей: общей и индивидуальной, и рассчитана на срок от 3 до 6 месяцев. Общая часть направлена на формирование общего представления о предприятии, его деятельности, организационных особенностях, условиях труда [3]. В зависимости от категории, на которую принимается работник, общая часть может быть более или менее полной. Её проведение планируется на первую рабочую неделю и включает в себя 4 этапа.

1. Вводное ориентационное собеседование, цель которого заключается в сообщении новому сотруднику сведений о видах деятельности предприятия, особенностях трудовых отношений. Проводить подобное собеседование должен либо начальник кадровой службы, либо специалист кадровой службы по его поручению. Для кандидатов на руководящие посты проведение подобного собеседования целесообразно генеральным директором.

2. Личное ознакомление с предприятием и его сотрудниками, которое проводится непосредственным руководителем или специалистом кадровой службы, и включает показ основных помещений и представление сотрудника персоналу.

3. Ознакомление с рабочим местом включая инструктаж по использованию технических средств, регистрацию нового сотрудника как пользователя сети, обозначение имеющихся особенностей использования возможностей сети предприятия, вводные консультации по использованию конкретных программных продуктов. Если на предприятие разработаны памятки по основным функциям различных программных продуктов или инструкции, то они также предоставляются новому сотруднику.

4. Ориентационное собеседование с непосредственным руководителем, которое проводится в рабочем режиме, в свободной форме в течение первой недели работы.

**Литература:**

1. Бухалков М.И. Управление персоналом. – М.: Инфра-М, 2017. – 400 с.
2. Колесниченко Е.А., Беспалов М.В., Радюкова Я.Ю., Сергеев Д.В. Совершенствование процесса адаптации новых сотрудников на промышленном предприятии // Экономика в промышленности. 2018. Т. 11. № 4. С. 403-411.
3. Литвинюк, А.А. Управление персоналом. – М.: Юрайт, 2016. – 498 с.

**А.С.Мадаханов –** декан медицинского факультета, канд.мед.наук, и.о.доцента, Армянско-Российский Международный университет "Мхитар Гош, (Республика Армения)
**G.J. Aranha–** студентка II-курса медицинского факультета, Армянско-Российский Международный университет "Мхитар Гош", (Республика Армения).
**Ch. Hukamdev–** студент II-курса медицинского факультета, Армянско-Российский Международный университет "Мхитар Гош", (Республика Армения).
**Ш. Сафаров–** соискатель. Международный Университет Туризма "Шёлковый путь"

# К ВОПРОСУ ОБ ОРГАНИЗАЦИИ ОЗДОРОВЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ ПРИАРАЛЬЯ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация.** Мақолада Орол бўйи аҳолиси соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлашда инновацион ёндашув ва рақамли иқтисодиёт имкониятларидан кенг фойдаланишга асосланган соғломлаштирувчи туризм кластерини яратишнинг назарий ва ташкилий масалаларига доир мулоҳазалар билдирилади.

**Калит сўзлар**: Орол денгизи, Орол бўйи, касалланиш, соғломлашти-рувчи туризм кластери,Фарғона водийси, "Хонобод" санаторияси, рекреацион худудлар.

**Аннотация.** В статье представлены теоретические и организационные аспекты кластера оздоровительного туризма, основанные на инновационном подходе и широком использовании достижений цифровой экономики при сохранении и укреплении здоровья населения Приаралья.

**Ключевые слова**: Аральское море, Приаралье, заболеваемость, оздоровительный туризм, Ферганская долина, санаторий "Ханабад", рекреационные зоны.

**Abstract:.** The article presents the technical and organizational aspects of the health tourism cluster, based on an innovative approach and the widespread use of the achievements of the digital economy while maintaining and strengthening the health of the Aral Sea population

**Keywords:** Aral Sea, Incidence, health tourism, Fergana Valley, Sanatorium "Khanabad" recreation Area

Вопрос смягчения Аральского кризиса остаётся важным и актуальным, как для Узбекистана, так и для всего региона. В Приаралье в 2012 году был дан старт первой фазе Совместной программы по оказанию содействия региону, в рамках которого были объединены усилия нескольких агентств ООН, осуществляющих свою деятельность в Узбекистане по различным направлениям. Первая фаза Программы завершена в 2016 году, в настоящее время реализуется её вторая фаза – называемая "Укрепление потенциала жизнеустойчивости населения, пострадавшего в результате кризиса Аральского моря, посредством создания многопартнёрского фонда по безопасности человека для региона Приаралья"[1].

29 августа 2015 года Кабинет Министров Республики Узбекистан принял Постановление № 255 "О комплексной программе мер по смягче-нию последствий Аральской катастрофы, восстановлению и социально-экономическому развитию региона Приаралья на 2015 –2018 годы", предусматривающее основные подходы и направления по смягчению последствий Аральской катастрофы и восстановлению региона Приаралья согласно приложению № 1. В этом важнейшем документе приложениями № 2-7 предусмотрены такие меры осуществление, которые несомненно будут положительно влиять на достижение цели – повышения уровня здоровья населения Приаралья[2].

В Муйнаке по инициативе Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева ведется работа по озеленению дна высохшего Аральского моря. В течение года будет освоено более 500 тысяч гектаров осушенного дна Арала. Лесные насаждения из саксаула уже через два года помогут остановить процесс выдувания ядовитых солей и песка со дна в атмосферу на 20%. Через пять лет, посадки задержат уже 70% соли, а через десять лет процесс выветривания будет полностью остановлен[3].

Проблема Приаралья, не смотря на масштабность проводимых мер, как на южном[3] так и на северном частях[4], продолжает сохранять свою актуальность. При этом, решение вопросов, связанных со здоровьем населения из года в год обращает на себя все больше внимания[5,6,7]. На наш взгляд, как теория так и практикаформирование, сохранение и укрепление здоровья населения Приаралья должно базироваться на Программу, составленную на основе принципа системного подхода и системного анализа явлений. Общеизвестно, что системный подход и системный анализ, применяемые с учетом времени и пространства, являются апробированными самой жизнью, теоретико-прикладными основами в обеспечении эффектиного решения проблем в области природы, человеческого общества и мышления. Необходимость учета данного положения, в нашем случае,продиктована сложностями в реализации мер, направленных на оздоровление населения Приаралья. И это обусловлена тем, что формирование, сохранение и укрепление здоровья людей в целом, жителей Приаралья в частности происходит под воздействием бесчисленных как по количеству, так и по качеству факторов и условий. Последние условно можно объединить в три группы: -природно-климатические ; - социально-экономические; - биологические. Применение принципа системного подхода и системного анализа, с одной стороны предопределяет важность проведения экологической, социально-экономической и биологической диагностики, в широком смысле этих слов, те группы, патологии которых регистрируются среди населения на земле Приаралья. С другой стороны закономерно продуцирует мысль о необходимости применения **этио-экологопатогенетического подхода** в разработке комплекса мер, направленных как на организацию профилакти-ки возникновения и развития

болезней, так и на лечения и оздоровления, нуждающихся в этом жителей региона.

Работа по оздоровлению путем проведения профилактических мер, должна быть направлена прежде всего на устранение или смягчение воздействий отрицательно действующих сил или отражающиеся на здоровье все три группы (природно-климатических; социально-экономических; биологических) факторов. Лишь такая организация профилактических мер и приложение всех усилий для его достижения, являются залогом оздоровления населения Приаралья. О мероприятиях, проводимых на уровне государства или по месту работы, учебы, воспитания или жительства должен быть осведомлен каждый член этого большого, малого коллектива или житель махалли и семьи. И самое главное, он должен принимать участие в проводимых мероприятиях осознанно, с пониманием важности прежде всего для его здоровья и благополучия. Профилактические занятия и процедуры, выполняемые самостоятельно или при участии другого человека, должны включать в себя обязательное применение легко выполнимых способов и использование не дорогостоящих средств оздоровления.

Чрезвычайно важно, обязательное ведение здорового образа жизни, в самом широком смысле этого слова. Широкое использование всего комплекса элементов оздоровительного туризма, где крайне необходимо создание условий, по мере возможности, полностью исключающих, пос-тупление в организм человека солей, песка и других веществ – последст-вий высыхающего Аральского моря. Это может быть достигнуто путем организации отдыха и оздоровления в постоянно действующих рекреаци-онных зонах и санаториях находящихся достаточно на большом расстоянии от Приаралья. В этом плане заслуживает особого внимания несравненно богатые природно-климатические условия Ферганской долины Узбекистана, особенно город Ханабад [8], и Республики Армении (Арзни, Дилижан, Анкаван, Мармарик, Бжни, Арзакан, Агверан, Цахкадзор, Степанаван, Гюлагарак, Сюник, Лори, Джермурак, окрестности озера Севан)[9]. На наш взгляд, ныне действующий порядок визового режима, организации улучшенных транспортных услуг, правильный отбор больных и лиц, нуждающихся в оздоровлении, и направления на выше названные лечебно-оздоровительные регионы, несомненно благотворно будут влиять на здоровье жителей Приаралья. Однако, уровень осведомленности населения Приаралья об этих возможностях давольно низкий, что существенно отражается на их туристической активности, поехать с целью лечения и оздоровления в Ферганскую долину, и в другие вышеуказанные регионы. На наш взгляд, для восполнения данного про-бела необходим запуск пилотного проекта по созданию кластера лечебно-оздоровительного туризма применительно к населению Приаралья в рекреационных зонах и санаториях, а также в оздоровительных центрах Ферганской долины. Эффективность функционирования кластера лечебно- оздоровительного туризма во многом определяется от полноты и своевременности обмена информацией, во первых

между всеми структурно-функциональными составляющими кластера. Во вторых, обмен информацией между жителями Приаралья, нуждающихся в оздоровлении и с каждым из предоставляющих свои услуги структурно-функциональных подразделений кластера. Полнота и своевременность обмена информацией в этих двух системах обеспечивается силами и средствами цифровой экономики. Однако оценка уровня дееспособности сил и средств предназначенных для работы в системе оздоровления населения Приаралья в условиях предполагаемого кластера, указывает прежде всего, на необходимость подготовки кадров. Работа по подготовке кадров для кластера лечебно-оздоровительного туризма должна проводиться в двух направлениях. Первое направление – подготовка врачей и среднего медицинского персонала, компетентных заниматься деятельностью, основанной на этио-эколого-патогенетический подход в оздоровлении населения Приаралья. Программа подготовки их, наряду с сугубо медико-организационным содержанием вопросов, должна включать вопросы из области информационно-коммуникационной технологии. Второе направление – подготовка кадров, владеющих не только знанием и опытом работы с информационно-коммуникационной системой, но и основами медицины и здравоохранения в целом и кластера лечебно-оздоровительного туризма в частности. Не менее важно оснащение кластера лечебно-оздоровительного туризма всем комплексом оборудо-ваний последнего поколения, необходимых для обеспечения качественной работы информационно-коммуникационной системы.

Из выше изложенного следует, что предлагаемый нами этио-эколого-патогенетический подход к оздоровлению жителей Приаралья, на наш взгляд является наиболее эффективным, так как учитывает не только клинические, но и экологические составляющие весьма сложного процес-са. Вместе с тем уместно констатировать не разработанность организаци-онных аспектов применения данного подхода в контексте оздоровления населения Приаралья. В связи с этим, считаем необходимым создать клас-тер оздоровительного туризма, включающий в себя все амбулаторно-поликлинические и стационарные учреждения, обслуживающие население Приаралья с одной стороны, и с другой стороны санатории, оздоровительные центры, расположенные на достаточно большом расстоянии от объектов, загрязняющих окружающую среду. Естественно, эффективность работы этих лечебно-профилактических и оздоровительных учреждений как “единая целая структура”, во многом зависит от их возможностей по обмену информацией, носящей профессиональный характер.

Общеизвестно, что в Узбекистане в настоящее время идет процесс широкого внедрения во все сферы человеческой жизнедеятельности достижений информационно-коммуникационной технологии. Этому существенно способствовало Указ Президента Республики Узбекистан “О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан” в 2017 - 2021

годах[10], а также Постановление Президента Республики Узбекистан от 3 июля 2018 года ПП-3832 “О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан”[11]. Использование возможностей информационно-коммуникационной технологии в деятельности кластера оздоровительного туризм будет важнейшим условием в достижении цели – формирования, сохранения укрепления здоровья населения путем смягчения воздействий факторов высыхающего дна Приаралья. В свете вышеизложенного вырисовывается картина задач по кадровому и технико-программному обеспечению применения информационно-коммуникационной технологии в сфере оздоровительного туризма.

**Выводы и предложения.** Состояние здоровья населения Приаралья продолжает оставаться, настоятельно требуя принятия новых, наиболее эффективных подходов к его оздоровлению. Меры, проводымые в данном направлении должны учитивать не только уровень и структуру заболеваемости, но и причину, механизм развтития болезней и экологию местности, где возникла и развивалась патология. Этим, принципиально важным требованиям, вполне отвечает предложенный нами “Этио-эколого-патогенетический подход к оздоровлению населения”. В процессе оздоровления населения Приаралья данный подход должен стать основополагающим. В широком и эффектином использовании данного подхода, Ферганская доли-на со своими природно-климатическими условиями и сетью функциониру-юших здесь санаториев и профилакторий, а также рекреационных зон является уникальной возможностью. Однако установлено, что уровень осведомленности населения Приаралья об этих возможностях давольно низкий. Оценка дееспособности сил и средств, указывает на необходимость подготовки кадров, создание сети лечебно-профилактических и санаторно-курортных учреждений, и их оснащение всем комплексом оборудований последнего поколения, необходимым для обеспечения качественной работы информационно-коммуникационной системы, ориентированных на деятельность в единой системе по оздоровлению населения Приаралья. Для восполнения данного пробела необходимо выработать и запустить пилотный проект по созданию кластера лечебно-оздоровительного туризма, нацеленного на реализацию этио-эколого-патогенетического подхода применительно к оздоровлению населения Приаралья в рекреационных зонах и в санатории “Ханабад”(город Ханабад Андижанской области).

## Литература


1. Совместная программа ООН “Укрепление потенциала жизнеустойчи-вости населения, пострадавшего в результате кризиса Аральского моря, посредством создания многопартнерского фонда по безопасности человека для региона Приаралья. Новостной Бюллетень за первый квартал 2017 года.
2. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 августа 2015 года № 255 “О комплексной программе мер по смягчению последствий Аральской катастрофы, восстановлению и социально-экономическому развитию региона Приаралья на 2015 –2018 годы“.

3. Март 2019 – Аральское море /МФСА., kazaral.org/Исполнительная Дирекция Международного фонда спасения Арала в Республике Казахстан.
4. Против пыльных бурь.../https://nuz.uz> Общество
5. Газизова А.О., Ибраева Л.К., Аманбекова А.,У., и др. Заболеваемость органов дыхательной системы населения Приаралья., 2017.https://cyberleninka.ru
6. История Аральского моря. re-ek-ifas.waterunites-ca.org
7. Турдымамбетом И. К вопросу прогнозирования уровня заболеваемости населения Приаралья методом многофакторной нелинейной корреляции//Проблемы рационального использования и охрана биологических ресурсов Южного Приаралья.aknuk.uz
8. Тураев Б.Х., Мадаханов А.С., Тухтабаев И.Чевар табиат, эзгуликка интилиб яшаётган инсонларнинг меҳри ва меҳнати билан яралган шаҳар. //В сборнике научных трудов Международной научно- практической конференции на тему: “Ренессанс паломнического туризма на перекрестке Великого шелкового пути” 24-25 мая 2019 г., г. Самарканд , стр..
9. Товмасян Г.Р. Предпосылки и перспективы развития рекреационного туризма в Республике Армения. https://cyberleninka.ru
10. Указ Президента Республики Узбекистан“О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан”в 2017–2021 года.
11. Постановление Президента Республики Узбекистан от 3 июля 2018 года ПП-3832 “О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан”.

**З.Адилова** – и.ф.д., ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказининг “фан ва интеграция” секторининг мудири,
**Б.Хонтўраев** – ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказининг “фан ва интеграция” секторининг кичик илмий ходими

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФАН ВА ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** ушбу мақолада ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда шаклланган ва иқтисодиётнинг янги йўналиши рақамли иқтисодиёт ва унинг ривожланишида фан ва таълимнинг роли бўйича тадқиқот олиб борган. Ушбу мақолада таълимнинг роли ва унинг рақамли иқтисодиётни ривожланишида ҳиссасини ошириш учун зарур бўлган таълим сиёсатининг мақсадлари ва чоралари шунингдек, таклиф ва хулосалар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, ахборот технологиялари, фан ва таълим, инновация, олий таълим муассасалари.

**Аннотация:** В этой статье представляют исследование о роли науки и образования в цифровой экономике и ее появлении в новой развивающейся экономике. В этой статье рассматривается роль образования, а также цели и меры политики в области образования, а также предложения и выводы, которые необходимы для повышения его роли в развитии цифровой экономики.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, информационные технологии, наука и образование, инновации, высшие учебные заведения.

**Abstract**: In this article, the authors present a study on the role of science and education in the digital economy and its appearance in a new emerging economy. This article discusses the role of education, as well as the goals and measures of educational policies, as well as suggestions and conclusions that are necessary to enhance its role in the development of the digital economy.

**Keywords:** digital economy, information technology, science and education, innovation, higher education institutions.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиёти рақамли режимга ўтмоқда. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, АҚШ ва Хитой: дунёдаги 70 та энг йирик рақамли платформаларнинг бозор капиталлашуви қийматининг 90% га эгалик қилмоқда. Дунёда барча патентларнинг 75% блокчаин технологиялари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Дунёнинг ривожланаётган мамлакатлари булутли ҳисоблаш бозорининг 75% ни ташкил қилмоқда [1]. Дунё бўйлаб 2019 йилда интернетга қилинган ҳаражатлар 750 милрд долларни ташки қилган[2]. Глобал интернет бозори 2019 йилда 212 миллиард АҚШ долларигача ўсган ва бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 1,6 трлн АҚШ долларигача ўсишини тахмин қилмоқда[3].

Ахборот технологиялари бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бўлди. Шунинг учун ҳам иқтисодиётнинг рақамли секторини ривожлантириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, электрон тўловлар ривожлантирилмоқда ва электрон тижорат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2018 йил “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”[4]ги ПҚ-3832-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2018 йил “«Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”[5]ги ПҚ-3927-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.11.2018 йил “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”[6]ги ПҚ- ПҚ-4022-сонли қарорларида бир қанча вазифалар белгилаб қўйилган бўлиб улар рақамли иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда муҳим рол ўйнайди. Жумладан:

– рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва

[1] The Digital Economy Report 2019. Value creation and capture: Implications for developing countries/ United Nations Publications, 300 East 42nd Street, New York, New York 10017, United States of America.
[2] https://www.iottechnews.com/news/2019/jan/04/global-iot-spending-reach-745-billion-2019-says-idc/
[3] https://www.statista.com/statistics/976313/global-iot-market-size/
[4] https://lex.uz/docs/3806053
[5] https://lex.uz/docs/3891629
[6] https://lex.uz/docs/4071219

тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш;

– кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксизлиги, ўқитиш дастурларининг замонавий тижорат банклари томонидан кенг фойдаланилаётган рақамли технологияларга мувофиқлигини таъминлаш;

– ахборот технологиялари соҳасида рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ички ва ташқи бозорларда илгари суриш, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш;

– юқори технологияли маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш тармоғини амалга ошириш учун илмий, таълим ва ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолиятини интеграциялашга кўмаклашиш каби вазифалар рақамли жамиятни шакиллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси президенти 2020 йил 24 январдаги 2020 йил учун энг муҳим устивор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаъатномасида ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бўйича қуйидагиларни айтиб ўтди:

“Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт”[1].

Фикримизча, давлат миқёсида таълим-тарбия соҳасини модернизациялашга катта эътибор берилишининг асосий сабаби рақамли иқтисодиётни шакллантиришда рақобатбардош кадрларни етиштириш орқали миллий иқтисодиётнинг тарраққий этишида чуқур билим ва малакаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдир.

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг юксалиши, ривожланиши ёки, аксинча, инқирозга юз тутиши ўша мамлакатдаги таълим тизимининг қай даражада ривожланганлигига боғлиқдир. Биламизки, фан ва таълим иқтисодиётни ривожлантиришда катта ролга эгадир. Инсон ақли эришган деярли барча ютуқлар турли хил таълим шакллари билан таъминланади. Кўпчилик учун таълим ҳаёт сифатини яхшилаш ва қашшоқликни камайтириш учун рецепт бўлиб хизмат қилади. Одамлар учун у иш билан таъминлашга ёрдам беради, яшаш шароитини яхшилайди, соғлиқни сақлашни таъминлайди ва янги технологияларга яхшироқ мослашади.

Мамлакат учун таълим инновациялар эшигини очади, фуқаролик институтларини кучайтиради, ижтимоий бирдамликни қўллаб-қувватлайди ва иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Таълим қай даражада ривожланган бўлса, миллий иқтисодиётда шунга мос касбий тайёргарликка эга бўлган ходимлар фаолият кўрсатади ва шу даражада иқтисодий ўсишга эришилади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёни ўз навбатида олий таълим тизимида юқори малакали ва рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлашни,

[1] https://president.uz/uz/lists/view/3315

шунингдек, инновацион ғоялар ва технологиялар¬нинг қудратли манбаини шакллантиришни талаб қилади:

– кўпчилик йўналишларда заифлашган тармоқли илмий-тадқиқот институтлари тизимини янги сифат даражада алмаштиришга қобилиятли бўлган, асосан фанлараро йўналишлардаги инновацион, амалий тадқиқотчилик тармоғини ривожлантириш зарур. Бу саноат корпорациялари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва академик фан ўртасидаги билимлар трансферини шакллантирилишини таъминлайди.

– мамлакат тараққиётининг инновацион йўли, шунингдек, инновацион тадбиркорликни жиддий фаоллаштиришни, тегишли инновацион тузил-малар тузиш амалиётини кенгайтириш механизмларини амалга оширишни тақазо этади.

– инновация технологик модернизация тамоилларни белгилайдики, бу корхоналар талабларига мос келувчи мутахассисларни тайёрлашнинг янгича сифатини ҳам талаб қилади. Янги кадрлар эртанги кун технологиялари билан ишлашга йўналтириладилар. Уларнинг тайёрланишини ОТМ профессор ўқитувчиларини етакчи тадқиқотларга жалб қилишсиз, талабаларнинг бундай ишларда шахсий иштирокларини амалиётисиз амалга ошириб бўлмайди.

ОТМ фаолиятини ўрганиш ва таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорликларни йўлган қўйишни ташкил этиш бўйича эришилган ютуқларни таҳлил қилиш ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг ОТМ фаолиятини ўрганиш асосида шундай хулоса, қилиндики, ОТМ мамлакат ривожланишининг асосий бўғинини ташкил этади. Барча ишлаб чиқариш тармоқлари ва муассасаларнинг барқарор ривожланиши стратегиясини ОТМ фаолияти асосида белгиланади ва шунинг учун олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида узвий боғлиқликнинг бўлиши жамиятнинг барқарор ривожланишини кафолатлайди.

**Т.С.Маликов –**Тошкент Молия институти, “Давлатий молия” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: УНДА СТИМУЛНИНГ РОЛИГА ҚАНДАЙ БАҲО БЕРИЛАЯПТИ?

**Аннотация:** Ушбу мақолада стимул тўғрисида тушунча ҳамда “хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш: унда стимулнинг ролига қандай баҳо берилаяпти? ” деган саволга тўлиқ жавоб берилган.

**Аннотация:** в данной статье описывается понятие стимула и «развитие сферы услуг: как оценивается роль стимула в ней?» Ответ завершен.

**Abstract::** This article describes the notion of stimulus and the "development of the service industry: how is the role of stimulus evaluated in it?" The answer is complete.

**Калит сўзлар:** Хизмат кўрсатиш, стимул, рағбат, стимуллаштириш, рағбатлантириш

**Key words:** Service, stimulation, incentive, stimulation, stimulation, encourage.

**Ключевые слова:** Сервис, стимул, стимул ,стимулирование, стимулирование, поощрять

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда стимул(лар)нинг азал-азалдан ҳеч қандай нарса билан алмаштирилиши мумкин бўлмаган алоҳида ўрни бор. “Стимул(лар)сиз ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унинг суратини ошириш мумкин!”,- дегувчилар, бизнингча, адашурлар. Образли қилиб айтганда, у(лар)сиз бу йўналишда амалга оширилаётган сиёсат таъсирчанлиги “ғариб”га айланади, “камбағал-қашшоқ”лашади, унинг “бағри бутун” бўлаолмайди. Айрим ҳолларда, том маънода, хизмат кўрсатиш соҳасида стимул(лар)сиз юргизилаётган иқтисодий сиёсат унинг субъектларига “чивин чаққанчалик” таъсир қилмаслиги мумкин. Аксинча, бошқа ҳолларда эса, хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳар томонлама муваффақиятли “парвози”, кўп жиҳатдан, стимул(лар)га бориб тақалади. Бунинг айнан шундайлигини тўла-тўкис эътироф этмаслик, билмаслик, тушунмаслик, қабул қилмаслик, эътиборга олмаслик, ҳеч бўлмаганда – яхшилик аломати эмас.

Аммо, афсуски, амалиётда, илмий доираларда ва ҳатто, ўзаро муносабатларимизда ҳам “стимул(лар)” ўз ўрнини “рағбат(лар)”га осонгина бўшатиб бермоқда. “Негадир”, бу сўз ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши муносабати билан, айниқса, “камнамо” бўлиб қолди. Айрим ҳолларда, бу сўзга ўгай кўз билан қараяпмиз. Уни “штык”да қарши олиб, сунъий равишда, ишлатмасликка ҳаракат қилаяпмиз: мақолаларимизда бу сўзни ишлатишдан қочаяпмиз; монографияларимизда бу сўздан фойдаланишга ўрин бермаяпмиз; маърузаларимизда бу сўзни ишлатишни ўзимизга эп кўрмаяпмиз. Ишлатаётганларга эса “Она тилимизда унга тенг кучли бўлган “рағбат” деган сўз турганда “стимул”ни ишлатишга не ҳожат?”,- қабилида эътироз ҳам билдираяпмиз. Гўё бу билан Она тилимизнинг “софлиги”ни таъминлашга ўзимизнинг “муносиб” ҳиссамизни қўшаяпмиз ва ҳ.к.

Ҳолбуки, “стимул” Она тилимизда айнан шу тарз (шакл ва мазмун)да ишлатилиши мумкин бўлган сўз ҳисобланади. Бунинг шундай эканлиги тегишли мутахассислар томонидан аллақачон эътироф этилган. Шу сабабли “стимул” сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да Она тилимизда ишлатилиши мумкин бўлган 80 000 дан ортиқ сўзлардан бири сифатида ўз ўрнини эгаллаган. Бу сўздан, энг аввало, иқтисод илми ва амалиёти соҳасида фаолият кўрсатаётганлар фойдаланишлари лозим бўлган бир пайтда, бу вазифани ёзувчиларимиз, шоирларимиз, мухбирларимиз, адабиётшунос ва тилчи олимларимиз бажаришмоқда.

Ушбу мақола доирасида бизнинг бу хусусда “куйиб-пишиш”и-мизнинг боиси нимада? Бунинг сабаби шундаки, агар биз, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришни истасак (бундан ўзгача тарзда иш тутишимизнинг эса сира иложи йўқ), у ҳолда, энг аввало, бу мақсадга эришиш йўлида қўллашимиз мумкин бўлган восита (дастак)ларнинг аслида нима эканлигига аниқлик киритиб олишимиз керак. Бу йўналишдаги

дастлабки ишимиз эса “стимул” ва “рағбат”нинг “бир нарса” эмаслигини аниқлаш учун, биринчи навбатда, бу сўзларнинг луғавий маъносига эътибор беришдан иборат бўлмоғи лозим.

Шу муносабат билан, дастлаб, ҳозирги пайтда “стимул”нинг ўрнига “гумбирлатиб” ишлатилаётган “рағбат” сўзининг маъно-мазмунига эътибор берайлик. “Рағбат” арабча сўз бўлиб, энг умумий кўринишда, хоҳиш, яхши ният, истак маъноларини англатади. У 1) бирор ишга бўлган хоҳиш, истак, майл, раъй; 2) қизиқтирувчи, қўзғатувчи омил, сабаб; манфаат келтирувчи (берувчи) нарса; 3) инсон ҳис-туйғулари, руҳий ҳолатларини ривожлантирувчи, уни фаолликка ундовчи руҳий (психологик) таъсир маъно-мазмунида ишлатилиши мумкин (Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. III. – Б. 361-362).

“Стимул” эса лотинча “stimulus” сўзидан олинган бўлиб, сўзма-сўз, энг аввало, “ҳайвонларни ҳайдаш учун белгиланган учли таёқ”ни билдиради. Шунингдек, унга “бирор ишга қизиқиш туғдирадиган, рағбатлантирадиган, **ундайдиган** (курсив – бизники) нарса, омил” сифатида ҳам қаралади. (Қаранг: Ўша манба. Ж. III. – Б. 571).

Энди, бошқа мавҳум ва “10-даражали” нарсаларни эътиборга олмасдан, фантазияга берилмасдан, фолбинлик қилмасдан, ҳар ким ўз қаричи билан ўлчамасдан (ахир илмнинг ўлчанадиган ўз қаричлари бор!) юқоридаги ҳар икки бандда келтирилган далилларга эътибор берайликчи, наҳотки улар “стимул” билан “рағбат” ўртасида “ҳе” йўқ, “бе” йўқ “тенглик” белгисини қўйишга асос бўлса?!...

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, “стимул” сўзи луғавий жиҳатдан, аслида, “учли таёқ” маъносида ишлатилиши ва шуни англатиши лозим. Учли таёқнинг эса “қизиқиш туғдирадиган” ва “рағбатланти-радиган” жиҳатларидан кўра бошқа жиҳатлари ҳам бор. Хусусан, энг аввало, унинг “бошни силаш”га мўлжалланмаганлигини ҳаммамиз аниқ биламиз. Зеро, “учли таёқ” – оддий таёқ эмас. Айнан учли таёқ бўлганлиги учун ҳам унинг “қизиқиш туғдирадиган” ва “рағбатлантирадиган” жиҳатларидан кўра “ундайдиган” ёки “мажбур қиладиган” жиҳатлари анча устунроқдир. Ҳарқалай “учли таёқ”нинг “қизиқтириши” ёки “рағбатлан-тириши”дан кўра унинг кўпроқ “мажбур қилиш” салоҳиятига эга эканли-гига аминмиз.

Тўғри, эҳтимоли камроқ бўлса-да, ҳайвонларни қизиқтириш ва рағбатлантириш йўли билан ҳам ҳайдаш мумкин. Лекин шу тарзда иш тутилганда кўзланган мақсадга нисбатан кечроқ етиб бормаслигимизга ким кафолат беради? Бундай шароитда уларнинг, маълум даражада, “ўйинқароқ” бўлишлари – табиий. “Юки енгил келса – эшак эгасини тепади” ёки “Юки енгил бўлса – туя(нинг) бақироқ (ётоғи) келади”,- деган мақоллар доно халқимизда бекордан-бекорга айтилмаган. Улар исбот талаб қилмайди. Бу мақоллар бугунги куннинг ўзига хос аксиомасидир. Шунинг учун ҳам ҳайвонларни ҳайдашнинг бошқа йўли бор. Бу мажбурлаш йўлидир. Лекин ажабланарлиси шундаки, бу йўл уларни ҳайдашнинг иккинчи даражали йўли эмас, балки асосий йўли ҳисобланади. Албатта, биз бу ўринда бўлар-бўлмасга

мажбурлаш ёки доимий равишда мажбурлашни назарда тутаётганимиз йўқ. Аксинча, бу жойда ўрни келгандаги, мақсадга мувофиқ бўлгандаги ёки меъёрдаги мажбурлашни кўзда тутаётирмиз, холос. Кўзланган мақсадга тезроқ эришишнинг (ҳаммамиз шуни истаймиз-ку, ахир!) таъсирчан ва самарали йўлларидан бири шу йўл эмасмикан? Балки кўзланган мақсадга эришгунга қадар "учли таёқ"нинг "ундайдиган" ёки "мажбур қиладиган" жиҳатларидан фойда-ланиб, ундан сўнг эса унинг "қизиқиш туғдирадиган" ва "рағбатлантира-диган" томонларидан фойдаланиш керакдир?!...

Мамлакатимизда "учли таёқ" билан ҳамма ҳайвонлар эмас, балки, асосан, эшак ҳайдалади. У "учли таёқ" билан эмас, балки фақат оддий таёқ билан ҳайдалганда ҳам (эса) кўзланган мақсадга ўз вақтида ёки тезроқ етиб бориш – амри-маҳол. Бунинг учун айнан учли таёқдан фойдаланиш керак ва у Она тилимизда "халачўп" деб аталади. "Халачўп"га "эшак, туя каби ҳайвон-ларни ниқтаб, тезроқ юргизиш учун ишлатиладиган учли таёқча; хала", деб таъриф берилган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да (4-жилд, 379-бет).

Эшакни минганингизда қўлингиздаги таёқнинг бор-йўқлиги ёки таёқ учининг ўткир-ўткирмаслигига эшак "реакция"сининг қандай эканлигига ҳеч эътибор берганмисиз!? Қўлингизда таёқ бўлмаса – эшакнинг юриши ўзгача. У ўз ихтиёрича юради. Айрим ҳолларда, оёғингиз билан унинг қорнига қанчалик ниқтаманг, юриш у ёқда турсин, аҳён-аҳёнда, юриш давомида ўтлашни ҳам ўзига эп кўради. Таёғингиз бўлса – у бошқача юради. Таёғингизнинг учи ўткир бўлганда эса, у янада бошқачароқ, тезроқ юради. Борди-ю, таёқнинг учига Сиз махсус равишда мих қоқиб олганлигингизни сезса (сезади, албатта), унинг фикри-хаёли фақат Сизни тезроқ манзилингизга элтиб қўйишда бўлади.

"Стимул" сўзининг негизида яшириниб ётган унинг иқтисодий жиҳатларига эътибор бераётиб, бундай "антиқа" мисолни келтиргани-миздан, асло, хафа бўлманг. Бу ўринда муаллиф "айримлар"ни назарда тутаяпти ёки нимагадир шаъма қилаяпти, деб хавотирга ҳам тушманг. Келтирилган мисол нафсониятингизга ёки шахсиятингизга тегмасин. Ундан сиёсий хатони ҳам қидирманг. Бу ерда "коса тагида нимкоса" – йўқ. Ёки бу ерда биз "Қизим сенга айтаяпман – келиним сен эшит!" қабилида иш тутишдан ҳам жуда йироқмиз. Лекин не қилайликки, "стимул"нинг маъно-мазмунини "деҳқонча қилиб" тушунтириб беришда бундан-да қулайроқ, табиийроқ ва тушунарлироқ бўлган мисолни топаолмадик.

Эшак, ҳақиқатдан ҳам, XXI асрга аллақачон қадам қўйган бўлишимизга қарамасдан, қишлоқ жойларида ва айниқса, тоғли ҳудудлардаги қишлоқ жойларида асосий фойдали ишчи ҳайвон сифатида ҳамон қолмоқда. Унинг қилган меҳнати эътироф этилиб, "гўшти ҳаром бўлса ҳам меҳнати (хизмати) ҳалол" деб баҳо берилган бўлишига қарамасдан, бир вақтнинг ўзида, терисининг қалинлиги ҳам қайд этилмоқда. Терининг қалинлиги эса, ўз навбатида, унга нисбатан таъсирчанликни камайтиради. Шунинг учун ҳам эшак ҳаракатини тезлаштириш учун учли таёқдан – халачўпдан – фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Шу боис келтирган мисолимиздан тегишли

хулосани чиқариб, энди иқтисод субъектларига, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларига нисбатан ўрни келганда ва мақсадга мувофиқ бўлганда ёки меъёрда "стимул"нинг "мажбурловчи", "тезлаштирувчи", "йўналтирувчи", "илдамловчи", "ундовчи" ва ҳ.к. шу каби жиҳатларига эътибор берайликчи, вазият қандай бўларкин!?...

Яна бир фикр: ҳатто учқур отга минган чавандозни ҳам қамчисиз тасаввур этиб бўлмайди. Касби-кори мол боқиш бўлган чўпоннинг таёқсиз "кун кўриш"и – анча мураккаб. Усиз подани бошқариш – амри-маҳол. Эртадан-кечгача шода-шода пешона терини тўкаётган деҳқоннинг деҳқонлиги ҳам, охир-оқибатда, унинг "кетмон"и билан белгиланади. Айрим ҳолларда, кўзланган мақсадга эришишда, минг-минглаб қилинган панду-насиҳатдан кўз олдида юлдузчалар пайдо қиладиган даражада қулоқнинг тагига яхшилаб туширилган бир шапалоқ афзал. Манзилга тезроқ етиб боришни истайсизми – машинангизни аямасдан, ўз ҳолига қўймасдан мажбур қилишингиз, "газига тепишингиз" лозим. Тоққа чиқма-сангиз – дўлонага, жон чекмасангиз – жононага эга бўлаолмайсиз ва ҳ.к.

Умуман олганда, бизнинг фикримизча, "стимул" ва "рағбат", "стимуллаштириш" ва "рағбатлантириш" сўзлари ўртасида тенглик аломатини қўйиб бўлмайди. Шундай қилинса, бу масалага нисбатан бир томонлама, тор ёндошувни акс эттиради. Унда табиат ва жамият тараққиёти ҳамда ҳаёт фалсафасининг энг асосий қонунларидан бири бўлган қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг амал қилиши рад этилган бўлади. Ҳолбуки, бу ҳаёт қонунининг ҳаракатини рад этган "мард" дунёга келмаган ва келмагай ҳам.

Энг оддий тарзда айтилганда, "стимул" ва "стимуллаштириш" сўзлари маъно-мазмун ва моҳият жиҳатидан "рағбат" ва "рағбатлантириш" сўзларидан анча каттароқ, кенгроқдир. "Рағбат" "стимул"нинг, "рағбатлантириш" эса "стимуллаштириш"нинг бир қисми, холос. Айрим ҳолларда, сира иккиланмасдан айтиш мумкинки, "рағбат"нинг "стимул"га ва "рағбатлантириш"нинг "стимуллаштириш"га "айланиши" учун "етти қовун пишиғи бор". Шунинг учун ҳам "стимул" тўғрисида гапира туриб фақат "рағбат" назарда тутилса, ёки "стимуллаштириш" дейилганда фақат "рағбатлантириш" эътиборга олинса – бу, маълум маънода, нотўғри, асоссиз ва нари борганда, чала қарорнинг қабул қилинишига олиб келади. Бундай қарорларнинг ижросини таъминлаш эса, ўз навбатида, кўзланган натижаларни бермайди. Уларнинг юқорида қайд этилган жиҳатларига эътибор бермасдан "стимул"ни фақат "рағбат", "стимуллаштириш"ни эса фақат "рағбатлантириш" деб қабул қилганлигимиз учун ҳам балки бу борада қилаётган саъйи-ҳаракатларимиз, маълум даражада, бесамар кетаётгандир?! Иқтисодни, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривжлантиришнинг маълум бир (катта) заҳиралари шу ерда эмасмикан?!...

**Н.А.Ибрагимов –** СамИСИ, “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси профессори в.б., и.ф.д.

# РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда рақамли технологияларга асосланган иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни рақамлаштириш ҳолати таҳлил этилган. 2020 йилда устувор этиб белгиланган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ҳақида мулоҳазалар юритилган ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, амалий дастурлар.

**Аннотация:** Данная статья посвящена анализу состояния цифровизации экономических и социальных процессов. Приводятся суждения по вопросам создания необходимых технических и социальных условий для дальнейшего и ускоренного развития цифровой экономики.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, цифровые технологии, прикладные программы.

**Abstract:** This article is devoted to the analysis of the state of digitalization of economic and social processes. Judgements are given on the creation of the necessary technical and social conditions for the further and accelerated development of the digital economy.

**Keywords:** digital economy, digital technologies, applications.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида жорий йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” деб эълон қилинди. Бу ҳужжатда мамлакатимиз ҳозирги ривожланиш босқичи учун ўта муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилди. Йил номидаги илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт каби учта йўналиш юртимиз тараққиёти учун ўлкан аҳамият касб этади.

Менинг фикримча, бу йўналишлар орасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқалари учун локомотив, бошловчи бўлиши керак. Чунки илм ривожини, маърифат тарқатишни рақамли технологияларсиз, уларнинг ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Охирги йилларда рақамли технологиялар шиддат билан юртимиз ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларига, ҳар бир корхона, оила ва фуқаро ҳаётига кириб келмоқда. Шундай бўлсада, рақамли технологиялар жорий қилиш даражаси мамлакатимизда ривожланган мамлакатларидан анча орқада қолмоқда.

Халқаро электр алоқа уюшмаси маълумотларига кўра ер шарининг 40 фоиз аҳолиси Интернет алоқа тизимига уланмаган, фақат аҳолининг ярми кенг йўлакли (оптик толали) Интернетдан фойдаланишмоқда.

Рақамли технологияларни барқарор мобил ва Интернет алоқасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 21,0 млн.га яқин

Интернет алоқа абонентлари мавжуд, ундан 18,0 млн. абонент мобил алоқа орқали уланган.

Бу ҳолатни яхшилаш, халқимиз ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида рақамли технологиялар имкониятларидан янада кенг фойдаланиш мақсадида бир қатор муҳим инфратузилма шароитлари яратилиши ва ривожлантирилиши талаб этилади.

Бирламчи шароит барча ҳудудларда Интернет алоқаси мавжудли ва унинг тезлиги. Самарқанд вилояти ҳудудида Интернет ва уяли телефон алоқаси даражаси қониқарсиз.

Вилоятимизда ўрнатилган мобил алоқа база станцияларидан атиги 57 фоизи 4G платформасига асосланган, ҳанузгача 50 та станция ёки барча станцияларнинг 12 фоизи 2G платформасида ишлаб келмоқда. Уяли мобил ва Интернет алоқа воситалари аҳолимизнинг 40 фоизидан ортиқ қисми истикомат қилаётган қишлоқ ҳудудларида айниқса суст даражада қолмоқда.

Аҳоли хонадонларида, ижтимоий объектларда, корхона ва ташкилотларда юқори тезликли барқарор Интернет алоқаси бўлмаса, рақамли технологияларга асосланган хизматлар кўрсатиш, алоқа алмашинуви сифати пасаяди ва, натижада, рақамли иқтисодиёт етарли самара бермайди, кам вақт ва ресурс сарфи билан кутилган натижага эришилмайди.

Мамлакатимизда 2020 йил мобайнида Интернет тезлигини 2 баробарга ошириш ва барча мактаблар, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари (қарийб 20 минг объект) юқори тезликли оптик тола алоқаси орқали Интернетга уланиш вазифаси белгиланган.

Иккинчи муҳим шароит рақамли технологиялар имкониятларини амалга оширадиган мобил иловалар ва амалий дастурларнинг етарли эмаслигидир. Рақамли технологиялар ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг алоҳида ва тез ривожланаётган соҳасига айланиб улгурган. Ўтган йилда бу соҳа АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизини ташкил этган, мамлакатимизда эса атиги 2 фоизига тенг бўлган.

Мурожаатномада 1 миллион дастурчи тайёрлаш каби муҳим вазифа белиганган. Маълумки аҳолимиз сони 34,0 миллионга етиб, унинг 60 фоизидан ортиғи ёшлар ташкил этади ва аҳолимизнинг ўртача ёши 28,8 ёшга тенг. Бу ҳолат эса информацион жамият қуриш учун жиддий асос бўла олади. Дастурчилар тайёрлаш бўйича Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирлиги ҳамкорликдаги лойиҳани амалга оширишга киришишди. Унга асосан Ягона масофавий ўқитиш портали орқали рақамли билим ва маҳоратларни АҚШ нинг етакчи компаниялари ўқув дастурлари ёрдамида барча хоҳловчиларга ўргатилади.

Рақамлаштириш жорий йилда қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соқлиқни сақлаш, таълим ва архив соҳаларида амалга оширилиши белгиланган. Рақамли технологияларга ўтишда маҳаллий ёндашишлар ва миллий қонунчиликка асосланган амалий дастурлар ишлаб чиқш ва уларни ҳар бир аниқ объектга мослаштириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини рақамлаштириш жадал ривожланаяпти, хизмат турлари ва уларнинг сифати яхшиланиб бораяпти. Умумий овқатланиш корхоналарида кенг қўлланилаятган R-Keeper каби мижозлар ва официантлар кесимида электрон ҳисоб-китоб юритадиган тизим, турли идораларда хизмат турларига қараб навбат белгилайдиган электрон хизмат, тиббиёт муассасаларида беъмор электрон карталарини юритиш, аҳолига электр энергияси билан таъминлаш электрон тизими рақамлаштириш жараёнининг яққол мисоллари бўла олишади.

Рақамлаштириш жараёнлари янада жадал ва кенг қамровли бўлиши учун жуда турли-туман ва янги иловалар ишлаб чиқилиши зарур. Аҳоли учун мобил иловалар ўта оддий бўлиши, махсус тайёргарликсиз ва саноқли қадам (процедура) лар ёрдамида у ёки бу операцияни бажара олиши керак. Масалан, электрон тўлов дастурларидан ҳозирги кунда мавжуд Click, Payme иловаларига нисбатан Humo карталарини фойдаланган ҳолда ишлатиладиган илова тўловларни янада осон ва тез амалга оширишга хизмат қилади. Бу Smart (ўйловчи) технологиялар қаторига кириб, мобил телефонга ўрнатилганда масофадан туриб ҳам пластик картадаги маблағдан тўловни амалга ошира олади.

Рақамли технологияларни жадал ривожлантириш уучун мавжуд халқаро институтлар грантлари, тараққиёт агентликларининг техник ёрдам маблағларини жалб этиш, бу жараёнга барча давлат ва нодавлат муассасаларни жалб этиш рақамли иқтисодиёт ривожига, демак, мамлакатимиз ривожига хизмат қилади.

**Ш.С.Олтаев** – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

## БАНДЛИК СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация**. мақолада аҳолини иш билан таъминлаш, яъни бандлик сиёсати ва унинг асосий йўналишларининг назарий жиҳатлари, Ўзбекистондаги бу борадаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** аҳоли бандлиги, бандлик сиёсати, меҳнат бозори, ишсизлик, бандликни тартибга солиш, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ).

**Аннотация.** В статье рассматриваются теоретические аспекты политики занятости населения, её основные направления, а также проблемы в этой сфере в Узбекистане и пути их решения.

**Ключевые слова:** занятость населения, политика занятости, рынок труда, безработица, регулирование занятости, Международная организация труда (МОТ).

**Abstract:s.** There is discussed in the article the theoretical aspects of employment policy, its main directions, as well as the problems of Uzbekistan this sphere and the ways of its solution.

**Keywords:** employment of population, employment policy, labor market, unemployment, employment regulation, International labor organization (ILO).

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда тўлиқ бандликка эришиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Лекин шунга қарамай

аҳолини иш билан банд қилиш муаммоси ҳамон сақланиб келинмоқда. Шунинг учун аҳоли бандлигини муайян даражада барқарор ушлаб туриш ҳар қандай мамлакат олдида турган мураккаб вазифалардан саналади. Бандлик соҳасида бозорнинг ўзини ўзи автоматик суратда тартибга солиш жараёнига таъсири ҳар доим ҳам сезилмайди. Шу сабабли бозор иқтисодиётига йўналтирилган барча мамлакатларда доимий, бандлик соҳасига таъсир кўрсатиш шакллари ва воситалари жиҳатидан эгилувчан чораларни қўллаш асосида бандликни тартибга солиш сиёсати амалга оширилмоқда. Аҳолининг тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлаш ҳар қандай демократик жамиятнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ҳозирги кунда аҳолининг бандлик муаммосини ҳал қилишнинг учта кўриниши мавжуд:

биринчидан, давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотларга иш излаётганларни жалб этиш;

иккинчидан, хусусий шахсларга тегишли бўлган корхоналарга иш излаётганларни жалб этиш;

учинчидан, ўз-ўзини иш билан банд этиш.

Барча йўналишлар бўйича ишга жойлаштиришга асосан олий маълумотли мутахассисларга эътибор қаратилади. Чунки, маълумоти йўқ аҳоли билан тизимли равишда ишга жойлаштириш масаласи билан шуғулланадиган ташкилотлар деярли мавжуд эмас.

Мамлакатимизда барча банд аҳолининг камгина қисми олий маълумотли мутахассисларни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич 2014 йилда 32.8фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб 35 фоизга етган[1] .

Бандлик соҳасидаги давлат сиёсати иккита асосий вазифани ҳал қилишга қаратилган:

биринчидан, амалдаги инвестицияланаётган капиталнинг ишчи кучига бўлган эҳтиёжини қондириш. Жадал ва фойдали амал қиладиган капитал - ишчи кучидан самарали фойдаланишнинг энг муҳим далилидир;

иккинчидан, меҳнатга лаёқатли аҳолини кишиларнинг меъёрдаги ҳаёт кечиришларининг муҳим шарти сифатида иш жойлари билан таъминлаш. Аҳолининг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатнинг анъанавий вазифаси ҳисобланади.

Давлат меҳнат бозорида икки турдаги сиёсатни амалга ошириши мумкин:

биринчидан, пассив сиёсат иш излаётган фуқароларни руйхатга олиш, ишсизлик нафақасини тайинлаш, уни тақдим қилиш тизимини ташкил этиш, ишсизлар ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлашнинг пулсиз шаклларини амалга ошириш билан чекланади;

иккинчидан, давлатнинг меҳнат бозоридаги актив сиёсати бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қилаётган аҳоли эҳтиёжларига кўп даражада жавоб беради. Унинг мақсади меҳнат қилишни истаган ҳар қандай инсон ўз талабларига мос иш жойини топишидан иборат. Тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилган актив сиёсат олиб бориш ривожланган мамлакатлар

меҳнат бозоридаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Меҳнат бозори ва иш билан бандлик назариясининг мақсади мазкур соҳаларда рўй бераётган воқеа ва жараёнларни илмий ҳолда ифода этишдир. Бу назария амалий аҳамиятга эга: у мазкур соҳаларга оид билимларни интеграциялаштирар ва умумлаштирар экан, уларни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва инсон ҳаёти фаолиятининг бошқа жаб- ҳаларида реал тарзда намоён бўлишига хизмат қилади.

Меҳнат бозори ва иш билан бандлик назарияси унинг вазифаларида конкретлашади. Бу меҳнат бозори ва иш билан бандлик ривожланиши қонуниятлари ва тенденцияларининг таҳлили асосида мазкур соҳа- ларнинг туб муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари ва усуллари юзасидан илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш, меҳнат бозори самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган моделлар ишлаб чиқиш, меҳнат ресурслари прогнозлари асосида мамлакат ва минтақани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш истиқбол режаларига аниқ- ликлар киритиш бўйича хулосалар тайёрлашдан иборатдир.

Меҳнат бозорида фаол сиёсатни амалга ошириш минтақаларда иқтисодиёт таркибий ўзгаришлар ва уни тартибга солишнинг самарали усулларини шакллантириш билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда иқтисодий фаол бўлмаган аҳолининг умумий аҳолидаги улуши йилдан йилга камайиб бормоқда. Агар 2014 йилда ушбу аҳолининг улуши 25.2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 23.1 фоизга тенг бўлди[1] .

Меҳнат бозорларида бошқа бозорлардагидан фарқли равишда истеъмолчи эҳтиёжини қондирадиган товар эмас, балки муайян маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) учун талаб этиладиган ишчи кучи харид қилинади. Яъни ишчи кучига талаб товар ва хизматларга талабдан келиб чиқади, бу эса меҳнат бозори товар бозорлари билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Айни пайтда ишчи кучига талаб капитал бозоридаги ҳолат инвестиция муҳитидан ҳам келиб чиқади. Меҳнат ва капитал бир-бирини тўлдира олувчи ва бир-бирининг ўрнини боса олувчи ишлаб чиқарувчи омиллар хисобланади.

Иқтисодий адабиётларда шахснинг иш билан бандлиги сифати ҳамда жамиятдаги иш билан бандлик сифати тадқиқ этилади. Лекин айрим тадқиқотчилар иш билан бандлик сифатига иш билан бандлик шароитлари ва инсон салоҳиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан ёндашсалар, бошқа изланишларда шахс ёки ижтимоий гуруҳ, турмуш даражаси, шунингдек иш билан бандлик хусусиятида намоён бўладиган хусусиятлар таҳлил этилади.

Фикримизча, иш билан бандлик сифатига ёндашувлардаги бундай фарқларга қарамай, мазкур тушунчанинг аниқ кўрсаткичлар тизими мавжуд:

биринчидан, иш билан банд ходим даромадининг даражаси. Бу даромад Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ҳужжатларида қайд этилганидек, фақат ходимнинг эмас, шунингдек унинг оила аъзолари эҳтиёжлари энг кам миқдори ҳамда иш кучини ҳосил этиш (таълим олиш, касб эгаллаш,

саломатликни сақлаш ва хоказолар) учун етарли бўлиши лозим;

иккинчидан, оилада жон бошига тўғри келадиган даромаднинг харид қобилияти;

учинчидан, ижтимоий меҳнат унумдорлиги даражаси. Мазкур кўрсаткичнинг умумэътироф этилган мезони - иқтисодий фаол аҳоли бирлигига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми мавжуд;

тўртинчидан, меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги солиштирма улуши. Бу ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида иш билан бандлик соҳасидаги иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим индикаторларидан бири ҳисобланади;

бешинчидан, меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатдошлиги даражаси.

Иқтисодиётни модернизациялаш босқичида Ўзбекистонда актив бандлик сиёсатига ўтиш ҳаётий заруратдир. Актив бандлик сиёсати - бу давлат томонидан ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида олиб бориладиган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар йиғиндисидир. Бу сиёсат иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида ишчиларни кутилаётган бўшатишлардан огоҳлантириш; иш излаётганларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; янги иш ўринларини яратишни молиялаштириш; иш ўринларини излаш ва танлаш; жамоат ишларини ташкил этиш тизими орқали янги иш ўринларини яратиш ва бошқаларни қамраб олади.

Кичик ва ўрта бизнес янги иш ўринлари яратиш мумкин бўлган соҳа бўлиши билан бирга қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Бу соҳа ишчилардан юқори малака талаб қилмайди ва иш тартиби етарли даражада эгилувчан бўлганлиги боис аёлларни иш билан таъминлаш даражасини ошириш имконини беради. Шунга қарамасдан, давлатнинг бандлик соҳасида олиб бораётган сиёсати фақат шу соҳа билан чегараланиши мумкин эмас. Шунинг учун аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган сиёсатни қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, инсон ресурсларини янада фаолроқ ривожлантириш;

иккинчидан, фуқароларнинг янги иш жойлари ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш борасидаги тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

учинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш излашда қийналаётган фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи махсус тадбирлар ўтказиш;

тўртинчидан, янги иш ўринлари ятатётган ва мавжудларини сақлаб қолаётган иш берувчиларни рағбатлантириш;

бешинчидан, аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган фаолиятни ижтимий-иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишларида олиб борилаётган фаолият билан мувофиқлаштириш;

олтинчидан, ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ҳам таркибий, ҳам касбий жиҳатдан балансланшувига доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

еттинчидан, қишлоқ жойларда ишчи кучи ҳаракатланиши ва

малакасини оширишни рағбатлантириш, шунингдек, уй-жой бозорининг шаклланишини тезлаштириш;

саккизинчидан, янги иш ўринларини яратиш сураътларини аҳоли ўсиш суръатларига яқинлаштириш;

тўққизинчидан, аҳолини иш билан таъминлаш ва ишчи кучи миграцияси муаммоларини ечишда халқаро ҳамкорликни (кўпроқ МДҲ мамлакатлари билан) ривожлантириш, меҳнат мигрантларини ҳар томонлама ҳимоялашни йўлга қўйиш.

Хулоса қилиб айтганда, бандлик муаммосининг ўз ечимини топиши, мамлакатимизда аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатининг оширилишига ҳам эришилади, натижада том маънода халқнинг эртанги кунга ишончини ва давлатдан рози бўлиб яшашлигини таъминлайди.

## Адабиётлар руйхати:


1. Узбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: «Узбекистон», 2010. -46-б.
2. Узбекистон Республикасининг «Ахолини иш билан таъминлаш тутрисида»ги конуни. // Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 4-сон, 175- модда.
3. Узбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси. - Т.: «Иктисодиёт ва хукук дунёси», 2004.
4. Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чикариш ва хиз- матлар уртасида кооперацияни кенгайтиришни ратбатлантириш чора-тадбирлари тутрисида»ги ПФ-3706-сонли Фармони. // Узбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2006 й., 1-сон, 1-модда.
5. Узбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини куллаб-кувватлаш, уларнинг баркарор ишлашини таъ¬минлаш ва экспорт салохиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тутрисида»ги ПФ-4058-сонли фармони. // Узбекистон Республикаси конун хужжатлари туплами, 2008 й., 49-сон, 477-модда.



**С.Н.Хамраева –** ҚарМИИ, "Иқтисодиёт" кафедраси доценти, и.ф.н.,
**Ш.Х.Хасанов–** ҚарМИИ кафедраси катта ўқитувчи


# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЭЛЕКТРОН САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ


**Аннотация:** рақамли иқтисодиёт шароитида электрон савдонинг аҳамияти, афзалликлари, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда унинг тутган ўрни ёритиб берилган.



**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, электрон савдо, электрон тўлов тизими, рақобат.



**Аннотация:** подчеркнута важность, преимущества и роль электронной торговли в условиях цифровой экономике.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, электронная торговля, электронная система платежей, конкуренция.

**Abstract**: The importance, advantages and role of electronic commerce in the digital economy are emphasized.

**Keywords:** digital economy, e-commerce, electronic payment system, competition.

Инновацион ва рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, ахборот технологиялари ва интернет тармоқлари орқали истеъмолчилар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада эркинлаштириш, унинг ҳажмини кескин ошириш, ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, савдо хизматини кўрсатиш шаффофлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг савдоларда тенг имкониятларини таъминлаш, айниқса давлат харидлари тизимида электрон савдолардан фойдаланиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек "Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат– коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор".[1]

2020 йил мамлакатимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши республикада электрон тижоратни янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Электрон тижоратда маҳсулотларни сотиб олиш –бу янги ахборот технологиялар, телекоммуникацион технологиялар ва техник воситаларга асосланган савдо тизимидир. У харидорга маълум стандартлар ва савдо қонун-қоидалари асосида фирма ва маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларни ва тадбиркорлар билан мулоқотни таъминлаб бериб, харидорга кўпроқ маҳсулотлар танлаш имконини берувчи тизим. Бунда савдо жараёни харидорнинг қайси вақтда ва қайси жойда бўлишига боғлиқ эмас.

Ҳозирги вақтда электрон савдо бизнес юритишнинг энг замонавий шакли бўлиб, ишлаб чиқарувчиларга, тадбиркорларга чиқимларни қисқартириш, товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, уларни охирги истеъмолчига етказиш суръатини тезлаштиради.

Электрон савдо ёрдамида қўшимча буюртмачиларни жалб қилиш ҳисобига даромадларни ошириш, товар ва хизматлар таннархини

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// Халқ сўзи № 19. 25.01.2020 й.

камайтириш, товар ҳаракати жараёнини қисқартириш, хизматлар сифатини яхшилаш имконияти мавжуд.

Ахборот коммуникация технологиялари хизматлари аҳоли турмушида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида ўрни ортиб бормоқда. Ахборот технологияларини жорий этиш натижасида иш юритиш маданиятининг электрон кўриниши шаклланади, масофа қисқаради, меҳнат унумдорлиги ошади ҳамда тармоқларнинг иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсир этади. Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари асосида янги турдаги электрон тижорат, банк хизматларини кўрсатиш, электрон тўловлар тизими ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар самарадорлигини ошириш учун кенг шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Электрон савдо тизими ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов операциялари тезкор бажарилади, буюртмачилар ва маҳсулот етказиб берувчилар ўртасидаги ҳамкорлик амалга оширишда бир қатор қулайликларга эга бўлади. Қолаверса, тадбиркорлар замонавий ахборот технологиялари хизматларига эга бўлиб, дунёнинг исталган давлатидан ўзларига ҳамкорлар топиши, маҳсулот ва хизматларини жаҳон бозорига олиб чиқишлари учун янги йўналишлар очилади.

Ҳозирги кунда электрон тижоратнинг асосий маҳсулотлари озиқ-овқат, ишлаб чиқариш ва информацион маҳсулотлар ҳисобланади. Умуман олганда, фирма фаолиятини рақамли кўринишда олиб борилиши янгилик эмас. Корхоналарда комьютерларнинг ишлати-лиши фирмалар фаолиятини енгиллаштирган бўлса, интернетнинг пайдо бўлиши электрон тижорат соҳасининг кучайишига олиб келди. Дастлаб катта корпорациялар интернетни тижорат мақсадида ишлатган бўлса, кейинчалик кичик фирмалар ҳам унга эҳтиёж сеза бошлади.

Электрон тижорат бу нафақат электрон воситалар орқали савдо-сотиқ фаолияти, балки товар ва хизматларга талабни яратиш, савдо амалга оширилгандан сўнг мижозларга қўшимча хизматлар кўрсатиш, ҳамкорлар орасида ўзаро ҳаракатларни енгиллаштиришлар ҳам киради. Электрон тижоратда давлат, хом-ашё етказиб берувчилар, сотувчилар, истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар иштирок этиши мумкин. Электрон тижорат корпоратив, интернет ва тижорат тармоқлари ичида амалга оширилади.

Интернет электрон тижоратнинг бутун дунёда тарқалиши учун қулай замин яратган бўлсада, электрон тижорат ривожланишининг ахборот технологиялари нуқтаи назаридан бу восита оптималлик ўрнини эгаллаб олмайди. Бироқ айнан интернет электрон тижорат ривожланишига катта туртки бўлди ва нафақат катта корпорациялар, балки кичик ва ўрта тадбиркорларга ва алоҳида шахсларга хам ушбу тижоратнинг бевосита иштирокчисига айланиш имконини берди. Бу билан товар ва хизматларни етказиб берувчилар ва истеъмолчиларнинг тобора кенгроқ доирада жалб этилаётганини таъминланади. Кундан кунга электрон тижорат орқали товарларни айирбошлаш, товар ва хизмат турлари кенгайиши билан давлатлар, давлат муассасалари, корхоналар ва шахсларни ўзаро

ҳамкорлигини амалга ошириш имконини яратиб, бир ҳамжамиятга бирлаштирди, телекоммуникацион технологиялар тўсиқларсиз самарали ҳамкорлик амалга ошириш учун замин яратади.

Фикримизча электрон савдонинг асосий афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- харидорлар ўзига қулай вақт, жой ва тезликда маҳсулотни танлаш ва сотиб олиш имкониятига эга бўладилар;

- савдо-сотиқ фаолиятини иш фаолияти билан бирга параллел равишда, яъни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олиб бориш имконияти пайдо бўлади;

- кўп сонли харидорларнинг бир вақтнинг ўзида бир нечта ишлаб чиқарувчиларга мурожаат қила олиш имкониятининг вужудга келиши;

- харидорнинг яшаш жойи, соғлиғи ва моддий таъминланиш даражасидан қатъий назар ҳамма қатори тенг ҳуқуқли маҳсулот сотиб олиш имкониятининг мавжудлиги;

- жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулотларни танлаш ва сотиб олиш имкониятининг мавжудлиги;

-керакли маҳсулотларни тезликда излаб топиш ва ушбу маҳсулотлар мавжуд бўлган корхоналарга мурожаат қилишда ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш имконияти ва ҳоказо.

**Ш.О.Кувандиков –** СамИСИ докторанти, и.ф.н.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақола хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолати ва хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш тенденциялари хусусан, ушбу соҳадаги оилавий корхоналар фаолияти тадқиқ этилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифлар берилди.

**Калит сўзлар:** оилавий тадбиркорлик, хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатиш, сервис, иқтисодий фаолият, ҳудуд.

**Аннотация:** статья посвящена исследованию состояния и специфики организации семейного предпринимательства в сфере услуг. Рассмотрены тенденции развития сферы услуг по видам экономической деятельности. В особенности деятельности семейных предприятий в этой сфере. Определены меры по развитию семейного предпринимательства в сфере услуг.

**Ключевые слова:** семейного предпринимательство, сфера услуг, обслуживание, сервис, экономической деятельности, регион.

**Abstract:** The article is devoted to the study of the state and specifics of the organization of the family business in the service sector. Trends in the development

of the service sector by type of economic activity are considered. In particular, the activities of family enterprises in this area. Measures for the development of family entrepreneurship in the service sector are identified.

**Keywords:** family business, service sector, service, economic activity, region.

Сервис соҳасининг барқарор ривожланиши аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва иш билан бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора тадбирларнинг мазмун моҳияти айнан шу мақсадларни кўзда тутади. Шу боис мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегия-сида мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлан-тиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат этиб белгиланган[1]:

- хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш;
- ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш;
- кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон қарорида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга оид муҳим амалий чора-тадбирлар белгилаб қуйилган.

Мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланишида ушбу соҳанинг ЯИМдаги улуши 2017 йил якунларига кўра 47,3 [2] фоизни, соҳада банд бўлганлар иқтисодиётда банд бўлганларнинг 38 [3] фоизини ташкил этган. Хизматлар соҳасининг тараққиётида оилавий тадбиркорликнинг ҳам ўрни бор. 2017 йил маълумоти бўйича мамлакатимизда 8689 та оилавий корхоналар мавжуд бўлиб, улар сони 2013 йилдаги 424 тага нисбатан 36,6 фоизга ошган. Уларнинг товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушуми шу даврда 679320,3[4] млн.сўмни ташкил этиб, битта оилавий корхонага ўртача 27,6[5] млн сўмни ташкил этган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича оилавий корхоналарда товар ва хизматлар сотишдан тушган соф тушум ҳажми таҳлил қилинганда 2017 йилда оилавий корхоналарда махсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушумнинг 40,8 фоизи саноат тармоғи, 33,1 фоизи савдо, 11,1

---

[1] Ушбу йўналишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги 2017 йил 7 февраль, ПФ – 4947-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сон қарорида келтирилган.

[2] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитаси маълумотлари (www.stat.uz)

[3] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

[4] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитаси маълумотлари (www.stat.uz).

[5] Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитаси маълумотлари (www.stat.uz)

фоизи яшаш ва овқатланиш, 3,3 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 3,0 фоизи қурилиш, 0,8 фоизи ташиш ва сақлаш, 7,9 фоиз бошқа иқтисодий фаолият турлари билан шуғулланувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келади (1-расм). Ушбу келтириб ўтилган фаолият турларини ишлаб чиқариш (44,1 %), хизматлар (48 %) ва бошқа фаолият турлари (7,9 %) бўйича умумлаштириб ҳисоблаганда номутаносиб тенденцияни кузатиш мумкин. Бу эса оилавий тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги имкониятлари ва шарт-шароитларини ўрганишни зарурат этади.

Оилавий тадбиркорлик фаолият турлари бўйича савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари салмоқли улушга эга. Бу фаолият тури таснифи оилаларга қарашли бўлган савдо расталари ва дўконлар, умумий овқатланиш (турли хил тансиқ таомлар тайёрлаш, корхона ва ташкилотлар томонидан ҳар хил байрам столларини ва аҳолининг тўй ва маросимларини ташкил этиш), Мазкур фаолият соҳаларида оилавий тадбиркорлик субъектлари аҳолига турли хизматлар кўрсатишда етакчилик қилмоқда. Унинг улуши 44,2 фоизни ташкил этган (1-расм).

Ҳозирги вақтда Республикамизда уй-жой қурилиши ва комунал комплексида ислоҳатлар жараёни кечиши муносабати билан оилавий тадбиркорлик субектлари томонидан айнан шу соҳаларда ҳам аҳолининг таъмирлаш-қурилиш хизматларига бўлган эҳтиёжлари у ёки бу даражада қондирилмоқда. Айтиш жоизки, бу ишлар кўлламида бажарилган хизматлар салмоғи ҳали етарли эмас. Бу каби фаолият турлари ҳисобига оилавий корхоналарнинг иш ва хизматлар кўрсатишдан тушган соф тушуми 3 фоизни ташкил этган (1-расм). Бироқ, яқин истиқболда бу йўналишдаги ислоҳотларнинг фаол кечиши ҳисобига аҳолининг уй-жой қурилиши ва коммунал хизмат турларига бўлган эҳтиёжлари муносиб қондирилиши кутилади.




**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

**1-расм. Ўзбекистонда 2016 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича оилавий корхоналарда махсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум ҳажми** (%да)

Табиийки, оилавий тадбиркорлик ўз ўрнини аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, ташиш ва сақлаш соҳаларида ҳам топмоқда. Бу фаолият тури маданий–маиший ва оила хўжалиги ускуналарини ижарага бериш, таъмирлаш, аҳолига юқори савияда транспорт хизматини кўрсатиш, хонадонларга зарур хўжалик буюмларини (хўжалик ва маданий маиший жиҳозлар, асбоб-ускуналар), мебел, қурилиш материаллари, иътемол товарларини етказиб бериш, енгил транспорт воситаларини таъмирлаш, озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш, деҳқончиликда картошка, сабзовот, мевалар ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва сақлаш, маҳсулдор ҳайвон ва ўсимликларни сақлаш каби хизмат турларини қамраб олади. Бу фаолият тури ҳисобига 0,8 фоиз соф тушум тўғри келган (1-расм).

Булардан кўриниб турибдики оилавий корхоналар умуман олганда, мамлакат бўйича кенг қамровли ва ижтимоий зарур хизматларни кўрсатиш билан шуғулланмоқда. Бунда, айнан кўп сонли оилавий корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олган. Бундай турдаги оилавий корхоналар бошқа корхоналар билан биргаликда аҳолига кўрсатилаётган моддий ва номоддий хизмат турларини ташкил этади. Моддий хизматларга, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат ва уй-жой комунал хўжалиги киради. Оилавий корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар инсонни турли хил моддий эхтиёжларини қондиришни таъминлайди. Оилавий корхоналар иш фаолиятида асосий ўринни воситачилик эгаллайди, яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиб беришни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожланишида қуйидаги тенденциялар кузатилмоқда:

- инновацион иқтисодиёт шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тез сураътларда ўсиб, барча соҳа ва тармоқларнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бунда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида оилавий корхоналар сонининг кўпайиши, рентабелли корхоналар улушининг ортиши, соҳада банд бўлганлар сонининг ўсиши каби ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Шундай экан, ушбу соҳада оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини баҳолаш мақсадида статистика амалиётида оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига доир маълумодларни, хусусан жами хизматлар ҳажмидаги улуши ҳамда хизматларнинг турли йўналишлари бўйича маълумотларни даврий нашрларда эълон қилиб борилишини таклиф этамиз;

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари ва хусусиятлари турли фаолият соҳаларида турлича кечмоқда. Бироқ бу фаолият турларининг ҳар бири учун оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини баҳолаш мезони ва методикаси ҳамон мавжуд эмас. Шу мақсадда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг турли йўналишлари бўйича оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳисоблаш методикасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Нилуфар Шарипова –** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси 1-босқич таянч докторанти

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ ВА ЭЛЕКТРОН ҲАМЁНЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

**Аннотация:** Маърузада Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётга ўтишда электрон тўлов тизимларининг фаолияти йўлга қўйилиши, электрон ҳамёнларнинг ишлаш принциплари ҳамда уларнинг қонунчилик асослари ва амалиётдаги ҳолати, шунингдек, бу борада ечимини кутаётган амалий масалалар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** электрон тўлов тизимлари, электрон ҳамёнлар, электрон пуллар, электрон тўлов тизими иштирокчилари.

**Abstract.** This article analyzes principle of operation of electronic payment systems in the transition to digital economy, as well as electronic wallets, their legal basis in Uzbekistan, and besides that, the problems related to the use in practice are presented.

**Key words:** Electronic payment systems, electronic wallets, electronic currency, users of electronic payment systems.

Электрон тўлов тизимлари интернет орқали товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга оширишда ташкилот ва харидорлар ўртасида ҳисоб-китоблар учун фойдаланилади. Бу каби тизимларнинг ишлаши учун ўз товар ва хизматларини сотувчи ташкилотлар тўлов сифатида электрон пулларни қабул қилишга рози бўлишлари талаб қилинади. Анъанавий тўлов тизимлари накд пул, банк ўтказмалари орқали, тўлов талабномалари орқали тўловларни ўзида акс эттиради. Ривожланиб бораётган Е-тижоратнинг асосий инструменти ҳисобланувчи электрон пуллар анъанавий тўлов усулларига нисбатан жуда кўп устунликларга эга. Электрон тўлов тизимлари жаҳон амалиётида ўз-ўзига “марказий банк” бўлиб ҳисобланади, шунингдек, техник провайдер, кузатувчи ва қонунчилик органи вазифаларини ўзи бажарганлиги туфайли қоғозбозликни йўқолишига олиб келади. Сўнгги пайтларда электрон пуллар техникавий савияси юқори бўлган фойдаланувчилар орасида оммавийлашиб бормоқда. Бундан ташқари, электрон пуллар пулни аноним ва верификациясиз ўтказиш имконияти мавжудлиги сабабли, оффшор ташкилотларнинг молиявий битимларини амалга оширишда кенг қўлланилади. WesternUnion ташкилоти биринчи бўлиб 1871-йилда илк электрон тўловни амалга оширган деб ҳисобланилади. Бу тўлов ҳозиргидан фарқли ўлароқ, телеграф орқали амалга оширилган эди[1].

Электрон пул ўтказмаларида мижоз, товар ва хизматларни сотувчи ташкилот ҳамда эмитент иштирок этади. Энг биринчи бўлиб мижоз эмитентга реал пул маблағини ўтказиб беради, эмитент эса ўзи олиб қоладиган комиссия фарқи билан шу суммадаги электрон пулни мижозга ўтказиб беради. Мижоз

[1] http://atnews.org

электрон пулларни уларни қабул қилишга тайёр бўлган сотувчи ҳисобрақамига ўтказиб беради. Сотувчи ушбу электрон банкноталарни эмитент ҳисобрақамига ўтказиб, ундан комиссия фарқи билан шунга мос реал пулларни олади. Буни 1-расмдаги схема мисолида ифодалашимиз мумкин.




**1-схема. Электрон пуллар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёни.**

Энди ушбу битимнинг ҳар бир томон учун фойдали жиҳатларини ўрганиб чиқамиз: сотувчи пулларни муомалада айлантириш ва сақлаш харажатларини тежади, мижоз сотувчи тежаган маблағ миқдорида паст таннарх билан товар ва хизматларни сотиб олди, эмитент эса комиссия маблағларидан фойда кўрди. Электрон пуллар – бу рақамли нақдликлар бўлиб, реал валютага эквивалент сифатида тақдим қилинувчи электрон файллар кўринишида бўлади ва ЭТТ фойдаланувчилари томонидан бошқарилади. Бу пуллар электрон воситада сақланиб, онлайн тўловлар ва ўтказмаларга хизмат қилади. Электрон пулларни эмиссия қилувчи ташкилот уларнинг одатдаги пулларга алмашинувини кафолатлайди ва таъминлайди. Бу пуллар нафақат тизим ичида, балки ташқи контрагентлар билан ҳисоб-китобларда ҳам тўлов воситаси бўлиб ҳисобланади. Электрон пуллар худди анъанавий пуллар билан бир хил қийматга эга, фақат улар интернетдагина мавжуд. Электрон пулларни қоғоз пулларга алмаштириш ёки аксинча қоғоз пулларни электрон пулларга алмаштириш жуда осон амалга оширилади. Кредит карталар электрон пулларга алоқадор эмас, чунки банк карталари билан амалга ошириладиган ҳамма операциялар одатдаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали амалга ошади. Электрон пулларнинг одатдаги пуллардан афзалликлари ва камчиликлари ҳам мавжуд. 2-расмда электрон пулларнинг афзфлликлари ва камчиликлари санаб ўтилган.

Электрон пуллар сақлаш харажатларини талаб қилмайди деб ўтдик. Чунки бундай пуллар электрон ҳамёнларда сақланади. Электрон ҳамён ёки e-wallet – бу электрон пулларни сақлашга ва бир тўлов тизими доирасида ишлатишга мўлжалланган дастурий таъминотдир. Электрон ҳамёнлардаги пулларнинг хавфсизлигига келадиган бўлсак, барча электрон тўлов тизимлари хавфсизлик билан етарли таъминланган. Лекин ҳар бир иштирокчи ўз маблағларининг хавфсизлигини ўзи таъминлаб, уни кибермайдонда иштирок этувчи чайқовчилардан максимал ҳимоя қилиши зарур. Шунинг учун ҳам электрон ҳамён учун максимал ҳимояланган дастурий тизимни танлаш керак.

Ҳозирги пайтда энг оммавий электрон ҳамёнлар бўлиб PAYEER тўлов тизими, Advcash электрон ҳамёни, Perfect Money электрон ҳамёни, Epayments электрон ҳамёни, Webmoney электрон ҳамёни, QIWI электрон ҳамёни, “Яндекс. Деньги” электрон ҳамёни бўлиб ҳисобланади.




**2-расм. Электрон пулларнинг анъанавий пулларга нисбатан афзалликлари ва камчиликлари.**

Ўзбекистон Республикасида тўлов тизимлари 01.11.2019 йилда қабул қилинган 578-сонли “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида тартибга солинади. Ушбу Қонунда мамлакатимиз иқтисодиётида янги бўлган тизимлардан бири электрон тўлов тизимлари фаолиятини тартибга солувчи қоидалар белгилаб берилган. Ушбу Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида тўлов хизматларини етказиб берувчилар куйидагилардан иборат: Марказий банк, банклар, тўлов ташкилотлари, тўлов агентлари, тўлов субагентлари. Банклар ва тўлов ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўловларни амалга ошириш учун Марказий банкнинг тегишли лицензиясига эга бўлишлари талаб қилинади. Банклар ва тўлов ташкилотлари тўлов хизматларидан фойдаланувчиларга тўлов хизматларини тўлов агенти ва тўлов субагенти орқали кўрсатишга ҳақли. Яъни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўловлар билан боғлиқ операциялар Марказий банк назорати асосида амалга оширилади. Ушбу Қонунга кўра, фойдаланувчилар ўзлари ҳақида керакли талаб қилинган маълумотларни тақдим қилганларида уларга хизмат кўрсатилади. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасида Марказий банк ва банклар электрон пулларнинг эмитентидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пуллар эмитенти томо-

нидан чиқариладиган электрон пуллар фақат миллий валютада номиналлаштирилган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўловларни тўлашда фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган электрон пуллар қабул қилиниши мумкин. Ҳозирги пайтда Республикамизда бир неча электрон тўлов тизимлари ишга туширилган бўлиб, улардан Skrill, WebMoney, "Яндекс. Деньги", QiWi ва PayPal, Octo каби электрон тўлов тизимларини санаб ўтишимиз мумкин. Ушбу тўлов тизимлари халқаро Visa, Master Card, Union Pay, JCB ва миллий тўлов тизимимиз Uzcard ҳамда ўзаро ҳамкорликда онлайн тўловларни амалга оширишади.

Янги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўловлар қуйидагилар орқали амалга оширилади:

-нақд пул маблағларини ўтказиш;

-электрон пулларни ўтказиш;

-пул маблағларини тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш;

-пул мажбуриятини ёки пул маблағларини тўлаш тўғрисидаги фармойишни ўз ичига олган тўлов ҳужжатини бериш;

-электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш.

Юқорида саналган электрон пулларни ўтказиш, электрон тўлов воситаларидан фойдаланиш пунктлари эндиликда хўжалик юритувчи субъектлар амалга оширадиган операцияларда уларнинг баланс ҳисобрақамларида янги субрақамлар очилишини талаб қилади. Масалан, олдин ташкилотнинг ҳисобрақамига келадиган нақдсиз пуллар 51 ҳисобрақамда юритилган бўлса, эндиликда ушбу ҳисобрақамга субҳисобрақам очиб, электрон пуллар тушумини акс эттириш мумкин. Ёки ташкилотнинг корпоратив карталари учун ҳам алоҳида электрон пулларни ўзида акс эттирувчи корпоратив карталар ҳисобрақамларини юритиш лозим бўлади. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларнинг пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларида янги пункт электрон пуллар оқими қўшилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда электрон тўлов тизими ва электрон ҳамёнларда электрон пуллар ҳаракати эндигина қонуний асосда йўлга қўйилмоқда. Ушбу масалада энг муҳим эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- Электрон тўлов тизими иштирокчилари, яъни тижорат банклари, тўлов ташкилотлари, тўлов агентлари ва тўлов субагентлари фаолиятининг электрон пуллар билан ишлаш аниқ схемаларининг амалиётда шаклланиши;
- Электрон тўлов тизимларининг фаолиятида дастурий тизимларнинг максимал хавфсизлик масалаларига жиддий эътибор қаратилиши;
- Хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоботларида электрон пуллар муомаласи натижасида юзага келадиган янги пул ўтказмаларини аниқ акс эттирилиши масалалари ва электрон пуллардан фойдаланганлик учун комиссия тўловлари натижасида келиб чиқадиган солиқ муносабатларининг амалиётда тўғри йўналишларини белгилаб олиш.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. 578-сонли “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги 01.11.2019 йилдаги ЎзР Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ПҚ-3832 2018-йил 3 июл.
3. Лапидус Л.В. “Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией” М.: ИНФРА-М-2017 год.
4. https://cryptonisation.ru
5. www.podrobno.uz

**М.В.Гребенюк** – студент 3-го курса ГИИКУз
**М.П.Савочкин** – научный руководитель, старший преподаватель ГИИКУз

## ЦИФРОВАЯ ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА: АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

**Аннотация**: в данной статье автором описывается переход Узбекистана к информационной экономике. Также приведен ряд задач и пути к их разрешению на основе обращения Президента к Олий Мажлису.

**Ключевые слова**: государство, информационная экономика, наука, образование, планирование, президент, развитие, цифровая экономика.

**Annotatsiya:** ushbu maqolada muallif O‘zbekistonning axborot iqtisodiyotiga o‘tishini tasvirlaydi. Shuningdek, Prezidentning Oliy Majlisga murojaati asosida ularni hal etish uchun bir qator vazifalar va yo‘llar berilgan.

**Kalit so‘zlar**: davlat, axborot iqtisodiyoti, fan, ta'lim, rejalashtirish, prezident, rivojlanish, raqamli iqtisodiyot.

**Abstract**: in this article, the author describes the transition of Uzbekistan to the information economy. A number of tasks and ways to solve them based on the President's address to the Oliy Majlis are also given.

**Keywords**: state, information economy, science, education, planning, President, development, digital economy.

Жизнь в современном мире трудно представить без всем привычных технологий. Информационный прогресс влился практически во все сферы деятельности, став их неотъемлемой частью. Также, происходит интеграция информационных технологий и отдельных научных дисциплин. Такое слияние порой приводит к появлению наук, приобретающих прикладной характер. Ярчайшим примером такой диффузии наук является информационная экономика. Нередко ее называют цифровой.

Информационная экономика (бизнес-правила в постиндустриальном обществе) - наука, изучающая экономическую деятельность человека, обеспечивающая широкое использование информационно-коммуникационных технологий в процессах общественного производства, распределения и потребления общественных благ.

Цифровая экономика в пределах Узбекистана – явление существующее, но не до конца развитое. В целом, процессы информатизации внедрились в

сферу экономики, однако для качественного и полноценного ее функционирования необходимо решить ряд определенных задач. Достаточно полно о них высказался президент республики Узбекистан Шавкат Миромонович Мирзиеев в своем послании Олий Мажлису 25 января 2020 года: «Формирование цифровой экономики потребует огромных средств и ресурсов. Но мы должны уже сегодня приступить к этому, потому что завтра будет поздно» [1]. Исходя из этого было принято целесообразное решение – объявить 2020 год «Годом развития науки, просвещения и цифровой экономики».

Для вступления в новый этап развития цифровой экономики государству и обществу в целом требуется:

- Подготовить квалифицированные кадры в сферах прикладных наук;
- Информатизировать сферы образования, здравоохранения, строительства, сельского и водного хозяйства;
- Обеспечить макроэкономическую стабильность и сдержать инфляцию;
- Реорганизовать банковскую систему и улучшить бизнес-среду;
- Ускорить процесс урбанизации создавая условия для населения.

В сфере подготовки квалифицированных кадров Узбекистан взял курс на реформирование системы образования начиная дошкольным и заканчивая высшим. Президентом предложено увеличить уровень охвата детей дошкольным образованием до 60% и внедрить систему подготовки детей к школе с 6 лет. Кроме того, предусматривается постройка 36 государственных и 55 новых школ, и модернизация 211 существующих. Планируется ввести систему прогрессивной оплаты труда для учителей, а также начать коренные преобразования учебных программ путем введения зарубежных инноваций, пересмотра учебной нагрузки и повышения качества учебной литературы. Что касается специального образования, планируется организация 147 колледжей и 143 техникумов, а также разработка «Национальной системы классификаций». В совокупности данные меры позволят готовить кадров по 9 тысячам специальностей. Кроме того, строятся далеко идущие планы в сфере высшего образования: планируется увеличить доли государственного гранта вдвое, а также внедрить специальные гранты; пересмотреть необходимость отдельных дисциплин и сроки обучения некоторых направлений.

Государство в целом переходит к поэтапному развитию отраслей науки, начиная с фундаментальны прикладных. К тому же, для поддержки научных исследований планируется создать электронную платформу научных достижений.

Мир информационных технологий не представляется возможным без квалифицированных кадров в сфере инноваций и технического прогресса, а также полноценного доступа к Интернету. Исходя из этого Узбекистаном при участии зарубежных партнеров был запущен проект «1 миллион программистов». Что касается доступа к мировой паутине, то государство ставит перед собой цель – обеспечить высокоскоростным интернетом не только большие города, но и любую удаленную от него местность на территории страны. Данную цель планируется достичь за 2 года. Также

предусматривается разработка программы «Цифровой Узбекистан 2030» в 2-х месячный срок.

Для достижения макроэкономической стабильности и удержания инфляции, президентом предлагается увеличить число конкурентоспособных предпринимателей и объемы конкурентоспособной продукции. Таким образом предполагается не только снижение цен на продукцию, но и повышение ее качества. Кроме того, нельзя забывать о наращивании объема произведенной сельскохозяйственной продукции, который поможет не только снизить цены внутри страны, но и повысить экспортный потенциал государства. Как сказал Шавкат Миромонович Мирзиеев: «К сожалению, банковская система отстает на 10-15 лет от современных требований по развитию цифровых технологий, внедрению новых банковских продуктов и программного обеспечения». Президент ставит задачу перед коммерческими банками – обучиться клиентоориентированной работе. Так же планируется привлечение квалифицированных иностранных менеджеров в сфере национального банкинга.

Для достижения поставленных целей в сфере информационной экономики потребуется сильная материально-техническая, а также законодательная база. Как опорный пункт возможно использование постановление президента республики Узбекистан «Об образовании фонда поддержки развития цифровой экономики «Цифровое доверие» [2].

Начало перехода Узбекистана в мир высоких информационных технологий в сфере экономики положено. «…теперь нам предстоит закрепить этот успех, решительно идти вперед, к достижению еще более высоких рубежей», - отмечает глава государства.

**Список использованной литературы:**

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису // Национальное информационное агенство Узбекистана URL: http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020 (Дата обращения: 29.01.2020).
2. Постановление Президента Республики Узбекистан "Об образовании фонда поддержки развития цифровой экономики «Цифровое доверие»" от 3 июля 2018 года № ПП-3832 // Центр правовой информации «Адолат» Министерства юстиции Республики Узбекистан. - 05.09.2018 г. - № № 07/18/3927/1824.

**Б.Ҳ.Қўзибоев** – Урганч Давлат Университети кафедраси таянч докторанти

# ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада хизматлар соҳасини ривожланишининг хориж тажрибалари таҳлил қилинган ҳамда уларни Ўзбекистон ва унинг минтақаларида қўллашга доир хулоса берилган.

**Калит сўзлар:** фан-техника тараққиёти, институционал, глобаллашув, сусидия, меҳнат унумдорлиги, аутсорсинг.

**Аннотация:** В данной статье анализируется международный опыт развития сферы услуг и дается обзор их применения в Узбекистане и его регионах.
**Ключевые слова:** развитие науки и техники, институционализация, глобализация, субсидии, производительность труда, аутсорсинг.
**Abstract:** This article analyzes the international experience in the development of the service sector and provides an overview of their application in Uzbekistan and its regions.
**Keywords.** science and technology development, institutionalization, globalization, subsidies, labor productivity, outsourcing.

Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш учун дастлаб ривожланган мамлакатлардаги хизматлар соҳасини ривожланиш ҳолатини ва унинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хизматлар энг ривожланган давлатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**2018 йилда илғор хорижий мамлакатларда хизматлар соҳасининг ҳажми ва унинг ялпи ички маҳсулот ҳамда иш билан бандликни таъминлашдаги улуши**[1]

| № | Мамлакат номи | Хизматлар хажми (млрд. доллар) | Хизматлар соҳасида банд аҳоли (фоиз ҳисобида) | Хизматлар соҳасининг ЯИМ даги улуши (фоиз ҳисобида) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | АҚШ | 14,76 | 80 | 80 |
| 2 | Хитой | 5,7 | 45 | 53 |
| 3 | Япония | 3,5 | 70 | 72 |
| 4 | Германия | 2,4 | 70 | 69 |
| 5 | Буюк Британия | 2,1 | 80 | 80 |
| 6 | Франция | 1,9 | 75 | 80 |
| 7 | Италия | 1,4 | 70 | 71 |
| 8 | Бразилия | 1,3 | 69 | 70 |
| 9 | Канада | 1,1 | 75 | 78 |
| 10 | Россия | 1,025 | 66 | 65 |

Хизматлар ишлаб чиқарилишининг жаъдал суръатларда ўсиши ва унинг иқтисодиёт таркибидаги позициясининг кенгайиши – ўткан асрда **АҚШ** иқтисодиётининг асосий ривожланиш тенденцияларидан бири сифатида эътироф этилади.

АҚШ иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига асосий таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- фан-техника тараққиётининг жадаллашуви;
- инстуционал ва таркибий ўзгаришлар;
- глобаллашув жараёни.

АҚШ хизматлар соҳасининг бутун ривожланиш эволюцияси давомида

[1] Жаҳон Банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. Манба: www.worldbank.org

фан-техника тараққиёти, асосан информацион-коммуникацион технологияларнинг (ИҚТ) аҳамияти жуда катта ҳисобланади. ИҚТнинг мазкур соҳага таъсири хўжалик юритишда интернетни ўзлаштирилганлик даражасида намоён бўлади. Жумладан, мазкур технологиялар хизматларни ишлаб чиқариш ва тақдим этишни миллий иқтисодиёт ва ҳудудга боғлиқлигини йўқотди, натижада янги хизмат турлари пайдо бўлди ва уларни ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Буларнинг негизида эса, таълим ва инновацияга давлат томонидан ажратиладиган маблағлар ётади.

Институционал ўзгаришлар сифатида, 70-йиллардаги АҚШда амалга оширилган хусусийлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш дастурини эътироф этиш мумкин. Жумладан, банк хизматларини кўрсатиш эркинлаштирилди, транспорт, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш давлат томонидан тартибга солинди ва чакана савдога нисбатан чекловлар олиб ташланди. Натижада, бозорга янги хизмат турлари кириб келди, уларнинг сифати ошиб, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва нархи пасайди.

70-80 йилларда хизматлар соҳасининг бундай жаъдал суръатларда ривожланиши хўжалик ички тизимида таркибий ўзгаришларга сабаб бўлди. Саноат инқирози шароитида корхона ва фирмалар бизнеснинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бор куч ва ресурсларини асосий ишлаб чиқариладиган маҳсулотга қаратиб, иккинчи даражали бўлган хизматлардан ўзларини холос этдилар. Натижада, аудит, консальтинг, ахборотлаштириш ва компьютерлаштириш, илмий изланишлар, логистика, маркетинг ва реклама, менежмент ва алоқа хизматларини кўрсатувчи мустақил аутсорсинг фирмалари пайдо бўлди.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви АҚШ хизматлар соҳаси ривожланишига таъсир кўрсатди. Юксак технологиялар ва бошқа омиллар эвазига АҚШ нинг хизматларни ташқи бозорларга тақдим этиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Бу омилларга шунингдек, АҚШнинг юқори ривожланган инфратузилмасини ва мамлакатнинг сув йўлига нисбатан қулай географик нуқтада жойлашганлигини мисол қилишимиз мумкин.

**Хитой** хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми бўйича жаҳонда 2-ўринда туради ва иқтисодий фаол аҳолининг 45 фоизи мазкур соҳада иш билан бандлиги таъминланади. Шундай бўлсада, хизмат кўрсатиш соҳаси ва иш билан банд аҳолининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг хусусиятига ўхшамайди.

Хитой ҳукуматининг ўн иккинчи беш йиллик (2011-2015) дастурида хизматлар соҳасини ва савдосини ривожлантириш устувор мақсад сифатида белгиланган[1]. Бу давлат дастурида Хитойда молия, логистика, таълим ва тиббий хизматларни самарадорлигини ошириш, жаҳон ҳамжамиятида транспорт, туризм ва қурилиш хизматларини йирик экспортчисига айлантириш назарда тутилган эди. Бу дастурни реализация қилиш натижасида хизматлар соҳасида ўсишга эришилди, бироқ ўсиш кўрсаткич-

[1] China Services Sector Analysis // ITC. URL: www.intracen.org/uploadedFiles/ intracenorg/Content/Exporters/Sectors/Service_exports/Trade_in_services/ China_ServicesBrief.pdf

лари кутилганига қараганда пастроқни ташкил этган.

Хитойда хизматлар соҳасининг самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мамлакатнинг экспорти саноат маҳсулотларига асосланганлиги;
- хизматлар савдосида тўсиқлар мавжудлиги;
- хизматлар соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги.

**Япония** хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажми бўйича жаҳонда учинчи ўринда туради. Мазкур давлат иқтисодиёти юқори технологиялар ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилган. Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажмининг ошиши эса, хизматларни билвосита экспорт қилиш билан боғлиқ. Бу дегани хизматлар алоҳида экспорт қилинмасдан, уларнинг қиймати саноат маҳсулотлари таркибига киритилган.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида Япония ҳукумати 2007 йилда “Хизматлар индустриясида инновация ва самарадорликни ошириш” [1] дастурини жорий этди.

Бироқ, бу дастур ҳам хизмат кўрсатиш соҳасидаги самарадорликни 1 фоиздан ортиқ ўстиришни таъминлай олмади. Японияда аҳолининг камайиши кузатилаётган бир пайтда ҳукумат самарадорликни юқори технологиялар эвазига 2020 йилгача 2 фоизга оширишга эътибор қаратмоқда. Чунки, Япониянинг хизматлар соҳасининг ЯИМ даги улуши деярли АҚШ ники билан бир хил бўлсада, хизматлар ишлаб чиқарилиш самарадорлиги 2 марта паст ҳисобланади. Шунингдек, Японияда 1970 йилдан буён реал моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат унумдорлиги 3 баробар ошган бўлса, хизмат кўрсатиш соҳасида эса атиги 25 фоизга, яъни, 0,25 баробарга ошган. 2 фоизлик самарадорликка эришиш учун ҳукумат 10000 та компанияга 2020 йилгача йилига камида самарадорлигини 10 фоизга ошириши учун ёрдам бермоқчи. Хусусан, ўрта ва кичик корхоналар ҳар бирига 5 миллион иенагача (44000 АҚШ доллари) бўлган миқдорда субсидиялар ажратмоқда. Йирик корхоналарга бериладиган кредитлар эса Япония кредит кафолати корпорациялари федерацияси томонидан 280 милион иенадан 560 милион иенагача (2,5-5 млн. АҚШ доллари) кўтарилди[2].

Ҳукумат хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик компанияларга ўзларининг ўсиш потенциали ва самарадорлигини ошириш имконини берувчи тизим ишлаб чиққан. Минтақавий молия институтлари эса мижозларни баҳолаш, маҳаллий бизнесда ўсишга йўналтирилган ислоҳотларни рағбатлантириш учун бу тизимдан фойдаланадилар.

**Германия** федератив республикаси иқтисодиёти юқори саноатлашган мамлакат бўлишига қарамай ялпи ички маҳсулотда саноат соҳасининг улуши қисқариб хизматлар соҳасининг улуши ортиб бормоқда.

Германияда йирик банклар саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг акционерларидир ва шунинг учун ҳам банкларнинг ушбу тармоқлардаги бизнесга аралашуви жуда кучли ҳисобланади.

---

[1] Toward Innovation and Productivity Improvement and Service Industries. Ministry of Economy, Trade and Industry. Commerce and Information Bureau, Service Unit, April 2007, 46 pages, www.meti.go.jp

[2] Nikkei Asian Review Reports on Economics. www.asia.nikkei.com

ГФР банклари атрофида йирик, ўрта ва кичик корхоналардан иборат қудратли хизмат кўрсатиш ва молия-саноат бирлашмалари ташкил топган. Бунга мисол қилиб, Deutsche Bank таркибига кирувчи тижорат ва ипотека банклари, лизинг ва инвестицион компаниялар, консультацион фирмалар, суғурта ва халқаро молия тузилмаларини айтиш мумкин.

Жаҳон хўжалигида Германия молия хизматлари билан рақобатбардош ҳисобланади. Хусусан, капитал экспорти бўйича эркин бозорлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, Германия Европадаги иккинчи йирик аутсорсинг бозори ҳисобланиб, аутсорсинг ҳажми 3,22 миллиард евродан ортиқ. Германияда ахборот технологиялари бозори ҳам юқори даражада ривожланган. Хусусан мазкур бозор ҳажми 2018 йилда 40 миллиард еврога етди. Алоқа хизматлари бозори эса 21миллиард еврони ташкил этди[1].

**Россия Федерацияси**да хизматлар соҳасини ривожлантириш давлат томонидан фаол даражада тартибга солинмоқда. Хусусан, Россия Президентининг 2018 йил 7 майдаги 204 сонли “2024 йилгача бўлган даврда Россия Федерациясини ривожлантириш бўйича миллий мақсадлар ва стратегик вазифалар тўғрисида”ги Қарорида[2] хизматлар соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги масалаларга эътибор қаратилган:

- тиббий хизматлар экспорти ҳажмини 2017 йилга нисбатан камида тўрт марта ошириш (йилига 1 миллиард долларгача);
- хорижий талабалар сонини икки мартага кўпайтириш эвазига таълим хизматлари экспортини ошириш;
- экологик хизматларни ривожлантириш;
- илғор хизмат кўрсатиш соҳалари бўлган тиббиёт, таълим, молия ва транспорт хизматлари соҳаларини рақамли технологиялар ёрдамида ривожлантириш;
- товарлар ва хизматлар экспортини ялпи ички маҳсулотдаги улушини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда таъминлаш ва шундан хизматлар экспортини 100 млрд. долларга етказиш.

Хизматлар соҳасининг хориж тажрибаларини ўрганиш, улар орасидан Ўзбекистон ва унинг минтақалари учун мос бўлганларини танлаб олиш – мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциясини ва трансформациясини кучайтиради. Хизматлар соҳаси бўйича шаклланган тажрибалардан айниқса тадқиқот объекти бўлган Хоразм вилояти иқтисодий тизими учун фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, АҚШ нинг фан-техника тараққиёти айниқса, информацион-коммуникацион технологиялар соҳасидаги инновацион тадқиқотларни молиялаштириш, Хитойнинг туризм хизматларининг йирик экспортчисига айланиш, Япониянинг хизмат кўрсатиш корхоналарининг кичик, ўрта ва йириклигига қараб субсидиялар ажратиш, Германиядаги каби хизматлар соҳасида банкларнинг фаоллигини ошириш ва аутсорсинг хизматларини жаъдаллаштириш, Россиянинг экологик хизматларни яратиш ва хизматлар соҳасида йирик экспортчига айланиш сиёсатларини Ўзбекистон ва унинг минтақаларида қўлланилиши мамлакат иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшади.

---

[1] Business services in Germany. Fact sheet\Germany trade and invest, issue 2018. www.gtai.com

[2] Указ Президента РФ от 7 мая 2018 г. № 204 "О национальных целях и стратегических задачах развития Российской Федерации на период до 2024 года”. Источник: http://kremlin.ru/acts/bank/43027/

**N.U.Sultanova** – SamISI stajyor-tadqiqodchisi

# XIZMAT KO‘RSATISH KORXONALARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA ONLINE XIZMATLARINI QO‘LLASH

**Annotatsiya:** maqolada aholining farovonliini oshirishda xizmatlar sohasining ahamiyati, ushbu sohalarning o‘sishiga kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka yaratilayotgan qulayliklar, imkoniyatlar, online xizmat ko‘rsatish, Online xizmat ko‘rsatish bo‘yicha SWOT tahlili olib borilganda erishilgan natijalar ko‘rsatilgan.

**Kalit so‘zlar:** Xizmatlar sohasi, Online xizmat, SWOT tahlili.

**Аннотация:** в статье освещается роль сектора услуг в улучшении благосостояния населения, преимуществ для малого бизнеса и частного предпринимательства, а также результаты, достигнутые в ходе анализа SWOT онлайн-услуг.

**Ключевые слова:** сервисы, онлайн сервисы, SWOT анализ.

**Abstract**: The article highlights the role of the services sector in improving the welfare of the population, the benefits to small businesses and private entrepreneurship, and the results achieved during the SWOT analysis of Online Services.

**Keywords:** Services, Online Services, SWOT Analysis.

Iqtisodiy o‘sishni rivojlantirish va O‘zbekistonning dunyo mamlakatlarida o‘z o‘rnini mustahkamlash uchun hozirgi kunda juda ko‘plab islohatlar qilinayapti. Xususan, ta’lim sohasidagi, tadbirkorlik sohasidagi, madaniyat, san’at, transport va aloqa xizmatlaridagi, kommunal sohalardagi o‘zgarishlarni misol tariqasida keltirishimiz mumkin

Xizmatlar sohasi bugungi kunda aholiga keng qamrovli xizmat ko‘rsatish va servis orqali qulay imkoniyatlar yaratib bermoqada. Xizmatlar sohasiga ko‘pgina moddiy qiymatliklar yaratmaydigan barcha foydali faoliyat turlarini kiritish mumkin. Iste’molchilarning turmush darajasini oshirishda xizmat ko‘rsatish sohasi muhim ahamiyatga egadir. Shuningdek, aholi daromadlarini oshirishda ham ushbu soha muhim o‘rin tutadi.

Xizmatlar sohasi tarkibiga sog‘liqni saqlash bilan bog‘liq xizmatlar, sartaroshxona va go‘zallik saloni xizmatlari, sport muassasalari, yo‘lovchi tashish transport xizmatlari, sug‘urta, konsalting, lizing kabi xizmatlar, axborot kommunikatsiya xizmati, mehmonxona va restoran xizmatlarini kiritish mumkin. Bundan tashqari rivojlanib borayotgan sharoitlarda xizmat ko‘rsatishning yangi ko‘rinishlariga ham asos solmoqda. Bugungi kunda respublikamizda xizmatlar sohasi, xizmatlar ko‘rsatish va servis sohalariga ko‘proq e’tibor qaratib, mamlakatimiz rivojlanishining asosiy yo‘nalishlari sifatida e’tirof etilmoqda. Buning boisi shundaki, aynan xizmat ko‘rsatish va servis sohalarning yuksaltirish natijasida aholining turmush darajasi va sifatini oshirish shuningdek, iqtisodiy faol aholini ish bilan bandlik darajasini oshirish masalalari ko‘rib chiqilmoqda va ijobiy hal qilinmoqda. Bu borada amaliyotda joriy qilinayotgan choralardan ko‘rinib turibdiki bugungi kunda kam sarf qilgan holda xizmat ko‘rsatish va servis sohasida qisqa muddatlarda daromad olish mumkin.

Shuni ham ta’kidlab o‘tish joizki, ushbu sohalarning o‘sishiga kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka yaratilayotgan qulayliklar, imkoniyatlar, imtiyozli kreditlar va soliqlar samarali ta’sir ko‘rsatmoqda. Hozirgi kunda online xizmat ko‘rsatish insoniyat hayot faoliyatining barcha sohalarida o‘z o‘rnini mustahkamlab bormoqda. Axborot texnologiyalarining jadal rivojlanib borayotgani buning eng asosiy sabablaridan biridir. Dunyoning eng rivojlangan mamlakatlarida online xizmat ko‘rsatishdan keng foydalanilmoqda. Buning asosiy sabablarini quyidagi SWOT tahlili orqali kengroq yoritishga harakat qilamiz:

**Online xizmat ko‘rsatish SWOT tahlili olib borilganda quyidagi natijalarga erishildi:**

1. Kuchli tomonlari: vaqtni tejaydi, ko‘p mablag‘ talab etmaydi, og‘ir jismoniy mehnat talab etmaydi.
2. Zaif tomonlari: mavjud malumotlarda chalkashliklar kuzatilishi mumkin, ya’ni malumotlar noto‘g‘ri ko‘rsatilishi mumkin, noto‘g‘ri ma’lumotlar orqali mablag‘larning yo‘qotilishi.
3. Imkoniyatlar: kam vaqt sarflab ko‘p mablag‘ga ega bo‘lish, tovar, ish va xizmatlarga bo‘lgan talabning yuqoriligiga erishish, maqsadli bozorni egallash, tovar, ish va xizmatlar haqidagi ma’lumotlarning ochiqligi, tovar, ish va xizmatlar haqidagi ma’lumotlarning iste’molchilarga yetkazish osonligi.
4. Xavflar: ma’lumotlar xavfsizligini ta’minlash qiyinligi, kichik xatolarning katta zararlarga olib borishi, istemolchilarning ishonchini yo‘qotish.

Yuqoridagi ma’lumotlardan kelib chiqib online xizmat ko‘rsatish har tomonlama imkoniyatlarni oshirishi mumkin. Iqtisodiy sohada olib qaraydigan bo‘lsak online xizmat ko‘rsatish kam mablag‘ va kam vaqt sarflab ko‘p daromad olib keladi. Bu esa asosiy maqsadi foyda olishga qaratilgan soha uchun ayni muddao hisoblanadi. Umuman iqtisodiyot sohasida butun dunyo online xizmatlar orqali juda katta miqdordagi mablag‘larga ega bo‘lmoqdalar. Bularga misol qilib hozirda faoliyat olib borayotgan va eng yuqori kapitalga ega bo‘lgan AliExpress, Amazon, Target, Best Buy, Valmart, eBay kabilarni keltirish mumkin. Yuqorida keltirilgan online xizmat ko‘rsatuvchi subektlarning ko‘rsatkichlariga e’tibor beradigan bo‘lsak online xizmat ko‘rsatish hozirgi kunda iqtisodiyotda qanchalik katta o‘ringa ega ekanligini bilish mumkin. Yuqorida keltirilgan online xizmat ko‘rsatuvchi subektlar 2019-yil davomida jami 3.2 trillion AQSH dollariga teng mahsulotlarni savdosini amalga oshirgan.

Fitsmallbusiness.kom nashrining ma’lumotlariga qaraganda birgina Amazon korporatsiyasi 2018-yilda faqatgina Shimoliy Amerika mamlakatlarida 80 mlrd. AQSH dollariga teng mahsulotlarni yetkazib bergan. Fitsmallbusiness.kom nashrining “15 online shopping statistiks that You should knov” nomli maqolasida online xizmat ko‘rsatuvchi do‘konlar haqida juda muhim ma’lumotlarni keltirib o‘tgan. Nashrning statistik malumotlariga asoslanib quyidagi ma’lumotlarni keltirib o‘tamiz. Hozirda AQSH aholisining deyarli 79 % aholisi yiliga kamida 1 marta online do‘konlardan haridlarni amalga oshiradilar. Bu ko‘rsatkich 2000-yilda 22 % nitashkilqilgan.

Butun dunyo bo‘yicha online haridlarda Xitoy 13.8 %, Norvegiya 11.5 %, Finlandiya10.8 %, Janubiy Koreya 10.5 %, AQSH 8.9 % bilan eng yuqori o‘rinlarni band qilmoqda.

AQShda 217.1 mln. kishi doimoiy ravishda online do‘konlardan foydalanadilar. Bu ko‘rsatkich 2019-yilda 224 mln. kishiga yetishi mumkin.

Online do‘konlardan foydalanuvchilar o‘zlari rejalashtirganlaridan 48 % ko‘p mablag‘ sarflaydilar.

87 % insonlar online do‘konlarda narxlar arzon bo‘lishiga ishonadilar va aynan shuning uchun undan foydalanadilar. 63 % istemolchilar ularni xavfsiz va ishonchli deb biladilar. Sababi sifatsiz mahsulotlarning 95 % qismi qayta sotib olingan yoki sifatlisiga almashtirlib berilgan.

Fikrimning so‘ngida xulosa qilib aytish mumkinki, online xizmat ko‘rsatish va uni rivojlantirish hozirgi zamonning eng muhim masalalaridan biridir. Chunki online xizmat ko‘rsatish nafaqat mulkdorlarga, balki, istemolchilar uchun ham juda qulay, vaqt va mablag‘larini tejashga yordam beruvchi soha ekan. Hozirgi jadallik bilan rivojlanib borayotgan jahon iqtisodiyotida o‘z o‘rnini mustahkamlash uchun bu kabi xizmat turlarini keng yo‘lga qo‘yish va doimiy ravishda rivojlantirib boorish zarurdir. Internet tarmog‘ining keng auditoriyali foydalanuvchilari orqali ishlab chiqarilgan Tovar va xizmatlarni sotish yoki sotib olish murakkab bo‘lmagan jarayondir. Shu bilan birga rivojlanib borayotgan mamlakatimizni dunyo aholisiga tanitish va ularni mamlakatimizga jalb qilishda aynan shu sohaning o‘rni beqiyos. Mamlakatimizga tashrif buyuruvchi xorijiy mamlakatlar fuqarolari mamlakat haqidagi malumotlarni aynan online xizmat ko‘rsatuvchi internet nashrlaridan oladilar. Ularda keltirilgan muhokamalardan foydalanadilar. Ularning sifati tashrif buyuruvchilar uchun mamlakatning statusini belgilab berishi ham mumkin. Shunday ekan online xizmat ko‘rsatish tizimiga alohida e’tibor qaratish muhimdir.

Dunyodagi mashhur brend tovarlarga bo‘lgan talab ham aynan online xizmatlar ko‘rsatish faoliyatining samarasi evaziga qondirilmoqda. Chunki bir joyda turib mashhur firma tovarlarini harid qilish mashhur brend tovarlari iste’molchilarga qator qulayliklar yaratmoqda.

**Bu borada quyidagi ishlarni amalga oshirish maqsadga muvofiq bo‘ladi:**

- ✓ Online xizmat ko‘rsatish sohasini doimiy ravishda rivojlantirib boorish;
- ✓ Kompyuter dasturlarini ishlab chiquvchi kadrlarni tayyorlashga alohida e’tibor qaratish;
- ✓ Online xizmat ko‘rsatish sohasida xorij tajribasidan keng foydalanish;
- ✓ Online xizmat ko‘rsatuvchi tadbirkorlarni qo‘llab-quvvatlash hamda soliq imtiyozlarini jorish qilish;
- ✓ Aholida shu soha bo‘yicha tushunchalarini oshirish va soha bo‘yicha aholi o‘rtasida smenar-treninglar o‘tkazish.

Umuman amalga oshirilayotgan xizmat ko‘rsatish va servis sohasida islohatlar, avvalo inson manfaatlariga uning farovon barakali hayot kechirishiga xizmat qiladi. Shunday ekan, bu sohada faoliyat yuritayotgan subektlar o‘z oldilariga asosiy maqsadlarni qo‘yib ustuvor vazifalarni belgilab olsalar, kelajakda yuqori natijalarga erishadilar.

**Д.Э.Умирзоқова –** БИЙҲТУ мустақил тадқиқотчиси,
**К.З. Қаландаров –** СамДУ магистранти

## САВДО ХИЗМАТИ СОҲАСИДА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация**: ушбу мақолада савдо хизмати корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини амал қилишнинг моҳияти, хусуиятлари, ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Шунингдек, савдо корхоналарининг фаолиятини самарадорлигини оширишда иш ҳақининг тутган ўрни ва аҳамияти бўйича таклиф ва хулосалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** савдо хизмати, савдода иш ҳақи, товарнинг хаёт даври, махсулот, товар ассортементи, товарлар сифати, таъриф стафкалари, эгилувчан иш ҳақи.

**Аннотация**: В данной статье анализируются сущность, особенности и особенности системы оплаты труда на предприятиях торговли. Также приводятся предложения и выводы о роли и значении заработной платы в повышении эффективности работы торговых предприятий.

**Ключевые слова:** служба продаж, торговая оплата, срок службы товара, товар, товарный ассортимент, качество товара, марки описания, гибкая заработная плата.

**Abstract**: This article analyzes the essence, features, and specifics of the remuneration system in trade service enterprises. It also provides suggestions and conclusions on the role and importance of salary in improving the efficiency of trading enterprises.

**Keywords:** sales service, trade pay, product life, product, commodity assortment, quality of goods, description stamps, flexible wages.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ислоҳатлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини, тараққиётини белгиловчи асосий омили ҳисобланади. Шунингдек ушбу соҳа халқнинг турмуш даражаси ва сифатини ривожлантиришда ҳам муҳим рол ўйнайди. Президентимиз таъкидлаганидек, “... ҳозирги кунда халқни ким боқади албатта тадбиркор, шундай экан, аҳолига муносиб хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, тадбиркорликни янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга”[1].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожатномаси 2020 йил 24 январ.

Соҳада олиб борилган ислоҳатлар натижасида мамлакатимизда 2019 йилда жами ташкил этилган 1450 мингдан ортиқ янги иш ўрни 68% тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари, микрофирмалар хиссасига тўғри келади. Аммо, яратилган бу иш ўринларининг барчаси ҳам мамлакатимизда шакллантирилаётган рақамли иқтисодиётнинг талабларига жавоб бера олмайди. Соҳада аҳамиятли ўринни эгаллаган савдо хизматида ҳам ушбу номутаносибликни кўришимиз мумкин. Жумладан, савдода меҳнат фаолиятини сифатли ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари ечими замонавий иқтисодий муносабатлар талабларига жавоб бермайди.

Бозорга оид ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида меҳнатга ҳақ тўлаш ва савдо корхонасининг даромадларини шакллантириш каби тушунчаларнинг моҳияти тубдан ўзгарди. Савдодаги меҳнат ҳақи савдо корхонаси соҳиби даромадининг ёнлаш шартларига мувофиқ ёлланма ишчи меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланадиган қисми ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида мулкчиликнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларидаги савдо корхоналари нафақат ишчилар миқдорини, балки меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларини танлашда ҳам мустақилликка эга бўлишди[1].

Савдо корхоналари орасидаги рақобат маҳаллий ва минтақавий бозорлардаги жой учун кураш савдо корхонасининг сотилган бирликлар миқдори, ҳажми, даромадлилиги, тўлов шартларидан манфаатдорлигини тақозо этади, шу сабабли савдо бўлими ишчиларининг мукофотлари бир эмас, бир неча омилларни ҳисобга олиш асосида белгиланади. Бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, ишчи сотув хажмини кўпайтира олмайди. Бу ҳолат қуйидаги вазиятларда юзага келиши мумкин:

-сотувнинг ва бинобарин, меҳнат ҳақининг маълум даражасига кўтарилиб, бу даража ўзини қониқтирган ишчи савдо ҳажмини кўпайтириш бўйича хатти-ҳаракатлар зарур деб ҳисобламай қўяди;

-минтақада савдони оширишнинг имкони йўқ, чунки мазкур минтақада корхона маҳсулоти бозорининг улуши максимал даражага етган;

-корхона маҳсулоти бозорининг улуши ниҳоятда кам бўлса-да, минтақадаги иқтисодий ҳолат туфайли минтақада савдони кўпайтиришнинг имкони йўқ;

-минтақанинг иқтисодий ҳолати корхона маҳсулоти бозорининг улушини кўпайтиришга имкон берса-да, сотувнинг ошиши сезиларли даражада эмас.

Сотувни режалаштириш мақсадида “товарнинг ҳаёт даври” сингари кам ўрганилган муаммога эътибор қаратиш зарур. Сотувчилар маҳсулотнинг ҳаётийлик даврини ҳисобга олиш жуда муҳим. Сотувчи талабга ҳам маълум даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Бу маҳсулотнинг ҳаётийлик даврини режалаштиришда имконлидир. Савдо корхонасида турли ҳаётийлик даврига эга маҳсулотларнинг ҳар хил турлари бир хил бўлмаган тезлик билан ўтади, хусусан, истеъмол товарларида ҳаётийлик давр қисқароқ, саноат-техник вазифага эга товарларда эса узоқроқ. Бу ҳол, товарнинг ҳаётийлик даври эгри

[1] Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик II қисм.-Т.: Fan va texnologiya, 2008, 224 б.

чизиғининг аниқ шакли истеъмол қилинадиган махсулот турларига боғлиқ бўлади. Маҳсулот бозорини рағбатлантиришда корхоналар сотилаётган маҳсулотлар бозорининг улуши рақобатчилар фаоллиги, уларнинг нарх-навога оид сиёсати, маҳсулот сифати ва бошқа омилларга боғлиқ эканлигини ҳисобга олишлари зарур.

Савдо корхоналари ишчиларини комиссион (воситачилик) асосида рағбатлантиришни ташкил этишда корхона савдо ҳажмининг амалдаги савдолар бундан пастга тушиши мумкин бўлмаган, корхона зарар кўрадиган критик ҳажмини ҳисобга олиши лозимлигини ҳисобга олиш зарур. Савдонинг критик кўрсаткичини ёки зарарсизлик нуқтасини (Sb) ҳисоблаш услуби ҳозирги пайтгача бизнинг иқтисодчилар томонидан етарлича ўрганилган ва зарарсизлик ҳисобларини математик ёки график йўл билан бажаришни кўзда тутади. Бунда у ёки бу ҳисоблар асосида корхона ҳаракатларини ўзгарувчанларга (VC) ва доимийларга (FC) ажратиш керак. Математик усулда ишлаб чиқариш хажмининг критик нуқтасидаги сотув ҳажми қуйидаги формула билан ифодаланади:

**Sb=FC/a=FCxS/(S-VC) (1),**

Бунда: S–кутилаётган савдо (сотув) ҳажми; a - ялпи даромаднинг (S-VC) сотув ҳажмига нисбатининг барқарор коэффициенти.

Ҳар қандай савдо корхонаси учун хавфсизлик индекси, баъзан «хавфсизлик чегараси» деб аталувчи тушунча катта аҳамиятга эга. Мазкур индекс (кўрсаткич) корхона зарар кўра бошлашдан аввал савдо ҳажми қанчалик қисқариб кетиши мумкинлигини кўрсатади. Хавфсизлик чегарасини қўйидаги ўзаро нисбатдан келиб чиқиб фоизларда ифодалаш мумкин:

**К=Vi-Wi (2),**

Бунда: К – ҳавфсизлик чегараси (% да); Vi – кўтилаётган савдо ҳажми; W –зарарсиз савдо ҳажми.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш савдода қуйидагиларни камраб олади: сотувчилар, маслаҳатчилар, сотувчи-кассирлар, қадоқловчилар. Кўплаб маҳсулотлар савдоси мавсумий хусусиятга эга бўлгани сабабли нарх ва қийматлар инфляция (қадрсизланиш) таъсири ҳисобга олиниб, белгиланади. Мавсум бир неча ойларни ўз ичига олади. Меҳнатга ишбай ҳақ тўлашни амалга оширишда меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларини жорий этиш, савдо дўконлари ишлаши таркибини оқилона тузиш, маҳсулотни илгари суришнинг илғор технологияларини савдо хизматларининг янги турларини жорий этишга йўналтирилган тайёргарлик иши ўтказилади.

Тайёргарлик иши жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

-ходимлар сонининг таҳлили;

-маҳсулот айланишини ойлар бўйича таҳлили ва мавсумийлик кўрсаткичлари ҳисоби;

-жамоа ёки алоҳида ходимлар учун ҳисоб қийматлари ҳажмини белгилаш;

-ишбай ҳисоб-китоб бўйича ойлик меҳнат ҳақининг ҳисоби;

-меҳнатга ишбай ҳақ тўлашни жорий этишдан иқтисодий самара ҳисоби.

Савдода, шунингдек, меҳнатга вақтбай ҳақ тулаш ҳам мавжуд. У амалда ишланган вакт учун маошга мувофиқ ҳисобланади. Вақтбай меҳнат ҳақи асосида ойлик маош катталиги (ҳажми)нинг ишланган вақт микдорига боғлиқлиги тамойили ётади. Бироқ меҳнат мураккаб ва содда бўлиши мумкинлигига кўра, меҳнатни меъёрлаштириш зарур бўлиб, бу таркибий қисмлари қуйидагилар ҳисобланган тариф тизими ёрдамида амалга оширилади–тариф ставкаси-бир соатга тўланадиган меҳнат ҳақи даражасининг кўрсаткичи. У оддий меҳнатга ҳақ тўловининг даражаси (миқдори)ни белгилайди. Илк асос минимал тариф ставкаси ёки биринчи тоифаси тариф ставкаси ҳисобланади[1].

Амалиётлар шуни кўрсатадики, тарифлар ва коэффициентлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлашда ойлик маошни корхона фаолиятининг якуний натижалари билан боғлаш мураккаб, айниқса, иқтисодиётнинг беқарорлиги ва инфляция шароитида. Шу сабабли қалқиб (ўзгариб) турувчи маош тизими кўпроқ қўлланилмоқда. Ушбу тизимда ойнинг охирида молиявий фаолият натижаларини ҳисобга олиб, янги лавозим маошлари белгиланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгилувчан (мослашувчан) тизимлари замонавий шароитда корхона фаолиятининг якуний натижалари билан узвий боғланмоқда. Қолдиқ тизими кенг қўлланмоқда. Қолдиқ тизими кенг қўлланилиб, унда ишчиларнинг ойлик маоши алоҳида бўлим (секция)да ҳам олинган даромад суммаси билан узвий боғлиқдир. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бундай тизими ишчи-ходимлар орасида касбий рақобатнинг юзага келишига туртки беради ва бу, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш маданиятига таъсир қилади. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ушбу шаклида ҳар бир ишчига маош белгиланади ва ҳар бир бўлим бўйича ҳамма солиқлар тўлангандан кейин ихтиёрида қоладиган даромад суммаси аниқланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан (эластик) тизимлари ривожланишининг тамойилларини акс эттирувчи асосий услубиятларни кўриб чиқамиз. Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан тизимининг моҳияти “корхоналар ва уларнинг бўлимлари фаолиятининг натижасида олинадиган тушумлар, даромадларни ишчи-ходимлар орасида тақсимланиши” ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан тарифли ва ўзгарувчан тарифсиз тизимлари фарқланади. Тариф қисми ҳар хил мукофотлар, қўшимча тўловлар ва ишчи меҳнатининг ҳақиқий натижаларини акс эттирувчи бошқа устамалар билан тўлдирилади. Ўзгарувчан тизимнинг одатий тарифли тизимдан фарқи қуйидагилардан иборат:

-ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан тизими аниқ бир корхона эҳтиёжлари учун унинг ўзига хосликлари ҳисобга олиб ишлаб чиқилади;

[1] “Ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрлари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом. 2011 йил 23 февраль, 2200-сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилди.

-мазкур корхонада бажариладиган ва мураккаблик даражаси ҳамда айнан шу корхона учун аҳамиятига кўра таснифланадиган ишлар картотекаси (рўйхати) ушбу тизимни шакллантириш асоси ҳисобланади;

-ишчининг маоши индивидуаллаштирилган ва меҳнатнинг амалий натижаларига боғланган. Маошнинг умумий суммасида қўшимча тўловлар (мукофотлар, қўшимча ҳақ, устамалар) солиштирма оғирлигини 40 %гача кўтариб, бунча эришилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан тарифсиз тизими одатда икки гуруҳга ажратиладиган коэффициентлар тизимига асосланади. Биринчисига ишчи-ходимнинг стажи, малакаси, қасбий маҳорати ҳамда аҳамиятини баҳоловчи коэффициентлар қиради. Бу баҳолашга оид хусусиятларни малакавий даража коэффициенти умумлаштиради; унга маошнинг асосий қисми (60-70 %) мувофиқ келади.

Коэффициентларнинг иккинчи гуруҳи ишчи меҳнатининг самарадорлигини баҳоловчи хусусиятларни, унинг олдида турган масалаларнинг хал этилиш даражасини ўз ичига олади. Коэффициентлар ушбу гуруҳи билан белгиланадиган маошнинг солиштирма оғирлиги ойлик маошнинг мос тарзда 30-40 %ини ташкил этади.

Савдо ишчи-ходимларига меҳнат ҳақи тўлашнинг ўзгарувчан тарифсиз тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этишнинг қуйидаги асосий жараёнларини алоҳида ажратиш зарур:

- меҳнатга ҳақ тўлашнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиш (жумладан савдо корхонаси ходимлари орасида сўровномалар ва суҳбат ўтказиш), муаммоли вазият моҳиятини аниқлаш;

- фирма раҳбариятига таҳлил натижаларини, муаммоларни аҳамиятига кўра табақалаштириб (саралаб) рўйхатини тақдим этиш. Бунда ташкилотдаги энг долзарб муаммоларни ҳал этишга доир ходимларнинг фикри билан раҳбарни таништириш айниқса муҳим;

- аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий чораларни қўллаш мазмуни ва муддатларини белгилаш.

Иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолатига кўп жиҳатдан моддий рағбатлантиришнинг ва ижтимоий имтиёз ҳамда тўловлар, суғурта қафолатларидан фойдаланиш билан бириктирилган тарзда мулкдан даромад олишнинг ўзгарувчан тизимлари мос келади.

Бир гуруҳ муаллифлар ойлик маошни меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан тарифли тизимлари асосида ташкил қилишни таклиф этмоқда. Ишчи-ходим даромадининг тарифли қисми нисбатан барқарорлироқ. Моделнинг ўзгарувчанлигига даромадни шакллантирувчи қолган унсурлар ҳисобига эришилади.

Ойлик маошни белгилашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Турли корхоналарда ҳар бир ишчи маоши хажмини белгиловчи кўрсаткичлар миқдори турлича. Одатда қуйидагилар ҳисобга олинади: меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан тизимини жорий этиш вақтида меҳнат жамоаси томонидан ишчига берилган малакавий даража коэффициенти; жорий

фаолият натижаларида меҳнат иштироки коэффициенти; ушбу даврда ишланган иш вақтининг миқдори. Кўрсаткичлар доираси кенгайтирилиши (меҳнат ҳиссаси, шартномавий мажбуриятларни бажариш ва бошқа коэффициентларни киритиш ҳисобига) ва биттагача қисқартирилиши мумкин. Масалан, малакавий даража коэффициенти ёки ишланган вақт миқдори коэффициентигача.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан тизимлари ҳар бир ишчи-ходим учун аниқ бир вақтда афзалроқ шаклларни танлаш имконини, бир турдаги имтиёзларни бошқаларига алмаштириш имкониятларини кўзда тутувчи ижтимоий имтиёзлар ва тўловлар ўзгарувчан тизими билан тўлдирилиши мумкин.

Бизнингча, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришдаги ўзгарувчанлик корхона эҳтиёжларига ишчи-ходим шахсий хусусиятларининг мос келишини аниқлаш учун ходимлар ёллаш ўзгарувчан тизимларидан фойдаланишда ҳамда мутахассисларни марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашнинг ўзгарувчан тизимларини қўллашда янада самаралироқ амалга татбиқ этилади.

# II ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИ РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”

**М.Қ.Пардаев –** СамИСИ профессори, и.ф.д.
**Н.Б.Тагирова** – СамИСИ таянч докторанти

## ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РЕКЛАМАДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш имкониятлари ёритилган. Бунда асосий эътибо экологик туризмни ривожлантириш масаласига ҳам қаратилган. Ушбу ишни амалга оширишда рекламанинг ўрнига ҳам алоҳида аҳамият берилган.

**Калит сўзлар**: туризм, реклама, туризмнинг турлари, экологик туризм, туристик салоҳият.

Аннотация: в статье описаны возможности развития туризма в стране, в частности в Самаркандской области. Акцент делается на развитие экотуризма. Роль рекламы также подчеркивается в реализации данных действий.

**Ключевые слова:** туризм, реклама, виды туризма, экологический туризм, туристический потенциал.

**Abstract**: The article covers the possibilities of Tourism Development in our country, in particular in the Samarkand region. Bunda is also focused on the issue of the development of basic eco-tourism. In carrying out this work, special importance has also been attached to the place of advertising.

**Keywords**: tourism, advertising, types of tourism, environmental tourism, tourist potential.

Туризм соҳасининг ривожланишида реклама-ахборот тизимини йўлга қўйиш ва тарғибот ишларини амалга ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари котибияти, Туризмни ривожлантириш департаменти, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда туманлар ҳокимликлари томонидан кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши лозим. Ушбу ишда оммавий ахборот воситаларининг ҳам фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимизга, хусусан вилоятимизнинг қадимги шаҳарларига ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса, шаҳарларимиз кўркамлашиб, чирой очиб бормоқда, янги замонавий бинолар қурилиб, таниб бўлмас даражада ўзгармоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг Хива, Урганч,

Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон, Марғилон, Самарқанд каби шаҳарларда қадимий тарихий обидалар билан бирга замонавий иншоатлар ҳам қад кўтармоқдаки, уларни кўришга иштиёқманд одамлар сони албатта кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Чунки ушбу шаҳарларни кўрган ва томоша қилган одам бир олам таассуротларга эга бўлади.

Қдимдан “Самарқанд - ер юзининг сайқали”, деб тан олинган шаҳар. Унинг бир-биридан мафтункор қадимий обидалари нафақат, диёримиз кишиларини, балки хорижий сайёҳларни ҳам ўзига ром қилиб қўяди. Хорижий сайёҳлар билан учрашиб, суҳбатлашиб қолсангиз, “Мен самарқандни бунчалик тасаввур қилган эмас эдим. Бу ҳақиқатда кўркам ва бетакрор шаҳар экан”, дея ҳайратини яшираолмай тўлқинланиб гапиради. Самарқандда жойлашган маҳобатли Биби-Хоним жомеъ масжиди, Шоҳи-Зинда ва Регистон ансамблларининг минораю гумбазлари, пештоқу равоқларини диққат билан кузатиб, улардаги мураккаб нақшу нигорлар, сулс, куфий, насх (араб ёзувлари турлари) хатларида битилган ёзувлар ҳамда кошинлару муқарнасларнинг чиройини кузатиб лол қоламиз. Айнан шу тарихий бинолар Самарқандни дунёнинг сайқали, деб аталишига ҳам сабабчидир.

3. Концепция развитие туризма Республики Узбекистан до 2025 года. WWW.Uza.uz

4. Концепция комплексного социально-экономического развития Республики Узбекистан до 2030 года.- www. Lex. Uz

5. Послание Президента РУ Ш.Мирзиёева к Олий Мажлису от 24.01.2020.- www. Uza. uz.

**Z.A. Jabborova** – QarDU magistranti

# INNOVATSION VA RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISH

**Annotatsiya:** Maqolada turizm sohasida innovatsion va raqamli iqtisodiyotning ahamiyati va rivojlantirish imkoniyatlari tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** raqamli iqtisodiyot, texnologiya, industrial dinamika,mahsulot va xizmatlar, xaridor, turistik firma, IT-platformalar

**Аннотация:** В статье анализируется роль и потенциал инновационной и цифровой экономики в туризме.

**Ключевые слова**: цифровая экономика, технологии, динамика производства, товары и услуги, покупатель, туристическая фирма, IT-платформы.

**Abstract**: The article analyzes the role and potential of innovative and digital economy in tourism.

**Keywords:** digital economy, technology, industrial dynamics, products and services, buyer, travel firm, IT platforms

Bilimlarga asoslangan raqamli iqtisodiyotga o'tish konsepsiyasi industrial davrdan informatsion-texnologik davrning ishlab chiqarish usuliga o'tish bilan bog'liqdir. Ushbu konsepsiyaning paydo bo'lishiga asosiy sabab – industrial iqtisodiyning barcha tarmoqlari va jabhalarini qamrab olgan hamda uning miqyosi, dinamikasi va ichki mohiyatini batamom o'zgartirib yuborgan yangi raqamli informatsion texnologiyalar paradigmasidir. Ilmiy izlanishning ko'rsatishicha, industrial iqtisodiyotning informatsion iqtisodiyot bilan almashinishi agrardan industrial iqtisodiyotga o'tishga aynan ekvivalent emas, chunki yangi paradigma doirasida iqtisodiyotning asosiy tarmoqlari ilm-fan sohalaridagi puxta bilimlar talab qiladigan komputer texnologiyalari, raqobatbardosh va o'zgaruvchan sharoitlarga tezda moslasha oladigan informatsion tarmoqlar sifatida aniqlanadilar[1].

Yangi raqamli mahsulot yoki xizmatlarni hayotga tadbiq qilish bilan tugallanadigan hamda bundan ko'ra kengroq miqyosda amalga oshiriladigan raqamli innovatsion faoliyatlar bir-biridan farqlanishi zarur. Hozirgi davrda yangi bilim va informatsiyani yoki raqamli innovatsion faoliyatni yaratish jarayonini tushunishda bir qancha yondoshuvlar mavjud. Turizmda yondashuv asosan raqamli innovatsion faoliyat yangi mahsulotni u haqidagi g'oya hosil bo'lishidan to uning o'zlashtirilishi, ishlab chiqarilishi, sotilishi va tijoriy samara olinishigacha bo'lgan jarayon deb tushuniladi. Raqamli innovatsiyalar yaratish ilmiy izlanishlar, tajriba-konstruktorlik ishlari va ularning natijalarini hayotga tadbiq qilish kabi yangi raqamli mahsulot yaratish va ularni o'zlashtirish bilan bog'liq bo'lgan barcha ishlarni o'ziga qamrab olgan jarayondir. Raqamli innovatsion turizm faoliyatining bunday sub'ektlariga iqtisodiyotning turli sohalarida yangiliklar yaratib, ularni amaliyotga tadbiq etadigan komputer dasturchilari, dizaynerlar, web-dizaynerlar axborotlashtirish va kompyuterizatsiyalashtirish davrida turizm sohasida axborotni sotish va uni uzatish bo'yicha yangicha yondashuviga olib keldi. Bu borada

[1] Седова Л.К. Хуррамов О.К. «Туризм и социальная медия», международная научно-практическая конференция.2018. ст 93.

iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida innovatsion rivojlanishga alohida e'tibor qaratila boshlandi. Modernizatsiyalashning eng yorqin namunasi sifatida biz internet tarmogʻini ayta olamiz.

Yuqorida takidlaganimizdek, raqamli iqtisodiyot zamonaviy axborot texnologiyalari asosida va real iqtisodiy sharoitlarga muvofiq rivojlanadi. Bugungi kunda raqamli texnologiyalar nafaqat aloqa vositasi boʻlib qolmay, marketingda ham revolutsiya qila oldi. Agar ilgari ishlab chiqarish, savdo va moliya texnologiyalari izchillik bilan rivojlangan boʻlsa, hozirgi paytga kelib, asosan gorizontal oʻzaro aloqalarga, innovatsion tadbirkorlikka, axborot injiniringiga va iqtisodiy jarayonlarni avtoformalizatsiyalashga asoslanadigan zamonaviy axborotlashgan iqtisodiyotning asosi boʻlgan internet paydo boʻlgan. Internetning moddiy asosini data-markazlar hamda axborotni tizimlashtirish va tahliliy qayta ishlash uchun moʻljallangan zamonaviy IT-platformalari tashkil qiladi[1]. Shu holatda internet yoki raqamli texnologiyaning boshqa turi orqali muammolarga yechim topa olamiz. Bu turdagi xizmat dastlab kichik, tor doirada amalga oshirilgan boʻlsa, keyinchalik unda yirik korxona va tashkilotar ham foydalana boshladi. Bugungi globollashuv jarayonida dunyo aholisining 80% foizidan koʻproq qismi sotsial tarmoqdan foydalanadi. Ularning koʻpchiligini televediniya, radio va OAV ga qaraganda koʻproq internetda afzal koʻradi. Bu esa hayotimizda web texnologiyalar darajasining yuqori ekanligini koʻrsatadi. Iqtisodiy tarmoqlar, turizm sohasida ham ushbu xizmat turi ommalashib bormoqda. Har bir turistik firma uchun reklama zarur. Bu vazifani IT sohasining tarmogʻi websaytlar va ijtimoiy tarmoqlar oʻz zimmasiga oladi. Xaridor oʻzi uchun kerakli mahsulotni qidiradi. Bunda turistik firmalar oʻz turpaketlarini aynan websaytlar orqali u haqidagi ma'lumotlar: mahsulot turi, narx, qulayliklar, tovar toʻgʻrisida foto va video lavhalar ham joylashtirilishi mahsulotni sotishning bir usulidir. Mahsulot haqida qanchalik koʻp va toʻliq ma'lumot berilsa, xarid darajasi ham oshish ehtimoli kuzatiladi. Turizmda talabning oshishi bir necha omillarga qaratiladi:

- mahsulot sifati va qulayliklarining mavjudligi;
- turpaket narxining iste'molchiga qay daraja mosligi;
- qoʻshimcha chegirma va bonuslar;
- websayt orqali berilayotgan qulayliklar mavjudligi (barcha berilayotgan ma'lumotlar haqqoniyligi, qoʻshimcha bogʻlanish uchun kontaktlarning mavjudligi va boshqalar);

Turpaket shakllantirilishida iste'molchi uchun qulayliklar yaratish maqsadida transportdan tortib toki boshqa qoʻshimcha ehtiyojlarini qondira olish imkoniyati inobatga olinadi. Oʻzbekiston hududida turizm jadal rivojlanayotgan iqtisodiy tarmoqlardan biri boʻlib, turli turfirma va turagentliklar tashkil etildi. Dunyoda tarixiy ahamiyatga ega boʻlgan Oʻzbekiston tahrif buyuruvchi turistlar soni 2019 yil oxirgi olti oy ichida 6 million 748 ming 500 nafar sayyoh tashrif buyurgan, bu oʻtkan yillarga qaraganda 15% ga oʻsishni koʻrsatadi. Natijalarga koʻra Oʻzbekistonda turizm rivojlanib foyda keltiruvchi tarmoqlardan biriga aylanmoqda.

[1] Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с.

Sayyohlk agentliklarini reklama qilish va boshqa mamlakatlar bilan aloqa oʻrnatish, mijozlarni jalb qilish maqsadida Oʻzbekiston sayyohlik agentliklar boʻlimining soʻrov ma’lumotlari Yellowpages.uzda sahifa yaratilgan. Bu katalog sayyohlik agentliklari haqida manzil, telefon, joylashuvlari va kontaktlari, hamda boshqa kerakli ma’lumotlarni topishga yordam beradi. Katalogdagi ma’lumotlar doimiy ravishda turagentliklarga oid yangi ma’lumotlar bilan toʻldirilib boriladi. Hamda mutaxasislar tomonidan qoʻyilayotgan har bir ma’lumot haqqoniyligi tekshirib boriladi. Yellowpages elektron katalog tarkibiga kiritilgan saytlar orqali turagentliklar oʻz mahsuloti - turpaketlarni iste’molchilarga taqdim etadi. Bugungi kunda ushbu katologda 426 ta turagenlik kiritilgan boʻlib, misol sifatida Premium Travel, Best Holiday Tour, Leo-Express-Avia, Lyuks Typ, Palm Travel, Garant Travel, Canan Travel, Dream Tour Travel va boshqa bir qator sayyohlik agentliklarini ayta olamiz[1]. Turagentliklardan biri boʻlgan “Dream Tour Travel“ 2010 yildan oʻz faoliyatini boshlagan va bugungi kunga qadar doimiy mijozlarga ega. Ushbu agentlik muvaffaqiyatga erishishining sababi sifatida oʻz ishini a’lo darajada, ancha kutilgan ta’tilni mijozlariga zarur boʻlgan yuqori darajada qiziqarli va esda qolarli boʻlishini ta’minlashni ayta oladi. Bu agentlik uchun nafaqat reklama, balki mijozlar bilan osonroq aloqa oʻrnatish va ularning sonni oshishiga olib keldi. Bu kabi sayyohlik agentliklari soni kundan-kunga ortib deyarli barcha turizm markazlari boʻlgan shahrlarimizda oʻz oʻrniga ega. Xususan Qashqadaryo viloyatida turoperatorlar soni joriy yil boshida 15 tani tashkil etsa, yil yakuniga kelib ularning soni 21 taga yetkazildi[2]. Bu shuni koʻrsatadiki, Qashqadaryo viloyatida yil sayin turistlar oqimi oshib bormoqda va u bilan bogʻliq boshqa sohalar rivoji esa mahhaliy aholi turmush tarzining yanada oʻsishiga olib keladi. Xalq farovon va toʻq yashashi mamlakat rivoji demakdir.

Maqolada yuqoridagi fikrlardan kelib chiqqan holda, quyidagi takliflarni berishimiz mumkin.

-turizm sohasida tashkil qilinayotgan turfirma va agentliklarda raqamli iqtisodiyot va innovatsiyalar ahamiyatini oshirish;

-raqamli iqtisodiyotga bogʻliq boʻlgan web texnologiya va IT sohasini turagentliklar faoliyatida tadbiq etish;

-Oʻzbekiston hududida turizm sohasida faoliyat yurituvchi subyektlar yagona elektron bazasini yaratish;

-tarixiy obyektlar, muzey eksponatlari tarixi yaratilish afsona va miflar haqida toʻliq ma’lumot beruvchi Verum QR dasturini yanada rivojlantirish;

-internet va ijtimoiy tarmoqlar orqali turizmni keng targʻib qilish maqsadida reklama roliklarini ishlab chiqish;

Xulosa qilib aytganda zamonaviy tenologiya va innovatsiya davrida mamlaktimiz rivojlanayotgan turizm sohasida, raqamli iqtisodiyotda internet va ijtimoiy tarmoqlar uning rivojida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Butun jahon bilan uzviy aloqa turizm dunyosida afsonalarga boy qadimiy Oʻzbekistonning mavjud oʻrnini yanada mustahkamlashga xizmat qiladi.

---

[1] https://uz.yellowpages.uz

[2] Qashqadaryo viloyat Turizm boshqarmasi yillik xisoboti.2019

**Н.Х. Рузибаева–** СамИСИ катта ўқитувчиси
**А.С. Рахмонов–** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси

# ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Аннотация:** мақолада мамлакатимизда ҳозирги босқичда туризм тармоғини ривожлантириш учун интернет технологияларидан фойдаланиш зарурлигини асослайди, чунки бу турли хил воситачилик схемалари билан ажралиб турадиган туризм соҳасидир, шунинг учун бу ерда интернет технологияларидан фойдаланишзарурати тобора ортиб бормоқда. Туризм соҳасини рақамлашатириш соҳанинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу мақола рақамли иқтисодиёт шароитида туризм саноатини рақамли трансформациясининг асосий йўналишларини тавсифлайди, шунингдек, рақамили иқтисодиётни туризм соҳаси учун афзалликларини намойиш этади.

**Калит сўзлар:** рақамли трансформация, туризм, интернет-технологиялар.

**Аннотация:** в статье дается обоснование необходимости использования интернеттехнологий для развития индустрии туризма на современном этапе, поскольку именно для индустрии туризма характерно многообразие посреднических схем, поэтому здесь потребность в использовании интернет-технологий возрастает. Цифровизация сферы туризма будет способствовать повышению конкурентоспособности отрасли. Кроме того, в данной статье приведены ключевые направления цифровой трансформации туристкой отрасли в эпоху цифровой экономики, а также показаны преимущества цифровой трансформации для туристической отрасли.

**Ключевые слова:** цифровая трансформация, туризм, интернет-технологии.

**Abstract:** The article justifies the need to use Internet technologies for the development of the tourism industry at the present stage, since it is for the tourism industry that the variety of intermediary schemes is characteristic, therefore, the need for using Internet technologies is growing. Digitalization of the tourism industry will help to increase the competitiveness of the industry. In addition, this article describes the key areas of digital transformation of the tourism industry in the era of the digital economy, and also shows the benefits of digital transformation for the tourism industry.

**Keywords:** digital transformation, tourism, Internet technologies.

Бугунги кунда аҳолининг даромад даражаси жуда юқори бўлган ва миллатнинг соғлиғини сақлаш ва тиклаш учун эҳтиёж пайдо бўлган мамлакатларда туризм фаол ривожланмоқда. Ҳозирги иқтисодиётнинг ривожланиш босқичда эса барча фаолиятлар рақамлаштириш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг бошқарув шакли ва оддий иқтисодиёт ўртасидаги фарқи шундан иборатки, унда ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасидаги энг муҳим манба ахборот ва уни бошқариш усуллари бўлиб ҳисобланади. Яъни, маълумотлар корхонанинг асосий активлари характерини олади, унинг иқтисодий фаолиятида асосий рол ўйнайди[1]. Рақамли иқтисодиёт жамиятнинг барча

[1] Varian H. Intelligent Technology // Finance and Development. 2016. 53 (3): P. 6–9.

соҳаларига ва инсон ҳаётига таъсир қилади ва бу бугунги кунда аниқ сезилмоқда. Рақамлаштириш жараёнида рақамли технологияларни жорий этиш энг фаол бўлган туризм соҳаси ҳам четда қолмади.

“Рақамли иқтисодиёт” атамаси яқинда пайдо бўлди, яъни 1995 йилда Массачусец технология университети профессори Николас Негропонте ундан янги (рақамли) иқтисодиётнинг қадимги афзалликларини тушунтириш учун фойдаланган. Унинг фикрича, янги рақамли иқтисодиёт ахборот технологияларининг жадал ривожланишига асосланади. Сўнгги йилларда дунёда рақамли иқтисодиёт ўзининг самарадорлигини исботламоқда. Туризм соҳасида янги рақамли технологиялардан фойдаланиш доимий равишда кенгайиб бормоқда, улар оддий мижозлар учун янада қулайроқ бўлмоқда[1].

Рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларнинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ: IT соҳаси, online савдо, электрон тўловлар, online ўйинлар ва ахборот технологиялари қўлланиладиган бошқа соҳалар. Рақамли иқтисодиётда сотиб олиш, хизмат кўрсатиш, маълумот ва янги билимларни олиш учун воситачи керак эмас. Оддий иқтисодиётда чиптани сотиб олишга қарор қилган сайёҳ туристик агентликка мурожаат қилади. Туристик агентлиги менежери мижознинг истаклари ва қизиқишлари, молиявий ва жисмоний имкониятлар ҳақида гаплашади, ва биз кўпинча буни нотаниш одам билан бўлишишни хоҳламаймиз. Турни танлагандан сўнг, турист чипта учун тўловни тўлайди: тўлиқ ёки ярим нархда, лекин бу миқдор одатда катта қисмни ташкил қилади. Бундай ҳолда сайёҳ самолёт учун чипталарни, меҳмонхонада рўйхатдан ўтиш учун йўлга чиқишдан камида 2 ҳафта олдин йўлланма олади. Агар режалар ўзгарган бўлса, ваучерларнинг санасини ўзгартириш пулнинг йўқолишига ёки ваучер нархининг ошишига олиб келиши мумкин.

Рақамли иқтисодиётда чиптани сотиб олишга қарор қилган турист туристик агентликнинг веб-сайтига кириб, ўзининг имкониятларини инобатга олган ҳолда мамлакатни, меҳмонхонани мустақил равишда танлайди ва интернет орқали тўлайди. Тўланган онлайн ваучернинг нархи офисда сотиб олинган ваучернинг нархидан бироз фарқ қилади, чунки у офисни сақлаш харажатлари ва менежернинг иш ҳақини ўз ичига олмайди. Ушбу сценарийда, сайёҳ ҳам сафар бошланишидан 2 ҳафта олдин ҳужжатларни қабул қилади, аммо у танланган таътил манзилига ишонч ҳосил қилади, чунки у ўзи танлаган. Рақамли иқтисодиёт сайёҳларга туристик агентликларини тармоғидан ташқарига чиқариб, таътилни ташкил этишга имкон беради. дам олиш учун борадиган ҳудуд тарихини олдиндан ўрганиш, ташрифлар учун маршрутларни топиш, музейларни танлаш ва аудио-қўлланма ва экскурсия материалларини юклаб олиш ва ҳк. Интернетда маълумотларнинг таҳлили ёрдамида сайёҳлар кўпроқ пул сарфлаб, имкон қадар кўпроқ фойда олиш учун

---

[1] Морозова Н.С. Информационное сопровождение туристского бизнеса [Текст] / Н.С. Морозова, М.М. Морозов // Туризм и региональное развитие: сб. науч. статей. – Вып. 9. – Смоленск: Универсум, 2016. – С. 60–64.

саёҳатни янада аниқроқ режалаштирадилар, йўналишни оптималлаштирадилар.

Рақамли иқтисодиётнинг маъноси шундаки, воситачи хизмат кўрсатиш занжиридан чиқарилади. Турист аллақачон саёҳат агентлиги менежерининг иштирокисиз саёҳатни ташкил қилади, офисга боришга вақт ва пулни тежайди. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётда бирон бир ҳаракатни амалга оширишдан олдин мажбурий босқич маълумотларни таҳлил қилиш босқичи эканлигини эсга олиш керак. Бу янги дастурий таъминотни ишлаб чиқишда ҳам, интернет-сайтда саёҳатни сотиб олишга ҳам тегишлидир.

Янги технологиялардан фойдаланган ҳолда мижознинг ўзи маълум бир сайёҳлик саёҳати тўғрисида маълумот топиши, у ёки бу туристик агентликни танлаши, хизмат нархларини таққослаши мумкин. Охир-оқибат, у ўзи ёқтирган турни мустақил равишда сотиб олиши мумкин. Хизматларнинг ўзи унга кечаю кундуз тақдим этилади ва хизматларнинг юқори сифати унинг мамнунлигини оширишга ёрдам беради[1]. Ҳозирги вақтда сайёҳларнинг аксарияти турли хил мобил қурилмалар ва мобил интернетнинг фаол фойдаланувчилардир ва шунинг учун сўнгги ўн йилликда интернетнинг кенг тарқалиши туфайли туризм соҳасида жиддий силжишлар юз берди. Уяли алоқа ва мобил Интернетнинг кенг тарқалиши, смартфонлар ва ижтимоий тармоқларнинг тарқалиши янги имкониятларни очиб беради ва сайёҳлик агентликларига мижозларнинг талаб ва муаммоларига зудлик билан жавоб беришга имкон беради[2].

Туризм саноатини рақамлаштириш жараёни унинг рақобатбардошлигини оширади, чунки мижозларга хизмат кўрсатиш сифати яхшиланади ва туристик хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларидан юқори даромад оладилар[3]. Шундай қилиб, рақамли трансформация таъсири остида ҳозирги пайтда туризм саноатида муҳим тенденциялар мавжуд. Рақамлаштириш ва туризм саноатида замонавий технологиялардан фойдаланиш замонавий рақамли дунёда туризм индустриясини янада рақобатбардош қилишга қаратилган. Google статистикасига кўра, саёҳатни режалаштириш даврида фойдаланувчилар 400 га яқин қидирув сўровларини қилишади. Ушбу улкан маълумотлар қатлами сайёҳлик компаниялари томонидан бизнинг қароримизга таъсир қилиш ва маълум бир маршрут, компания ва меҳмонхона фойдасига мойил бўлиш учун фаол фойдаланилади. Дунё бўйлаб саёҳатчиларнинг 74 фоизи ўз саёҳатларини интернет орқали режалаштиришади. Масалан, Туркия “туризм 4.0”ни ривожлантиришга

---

[1] Усенко Р.С. Гедонистическое ценообразование в туристической деятельности [Текст] / Р.С. Усенко // Труды XVI Всероссийской с международным участием научно-практической конференции / под ред. проф. Н.В. Апатовой (Симферополь – Гурзуф, 18–20 апреля 2019 г.). – Симферополь: ИП Т.В. Зуева, 2019. – С. 135–136.

[2] Воронкова Л.П. Интернет как информационный ресурс международного туризма [Текст] / Л.П. Воронкова // Информационное общество. – 2018. – №2. –С. 49–53.

[3] Королева М.А. Цифровая экономика туризма и сферы услуг как «прорыв в будущее» [Текст] / М.А. Королева, Н.Б. Кущева // Вестник индустрии гостеприимства: сборник материалов. – СПб., 2018. – С. 55–58.

йўналтирилганини эълон қилди – мамлакат ўзининг туризм соҳаси учун рақамли маркетингга катта маблағ сарфламоқчи[1].

Иқтисодиётида туризмга катта ҳисса қўшадиган Осиё мамлакатлари ҳукумат даражасида рақамли трансформацияга киришдилар. Июнь ойида Шри-Ланка диққатга сазовор сайёҳлик жойи сифатида кенг кўламли рақамли реклама мамлакати очилишини эълон қилди, бунинг натижасида ҳокимият бу йил 2,5 миллион сайёҳни жалб қилишни режалаштирмоқда.

Индонезияда, Airbnbнинг халқаро миқёсда кенгайишига жавобан, улар ҳукумат кўмаги билан меҳмонхоналар ва виллалар учун Indonesia Travel Exchange (ITX) туристик брон тармоғини ишга туширдилар, унинг базасида 2000 хил ижара хусусиятлари мавжуд[2].

Туризм сектори учун ахборот инфратузилмаси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у ягона ахборот маконини ва туризмнинг мега, макро, мезо ва микродаражаларида ўзаро таъсир ўтказиш воситаларини шаклланишини, ишлашини ва ривожланишини таъминлайди. Мегадаражали туризмнинг инфратузилмаси жаҳон туристик ташкилоти (UNWTO), Бутунжаҳон туризм ва саёҳатлар кенгаши (WTTC) каби халқаро туризм ташкилотлари томонидан шакллантирилган. Макро даражада ахборот инфратузилмаси миллий туризм маъмуриятлари (NTA) ва миллий туризм ташкилотлари (NTO) томонидан таъминланади. Мезодаражада ахборот инфратузилмаси туристик йўналишларга (минтақаларга) мос келади ва тегишли минтақавий туризмни бошқариш тузилмалари томонидан шакллантирилади. Туризмнинг микро даражаси – бу туризм саноатининг алоҳида корхонаси, уларни ахборот билан таъминлаш мустақил равишда амалга оширилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида ижтимоий ҳаёт ва сайёҳлик фаолияти тобора кўпроқ технологик ривожланмоқда, дунё туризми соҳасида ягона ахборот макони яратилмоқда, ахборот таъминоти ва туризмни бошқаришнинг янги тамойиллари шаклланмоқда. Туризм бизнесини ахборот билан таъминлаш ва уни рақамлаштириш туризмнинг рақобатдошлигини оширувчи стратегик манба ҳисобланади. Шундай қилиб, мамлакатимизда ҳам туризм соҳасида рақамли трансформациянинг муҳим тенденциялари пайдо бўлди ва ушбу технологияларнинг туризм маҳсулотлари ва хизматларига интеграцияси ақлли туризмга олиб борадиган инновацион жараённинг асосий элементи бўлиб ҳисобланиши лозим.

[1]https://firstlinesoftware.ru/news/tsifrovoj-turizm-kakie-segmenty-rynka-organizovannykh-puteshestvij-otsifrovyvayutsya-prezhde-vsego/
[2] Ўша ерда

# III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ МУАММОЛАРИ”

**З.Н. Курбанов–** Давлат солиқ қумитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** мақолада рақамли иқтисодиётнинг назарий масалалари ёритилган. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилади ва унинг методологиясида рўй берадиган ўзгаришлар ёритилган. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар**: рақамли иқтисодиёт, “Криптовалюта”, “BlockChain”, “Bitcoin”, рақамли маҳсулотлар,бухгалтерия ҳисоби, счётлар.

**Аннотация:** в статье рассматриваются теоретические вопросы цифровой экономики. Рассматриваются основные направления совершенствования бухгалтерского учета в условиях цифровой экономики и информационного общества. Выделяются ключевые факторы влияния цифровых технологий на методологию и методику бухгалтерского учета, определяются возможности их расширения.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, “Криптовалюта”, “BlockChain”, “Bitcoin”, цифровые продукты, бухгалтерский учет, счета**.**

**Abstract**: The article discusses the theoretical issues of the digital economy. The main directions of improving accounting in the digital economy and the information society are considered. The key factors of the influence of digital technologies on the methodology and methods of accounting are identified, the possibilities of their expansion are determined.

**Keywords:** digital economics, accounting, digitalization, distribution, digital resources, digitization

Мамалакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда, ислоҳотларнинг амалий натижадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни амалиётга кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги фикрларини келтиришимиз мумкин: “Рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир.”[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

Рақамли иқтисодиётни мамалакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги аҳамиятини ҳисога олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагиларни баён қилди: "Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида мен юртимизда 2020 йилга **"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили",** деб ном беришни таклиф этаман..... Бу вазифаларни кўзда тутган ҳолда, **"Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастурини** ишлаб чиқишни икки ой муддатда якунлаш лозим.[1]

Рақамли иқтисодиётни мамалакатимизда ривожлантириш мақсадида бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг яққол мисоли бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4022-сон қарори ҳисобланади. Ушбу қарорда қуйидагилар қайд этилган: "Кейинги вақтда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда.... Рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, замонавий инфратузилмани қўллаш."[2]

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни амалиётга кенг жорий этиш, бевосита бухгалтерия ҳисобининг ҳам методологиясини такомиллаштиришни талаб этади. Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилади ва унинг методологиясида нималар ўзгаради? Ҳозирги вақтда иқтисодчилар ўртасида рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши бухгалтерия ҳисобини ривожланишига қандай таъсир кўрсатади?- деган савол турибди. Бундай шароитда бухгалтерия ҳисобининг функциялари тўлиқ сақланиб қоладими?, унинг предмети ва методларида қандай ўзгаришлар бўлади, янги объектлари пайдо бўладими? - деган саволлар кўпайиб бормоқда.

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши асосида бухгалтерия ҳисобига янги талаблар қўйилади ва унинг янги объектлари намоён бўлади. Масалан, "Криптовалюта", "BlockChain", "Bitcoin" ва бошқалар. "Блокчейн — маълумотларни сақлаш учун тақсимланган реестр…" деган маънода ишлатилади. Блокчейн — бир-бири билан интернет орқали

---

24.01.2020.
[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020.
[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги "Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4022-сон қарори.

боғланган кўплаб компьютерларда бир вақтнинг ўзида ахборотларни сақловчи маълумотлар базаси бўлиб ҳисобланади. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши асосида активларнинг таркибида ўзгаришлар бўлиб, номоддий активларнинг улуши ошиб боради. Бу шароитда хўжалик юритувчи субъектлар операцияларни ягона регистрга ёзади ва сақлайди. Ягона регистр бухгалтерия ҳисоби ахборотларини тақсимлаш ва ўзора боғлиқлик тизимини таъминлайди. Бухгалтерия ҳисоби ахборотлари ягона регистрининг устунлик томони шундаки, бу шароитда ҳисоб ахборотларини бузиб кўрсатиш ёки йўқ қилиб юборишни умуман имкони бўлмайди. Чунки ахборатлар тақсимлаш ва криптография тизимлари билан ҳимояланган бўлади.

Баъзи иқтисодчилар бу тизимни “ уч ёқлама ёзув” деб аташмоқда. Н.В.Емельяновнинг фикрича бу тизим ривожланади ва молиявий ҳамда номолиявий ҳисоботларнинг ишончли базасига айланади.[1] Т.П.Карпованинг қайд этишича, ҳисобнинг янги объектларини, яъни инсон интеллектуал капитали, мижозлар базаси, инновацион маҳсулотлар, рақамли маҳсулотлар ва бошқа шунга ўхшаш объектларни алоҳида белгилаш мумкин.[2]

Рақамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?
Мамлакатимизда рақамли маҳсулотларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди. Бунга яққол мисол бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16-августдаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низом” 670-сонли қарори ҳисобланади. Ушбу Низомда рақамли маҳсулотга қуйидагича таъриф берилган: **“Рақамли маҳсулотлар** – интеллектуал мулк объектларининг электрон нусхалари (рақамли товарлар), шунингдек электрон ахборот муҳитида моддий натижага эга бўлмаган муайян ҳаракатлар ёки муайян фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан «булутли технологиялар» хизматини харид қилиш ва унга обуна бўлиш хизматлари (рақамли хизматлар)”[3].

Низомга асосан рақамли маҳсулотларни буюртма асосида яратиш ишларини бажаришда қуйидаги счётлар корреспонденцияси тузулиши белгиланган.

1. Рақамли маҳсулотлар буюртма асосида мол етказиб берувчилардан олинди:

---

**[1]Емельянов Н.В. Влияние цифровизации экономики на развитие бухгалтерского учета. Научно-исследовательский электронный журнал «Экономические исследования и разработки/Economic development research journal». 2019.№1.**

[2] Карпова Т.П. Направления развития бухгалтерского учёта в цифровой экономике. / Т.П. Карпова // Известия Санкт-Петербургского Государственного Экономического Университета. - 2018. - №3 (111). - С. 52-57.

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16-августдаги “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот маҳсулотларидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳамда расмийлаштиришнинг божхона расмийлаштируви (декларациялаш) ва бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низом” 670-сонли қарори.

Дебет-счёт 0830-“Номоддий активларни харид қилиш”,

Кредит- счёт 6010-“Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган ҳисобварақлар”.

2. Рақамли маҳсулотлар фойдаланишга топширилганда:

Дебет-счёт 0490-“ Бошқа номоддий активлар ( рақамли маҳсулотлар)”

Кредит-счёт 0830-“Номоддий активларни харид қилиш”.

Юқоридаги ёзувлардан кўриниб турибдики, рақамли маҳсулотларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун 0400 счётда алоҳида “ Рақамли маҳсулотлар” счётини очиш ва унда уларнинг ҳисобини олиб боришимиз мақсадга мувофиқ экан. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни ривожланиши шароитида бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари пайдо бўлади ва унинг методологиясини такомиллаштиришни талаб қилади.

**Р.Ш.Хусайнов –** “Samarkand Business Advisors” МЧЖ директори

## ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ ХИСОБИ ВА АУДИТ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ РОЛИ

**Аннотация:** Ушбу макола давлат тасаруфидаги объектларни хусусийлаштириш тизимидаги муаммоларга багишланган. Узбекистон Республикаси иктисодиетининг ривожлантиришнинг устувор йуналишларидан бири булиб, давлат мулкларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараенида адолатли, окилона тизимни яратишдир. Ушбу хусусийлаштириш жараенида тулаконли назорат тизими яратилмаган.

Давлат объектларини хусусийлаштиришдаги мухим муаммолардан бири тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари хар томонлама асосланган хисоб тизимининг йуклиги ва инвестицион мажбуриятларни хисоб тизимида акс эттириш мухим хисобланади.

**Калит сўзлар:** давлат объектлари, хусусийлаштириш, инвестиция, инвестицион мажбуриятлар, мажбуриятлар хисоби.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются проблемы в системе приватизации государственного имущество. Одним из приоритетных направлений развития экономике Республики Узбекистан является создание справедливой и прозрачной системы приватизации государственного имущество. Одной из основных проблем при приватизации государственных объектов является отсутствие комплексной системы учета обязательств предприятий и отражение инвестиционных обязательств в системе учета.

**Ключевые слова:** государственные объекти, приватизация, инвестиция, инвестиционные обязательства, учет и аудит обязательств.

**Abstract:** This article discusses problems in the system of privatization of state property. One of the priority areas for the development of the economy of the Republic of Uzbekistan is the creation of a fair and transparent system of privatization of state property. One of the main problems in the privatization of state-owned facilities is the lack of an integrated accounting system for enterprise obligations and the reflection of investment obligations in the accounting system.

**Key words:** government facilities, privatization, investment, investment obligations, accounting of obligations.

Бирорта мамлакатда марказлаштирилган сиёсий ва иктисодий тизимдан бир маромда утмаган, каттик карама-каршиликлар, хаттоки кулга курол олиб кучага чикиш, кон тукиш холатлари Собик Иттифокнинг бир катор мамлакатларида содир булиб утди. Бу жараёнда асосий масалалардан бири давлат мулкини хусусийлаштириш муаммосидир.

Иктисодиёт тарихидан маълумки давлат – ёмон тадбиркор. Шунинг учун ислохотлар доирасида давлат тасарруфидаги иктисодиет объектларини маълум шартлар билан хусусийлаштириш хар бир мамалакатда бир катор муаммоларни келтириб чикармокда.

Россия Федерацияси, Украина ва бошка МДХ мамлакатларида хусусийлаштриш жараёнларини тахлил этсак, уларнинг биронтасида хам бу жараён тулигича адолатли утказилди ва жамият барча аъзолари манфаатлари таъминланди, деб хулоса кила олмаймиз.

Узбекистонда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш максадида бир катор номатив хужжатлар жорий килинган, хусусан Узбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги 2200-сонли «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги карорига мувофиқ, давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини такомиллаштириш, уларни сотиш механизмлари ва тартиботлари самарадорлигини ошириш, шунингдек давлат мулки объектлари билан битишувларни амалга оширишда оммавийлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарори, Узбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 11 октябрдаги 5552-сонли фармони, Узбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2019 йил 19 февралдаги фармонлари тасдикланиб жорий килинмокда.

Узбекистон Республикасида хусусийлаштириш учун танловларда объект нархидан ташкари фаолият турини ва ишчи уринларини саклаш шартлари куйилиб, давлат тасарруфидаги объектлар хусусий тадбиркорлик субъектларига берилиб келинди. Конунчиликдаги камчиликлар хусусийлаштириш жараёнларидаги шаффофликнинг булмаганлиги хамда белгиланган шартлар бажарилмаганлиги натижасида куплаб объектлар арзимаган нархларда сотилиб, улардаги фаолият кискариб кетди ва хаттоки умуман ёпилиб кетиш холлари куплаб учради, ишсизлар сони ошишига олиб келди.

Хозирги кунда хам куплаб буш турган, каровсиз объектлар мавжуд, уларни танлов оркали тулов ёки «ноль» кийматда маълум шартлар билан тадбиркорларга бериш жараёни давом этмокда.

Бизнинг фикримизча хусусийлаштирилган тадбиркорлик субъектининг объектни хусусийлаштириш билан узига олган маъсулиятини бажариш буйича тулик ва кисман бажармаган холларда санкциялар куллаш буйича норматив-меъёрий хужжатлар кабул килинган булсада, тулаконли назорат тизими яратилмаган.

Мухим муаммолардан бири хусусийлаштиришдаги тадбиркорлик субъектларининг мажбуриятлари хар томонлама асосланган хисоб тизимининг йуклиги, деб хисоблаймиз.

Хисоб тизимида акс эттириладиган дастлабки масала – танловда белгиланган туловлар ва уларни тулаб бериш муддатлари хисобини юритиш. Шартнома имзоланиб, тулаш мажбурияти пайдо булаяпти, уни тулаш мажбуриятини бажариш хисобини юритиш тизимини шакллантириш лозим.

Хусусийлаштиришда иктисодиётимиз ривожининг хозирги боскичида туловдан ташкари тадбиркорлик субъектининг инвестиция киритиш мажбуриятлари хам хусусийлаштиришда шарт килиб белгиланиб келинмокда. Хусусийлаштирилаётган объектда тадбиркорлик фаолиятини ташкиллаштириш учун канча инвестиция киритилади, инвестициялар канака таркибда (пул, курилма, ноу-хау, гудвил ва хаказо) булади. Уларни хисоб тизимида акс эттириш мухим хисобланади.

Шу билан бирга, хусусийлаштиришда янги иш уринлари яратиш, объект атрофларини ободонлаштириш ва яна бир катор мажбуриятлар танлов шартлари асосида белгиланиши мумкин. Улорнинг хар бирини хисоб тизимида акс эттириш хамда мажбуриятларининг бажарилишини назорат килиб бориш тадбиркорликни ривожланишига хизмат килади.

Хусусийлаштиришдаги мажбуриятларнинг шаклантирилган хисоб тизими, унда мажбуриятларни бажариб бориш жараёнини акс эттириб борилиши ташкил этиладиган ички ва ташки аудитни утказиш учун шаффофликни таъминлайди, аудит якунлари буйича хусусийлаштириш жараёни томонлар учун асосланган хулоса ва тавсиялар учун ахборотлар базасини яратади.

Давлат тасарруфидаги объектларни хусусийлаштириш окибатида пайдо буладиган мажбуриятлар хисобини шакллантириш ва аудит тизимини яратиш, охири окибатда, объектлардан олинадиган самарага эришишга, янги иш уринлари яратишга, иктисодиётмизни ривожига хизмат килади.

**А.И.Рахматуллаев –** ҚарМИИ “Иқтисодиёт” кафедраси доценти
**Ш.Д. Қурбонов –** ҚарМИИ 1-курс магистранти

# КОРХОНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ВА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация:** мақолада корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларнинг аҳамияти ва истиқболда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг йўллари келтирилган.

**Калит сўзлар:** самара, рақобат, модернизация, диверсификация, ишлаб чиқариш цикли, ички омил, ташқи омил, инновация.

**Аннотация:** в статье обсуждается важность факторов, влияющих на производительность предприятия, и способы повышения эффективности производства в будущем.

**Ключевые слова:** эффективность, конкуренция, модернизация, диверсификация, производственный цикл, внутренний фактор, внешний фактор, инновация.

**Abstract**: The article discusses the importance of factors that affect the company's productivity and ways to improve production efficiency in the future.

**Keywords:** efficiency, competition, modernization, diversification, production cycle, internal factor, external factor, innovation.

Маълумки, товар ва хизматларга бўлган бозор ҳолати ва талабининг доимий равишда ўзгариб туриши ўз навбатида корхоналар, уларнинг рақиблари ҳамда хамкорлари ўртасида ўзаро янгича харакат ва муносабталарни шакллантирмоқда. Бундан ташқари турли хил омиллар таъсирида бозор иштирокчилари ўрасида кундан-кунга рақобат курашининг кескинлашуви ва ишлаб чиқариш ресурсларининг тақчиллиги ошиб бораётган бир пайтда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳар қандай корхонанинг бозордаги ўз позициясини сақлаб қолиши ва рақобатбардршлигини таъминлашнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

Иқтисодий нуқтаи назардан, ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлган корхона менежерлари учун ишлаб чиқариш харажатларини тежаш, маҳсулот таннархини камайтириш, маҳсулот, хизмат сифатини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш, янги бозорларни ўзлаштириш, мижозлар эътиборини қозониш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш каби бир қатор масалаларга ечим топишда анча қулайликларни яратади.

Демак, ҳар бир корхона мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ресурлари ва инвестицияларни устувор соҳаларга жойлаштириш орқали самарадорликни оширишга етарли даражада эътибор бериши лозим бўлади.

“Самарадорлик” кенг қамровли тушунча бўлиб, унга жуда кўп таърифлар берилган.

Самарадорлик – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз

маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.[1]

Самарадорлик - бу, фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак.[2]

Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Демак, самарадорлик ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро таққослаш орқали аниқланади.

Унутмаслик керакки, самарадорлик иқтисодиётнинг барча соҳаларида кенг қўлланилади ва бу борада айнан биз ишлаб чиқариш самарадорлиги, унга таъсир этувчи омиллар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари хақида фикр юритмоқчимиз.

Юқорида “самара”, “самарадорлик”ни маъно ва мазмуни бўйича келтирилган фиклардан келиб чиқиб, “ишлаб чиқариш самарадорлиги” тушунчасига қуйдагича таъриф беришни таклиф қилмоқчимиз.

**Ишлаб чиқариш самарадорлиги**-бу, маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаришнинг ҳар бир жараёнида ресурсларидан оқилона фойдаланиш, кам меҳнат ва харажат сарфи ҳисобига қўйилган мақсадга ҳамда манфаатли иқтисодий натижага эришишдир.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда энг аввало унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади ва бу омилларни асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин.(1-расм)

Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ҳар бирини таъсир даражасига бўйича таҳлил қилиш зарур. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор “бўшлиқни”, бепарволикни, ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва беҳуда йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истиқболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади. Истиқболда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва корхонани ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантирш бўйича анъанавий йўлардан ташқари қуйдаги таклифлардан амалиётда фойдаланиш ўзининг ижобий натижаларини беради:

- ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаси бўйича чуқур таҳлил қилиш;

[1] Р.С.Муратов, И.А.ДЖалалова, С.Ш.Орипов. © “Корхона иқтисодиёти” - Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2011- 500 б.
[2] Абдураҳим Ортиқов. «Саноат иқтисодиёти» (Дарслик). - Т.: ТДИУ, 2014й., -270 б.




**1-расм. Корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.**

- корхонанинг ташқи муҳити бўйича таъсир этувчи омилларга мослашиш ва уларга нисбатан таъсир чораларини ишлаб чиқиш;
- корхона ишлаб чиқаришини таркибий жиҳатдан ўзгартириш яъни ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификацилашда бозор талаби, корхонанинг салоҳияти ва имкониятларини инобатга олиш зарур;
- меҳнатни ташкил этишда узлуксизлик, барқарорлик тамойилларга амал қилиш, ишлаб чиқариш ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш;
- корхонани аниқ масадга йўналтирилган инвестиция дастури ва уни амалга ошириш бўйича зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- корхона ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган (таъминотчи, хизмат кўрсатувчи, маҳсулот сотувчи ва бошқалар) хамкорлар билан манфаатли алоқаларни ўрнатиш;
- корхонада соғлом ижтимоий муҳитни яратиш, ходимлар малкасини ошириш, меҳнатнинг пировард натижалари, корхона ривожига қўшган ҳиссасига кўра ишчи ходимларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш билан бир қаторда уларни меҳнат интизомига қатъий риоя қилишини назорат қилиб бориш;
- энг асосийси барча истеъмол хусусиятларига эга бўлган, инновацион, арзон ва рақобатбардош махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

**Ш.С.Жалилова** – СамДАҚИ катта ўқитувчи,
**Умид Меликов** – СамДАҚИ, КХАЛТЭ-305 гуруҳ талабаси

# ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ТАШКИЛИЙ ОМИЛЛАР

**Аннотация**. Ушбу мақолада хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи омиллар таркибида муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий омилларнинг мазмуни ва таъсир кўрсатиш кўлами назарий жиҳатдан таҳлил қилинади. Шунингдек, меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва самарали бошқарув ҳамда ташкилий тизим тушунчалари талқин қилинади.

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, меҳнат самарадорлиги, хизмат кўрсатиш, ишчи кучи, меҳнатни тўғри ташкил этиш.

**Аннотация.** В этой статье теоритический анализируются важную значения имеющийся масштабние организационные факторы действующие на повышение эффективности труда. А также, предложения путей увеличения эффективность труда за счёт организационных факторов.

**Ключевые слова:** инновационная экономика, эффективность труда, услуга, рабочий сила, организация труда.

**Abstract:.** In this article theory are analyzed the important values available scale organizational factors working on increase of efficiency of labor. Also, offers of ways of increase efficiency of labor due to organization factors.

**Keywords:** innovative economy, efficiency of labor, service, labor force, labor organization.

**Кириш.** Хизмат кўрсатиш жарёнида хизмат кўрсатиш воситалари, табиий муҳит ҳамда ишчи кучининг биргаликдаги ҳаракати намоён бўлади. Фойдаланиш даражаси ҳамда муносабат турига кўра бу омиллар меҳнат самарадорлиги омилларини тақсимлашда асосий ўрин тутади ва шунга кўра биз уларни ташкилий, илмий-техник-технологик ва ижтимоий-иқтисодий омилларига бўламиз. Меҳнат самарадорлигига хизмат кўрсатиш воситаси ва технология орқали таъсир кўрсата оладиган омилларга илмий-техник-техлогогик омиллар ташкил этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучи ҳамда хизмат кўрсатиш воситаларини ўзаро бирлаштириш, хизмат кўрсатишни ташкил этиш, уни ривожлантириш усуллари ва меҳнатни илмий ташкиллаштириш каби жиҳатларини ташкилий омиллар намоён этади. Ижтимоий-иқтисодий омилларга ишчи-ходимларнинг маълумоти, турмуш даражаси ва кўрсатиладиган хизматга ишчи кучи орқали таъсир кўрсатувчи бошқа омилларни ўз ичига олади.

**Материаллар ва методлар.** Ташкилий омилларнинг аҳамияти хизматнинг истеъмол қийматини яратиш жараёнида барча меҳнат турларини ўзаро бирлаштириш йўли вужудга келиши билан боғлиқдир. Бунда меҳнатни ташкил қилиш омилларининг меҳнат самарадорлигига таъсири намоён бўлади: хизмат кўрсатишда аниқ бир мақсадга йўналтирилган

фаолият мобайнида меҳнат воситалари орқали жонли меҳнатдан фойдаланиш ҳар икки турдаги меҳнат жараёнини қисқартириш ва тежашга олиб келади.

Хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат самарадорлигини оширишда ишчи кучи меҳнатидан самарали фойдаланишни ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, ишчи кучидан самарали фойдаланишда хизмат кўрсатиш жараёнида ишчи кучи меҳнатини тўғри тақсимлаш лозим. Бундан келиб чиққан ҳолда меҳнат самарадорлигини оширишда ташкилий омилларни тадқиқ этиш комплекс аҳамиятга эгадир. Шу боисдан, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишда ташкилий омилларнинг мазмуни ва таъсир кўрсатиш кўламини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади.

Меҳнат самарадорлигининг юқори ёки аксинча паст бўлишига катта таъсир кўрсатувчи яна бир муҳум омиллардан бири бу хизмат кўрсатиш тармоғининг ташкилий тизимидир. Ташкилий тизим тушунчаси кенг ва у турлича талқин қилиниши мумкин:

1. Худудий нуқтаи назардан. Ушбу ҳолатда тармоқ таркиби турли талабларга тўлиқ жавоб беришлиги лозим. Аввало тармоқ қувватининг бошқа тармоққа нисбатан иқтисодиётда тутган ўрни юқори бўлишлиги, меҳнат ресурслари билан таъминланиши, меҳнат самарадорлигини ошириш имкони бўлмоғи лозим.

2. Хизмат кўрсатиш мувозанатини таъминлаш. Хизмат кўрсатиш босқич(фаза)ларида бўладиган ўзилишларга барҳам бериш ва қўшимча сарфларни қисқартириш (камайтириш).

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Ташкилий тизимни оқилона ташкил этилиши, моҳиятан мазкур тармоқдаги бутун бир хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат самарадорлиги ошишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўзида акс эттиради. Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишнинг яна бир муҳим ташкилий омилларидан бири – бу ўзаро яқин бўлган минтақадаги бир тармоқда фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг ҳамжиҳатлик(ўзаро алоқадорлик)даги ҳаракати. Хамжиҳатлилик якка тартибдаги корхона амалда қай даражада фойдаланиши унинг якуний самарадорлик натижаларига катта таъсир кўрсатади. Бундай ҳамжихатлилик яхлит хизмат кўрсатиш жараёнидаги ўзаро хамкорлик: транспорт, хизмат кўрсатиш кўрсатишни янада кенг ҳудудларда амалга оширишдан иборат. Айнан мана шундай ҳамжиҳатлилик асосида иш олиб бориш маълум бир худуддаги ўзаро яқин хизмат кўрсатиш корхоналарининг бир тармоқ ичида юқори даражадаги меҳнат самарадорлигига эришишларига кўмак беради. Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлиги оширишда техник-ташкилий омиллар орасидан тармоқнинг мавжуд хизмат кўрсатиш имкониятларидан усталик билан фойдаланиш энг самарали йўллардан бири дейиш мумкин. Таҳлил қилинаётган ташкилий омиллар бизга хизмат кўрсатиш жараёнида фаолият кўрсатувчи ишчи-хизматчилар меҳнат самарадорлигини оширишда қай даражада фойдаланилаётгани ҳамда бу шароитда инсон меҳнати

ёрдамида мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда максимал хизмат кўрсатиш кўламини ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган хизмат кўрсатишнинг моддий-техник омиллари билан бир қаторда хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнатни тўғри ташкил қилиш ҳам меҳнат самарадорлигига катта таъсир кўрсатишга қодир бўлган омил ҳисобланади. Самарали бошқарув хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган барча ишчи кучидан максимал даражада тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Бизнинг фикримизча хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни тўғри ташкил қилишнинг асосий муаммоси бу самарали функционал бошқарув шаклини ташкил этишдир. Унинг асосий мақсади эса хизмат кўрсатиш жараёни билан бевосита алоқадор бўлган барча ишчи-ходимларнинг меҳнат қобилиятларидан самарали фойдаланишни таъминловчи шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Барча тузилма бирликлари, корхоналар ва умуман тармоқда меҳнат жараёнининг барча иштирокчилари фаолият уйғунлиги мутахассислар ҳамда раҳбариятнинг бир мақсадга йўналтирилган якдил ҳаракатига боғлиқ. Оқилона ташкил этилган бошқарув тизими нафақат барча ишчи-хизматчиларнинг биргаликдаги меҳнатларидан максимал фойда олишни таъминлаш, балки тез-тез ўзгариб турувчи ташқи муҳит таъсирларига чидамли ва мослашувчан бўлиши ҳам зарур. Бунда аниқ бир мақсад ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди: ҳар қандай корхона аниқ бир мақсад асосида ташкил этилиши ва бу мақсадни амалга ошириш улар фаолиятининг асосий йўналиши бўлиши лозим.

Аммо агар алоҳида бир корхона, тармоқ фаолиятини бир тизим сифатида кўриб чиқадиган бўлсак, ёнма-ён тармоқларда кўрсатилган хизматдан ташқари мақсадни амалга оширишда муҳим бўлган бошқа бир қатор омилларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Масалан: тарихий, ижтимоий, демографик, қонунчилик меъёрлари, ташқи иқтисодий ва бошқа шу каби омиллар. Бу омиллар меҳнат самарадорлиги ўсишини таъминлаши ёки аксинча уни тўхтатиб қўйиши ҳам мумкин. Самарали ташкил этилган бошқарув тизими иқтисодий субъектни унинг ички ресурсларидан келиб чиққан ҳолда ташқи таъсирларга чидамли бўлиш ва ўз олдига қўйган асосий мақсад – сифатли хизмат кўрсатиш таъминлаш имконини беради.

Хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнатни тўғри ташкил қилмаслик тўғридан-тўғри иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳам тушиб кетишига олиб келади ва бу айнан ҳамкорликдаги меҳнат имкониятларидан унумсиз фойдаланишнинг исботи бўлиши ҳам мумкин. Бунинг яна бир салбий кўриниши, меҳнатни рағбатлантиришнинг тўғри ташкил этилмаганлигидир. Тўғри ташкил этилмаслик кўриниши ишчиларнинг меҳнат имкониятларини чегараламаслик, уларнинг мустақил фаолияти ҳамда масъулият меъёри даражасининг тушиб кетишига олиб келади. Шу орқали меҳнат фаолиятини бошқаришга путур етади, жамоадаги психологик муҳит ўзгаради, меҳнат самарадорлиги тушиб кетади ва буларнинг барчаси якуний натижаларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Зеро, тўғри ташкил қилинган иш фаолияти хизмат кўрсатишда тенг бўлган ресурсларни иложи борича кам сарфлаш эвазига меҳнат самарадорлигини

оширишга кўмак беради.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, хизмат кўрсатиш корхоналарида хизмат кўрсатиш кўлами ва сифатини оширишда аввало меҳнат самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таркибидаги таъсир доираси кенг бўлган ташкилий омилларни инобатга олган ҳолда хизмат кўрсатиш жараёнини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**О.М.Пардаева** –Самарқанд ветернария медицинаси институти ўқитувчиси

## ОИЛА ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ ТАҲЛИЛИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация**: мақолада оила хўжаликлари даромадлари таркиби ва улар таҳлилилини амалга ошириш йўллари қараб чиқилган. Унда оила хўжаликлари даромадлари манбаларни 10 та турдан иборатлиги, уларни иқтисодий мазмуни бўйича тўртта гуруҳга бўлиниши асосланган. Самарқанд вилоятида тадқиқ қилинган оила хўжаликларида ўртача бир кишига тўғри келадиган даромадларининг турлари ва уларнинг 2016-2018 йилларда таркибий тузулишидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** даромад, оила хўжалиги, иш ҳақи, ўртача даромад, тадбиркорлик

**Аннотация:** В статье анализируются факторы, влияющие на изменение доходов домохозяйств, и пути их определения. Он показывает влияние четырех факторов, влияющих на изменение доходов домохозяйств от семейного предпринимательства, на примере домашних хозяйств в Самаркандской области.

**Ключевые слова:** доход, домохозяйства, заработная плата, средний доход, предпринимательство

**Abstract::** The article analyzes the factors affecting the change in household incomes and ways to determine them. It shows the influence of four factors affecting the change in household income from family entrepreneurship, using households in the Samarkand region as an example.

**Keywords:** income, household, salary, average income, enterpreneurship

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оила хўжаликлари даромадлари манбаларнинг турлари кенгайди. Булар бизнинг фикримизча қуйидаги 10 та турдан иборатлиги аниқланди. Булар таркибига қуйидагиларни киритишни тавсия қилинди:

1. Иш ҳақидан олинган даромад (Иҳ).
2. Ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромад (Ўд).
3. Мулкни ишлатишдан олинган даромад (Мд).
4. Тадбиркорликдан (бошқаларни ёллаб ишлатишдан) олинган даромад (Тд).
5. Ўзининг томорқасига экин экиб истеъмол қилиш эвазига (маблағни тежаш эвазига) олинган даромад (Ўт).

6. Ўзига хизмат кўрсатиш эвазига (маблағни тежаш эвазига) топган даромади (Хк).

7. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (Мф).

8. Давлат томонидан бериладиган пенсия ва бошқа ижтимоий тўлов-лар ва ёрдамлардан олинган даромад (Дп).

9. Хомийлик ва хайрия ҳисобидан олинган даромадлари (Хх).

10. Оила аъзоларининг хорижда ишлаб топган даромалари (Хд).

Тадқиқотларимиз натижасида ушбу даромадларни иқтисодий мазмуни бўйича йирик тўртта гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларга:

оила аъзоларининг ўзлари ишлаб топган даромадлар;

мулкни ишлатишдан даромадлар;

бировларни ишлатиш эвазига топган даромадлари (тадбиркорлик йўли билан янги иш ўринларини яратган ҳолда);

ижтимоий трансфертлар киритилиши асосланди.

Ушбу гуруҳларга кирувчи даромадларнинг турлари қуйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).




**1-расм. Оила хўжаликлари даромадларининг иқтисодий мазмуни бўйича таснифи[1]**

Юқорида келтирилган даромад турларининг (гуруҳларининг) ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Бу бевосита уларнинг қайси манбадан келишига боғлиқдир. Ушбу хусусиятлар, уларнинг изоҳида намоён бўлади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Оила хўжалиги даромадларининг турлари ва уларнинг изоҳи[2]**

| Т/р | Оила хўжалиги даро-мадларининг турлари | Оила хўжалиги даромадлари турларининг изоҳи |
|---|---|---|
| 1. | Иш ҳақидан олинган даромад (Иҳ) | Давлат корхоналари, тадбиркорлик субъектларига ёлланиб ишлаш йўли билан ойлик маош олиш эвазига топилган даромадлари |

[1] Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси

[2] Тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

| | | |
|---|---|---|
| 2. | Ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромад (Ўд) | Ҳеч кимга ёлланмасдан (қарам бўлмасдан) мустақил равишда ўзини ўзи иш билан банд қилиб топган даромадлари |
| 3. | Мулкни ишлатишдан олинган даромад (Мд) | Ўзининг ортиқча мулкини (уй-жой, транспорт воситалари, нотурар жой объектлари кабилар) ижарага бериш ижара ҳақини олиш йўли билан топиладиган даромадлари |
| 4. | Тадбиркорликдан олинган даромад (Тд) | Тадбиркорликни йўлга қўйиб, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш) йўли билан янги иш ўринларини яратиш эвазига бошқаларни ёллаб ишлатишдан олинган даромадлари ва таъсисчи сифатида ҳиссали иштирок этишдан олинган даромадлар. |
| 5. | Ўзининг томорқасига экин экиб истеъмол қилиш (Ўт) | Ўз томорқасига экин экиб, ўз эҳтиёжи учун маҳсулот етиштириб, бозордан сотиб оладиган маблағини тежаш эвазига ўз истеъмолини қондириш эвазига истеъмол қилишдан олинган даромадлари |
| 6. | Ўзига хизмат кўрсатиш эвазига топган даромади (Хк) | Ҳозирги кунда барча хизматлар пуллик бўлган шароитда айрим хизматларни (машинани, маиший техникаларни таъмирлаш кабилар) ўзларига ўзлари кўрсатиш йўли билан ўз маблағларини тежаш эвазига қоладиган даромадлари |
| 7. | Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (Мф) | Ушбу даромадларга пул қўйишдан олинган фоизлар, акциялардан дивидендлар, инвестицияларидан олинган даромадлар киради. |
| 8. | Давлат томонидан бериладиган пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар ва ёрдам-лардан олинган даромад (Дп) | Оилада ёшга доир пенсионерлар, ногиронлиги бор инсонлар, боқувчисини йўқотган оилаларга давлат томонидан бериладиган пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлардан олинган даромадлар |
| 9. | Хомийлик ва хайрия даромадлари (Хх) | Кишиларнинг яхши яшашини ёки бошқа эҳтиёжини қондириш мақсадида бировлар томонидан қилинадиган (хомийлик) моддий ёрдам (хайрия) эвазига олинадиган даромадлар |
| 10 | Оила аъзоларининг хорижда ишлаб топ-ган даромалари (Хд) | Самарқанд вилоятидаги оилаларнинг 23,4 %да хорижда ишлайдиган аъзолари мавжуд. Улар топган пулларининг бир қисмини оила эҳтиёжи учун ажратмоқда. |

Жадвал маълумотларидан ҳам кўриниб турибдики, оила хўжалиги даромадларининг турлари 10 та элементдан иборат экан. Буларни тўлиқ ифодалаб, оила хўжалигининг барча даромадларини аниқлаш мумкин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинди:

**АД = Иҳ + Ўд + Мд + Тд + Ўт + Хк + Мф + Дп + Хх + Хд;**

Ушбу формуладаги даромад турларини мос равишда X1, X2 ... Xп, деб белгилаб олсак, у ҳолда формуланинг тузулиши қуйидаги аддитив модел кўринишига эга бўлади:

$$\text{АД} = \mathbf{X1 + X2 + X3 + X4 + X5 + X6 + X7 + X8 + X9 + X10} = \sum_{\mathbf{i=1}}^{\mathbf{10}} \mathbf{Xi};$$

Ушбу аддитив моделдан фойдаланган ҳолда оила хўжалиги даромадларида таркибий ўзгаришлар қандай амалга оширилганлигини, яъни ўзгараётганлигини таҳлил қилиш мумкин.Буни амалга ошириш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланиш мумкин (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Тадқиқ қилинган оила хўжаликларида ўртача бир кишига тўғри келадиган даромадларининг турлари ва уларнинг 2016-2018 йилларда таркибий тузулишидаги ўзгаришлар ҳисоб-китоби**[1]

| Т/р | Оила хўжалиги даромадларининг турлари | 2016 йил | | 2018 йил | | Фарқи (+,-) | | Ўсиш суръати, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сумма-си,минг сўм | Улуши, % | Сумма-си,минг сўм | Улуши, % | Сумма-си,минг сўм | Улуши % | |
| 1. | Иш ҳақидан олинган даромад (Иҳ) | 5665,3 | 42,1 | 7471,6 | 46,8 | +1806,3 | 4,7 | 131,8 |
| 2. | Ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромад (Ўд) | 982,3 | 7,3 | 1293,1 | 8,1 | +310,8 | 0,8 | 131,6 |
| 3. | Мулкни ишлат-ишдан олинган даромад (Мд) | 349,9 | 2,6 | 335,4 | 2,1 | -14,5 | -0,5 | 95,8 |
| 4. | Тадбиркорликдан олинган даромад (Тд) | 3714,1 | 27,6 | 3767,8 | 23,6 | +53,7 | -4,0 | 101,4 |
| 5. | Ўзининг томор-қасига экин экиб истеъмол қилиш (Ўт) | 1372,6 | 10,2 | 1548,7 | 9,7 | +176,1 | -0,5 | 112,8 |
| 6 | Ўзига хизмат кўрсатиш эвазига топган даромади (Хк) | 430,6 | 3,2 | 494,9 | 3,1 | +64,3 | -0,1 | 114,9 |
| 7. | Давлат томонидан бериладиган пенсия ва бошқа ижтимоий тўлов-лар ва ёрдамлар- | 655,5 | 4,9 | 708,0 | 4,4 | +52,5 | -0,5 | 108,0 |

[1]Мазкур жадвал социологик сўровлар натижасида 2016 ва 2018 йил натижалари бўйича тузилди. Социологик сўровга асосан оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган педагогик ходимлар оилалари жалб қилинган.

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | дан олинган даромад (Дп) | | | | | | | |
| 8. | Хомийлик ва хайрия даромад-лари (Хх) | 107,6 | 0,8 | 111,7 | 0,7 | +4,1 | -0,1 | 103,8 |
| 9. | Оила аъзолари-нинг хорижда ишлаб топган даромалари (Хд) | 178,8 | 1,3 | 233,9 | 3,9 | 55,1 | -1,3 | 130,8 |
| 10 | Молиявий фаоли-ятдан олинган да-ромадлар (Мф) | - | - | - | - | - | - | - |
| | **ЖАМИ ∑** | **13456,7** | **100,0** | **15965,1** | **100,0** | **+2508,4** | **х** | **118,6** |

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, оила хўжалиги даромади 2018 йилда 2016 йилга нисбатан 172,6 %га ўсиши рўй берган. Унинг таркиби бўйича ўрганилганда, шу даврда оила даромадларининг икитасида юқори ўсишга эришилган. Булариш ҳақидан олинган даромад 191,8 %га ва ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромад 191,5 %га ўсганлигида намоён бўлмоқда. Қолган даромад турлари ҳам маълум миқдорда ўсган, аммо ўртача ўсиш даражасига нисбатан кам бўлган. Ушбу ҳолатни уларнинг таркиби бўйича улушини аниқлаганда ҳам кузатиш мумкин.Иш ҳақидан олинган даромаднинг улуши 2016 йилда 42,1 %дан 2018 йилга келиб, 46,8 %га ёки 4,7 %га ошган. Худди шундай ҳолат ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромадда ҳам рўй берган. Ушбу кўрсаткич улушининг ўсиш 7,3 %дан 8,1 %га ёки 0,8 %га ўсган.Мулкни ишлатишдан олинган даромад умумий суммаси 139,4 %га ошгани билан улуши шу даврда 2,6 %дан 2,1 %га ёки 0,5 %га камайган. Тадқиқ қилинган оилаларда тадбиркорликдан (бошқаларни ёллаб ишлатишдан) олинган даромад шу даврда 147,6 %га ошган. Аммо ушбу кўрсаткич ўсишининг ўртачага нисбатан камлиги, унинг улушининг камйишига олиб келган. Мазкур кўрсаткич 2016 йилда 27,6 %ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга елиб, 23,6 %га ёки 4,0 %га камайган. Ҳозирги шароитда ўзининг томорқасига экин экиб истеъмол қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу кўрсаткич ҳам тадқиқ қилинган оилаларда 164,1 %га ўсган. Аммо оила даромадида унинг улуши 10,2 %дан 9,7 %га ёки 0,5 %га камайган. Оила хўжалигида ўйга хизмат кўрсатиш эвазига топган даромади 3,2 %дан 3,1 %гача ёки 0,1 %га камайган.Давлат томонидан бериладиган пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар ва ёрдамлардан олинган даромадҳам 164,2 %га ошган. Аммо ушб кўрсаткичнинг улуши 6,2 %дан 5,9% га ёки 0,3 %га камайган. Оилада хомийлик ва хайрия даромадлари ҳам шу таҳлил даврида 150,9 %га ошган. Ушбу кўрсаткичнинг улуши 0,8 %дан 0,7 %га камайган.

Ушбу ҳолатнинг рўй бериши мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар натижасидир. Ҳозирги шароитда педагогларнинг ойлик маошлари кескин ошиб бориши эвазига оила

даромадлари таркибида унинг улуши ошиб бормоқда. Шунингдек, ўзини ўзи иш билан таъминлаб ўзи топган даромадларининг ҳам ўртачага нисбатан кўпроқ ўсишига сабаб, охирги пайтларда ушбу ҳолатнинг ўнгланишига катта имкониятлар яратилганлигининг натижасидир. Жумладан, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастуридан келиб чиқадиган бандлик муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ бир қанча ўзини-ўзи иш билан банд қилиш тадбирларини киритиш мумкин.

**Y.P. Urunbayeva –** SamISI katta oʻqituvchisi, (PhD)
**N.A.Eshquvvatova –** SamISI talabasi

# OʻZBEKISTON RAQAMLI IQTISODIYOTIDA TADBIRKORLIK YURITISHNING YANGI TEXNOLOGIYALARI TAHLILI VA SAMARADORLIGI

**Annotatsiya:** Maqolada bir qancha rivojlangan mamlakatlarda raqamli iqtisodiyotming rivojlanishi hamda infratuzilmalari tahlil qilinadi hamda olingan natijalar asosida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish boʻyicha bir qancha muammolar va ularning mumkin boʻlgan yechimlari atroflicha koʻrib chiqiladi. Bundan tashqari, respublikamiz iqtisodiyotining turli sohalarida raqamli texnologiyaning global ahamiyatga ega boʻlgan platformalarini yaratish mexanizmlari ham taklif qilingan.

**Kalit soʻzlar:** raqamli iqtisodiyot, raqamli pullar, raqamli platformalar, ekotizim, omnikanallilik, 4.0 Industriya, 3D-printerlar, bulutli texnologiyalar, kraudsorsing, kraudfunding.

**Аннотация:** В данной статье проанализированы состояние и перспективы развития цифровой экономики в различных развитых странах мира и на основе анализа недостатков и преимущества принятых стратегий предлагаются варианты использования современных средств цифровой экономики в различных отраслях и сферах национальной экономики Республики Узбекистан. Также предложены механизмы создания цифровых платформ глобального значения в отраслях народного хозяйства.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, цифровые деньги, цифровые платформы, экосистема, омниканалность, индустрия 4.0, 3D-принтеры, облачные технологии, краудсорсинг, краудфандинг.

**Abstract:** The article analyzes the development and infrastructure of digital economy in several developed countries, and provides a comprehensive overview of the challenges and possible solutions to the development of digital economy in our country. In addition, mechanisms for the creation of globally important digital technology platforms in various sectors of the economy of the republic have been proposed.

**Keywords:** digital economy, digital money, digital platforms, ecosystems, multinationals, 4.0 Industry, 3D printers, cloud technologies, fraud.

Hozirgi davrda raqamli iqtisodiyot va u bilan bogʻliq boʻlgan bir qancha samarador texnologiyalar hayotimizga shiddat bilan kirib kelmoqda. Huddi shuning

uchun ham davlat va jamiyat taraqqiyotini yanada jadallashtirish maqsadida respublikamiz rahbariyati bir qancha muhim qarorlarni qabul qildi. Masalan, O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham mamlakatimizda raqamli iqtisodning rivojlanishi bo'yicha quyidagilarni aytib o'tdi: "Iqtisodiyotning barcha sohalarini raqamli texnologiyalar asosida yangilanishini ko'zda tutadigan "Raqamli iqtisodiyot milliy kontseptsitasi"ni ishlab chiqishimiz kerak. Shu asosda "Raqamli O'zbekiston-2030" dasturini hayotga tadbiq etishimiz zarur. Raqamli iqtisodiyot yalpi ichki mahsulotni kamida 30 foizga o'stirish, korruptsiyani keskin kamaytirish imkonini beradi. Nufuzli halqaro tashkilotlar o'tkazgan tahlillar ham buni tasdiqlamoqda. Shuning uchun Hukumatga ikki oy muddatda raqamli iqtisodiyotga o'tish bo'yicha "yo'l haritasi"ni ishlab chiqish topshiriladi. Bu borada axborot havfsizligini ta'minlashga alohida e'tibor qaratish zarur". Shuning uchun ham uni qanday rivojlantirish masalalari jamiyat va halq oldida ko'ndalang bo'lib turibdi. Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish strategiyasining ba'zi bir yo'nalishlari mualliflar nuqtai-nazaridan muhokama qilinadi[1].

Yangi texnologiyalar va platformalar korxona boshqaruvida, iste'molchilarda va barcha aloqador faoliyatlarda katta masshtabda tranzaksion xarajatlarni qisqartirishga olib keldi hamda davlat va xo'jalik yurituvchi subyektlar o'rtasida yaqindan aloqalar o'rnatilishini vujudga keltirdi. Natijada tarmoq xizmatlariga asoslangan, ya'ni raqamli iqtisodiyot shakllandi. Raqamli segmentning kengayib borishi bazaviy sabablaridan biri bugungi kunda rivojlangan mamlakatlar YaIMning 70 foizni tashkil etadigan tranzaksion sektorning rivojlanishi hisoblanadi.

Bugungi kunda davlat boshqaruvi idoralari va korxonalar tomonidan katta masshtabda o'rganilayotgan va joriy etilayotgan yangi texnologiyalar qatoriga buyumlar interneti texnologiyasi, "bulutli" hisoblash texnologiyasi, katta ma'lumotlar, blokcheyn hamda elektron hukumat tizimlari kiradi[2].

Raqamli iqtisodiyotda bulutli hisoblash bo'yicha biznes vakillari AKTga ehtiyoji bo'lgan korxonalarga uchta yo'nalishda xizmatlarni taqdim etadi. Jumladan, infratizimni xizmat sifatida (IaaS), platformani xizmat sifatida (PaaS), dasturiy mahsulotlarni xizmat sifatida (SaaS) o'z mijozlariga taklif etadi. Qizig'i shundaki, barcha foydalanuvchilar uchun xoh u milliy bo'lsin, xoh xorijiy o'z xizmatlarini taklifini bemalol ko'rsata oladi (Cloud Security Aliance 2009).

Demak, ta'kidlab o'tilgan 3 turdagi xizmatlar quyidagi yo'nalishlar bo'yicha mijozlarga yetib boradi:

Jamoat buluti (Public cloud)- bulutli xizmat ko'rsatishning ushbu modeli orqali barcha jamoatchilik uchun ochiq foydalanishga ruxsat etiladi. Bunda foydalanuvchilarning xizmatdan foydalanishda xavfsizlik darajasini xizmatni

[1] O'zbekiston Respublikasi prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi

[2] Asian Development Bank (2017) "Financial illusions in digital economy". //ADB Briefs No.75, Mandaluyong City, Philippines, 1-3 p.

taqdim etgan tomon oʻz zimmasiga oladi, chunki foydalanuvchi tomonidan toʻlov amalga oshiriladi. Bunga yaqqol misol sifatida, "Amazon Web Services EC2"ni koʻrsatish mumkin.

- Xususiy sektor buluti (Private cloud) bunda foydalanuvchi xususiy sektor vakillari boʻlib, oʻzlarida AKTga boʻlgan ehtiyojlarini minimallashtirish maqsadida foydalanishadi. Chunki har qanday kichik korxonalarda AKT resurslarini saqlashga, boshqarishga, qoʻllab-quvvatlashga imkoniyat yoʻq.
- Gibrid buluti (Hybrid cloud) bu model oʻz nomidan koʻrinib turganidek, ham jamoatchilik uchun ham xususiy sektor uchun birday xizmat koʻrsatadi. Bunda asosiysi, har ikki vakillar tomonidan foydalanadigan bulutli texnologiyalarni integratsiyalashdir.
- Uyushmalar buluti (Community cloud) ushbu modeldan bir manfaatga ega boʻlgan turli tashkilotlar uchun umumiy AKT infratizimini taqsimlab berish orqali xizmat koʻrsatadi (CSA 2009).

Buyumlar internetiga asoslangan biznes modelning quyidagi tarkibiy qismlari mavjud;

- Jismoniy erkinlik – bu tarkibiy qism raqamli xizmat bilan qoʻshimcha qiymatlarsiz sotiladigan jismoniy shaxslar aktivlarini ifodalaydi. Mijozlarning koʻp qismi ushbu holatni xizmat koʻrsatilgandan keyin tanlaydilar.
- Raqamli qoʻshilgan qiymat yoki qoʻshimcha – jismoniy shaxslar aktivlari juda arzon narxda sotiladi. Vaqt oʻtishi bilan xaridor har qanday raqamli xizmatni katta marja bilan faollashtirish yoki xarid qilishi mumkin.
- Raqamli qulflash – bu qoʻl bilan teginish orqali amalga oshiriladigan, kafolat va xavfsizlikni ifodalaydigan sezuvchan raqamli qulflashni ifodalaydi.
- Mahsulot sotish nuqtasi – mijozlar mahsulotlardan mahsulot sotish nuqtasi sifatida foydalanishi mumkin, bunda smartfonlar va identifikatsiya texnologiyalari misol boʻla oladi.
- Oʻz-oʻziga xizmat koʻrsatish obyekti – bu mahsulotning Internet orqali oʻz-oʻziga xizmat koʻrsatishini ifodalaydi.
- Masofdan foydalanish va holatni monitoring qilish – "Aqlli" buyumlar oʻz egalariga yoki maʼlumotlar markaziga holat yuzasidan axborot berib turishi mumkin. Yoki masofadan turib, internet orqali boshqarish imkoniyatini beradi[1].

Raqamli iqtisodiyotda biznes vakillarining zamonaviy muammolari nisbatan arzon, tezkor, qulay va yetkazib beruvchilarsiz oʻz yechimini topishi mumkin. Misol uchun, taksi buyurtma qilishda Uber, elektron savdo makonlari e-Buy, internet banklar va boshqalar orqali. Keltirilgan misollar marketingda tovarlarni yetkazib berishda dillerlar faoliyatini avtomatlashgan tizimlar (veb saytlar yoki mobil ilovalar) orqali oʻrni toʻldiriladi. Natijada yetkazib beruvchilar tomonidan tovar tannarxiga qoʻshiladigan va ishlab chiqaruvchi tomonidan nazorat qilish mushkul boʻlgan qoʻshilgan qiymat yoki tranzaksiya xarajatlarining bir qismi oʻz-oʻzidan qisqarib ketadi[2].

---

[1] Darija Salehar (2017) "Pattern Based Evaluation of Blockchain Technology as a catalyst for Business Model Innovation". // Research paper, Delft University of Technology, 68-71 p.

[2] Hubert C. Y. Chan (2015) "Internet of Things Business Models"// Article, The Hong Kong Polytechnic University,

O‘zbekistonda ham raqamli iqtisodiyotni shakllantirishning normativ-huquqiy bazasini mustahkamlash yo‘lida muhim qadamlar qo‘yilmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 3- iyuldagi “O‘zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3832-sonli qarori qabul qilinib, unga muvofiq raqamli iqtisodiyotni joriy etish va rivojlantirish sohasidagi vakolatli organ belgilandi, kripto-aktivlar aylanmasi va uni tartibga solish masalalariga aniqlik kiritildi.

2018-2020 yillar uchun qabul qilinadigan “Blokcheyn” texnologiyalarini rivojlantirish dasturida kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi faoliyatni, jumladan mazkur faoliyatni tashkil etishning huquqiy asoslarini yaratish orqali joriy etish va rivojlantirish, bunda kripto-aktivlarni mahalliy va xalqaro kripto-birjalarda realizatsiya qilish imkoniyatini nazarda tutish, 2021-yil 1-yanvardan boshlab “blokcheyn” texnologiyalarini davlat organlari faoliyatiga, jumladan, boshqa davlat organlari va tashkilotlari bilan hamkorlik qilishda, davlat xaridlarini amalga oshirishda, davlat xizmatlarini ko‘rsatishda, shaxs to‘g‘risidagi ma’lumotlarni verifikatsiyalashda tatbiq etish, ustav fondida davlatning ishtiroki ustuvor bo‘lgan yirik tijorat tashkilotlarining korporativ boshqaruvi tizimiga, jumladan, biznes-jarayonlarni takomillashtirish, ishlab chiqarish, ma’muriy va operatsion jarayonlarni maqbullashtirish, shuningdek, zamonaviy menejmentni tatbiq etish va resurslarni boshqarish uchun tatbiq etish ko‘zda tutilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 2-sentabrdagi “O‘zbekiston Respublikasida kripto-birjalar faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” PQ-3926-sonli hamda 2018-yil 2-sentabrdagi “Raqamli ishonch” raqamli iqtisodiyot rivojlanishini qo‘llab-quvvatlash fondini tashkil etish to‘g‘risida”gi PQ-3927-sonli qarorlari ham raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishda muhim rol o‘ynaydi[1].

**4-jadval**

**O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotini rivojlantirish tamoyillari**

| | |
|---|---|
| **Raqamli iqtisodiyotni tartibga solish tamoyili** | Ushbu tamoyil axborot texnologiyalarini rivojlantirish, subyektlar va axborot egalarining huquqlari va qonuniy manfaatlariga, shuningdek, axborot va telekommunikatsiya texnologiyala-ridan foydalanis bilan bog‘liq iqtisodiy faoliyatga qarab axborot texnologiyalarini rivojlantirish, axborotni kamsitishga yo‘l qo‘ymaslik va ulardan foydalanish uchun qulay huquqiy rejimni ta’minlaydigan tartibga solish muhitini yratishni nazarda tutadi. |
| **Axborot xavfsizligi tamoyili** | Ushbu tamoyilning mohiyati shundaki, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan, shu jumladan, maxfiylik, shaxsiy va oilaviy sirlar, shaxsiy ma’lumotlar, katta foydalanuvchi |

China, 15-21 p.

[1] O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.

| | |
|---|---|
| | ma'lumotlaridan foydalanishida shaxsning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishni ta'minlaydi. |
| **Raqamli iqtisodiyotda ta'lim muhitini yaratish tamoyillari** | Ushbu tamoyil fuqarolarning o'zlarining raqamli vakolatlarini oshirish imkoniyatlariga ega bo'lgan ta'lim muhitini yaratishni nazarda tutadi.Bunday muhit, milliy fazilatlar tizimi raqamli vakolat integratsiya va yangi professional va ta'lim standartlari paydo bo'lishiga hissa qo'shadi |

**Manba: O'rganilgan adabiyotlar ma'lumotlariga asosan muallif tomonidan tuzilgan.**

O'zbekiston raqamli iqtisodiyotini rivojlantirish – raqobatbardoshlik va milliy taraqqiyot, yuqori texnologik mahsulotlar ishlab chiqarish va aholining turmush farovonligi uchun raqamli texnologiyalarni qo'llagan holda mahalliy sanoat sektorlari orasida mahsulotlar va xizmatlar sohasining sanoat, hayot, biznes va jamiyat o'rtasida iste'molchilarni rag'batlantirish, motivatsiya, talab va ehtiyojlarini shakllantirishdan iborat.

Raqamli iqtisodiyotda biznes yuritishning yangi texnologiyalarini va ularning xususiyatlarini tahlil qilish natijasida quyidagi xulosaga kelish mumkin:

1. O'zbekistonning raqamli iqtisodiyotini rivojlantirish quyidagi tamoyillarga asoslanishi lozim:
2. O'zbekistonda davlat organlari, banklar va tadbirkorlik subyektlari tomonidan qulay va axborot xavfsizligi jihatdan mukammal biznes yuritish texnologiyasi blokcheyndan foydalanishga o'tishi lozim. Misol sifatida kadastr tizimida blokcheyn texnologiyasidan foydalanish tadbirkorlik subyektlari uchun quyidagicha samara berishi mumkin[1];

**1-rasm**

**An'anaviy oldi-sotdi kadastr hujjatlarini rasmiylashtirish**




[1] Bosch Internet of Things & Services Lab (2014) "Business Models and the Internet of Things"// Bosch IoT Lab White Paper, Universitat St.Gallen, 6-7 p.

**2-rasm**

**Blokcheyn tizimini joriy qilish orqali oldi-sotdi kadastr hujjatlarini rasmiylashtirish**




Demakki, ushbu tizimni qo‘llashdan quyidagi natijalarni kutish mumkin;

- ✓ Tizim orqali jarayonlarning to‘liq shaffofligini ta’minlaydi;
- ✓ Elektron kadastr pasportini olish muddati 50 kundan 2 kunga tushadi;
- ✓ “Doing business” reytingida kuchli 30 talikka kirish imkoniyati tug‘iladi;
- ✓ Kadastr yig‘majildidan “Aqlli karta” (SMART karta)ga o‘tiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Asian Development Bank (2017) “Financial illusions in digital economy”. //ADB Briefs No.75, Mandaluyong City, Philippines, 1-3 p.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 28 dekabrdagi 2019 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojaatnomasi.
3. Bosch Internet of Things & Services Lab (2014) “Business Models and the Internet of Things”// Bosch IoT Lab White Paper, Universitat St.Gallen, 6-7 p.
4. Carl Dahlman (2016), Sam Mealy and Martin Wermelinger “Harnessing the digital economy for developing countries”. // Working Paper No.334, OECD Development Center, 20-54 p.
5. Darija Salehar (2017) “Pattern Based Evaluation of Blockchain Technology as a catalyst for Business Model Innovation”. // Research paper, Delft University of Technology, 68-71 p.
6. Faith Shimba (2010) “Cloud Computing:Strategies for Cloud Computing Adoption”.// Dissertation, Dublin Institute of Technology, 10-23 p.
7. Hubert C. Y. Chan (2015) “Internet of Things Business Models”// Article, The Hong Kong Polytechnic University, China, 15-21 p.
8. Kathleen M. Carley (2015) “Organizational Change and the Digital Economy: A Computational Organization Science Perspective” Carnegie Mellon University, Pittsburgh 2015, 1-3 p.
9. Krystsina Sadouskaya (2017) “Adoption of Blockchain Technology in Supply Chain and Logistics”. Bachelor’s thesis, South-Eastern Finland University of Applied Sciences. 31-45 p.

# IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”

**Ш.С.Олтаев** – СамИСИ катта ўқитувчиси, и.ф.н.

## ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИГА ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация:** мақолада дунё мамлакатлари иқтисодиёти учун зарурий манбалардан бири бўлган хорижий инвестицияларнинг жалб этиш йўллари таҳлил этилган. Инвестицияларни молиялаштириш механизмлари тизимлаштирилган ҳолда мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий йуналишларидан бири бўлган - кичик саноат зоналарининг иқтисодий ривожланишдаги ўрни атрофлича ёритириб берилган. Шунингдек, хориж мамлакатлари тажрибалари асосида миллий иктисодиёт тармокларига кичик саноат зоналари оркали инвестицияларни жалб этишга каратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** кичик саноат зоналари, инвестициялар, “ягона дарча”принципи, солиқ имтиёзлари, субҳудудлар, “кичик иқтисодиёт”.

**Аннотация:** в этой статье обсуждается глобальное изменение инвестиций, которое является одним из необходимых источников для развития мировой экономики. Один из основных направлений привлечения иностранных инвестиций в национальную экономику - роль малых промышленных зон в экономическом развитии подробно освещалось, каким образом систематизируется механизм финансирования инвестиций. Также изучен международный опыт создания малых промышленных зон и даны рекомендации по привлечению инвестиций в экономику через малые промышленные зоны.

**Ключевые слова:** Малые промышленные зоны, инвестиции, принцип «одного окна», налоговые льготы, субзоны, «малая экономика».

**Abstract**: This article discusses the global change in investment, which is one of the necessary sources for the development of the world economy. One of the main directions of attracting foreign investment to the national economy is the role of small industrial zones in economic development. the article describes in detail how the mechanism of investment financing is systematized. International experience in creating small industrial zones has also been studied and recommendations on attracting investment to the economy through small industrial zones have been made.

**Keywords**: Small industrial zones, investments, "one window" principle, tax benefits, subzones,"small economy".

“Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестициявий сиёсатни юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор

ўсишига эришган” [1] , деб таъкидлайдилар юртбошимиз. Мамлакатнинг комплекс ривожланишига эришиш, иктисодиёт тармокларига инвестицияларни жалб этиш юзасидан инвестицион жозибадорликни узлуксиз яхшилаб бориш ҳар бир давлатдаги иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни жалб этишда бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Муайян мамлакат мисолида таҳлил этсак, аҳоли сони ва уларнинг жойлашуви, ишлаб чикариш кучларининг тақсимоти ҳудудлар буйича турличадир. Ҳудудлар ўзининг шарт-шароити, табиий ресурсларга эгалик қилиши, иқтисодий марказларнинг мавжудлиги ҳамда уларнинг ривожланиш даражаси бўйича бир-биридан фарқланади. Айнан юқорида келтирилган омиллар инвесторларнинг ўз капиталини юқори потенциалга эга бўлган мамлакатларга киритиб фойда олишга ҳаракат қилади.

Статистик маълумотларга кўра, 2018 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг глобал оқими 1,95 трлн. долларни ташкил этган бўлса-да, 2017 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич 2 фоизга камайган. Бунда ривожланаётган мамлакатларга инвестициялар ҳажми 14 фоизга камайиб, нисбатан секин ривожланаётган давлатларда бу кўрсаткич ўзгарувчан бўлиб қолмокда[2].

Инвестициялар оқимидаги ўзгаришлар қулай инвестициявий муҳитни ривожлантириш, самарали бизнесни юритишга қаратилган имтиёз ва переференциялар тақдим этилиши, институционал шароитларни такомиллаштириш борасида Ўзбекистонда ҳам қатор ислоҳотлар ўтказилишида ўз аксини топмокда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларга инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб устувор вазифалар белгиланган[3].

Бу борада, “Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади. Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркор” дейдилар юртбошимиз[4].

---

[1] ”Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 феврал.

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

[3] ”Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 феврал.

[4] Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.

Умуман олганда, инвестицион фаолият ва унинг бозор механизмини ташкил этувчи барча тармоқларни ривожлантириш, улар орқали мамлакат иқтисодиёти комплексига инвестициялар оқимини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ. Шу сабабдан, мамлакатимизда эркин иктисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда айниқса, кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли таҳлилчилар томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, унинг устунликлари ва заиф жиҳатлари чуқур тадқиқ этилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Тез ўзгариб турувчи бозор талабларини биринчилар қаторида илғаб олиб, истеъмолчига зарур товар ва хизматларни таклиф этиш баробарида рискларни осон бошқариш, инқироз ҳолатларида бошқа фаолиятни тезда бошлаш имкониятининг мавжудлиги “кичик иқтисодиёт”нинг асосий афзалликларидан биридир. Бир томондан кичик ишлаб чиқарувчиларнинг зарур инфраструктурага эга ишлаб чиқариш майдончалари билан таъминланиши, бошқа томондан улар ўртасидаги саноат кооперациясининг чуқурлашувига хизмат қилаётган кичик саноат зоналарининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини қайд этиш жоиз. Бўш турган ёки фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар негизида барпо этилаётган кичик саноат зоналари давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликнинг нодир намунаси сифатида иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш, экспорт салодиятини оширишда кул келмокда[1].

Шу ўринда, мақола мавзусининг асоси - “кичик саноат зонаси” тушунчасига таъриф бериш ўринлидир. Зеро, “Кичик саноат зонаси - муҳандислик-техник коммуникациялари билан таъминланган ва муайян ер участкасини ўз ичига олган ҳудуддир[2].

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган кичик саноат зоналарига қатор солиқ имтиёзлари тақдим этилган. Шунингдек, кичик саноат зоналари ҳудудидаги ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатга - 10 йиллик ижарага, кейинчалик ижара муддатини яна 10 йилга узайтириш шарти билан ижара тўловининг имтиёзли ставкалари асосида берилади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг ривожланишидаги муҳим хусусият-бу дунёнинг бошқа мамлакатларида такрорланмайдиган хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги улушининг юқорилигидадир. Статистик маълумотларга кўра, иқтисодиётда банд бўлганлар ва мамлакат ЯИМнинг 80 фоиздан ортиғи хизматлар соҳасига тўғри келади. АҚШда қўлланиладиган “кўринмас қўл қоидаси”га асосланган макроиқтисодий ривожланиш модели иқтисодиётни ўз-ўзини бошқаришнинг бозор механизми асосида қурилган, давлат мулк-

---

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент -"Ўзбекистон"- 2016.

[1] Юлдашев Р. Кичик саноат зоналари иқтисодий тараққиёт ва халқ турмуш фаровонлигининг муҳим воситасидир. "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил.

[2] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

чилигининг кичик улуши ва ишлаб чиқариш жараёнида давлатнинг сезиларли бўлмаган тўғридан-тўғри тартибга солиниши билан тавсифланади. Бундан ташқари, эркин иқтисодий ҳудудлар АҚШ иқтисодиётдаги муҳим етакчи тармоқларнинг таянчларидан бири. Улар орқали ташқи иқтисодий фаолият, ички савдо айланмаси ва тадбиркорлик соҳасида қулай инфратузилмани яратиш ва ривожлантириш кабилар жадаллик билан муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мамлакатдаги эркин иқтисодий зоналар иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳисобига қулай инвестицион муҳитни янада яхшилаш, бу борада ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ва мамлакатимиз ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, мамлакатимиз вилоятларида инвестициявий жозибадорликни оширишга қаратилган "йўл харитаси" механизмига асосланган ҳудудий ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқиш лозим. Сабаби ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларнинг мавжудлиги баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантириш ва юритиш зарурлигини тақозо этади. Бу билан вилоятларда инвестициявий фаолликнинг сезиларли даражада ўсишини таъминлайди, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишда молиявий ресурсларни жалб этиш имкониятларини кенгайтиради ҳамда бугунги кунда долзарб ҳисобланган янги иш ўринлари сонининг ортишига олиб келади. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади, аҳоли пул даромадлари ва уларнинг тўлов қобилиятига эга талаблари ортишини таъминлайди;

иккинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган истиқболли инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича ривожланган мамлакатларнинг энг мақбул тажрибаларидан келиб чикувчи ижобий натижаларини амалиётга татбик этишни таъминлайди;

учинчидан, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бозор иқтисодиёти ислоҳотларига боғлиқ бўлган соҳалар кесимида махсус кичик эркин иқтисодий ҳудудлар, шунингдек, йирик олий таълим муассасалари қошида технопарклар ташкил этиш ва уларни саноат ишлаб чиқаришдаги инновацион фаолиятга кенг жалб этиш лозим. Бу орқали йирик олий таълим муассасаларидаги илмий ходимларнинг ўз ишланмаларига олган патентлари учун тажриба-синов майдонлари ҳам яратилган бўлади;

тўртинчидан, ривожланган давлатлар амалиётга кенг тадбиқ этиб келинаётган доимий экспорт фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарнинг ички инвестицияларини рағбатлантиришга қаратилган "лицензияланган ишлаб чиқариш зонаси" сифатида рўйхатдан ўтиши ва эркин иқтисодий зоналар учун мўлжалланган солиқ имтиёзларидан тўла фойдаланиш бўйича механизмни қўллаш ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин.

**Ш.А.Таджибаева –** доцент кафедры «Экономический анализ и аудит» ТГЭУ, к.э.н.

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ СЕТЕВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ПРЕДОСТАВЛЕНИИ БАНКОВСКИХ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация**: в статье рассматриваются вопросы предоставления банковских услуг на основе современных сетевых технологий. Данные практические предложения могут быть использованы для улучшения процесса предоставления банковских услуг с использованием сетевых технологий, которые способствуют обеспечению финансовой устойчивости коммерческого банка.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, коммерческий банк, информационно-сетевые технологии, банковские услуги, финансовая устойчивость.

**Аннотация:** мақолада замонавий тармоқ технологиялари асосида банк хизматларини кўрсатиш масалалари ёритилган. Берилган амалий тавсиялар тармоқ технологияларини қўллаш натижасида банк хизматларини кўрсатиш жараёнини яхшилаш асосида тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, тижорат банки, ахборот-тармоқ технологиялари, банк хизматлари, молиявий барқарорлик.

**Abstract.** The article discusses the issues of providing banking services based on modern network technologies. These practical suggestions can be used to improve the process of providing banking services using network technologies that contribute to ensuring the financial stability of a commercial bank.

**Keywords**: digital economy, commercial bank, information and network technologies, banking services, financial stability.

Одним из основных направлений дальнейшего развития банковской системы является внедрение новых банковских продуктов и услуг, внедрение современных информационно-коммуникационных технологий в банковскую сферу, развитие цифровой экономики. В условиях цифровой экономики среди услуг материального и нематериального характера сектор банковских финансовых услуг постепенно будет занимать доминирующую позицию в создании валовой внутренней продукции. Цифровая экономика позволит обеспечить рост валового внутреннего продукта как минимум на 30 процентов и резко снизить коррупцию. В связи с этим перед коммерческими банками нашей страны неизбежно встает задача модернизации предоставляемых услуг с использованием современных информационно-коммуникационных технологий и открываются перспективы разработки новых современных не имеющих аналогов в мировой практике банковских продуктов.

В условиях развития цифровой экономики возрастает роль сетевых технологий в деятельности банков, в рамках который современные технологии рассматриваются как совокупность необходимых инструментов для ведения банковского бизнеса, как средство повышения производительности труда и снижения издержек. Быстрая и бесперебойная

обработка значительных потоков информации является одной из главных задач любой финансовой организации. Глобализация мировой экономики, главенствующая роль сети Интернет и развитие глобального информационного общества, стремительное увеличение роли знаний и управляющих ими информационных технологий в банковской деятельности ставят перед современным банковским сообществом новые задачи, решение которых требует введения инноваций. Обеспечение конкурентоспособности банков невозможно без использования широкого круга информационных технологий. Новые сетевые технологии помогают банкам изменить взаимоотношения с клиентами и найти новые средства для извлечения прибыли.

Предоставление различного рода услуг клиентам, осуществление сделок и операций с финансовыми инструментами, совершение расчетов, и, соответственно, отражение всех этих финансовых потоков денежных средств на счетах в режиме реального времени, а в последующем – формирование форм отчетности для принятия управленческих решений невозможно выполнить без использования соответствующего программного обеспечения. Новейшие информационные технологии и электронные средства обработки данных способствуют возникновению новых услуг, новых возможностей технологии обслуживания клиентов. Например, появление электронных расчетов способствовало появлению системы обслуживания интернет – банкинг, обеспечивающим клиентам круглосуточный доступ к своим счетам, а также возможность проводить весь спектр платежно-расчетных операций. Таким образом, эффективность работы банка во многом зависит от введения информационных новшеств. Высоко технологичные инновации увеличивают функциональные возможности информационных систем и эффективность кредитной организации. Информационные и сетевые технологии в банковском деле занимают исключительно важную позицию, так как они в значительной степени определяют не только эффективность бизнеса, но и способны управлять банком.

В рамках стратегии инновационного развития большинство банков Республики Узбекистан регулярно разрабатывают новые продукты, процессы и технологии, а также совершенствуют уже существующие. Многие успешные банки в последние годы ведут конкуренцию за завоевание доверия клиентов на базе внедрения передовых технологий в сфере обслуживания, что позволяет им ко всему прочему снижать издержки и получать высокие прибыли.

Внедрение сетевых технологий в банке позволяет практически полностью управлять фактором времени и пространства во взаимоотношениях банков с потребителями их услуг, что выводит на качественно новый уровень межбанковскую конкуренцию по всему спектру ее характеристик. Естественно, что это самым позитивным образом отражается на количественных и качественных аспектах банковского обслуживания. Для самого банка преимуществами использования сетевых технологий являются следующие: более широкий охват клиентской базы;

экономия издержек при обслуживании клиентов; устранение необходимости трудоемкой работы с наличностью; предложение более конкурентоспособных услуг по привлекательным ценам; возможность работы в круглосуточном режиме и совершения операций в режиме реального времени; автоматическое отслеживание рисков, возникающих при операциях с клиентами. Опыт передовых стран выявил целый ряд интересных тенденций и реалий. В частности, по причине внедрения новых сетевых технологий банковского обслуживания, маркетинг при электронном банкинге обходится значительно дороже, чем при традиционном. Чтобы компенсировать дополнительные расходы, банки вынуждены идти на значительное расширение масштабов электронного банкинга. Но в долгосрочной перспективе фундаментально перекраивается сама бизнес-модель банка, т.е.

Из всего вышесказанного можно сделать вывод, что использование самых современных сетевых технологий приносит банкам крупные прибыли и помогает им победить в конкурентной борьбе. Любая автоматизированная банковская система предоставляет из себя сложный аппаратно-программный комплекс, состоящий из множества взаимосвязанных модулей. Введение сетевых технологий в деятельность коммерческих банков позволяют обеспечивать эффективность оказании банковских услуг в следующих сферах: повышение конкурентоспособности на рынке банковских услуг в условиях развития банковской деятельности и уменьшения прибыльности в некоторых секторах финансового рынка; оперативный учет, входной контроль и долговременное хранение наиболее полных данных о деятельности банка и его подразделений; формирование бухгалтерской и аналитической отчетности для представления во внешние организации, а также для управления деятельностью банка; поддержание технологии единого информационного пространства; развитие технологических возможностей по доставке услуг клиентам.

Судя по всему, в условиях цифровой экономики темпы развития банковской системы будут стремительно расти. Практически все появляющиеся сетевые технологии будут быстро браться банками на вооружение. Неизбежны процессы интеграции банков в рамках национальных и мировых банковских сообществ. Это обеспечит постоянный рост качества банковских услуг, от которого выиграют в конечном счете банки и их клиенты.

**А.К. Назаров–** ЎзР Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази "Ўқув-услубиёт" бўлими бошлиғи
**Т.Х.Абдибаева –** ЎзР Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази махсус фанлар кафедраси доценти

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КЎЧМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада кўчмас мулкни таркиби, уларни солиққа тортиш масалалари ёритилган. Янги таҳрирдаги Солик кодексида кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ  солиш объекти сифати қаралиши асосланган.

**Калит сўзлар:** кўчмас мулк, мол-мулк, мол- мулк солиғи, мол- мулк солиғи объекти, солиқ базаси.

**Аннотация:** в статье раскрыто состояние взаемосвязь недвижмости с нологообложением на основные  моменты. По новому нологовому кодексу недвижмость юридических лиц должно расматриваться как объектом нологообложение.

**Ключьвые слова:** недвижмость, имуществьва, налог на имуществьва, объект налогообложение, налоговая база.

**Abstract**: The article describes the structure of real estate and their taxation. The new edition of the Tax Code is based on the view that real estate is the object of taxation on the property of legal entities.

**Keywords:** Real estate, property, property tax, property tax object, tax base.

Мамлакатимиз мулкнинг ҳуқуқий асослари бир қанча Қонунлар билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар қаторида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, шунингдек "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилиниши мулк ҳуқуқи ҳимоясини таъминлаш ва кафолатлашда тарихий аҳамият касб этди. Фуқаролик кодексида мулкнинг дахлсизлиги ва суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш, Жиноят кодексида эса мулкни энг муҳим объектлар қаторида тажовузлардан қўриқлаш асосий вазифалар сифатида белгиланганлиги мулк ҳимоясини таъминлаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжудлигининг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [1] фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мол-мулкни солиққа тортиш эса Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 декабрдаги "2020 йил

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” ги ЎРҚ-589-сонли ва 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-599-сонли қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4555-сонли қарори билан тартибга солинади.

Иқтисодий адабиётларда мулк, кўчмас мулк, кўчмас мулкни солиққа тортиш тушунчалари ҳар хилда талқин қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексининг 83-моддасига кўра, мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади. Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар киради. Қонунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин. Кўчмас мулк жумласига кирмайдиган мол-мулк кўчар мулк ҳисобланади Кўчар мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно[1].

Янги таҳрирдаги Солик кодексининг 411-моддасида солиқ солиш объектига кўчмас мулк юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Кўчмас мулк жумласига қуйидагилар киради:

1) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган бинолар ва иншоотлар;

2) қурилиши тугалланмаган объектлар. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар киради;

3) темир йўллар, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлар;

4) қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари, кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач[2].

Янги солиқ кодексида ҳам ушбу турдаги қурилмаларга солиқ солиниши ёки солиққа тортилмаслиги бўйича келтирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 412-моддасига мувофиқ, тўлиқ амортизация қилинган бинолар бўйича солиқ базаси бўлиб уларнинг уч

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, 23.10. 2019.
[2] Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

йилда камида бир марта аниқланадиган қайта баҳоланган (бозор) қиймати ҳисобланади[1].

2020 йилда давлат бюджети даромадлари 128460,0 млрд.сўм миқдорида прогноз қилинмоқда, шундан 40584,6 млрд.сўм бевосита солиқлар, 58285,0 млрд.сўм билвосита солиқлар, 20796,0 млрд.сўм ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи, 8794,4 млрд. сўм бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумларни ташкил этади. Маълумотлар кўрсатиб турибдики мол-мулк солиғи 2020 йилда 2369, 6 млрд.сўмни ташкил қилиб, йилдан йилга ошмоқда.[2]

Мол-мулк солиғи 2020 йилда 2369, 6 млрд.сўмни давлат бюджетига тушуриш учун унинг солиққа тортиш базасини аниқлаш зарур. Шу мақсадда янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг 413-моддасига мурожат қиламиз. Ушбу моддада мол-мулк солиғининг базасини аниқлаш тартиби бўйича қуйидагилар келтирилган: “Солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) солиқ давридаги ҳар бир ойнинг охирги кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб борувчи якун билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ базаси мазкур объектларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

Солиқ базаси ҳар бир солиқ солиш объекти бўйича алоҳида аниқланади.

Солиқ тўловчи солиқни тўлаш назарда тутилмаган фаолият турини амалга оширганда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган мол-мулк ҳисобини алоҳида-алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишнинг имкони бўлмаса, солиқ базаси солиқ тўланиши назарда тутилган фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг жами соф тушумидаги улушига қараб аниқланади.”[3]

Солиқ кодексида мол-мулк солиғининг ставкалари белгилаб берилган. Солиқ ставкаси, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, 2 фоиз миқдорида белгиланади.

Мол-мулкни солиққа тортишда ҳам янги таҳрирдаги Солиқ кодексидаги янги нормаларни қўллаш асосда солиқ суммасини ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Юқоридагиларга асосланган ҳолда мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкни бошланғич қийматини тўғри баҳолаш ва уларнинг амортизация ажратмасини ҳисоблашда хориж амалиётидан фойдаланишни таклиф қиламиз. Шунингдек, меъёрий ҳужжатларга асосан кўчар ва кўчмас муклнинг таркибини тўғри аниқлаш, мамлакатдаги кўчмас мулкнинг электрон базасини шакллантириш зарур. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт ривожланиши юридик шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғини тўғри ва аниқ ҳисоблашни таъминлайди.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4555-сонли қарори.

[3] Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

**Р.З.Мухаммадиев** – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси

# ТИББИЙ СУҒУРТА ВА ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

**Калит сўзлар:** тиббиёт муассасаси, бюджет ташкилоти, хусусий сектор, давлат бюджети, имтиёз, мажбурий тиббий суғурта, пуллик тиббий хизмат.

**Аннотация:** в данной статье рассматривается развитие системы обязательного медицинского страхования и предложения по финансированию здравоохранения из государственного бюджета для улучшению системы страхового рынка.

**Ключевые слова:** учреждения здравоохранения, бюджетные учреждения, частный сектор, государственный бюджет, льготы, медицинское страхование, платная медицинская служба.

**Abstract**: This article discusses the development of the compulsory health insurance system and proposals for financing health care from the state budget to improve the insurance market system.

**Keywords:** medical health facilities, budgetary institutions, private sector, state budget, benefits, medical insurance, paid medical service.

Ривожланган давлат тажрибасида давлатнинг ривожланиш жараёнида ва иқтисодий-ижтимоий ислоҳатларни амалга оширишида юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун бошқарув ёки молиялаштириш тизимини босқичма-босқич такомиллаштиради ҳамда ўзининг айрим функцияларини фуқаролик жамияти ва иқтисодий институтларига ўтказиб бориши кузатилади.

Бундан кўзланган мақсад мазкур вазифалар ижроси сифати ҳамда сарфланган маблағлар самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Масалан ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун давлатнинг асосий маблағлари йўналтирилган бўлса, давлатнинг ислоҳотларни амалга ошириш натижасида ушбу молиялаштириш тизимини иқтисодий институтларга ўтказиш орқали, ҳам ушбу йўналишни ривожлантиради, ҳам молиялаштириш тизимини соддалаштиради.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағлар йил сайин ўзгариб бориб, 2020 йилда ушбу миқдор давлат бюджети харажатларининг 11,3 фоизни ташкил этди (1-расм). [1]

Мустақиллик йилларидан бошлаб минтақада тиббий эҳтиёжнинг юқорилиги боис соҳани ислоҳ қилишга эътибор қаратилди, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижасида тиббий хизматни ташкил этиш тубдан ўзгарди. Ислоҳотларни ҳозирги босқичида тиббий хизмат диагностикаси бўйича илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда.




**1-Расм. Ўзбекистон Республикаси бюджетидан 2020 йилда соғлиқни сақлаш учун ажратиладиган маблағлар миқдори[1].**

Фикримизча, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини ислоҳ қилишда дунё амалиётида кенг қўллланилган ва ўз ижобий самарасини берган харажатларни мақбуллаштириш тартибидан фойдаланишни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, ўтган йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбалари республика, маҳаллий бюджет ҳамда аҳоли маблағларидан иборат бўлди.

Тиббиёт соҳаси йўналиш бўйича амалга оширган тадқиқотларимиз пуллик тиббий хизматлар миқдори 2019 йилнинг 11 ойида 2013 йилга нисбатан қарийиб 5 баробар ошиб, 1072 млрд.сўмни ташкил этганлигини кўрсатмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш манбалари бўйича эса сарафланадиган маблағлар таркибида бюджет маблағлари улуши ҳамон юқори бўлиб қолмоқда.

Ривожланган давлатларда соғлиқни сақлашга йўналтирилаётган маблағларнинг асосий миқдори иш берувчилар ва суғурта ташкилотлари ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу тартибнинг ижобий самараси қайд этилган мамлакатлардаги тиббий хизмат сифати ошиб бораётгани орқали баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида соҳага хусусий инвестициялар киритишга эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 3923-сонли Фармони ҳамда 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1652-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 145-сонли қарорлари айнан шу мақсадларни кўзлаб амалётга жорий қилинган бўлиб, унда тиббиёт муассасалари акцияларининг 51 фоиз

[1] Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

назорат пакети давлатда сақлаб қолиниб, улушларнинг қолган қисми эркин савдо учун йўналтирилиши белгилаб қўйилди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони мамлакатимиз тиббиёти тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Жумладан, соҳада миллий қонунчиликни такомиллаштириш, тиббиёт соҳасида замонавий бошқарув тизими ва ҳудудларда “кластер” моделини шакллантириш, молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш, тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, оналик ва болалик муҳофазасини кучайтириш, хусусий тиббиёт, давлат-хусусий шериклик механизми ва тиббий туризмни ривожлантириш орқали инвестицияларни кенг жалб этиш, фармацевика тармоғи, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малака ошириш, тиббиёт фанини ривожлантириш ҳамда электрон соғлиқни сақлаш тизимини кенг жорий этиш каби устувор вазифалар акс этган концепция қабул қилинди.

Энг асосийси шундаки, стационар соғлиқни сақлаш муассасаларида аралаш молиялаштириш механизмларини қўллаш, айрим даволаш-профилактика муассасаларини инвесторларга ишончли бошқарувга бериш, электрон соғлиқни сақлаш тизимини кенг жорий этиш, 2021 йил 1 январдан мажбурий тиббий суғурталаш босқичма-босқич татбиқ қилиш соҳа ривожида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Суғурта хизматларини кўрсатувчиларни қўллаб-кувватлаш ва суғурта бозорини ривожлантиришга уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, айланма маблағларини кўпайтириш, ўз муддатларида суғурталанувчи мижоз билан юзага келган ҳодисаларни коплашга зарур маблағга эга бўлиши учун белгиланган тартибда солиқ ва мажбурий тўловлардан имтиёзлар берилди. Натижада суғурта бозорини мамлакатимизда ривожланиш тенденцияси кузатилмоқда. Суғурта бозорини ривожланиши банклар кредит ресурслари ўсиши билан бирга фуқаролар даромадларини ошириш учун ҳам хизмат қилади.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари таҳлили 2018 йилда ҳаётни суғурталаш компаниялари умумий суғурта мукофотлари таркибидаги улуши 25,5 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу миқдор йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ушбу кўрсаткичлар ҳаёт суғуртасининг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига олган ҳолда, умумий суғурта тўловида унинг улуши 57,3% ни ташкил қилиши, Ўзбекистонда суғурта бозори ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Аммо ривожланган мамлакатларда суғурта хизматлари ЯИМ 10-15 фоизини ташкил этади, Ўзбекистонда ушбу кўрсаткич 5,1 фоиз. Бу кўрсаткичлар таҳлили мамлакатимизда ушбу соҳада муаммолар мавжудлигидан далолат беради.

**Тиббий суғурта** – бу соғлиқни сақлаш соҳасидаги аҳолининг манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг шакли бўлиб, унинг мақсади

фуқароларга суғурта ҳодисаси юз берганда тўпланган маблағлар эвазига тиббий ёрдам олишларини ва профилактика тадбирларини молиялаштиришдир.[4]

Масалан, профессорлар В.М.Родионова, В.В.Антропов, Х.Р.Собиров, Б.Ю.Сербиновский, Н.В.Бендина ва З.Ф.Шарифьяновалар тиббий суғурта фаолиятига асосан давлат томонидан амалга ошириладиган восита сифатида қарайди ва “мажбурий тиббий суғурта - давлат томонидан тиббий хизмат кўрсатишининг минимал талаби ва стандарти белгиланиши ҳамда кафолатланишини, суғурталаш манбаси давлат бюджети ҳисобидан режали равишда амалга оширилиши”, деб баҳолайди.

И.И.Мельничук “...ихтиёрий тиббий суғурта кўрсатиладиган тиббий хизмат айрим турлари бўйича юқори сифатни таъминлашни назарда тутади. Мажбурий суғурта тизимига қўшимча равишда мижоз ёки иш берувчи маблағи ҳисобидан тиббий хизматни молиялаштириш ҳисобланади” деган фикрни билдирган.[5]

Е.Г.Сподарева тиббий хизмат давлат томонидан амалга ошириладиган хизмат бўлиши ва соғлиқни таъминлаш жамият фаровонлигини ифодалашини таъкидлаб, “....жамиятдаги фаровонликнинг белгиларидан бири бу, давлатнинг ўз фуқароларининг соғлиғини таъминлашдаги қобилятидир. Қандай қилиб давлат барча учун умумий тиббий хизматнинг бир хил даражасини таклиф қилади, барча тоифадаги одамлар учун умумий тиббий хизмат аҳолининг эҳтиёжларини тўлиқ қондирмайди” деган хулоса қилади.[6]

Мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантиришга, янги, оммабоп хизматларни тақдим қилиш орқали иқтисодиёт тармоқларини ушбу хизмат билан қамраб олиш даражасини кўтариш муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Жумладан, аҳолини соғлиғини сақлаш йўналиши бўйича янги мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, суғурта компаниясининг инвестиция фаолиятини диверсификация қилиш, янги инвестиция механизмларини жорий қилиш лозим. Бу эса суғурта компанияларига мажбурий тиббий суғурта тизими бўйича билим ва малакага эга замонавий кадрлар билан таъминлашни талаб этади.

Фикримизча, инсон манфаатларини инобатга олиб, аҳоли ва тадбиркорларнинг тиббий суғурта тизимига ишончини ошириш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш, суғурта даъволари бўйича аризаларни кўриб чиқиш муддатлари қисқартириш, суғурта ҳодисасини баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тартибини жорий этишнинг электрон тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ҚҲММБ: 03/19/589/4126-сон 10.12.2019 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-

тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сон қарори. / «Халқ сўзи» 2017 йил 4 апрель, 66 (6760)-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон Фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2018 йил 10 декабрь, 49-сон, 933-модда.

4. Шарифьянова, З.Ф. Добровольное медицинское страхование (ДМС) и обязательное медицинское страхование (ОМС): сравнительный анализ / З.Ф.Шарифьянова, Л.Ф.Минигазимова, Л.Р.Мухаметьянова // Международный научный журнал «Инновационная наука. – 2016. – №5. С. 198-201.

5. Мельничук И.И. Страхование: учебно-методическое пособие. М.: ИМСГС, 2010. 283 с. (С. 124–126); Мельничук И.И. Теория страхования: учебное пособие / И.И. Мельничук, Е.А. Попова. Химки: АГЗ МЧС, 2016. 477 с. (С. 180–183).71

6. Сподарева Е.Г., Нефедова Т.В. “Анализ влияния социально-экономических факторов на объем премий по добровольному медицинскому страхованию в российской федерации”. // Вестник уральского института экономики, управления и права №3 2017.

9. А.Қ.Шадманов. “Тиббий хизмат самарадорлиги ва сифатга баҳо бериш мезонлари бутунлай ўзгарди”. // www.medicalexpress.uz

10. https://stat.uz.

12. http://www.mf.uz

13. http://www.minzdrav.uz

**А.Б. Қурбонов** – ҚарМИИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
**С.Б.Серкаев** – ҚарМИИ магистранти
**Э.Б. Мойлиев**– ҚарМИИ магистранти

# ҲУДУДЛАРНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

**Аннотация:** мақолада ҳудудларга жалб қилиннадиган инвестицияларнинг йуналишлари ишлаб чиқилган ва инветицион фаолиятни юритиш тамойиллари келтирилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инветицион фаолият, ташқи савдо айланмаси, экспорт, импорт, қўшма корхонлар, тадбиркорлик.

**Аннотация:** в данной статье проанализированы инвестиции привлекаемые в регионы и разработаны направления и принципы инвестиционной деятельности.

**Ключевые слова**: инвестиция, инвестиционная деятельность, внешне торговый оборот, экспорт, импорт, совместные предприятия, предпринимательство.

**Abstract**: This article analyzes the investments attracted to the regions and developed the directions and principles of investment activity.

**Keywords**: investment, investment activity, foreign trade turnover, export, import, joint ventures, entrepreneurship.

Бозор муносабатларининг қарор топиши шароитида турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг юқори иқтисодий самарадорликка

эришишга интилиши йўлидаги фаолиятлари талаб ва таклиф, қиймат қонунлари тамойиллари асосида бошқарилиб, бу ҳолат бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш хўжалик субъектлари тўла иқтисодий эркинликка эга бўлишларини тақозо этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири инвестиция сиёсатини тўғри ташкил қилиш ва йўналишларни аниқ белгилашдан иборатдир. Биринчи галда хорижий инвестицияларни жалб этиш айниқса кичик бизнес хусусий тадбиркорлик корхоналари ҳамда етакчи саноат тармоқларига қаратилиши лозим. Чет эл сармояси иштирокида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, кичик бизнес корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиётига ички инвестицион манбаалар ва хорижий сармояларни жалб этиш муаммоларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва уларни ҳал этиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда асосий йўналишларни белгилашдан иборатдир. Ҳозирги босқичда Ўзбекистондаги энг муҳим вазифа - иқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини иқтисодий ўсиш сиёсати билан боғлаш бўлиб, бу ҳол инвестиция фаолиятини кучайтиришни талаб қилади. Ушбу масалани ҳал қилиниши молиявий-иқтисодий қийинчиликларни енгишга, мамлакат иқтисодиётининг кенг кўламда таркибий қайта қуришга, бирламчи бошқариш тузилмаларида қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш муаммосини ҳал қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлашга имкон беради.

2019 йил – «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизини ташкил этган мақсадларга эришишда олдимизга қўйилган 10 та устувор вазифалар қаторидан ўрин олган иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш вазифасини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш 4,2 миллиард долларни мўлжалланган эди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди.Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди [1]. Бироқ, иқтисодиётга жалб этилаётган ва ўзлаштирилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсиб боришига эришилаётган бўлсак-да, аммо, у амалда уларга бўлган талаб ва уларни қабул қилиш салоҳияти даражасида эмаслиги бу борадаги сиёсатни янги босқичга олиб чиқиш асосида янада фаол ва изчил давом эттириш зарурлигини тақозо этаётир. Буни BCG экспертларининг берган баҳолари тасдиқламоқда. BCGнинг «Марказий осиёга инвестициялар: бир минтақа, кўплаб имкониятлар» маърузаси муаллифлари Марказий осиё глобал тушкунлик ўсиб бораётган шароитда инвесторлар учун янги маскан бўлиши мумкин, деб ҳисобламоқда. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб,

бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгаллади ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олди [2]. Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тегишли тартибга солувчи воситаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу воситаларсиз бозор муносабатларини ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Инвестиция сиёсати миллий иқтисодиёт, тармоқлар ҳамда ҳудудлар ривожланиши билан уйғун бўлсагина ўзининг кутилган самарасини беради. Инвесторларнинг ҳудудлар равнақига пул тикиши учун уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масаладир.

Узоқни кўзлаб сиёсат юритиш натижасида ташқи иқтисодий фаолият ҳам бирмунча фаоллашди. Жумладан ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Жумладан,Қашқадарё ташқи савдо айланмасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2019 йилда 30 фоизни ташкил қилиб, кенги турт йилда икки баробардан отиқча ошган.

Жалб этилаётган маблағлар манбаидан корхоналар ишлаб чиқаришини барпо қилишда йирик саноат корхоналарини модернизация ёки техник - технологик жиҳатдан янгилашда, кичик корхоналарда айланма маблағларини кўпайтиришда фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарни моддий жихатдан кўллаб қувватлаш мақсадида давлат томонидан субцидиялар ва бошқа ёрдам маблағлари ажратилмокда. Давлат томонидан олиб борилаётган кўллаб-кувватлаш сиёсати асосида корхоналарга, айниқса эндигина иш бошлаган хорижий инвестицион ёки бошқа турдаги кичик ва ўрта корхоналарга солиқ имтиёзлари бериши ҳам алоҳида аҳамият касб этмокда. Корхоналар мана шу имтиёзли давр мобайнида солиқ тўловларини амалга оширмайдилар ва шу сўммаларни ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтиришга йўналтирадилар.

Бундан ташқари корхоналар ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа мулкларни сотиш ёки ижарага бериш орқали ҳам кўшимча маблағларга эга бўлишлари лозим. Инветиция лойиҳаларини турли хил манбалар ҳисобига молиялаштиришда банк кредитлари алоҳида аҳамият касб этади. Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда банк тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида аҳоли маблағлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг зарур манбаи ҳисобланади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда қимматли қоғозлар бозорининг риножланганлиги аҳоли маблағлари тўғридан тўғри инвестицпяларга йўналтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Вилоятда ҳам қимматли қоғозлар бозори шаклланиб бормокда аҳолининг бўш пул маблағларининг жамғариш тижорат банкларида амага оширилмокда ва ушбу жамғарма маблағлари кўпроқ қисқа муддатди кредит ишига йўналтирилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятида чет инвестицияси киритилган корхоналар сони 2019 йилда 87 бирликни ташкил қилиб, 2015 йилга нисбатан 77 фоизга ўсган. Шундан фаолият кўрсатаётганлари 2019

йилда 80 бирлик бўлиб, 2015 йилга нисбатан 93,2 фоизга ошган. Фаолият кўрсатмаётганлари эса 60 фоизга камайган. Ташқи савдо айланмасига келсак 2019 йилда ва 2015 йилга нисбатан 2,3 марта ошган. Экспорт хажми ҳам импорт хажмидан кўп. Экспорт хажми 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 3,5 марта ошган бўлса, экспорт хажми эса атиги 1,4 кўпайган. Бундан ташқари экспорт таркибининг асосий қисми хом ашёдан иборат[3].

Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тегишли тартибга солувчи воситаларни шакллантиришдан иборат бўлиб, бу воситаларсиз бозор муносабатларини ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди. Инвестиция сиёсати миллий иқтисодиёт, тармоқлар ҳамда ҳудудлар ривожланиши билан уйғун бўлсагина ўзининг кутилган самарасини беради. Инвесторларнинг ҳудудлар равнақига пул тикиши учун уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш бугунги кунда ниҳоятда долзарб масаладир.

Шу ўринда инвестицион жараёнларни таҳлил қилиш ва амалга оширишда келажакда иқтисодий ривожланишга асос бўлувчи инвестиция йўналишларига урғу бериш керак.

Фикримизча, инвестиция деганда кўп қиррали фаолиятни тушуниш лозим ва у бўш бўлган молиявий маблағларни келажакда моддий ва молиявий бойликни яратувчи объектларга сарфлашни ифодалайди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тижорат банкларининг ва давлатнинг ҳудудий инвестиция билан боғлиқ кўп қиррали фаолияти, корхоналарнинг ўз маблағлари, аҳоли маблағларининг моддий ва молиявий бойликларни яратадиган объектларга сарфланадиган молиявий ресурсларни шакллантириш лозим.

Ҳудудларга инвестиция жалб қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- чет эл сармояси тақсимоти;
- хорижлик ишбилармонлар учун жозибадор имконият;
- лойиҳалар ва ҳамкорлик;
- механизмни такомиллаштириш зарурати;
- молия оқимини кўпайтириш.

Юқоридаги йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ҳудудий инвестицион сиёсатни амалга ошириш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, минтақаларда кўп укладли иқтисодиётни, шу жумладан, кичик тадбиркорликни шакллантиришга, товар, меҳнат ва капиталнинг умумдавлат ва ҳудудий бозорлари ҳамда институционал ва бозор инфратузилмаси шаклланишига кўмаклашиш;
- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнидан жуда ҳам катта фарқларни камайтириш, уларда аҳоли фаровонлигини оширишнинг ўз иқтисодий базаларини мустаҳкамловчи шароитларни босқичма - босқич яратиш.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти шавкат Мирзиёевнинг олий Мажлисга Мурожаатномаси. // http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-24-01-2020.
2. Марказий осиё инвесторларни нимаси билан жалб этиши мумкин? // https://kun.uz/news/2018/10/21.
3. Қашқадарё вилоят статистика бош бошқармаси маълумотлари.

**Б.Боронов –** СамИСИ таянч докторанти

# МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИГА ОИД КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**Аннотация:** Ушбу мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро концептуал асосларига киритилган ўзгаришлар, уларнинг мазмуни баён этилган. Концептуал асосларда келтирилган молиявий ҳисоботнинг таркиби қайд этилган. Мамалакатимизда амалга оширилиши керак бўлган ишлар мазмуни ишлаб чиқилган.

**Калитли сўзлар**: Молиявий ҳисобот, концептуал асослар, ҳисобот берадиган ташкилот, молиявий ҳисоботнинг таркиби, молиявий активлар.

**Аннотация:**В этой статье раскрывается сущность основных изменений введенных в международной концептуальных основ финансовой отчетности. Приведены состав финансовой отчетности включенных в концептуальных основах. Разработаны план основных работ осуществляемых в республике в области внедрения этих концептуальных изменений.

**Ключевые слова:**Финансовая отчетность, концептуальные основы, отчитывающийся организация, состав финансовой отчетности, финансовые активы.

**Resume:** This article reveals the essence of the main changes introduced in the international conceptual framework of financial reporting. The composition of the financial statements included in the conceptual framework is presented. A plan of the main works carried out in the republic in the field of introducing these conceptual changes has been developed.

**Keywords:** financial reporting, conceptual framework, reporting organization, composition of financial reporting, financial assets.

Бухгалтерия ҳисоби масалаларини халқаро унификациялаш ва гармонизациялаш жараёни жадал амалга оширилмоқда. Ўзбекистон ҳам Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори лойиҳаси [1] муҳокамага чиқарилди. Ушбу қарор лойиҳасида 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, устав фондида давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида молиявий ҳисоботини тақдим этиш вазифаси юклатилган. Ҳужжат лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ACCA (Association of Chartered Certified Accountants) ўртасида ҳисоб, аудит ва бизнесни бошқариш соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича касбий ўқитишга, шунингдек нодавлат таълим муассасаларини (ўқув марказлари) ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказишга кўмаклашиш тўғрисидаги Меморандумни имзолаш учун ишлар олиб борилганлиги қайд этилган. Ушбу амалга оширилган ишлар бугунги кунда МҲХСларини ўрганишни ва жорий

этишни долзарб қилиб қўймоқда.

МҲХСлари тизимида “Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари” асосий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатнинг олдинги таҳрири Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йилда қабул қилинган эди. 2018 йили Кенгаш “Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари”га бир қанча фундаментал ўзгаришлар киритди. Жумладан, концептуал асосларнинг таркибий қисмлари ўзгартирилди. Ўзгариш натижаларини 1-жадвалда акс эттириш мумкин:

**1-жадвал**

**Молиявий ҳисоботнинг концептуал асосларидаги ўзгаришлар**

| **“Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари” 2010 йилдаги таҳрирда [2]** | **“Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари” 2018 йилдаги таҳрирда [3]** |
|---|---|
| 1-боб. Умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисоботнинг мақсади | 1-боб. Умумий фойдаланишдаги молиявий ҳисоботни тақдим қилиш мақсади |
| 3-боб. Фойдали молиявий ахборотларнинг сифат тавсифи | 2-боб. Фойдали молиявий ахборотларнинг сифат тавсифи |
| 4-боб. Концепция | 3-боб. Молиявий ҳисобот ва ҳисобот бераётган ташкилот |
| • Асос бўлувчи йўл қўйилишлар | 4-боб. Молиявий ҳисобот элементлари |
| • Молиявий ҳисобот элементлари | 5-боб. Тан олиш ва тан олишнинг тугатилиши |
| • Молиявий ҳисобот элементларини тан олиш | 6-боб. Баҳолаш |
| • Молиявий ҳисобот элементларини баҳолаш | 7-боб. Ахборотларни тақдим этиш ва очиқлаш |
| • Капитал миқдорини қўллаб қувватлаш ва фойдани аниқлаш | 8-боб. Капитал концепцияси ва капитални қўллаб қувватлаш |

Янгиланган концепцияда “Ҳисобот бераётган ташкилот” атамаси киритилган. Ҳисобот бераётган ташкилот деганда, нафақат алоҳида ҳисобланган субъектлар, балки ушбу субъектларнинг “иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи томонлари” ҳам тушунилиши қайд этилган.

Бизга маълумки, “молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари”нинг олдинги таҳририда молиявий ҳисобот таркиби киритилмаган эди. Ушбу масала 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” стандартида келтирилган эди. Янги концептуал асослар олдинги таҳрирдаги концептуал асослардан фарқли ўлароқ, молиявий ҳисоботнинг таркибини ҳам кўрсатиб берди. Чунки, бугунги кунда молиявий ҳисоботнинг таркиби концептуал масалалар қаторига киритилди. Молиявий ҳисоботнинг таркиби қуйидагича шакллантирилган[4, 238-б.]:

а) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

б) фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот;

с) бошқа ҳисоботлар:

- ташкилотнинг тан олган активлари, мажбуриятлари, хусусий капитали, даромадлари ва харажатлари, уларнинг характери тўғрисидаги маълумотлар ва улар билан боғлиқ рисклар киритилган ҳолда;

- ташкилотнинг тан олмаган активлари ва мажбуриятлари, уларнинг характери тўғрисидаги маълумотлар ва улар билан боғлиқ рисклар киритилган ҳолда;

- пул оқимлари;

- ташкилотнинг хусусий капиталига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи эгалари бадаллари ва ушбу шахслар фойдаси амалга оширилган тўловлар;

- тақдим қилинаётган ёки очиқланаётган суммаларни баҳолашда бевосита фойдаланилган турли хил методикалар, йўл қўйилишлар ва мушоҳадалар ҳамда ушбу методлар, йўл қўйилишлар ва мушоҳадалардаги ўзгаришлар.

Халқаро концептуал асослардаги ушбу ўзгаришларни миллий стандартларимизга жорий қилиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- "Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари"даги ўзгаришларни кенг ўрганишни жорий қилиш учун амалиётчи бухгалтерлар ва аудиторларга семинарлар, мастер класс дарслар ўтказиш, услубий тавсиялар ишлаб чиқиш керак;
- янги концепцияда "ҳисобот бераётган корхона", "иқтисодий ресурслар" каби янги атамаларни фойдаланиш учун қабул қилиш;
- ушбу қоидалардаги ўзгаришлар асосида Ўзбекистонда "Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишнинг концептуал асослари" ҳужжатига ўзгартиришлар киритиш;
- амалдаги молиявий ҳисоботнинг шаклларини такомиллаштириш.

Ушбу ишларнинг амалга оширилиши молиявий активларга доир ҳисоб-китоб ишларини МҲХСлари талабларига мувофиқлаштиришга ҳамда молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигининг ошишига олиб келади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида. ID-11145.
https://regulation.gov.uz/uz/document/11145
2. Концептуальные основы финансовой отчетности. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_160581/
3. IFRS - Пересмотренные Концептуальные основы МСФО (2018)
https://fin-accounting.ru/articles/2018/ifrs-revised-conceptual-framework-for-financial-reporting-2018
4. ФоминаО.Б. Изменение концептуальных основ МСФО
file:///C:/Users/SamISI-ATM/Desktop/34%20-%20Фомина%20Фомин.pdf.

**V.Sh.Nuritdinova –** TMI katta oʻqituvchisi,
**Q.A.Fayzullayev –** TMI, 3 – kurs talabasi

# RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH VA MOLIYALASHTIRISH MUAMMOLARI

**Annotatsiya.** Ushbu tezis raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish xolat va moliyalashtirish muammolari oʻrganishga bagʻishlangan. Xizmat koʻrsatish va servis soxasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish boʻyich takliflar berildi.

**Kalit soʻzlar:** Raqamli iqtisodiyot, globallashuv, blokcheyn, universal mobile systems, raqamli ishonch, elektron hukumat.

**Аннотация:** Это тезис посвящен изучению развития цифровой экономики и проблем финансирования. Предложения были предложены для развития цифровой экономики в секторе обслуживания.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, глобализация, блокчейн, универсальные мобильные системы, цифровое доверие, электронное правительство.

**Abstract**: This thesis is devoted to the study of the development of the digital economy and the problems of financing. Proposals were made for the development of a digital economy in the service sector.

**Keywords:** digital economy, globalization, blockchain, universal mobile systems, digital trust, e-government.

Hozirgi kunda jadal bilan rivojlanib borayotgan Oʻzbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishga katta ahamiyat berilmoqda. Globallashuv jarayonlari, ya'ni hayot sur'atlarining beqiyos darajada tezlashuvi, yuqori darajadagi axborot almashinuvi, jahon tsvilizatsiyasi taraqqiyoti, mamlakatimizda amalga oshirilayotgan ulkan islohotlar va bunyodkorlik ishlari, jamiyatimiz a'zolaridan oʻz ustida tinimsiz ishlashni, zamonaviy, kreativ, tashabbuskor va tadbirkor boʻlishni, izchil oʻqib-izlanishni va faoliyatlari davomida raqamli iqtisodiyotning shakllanishi va rivojlanishiga oid axborotlar bilan tanishishni, bilim va koʻnikmalarini shakllantirishni, tajribalarini orttirishni taqozo etmoqda. Bu esa oʻz navbatida soxa mutaxassislari ishtirokida raqamli iqtisodiyot yoʻnalishida ilmiy anjuman va seminarlar tashkil etishni kun tartibiga qoʻymoqda.

Soʻnggi ikki yil davomida mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish boʻyicha izchil chora-tadbirlar amalga oshirilib, davlat organlari va boshqa tashkilotlarda elektron hujjat almashinuvi hamda jismoniy va yuridik shaxslarga xizmat koʻrsatish uchun elektron tijorat tizimlari bosqichma-bosqich joriy etilyapti.

Davlatimiz rahbari tomonidan “Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida raqamli infratuzilmani yanada modernizatsiya qilish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi qarorining qabul qilinishi raqamli iqtisodiyotni jadal rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, davlat boshqaruvi tizimini yanada takomillashtirish, undan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish va zamonaviy infratuzilmani

qo‘llashda muhim dasturiy amaldir.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sohasidagi, shujumladan, “blokcheyn” texnologiyalarini joriy etish bilan bog‘liq loyihalarni davlat-xususiy sheriklik shartlarida amalga oshirish uchun investorlarning mablag‘larini jalb etish va birlashtirish asosiy vazifalaridan biri hisoblangan davlat muassasasi shaklidagi “Raqamli ishonch” raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi tashkil etilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi, Xususiylashtirilgan korxonalarga ko‘maklashish va raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasi, Iqtisodiyot vazirligi, Moliya vazirligi, Davlat soliq qo‘mitasining “Universal Mobile Systems” mas’uliyati cheklangan jamiyati ustav kapitalidagi davlat ulushini 100 foiz miqdorda “Raqamli ishonch” raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasiga beg‘araz asosda topshiriladi.

Shuning dek, Jamg‘arma tomonidan ushbu qarorga muvofiq olingan mol-mulk yuridik shaxslarning foyda solig‘i bo‘yicha soliqqa tortish obyekti hisoblanmaydi va “Universal Mobile Systems” MCHJ ustav kapitalidagi ushbu qarorga muvofiq topshirilayotgan ulush yuridik shaxslarning foyda solig‘iga va qo‘shilgan qiymat solig‘iga tortilmaydi.

2019-2021 yillarda “Universal Mobile Systems” MCHJni rivojlantirish konsepsiyasini ishlab chiqildi.

Mamlakatimizda raqamli iqtisodiyotni rijovlantirishda quydagilaraga yechimlarni inobatga olish kerak.

- dasturlar doirasidagi tadbirlarning amalga oshirilishini nazarda tutuvchi loyihalar, loyihaviy va texnik hujjatlar, shuningdek, normativ-xuquqiy hujjatlar loyihalarining kompleks ekspertizadan o‘tkazilishi va kelishilishini ta'minlash;
- loyihalarni ishlab chiqish va amalga oshirish holatini tizimli monitoring qilish hamda dasturlar doirasida davlat organlari va tashkilotlar faoliyatiga axborot-kommunikasiya texnologiyalarini joriy etish samaradorligining reyting baholarini shakllantirish;
- dasturlar doirasida loyihalarning samarali joriy etilishi va ishlashi uchun normativ xuquqiy bazani tahlil qilish va takomillashtirish bo‘yicha takliflar tayyorlash;
- iqtisodiyotning turli tarmoqlarida “aqlli” va boshqa istiqbolli texnologiyalarni, shuningdek, katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash texnologiyalarini joriy etishning konseptual va uslubiy asosini shakllantirish;
- jahon standartlari talablariga muvofiq “Elektron hukumat” tizimining rivojlanish darajasini tavsiflovchi statistik ma'lumotlarni to‘plash, qayta ishlash va hisobga olish tizimini yuritish;
- tadqiqotlar o‘tkazish va iqtisodiyot tarmoqlarini axborotlashtirish bo‘yicha takliflar ishlab chiqish, axborot-kommunikasiya texnologiyalarini joriy etishning yagona texnologik siyosatini ta'minlash;
- “Elektron hukumat” tizimining infratuzilmasini, O‘zbekiston

Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalini va davlat xizmatlari ko‘rsatilganligi uchun to‘langan davlat bojlari va yig‘imlar summasi hisobini yurituvchi yagona billing tizimini, shu jumladan davlat-xususiy sheriklik shartlari asosida yanada rivojlantirishni ta'minlash;

- loyihalarni amalga oshirishni moliyalashtirishga yo‘naltiriladigan O‘zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti va davlat maqsadli jamg‘armalari, beg‘araz texnik ko‘maklashish mablag‘lari (grantlar), xalqaro moliya institutlari va xorijiy hukumat moliya tashkilotlari imtiyozli kreditlarining samarali ishlatilishi ustidan monitoring olib borishda vakolatli organlarga ko‘maklashish.

Demak yuqorida keltirilgan fikrlardan shunday xulosa qilish mumkinki, O‘zbekistonda olib borilyotgan ishlar raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish maqsadida aholi uchun xizmat ko‘rsatish soxalarni samaradorlikni oshrishdir.

**Н.Маманазарова –** ҚарМИИ стажёр-тадқиқотчиси

## ҲУДУД ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР САМАРАДОРЛИГИ

**Аннотация:** Мақолада Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳозирги ҳолати ва уларни ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилган вазифалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** модернизация, бозор сегментлари, инвестицион фаоллик, рақобатбардошлик, кластер, минтақавий кластер.

**Ключевые слова:** модернизация, сегменты рынка, инвестиционная активность, конкурентоспособность, кластер, региональный кластер.

**Аннотация:** В статье подробно описывается текущее состояние малого и частного бизнеса, работающего в Кашкадарьинской области, а также их цели и предложения по повышению эффективности их инвестиций.

**Abstract**: The article describes in detail the current state of small and private businesses operating in the Kashkadarya region, as well as their goals and suggestions for improving the efficiency of their investments.

**Keywords:** modernization, market segments, investment activity, competitiveness, cluster, regional cluster.

Ўзбекистоннинг узоқ келажакка мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий стратегияси минтақалар рақобатбардошлигини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши лозим. Унда мамлакатнинг турли минтақаларидаги табиий-географик ва ижтимоий-иқтисодий тафовутлар ҳисобга олиниши лозим ва улар давлат сиёсатининг барча йўналишларида акс эттирилиши керак. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари ва нисбатларини кўп

жиҳатдан минтақавий омиллар белгилаб беради.

Умуман олганда, рақобатбардош минтақалар мамлакатда барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларининг бош манбаи ҳисобланади ва янада мутаносиб ривожланишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Қашқадарё вилояти маълумотларидан маълумки, кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш таъминланди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,6 % ошиши таъминланди. Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-декабрь ойида Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши – 21,4 % ни ташкил этган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг такомиллашуви ҳамда миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омилидир. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномасида “...тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди[1]”-дея такидланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2018 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томониидан молиявий қўллаб-қувватлашни кўриб чиқадиган бўлсак 2018 йил якунларига кўра, вилоятда кичик бизнес субъектлари (9713 та лойиҳа)га ажратилган кредитлар ҳажми 2015 йилнинг

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020

шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 373,0 млрд. сўм (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 86,5 млрд. сўмга кўп)ни ташкил этди ва 2013 йил учун белгиланган 263,1 млрд. сўмлик прогноз кўрсаткичи 142,0 фоизга бажарилди ҳамда соҳада 19842 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Олиб борилган таҳлиллар шуни ифодалайдики, Қашқадарё вилояти кичик бизнес корхоналарида инвестицион фаолликни ошириш ва қулай инвестиция фаолиятини шакллантириш учун қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш лозим яъни:

- Қашқадарё вилояти кичик бизнес корхоналарига инвестицияларнинг молиявий таъминланганлик даражаси юқори бўлган соҳаларидан капитал маблағлар етишмайдиган соҳаларига йўналтирилишининг самарали бозор механизмларини яратиш;
- кичик бизнес корхоналарини инвестициялаш учун капитал маблағларни жалб этилишини таъминлайдиган институтционал бозор инфратузилмаси субъектларини ривожлантириш;
- ҳудудларда аҳоли, кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш инвестициясига капитал маблағларни жалб этиш ва йўналтириш билан шуғулланувчи инвестиция бозорларини шакллантириш;
- кичик бизнес корхоналарига хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш;
- Инвестицияларни жалб этишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш;
- кичик бизнес корхоналарида лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва инвесторларнинг уларни асослаш ва қабул қилишидаги иштирокини такомиллаштириш;

Ўзбекистон шароитида минтақаларга инвестицияларни жалб қилишда ва уларнинг стратегик заҳираларидан фойдаланишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари орқали нисбий афзалликлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кўплаб услубиётларнинг орасида минтақаларнинг нисбий устуворликларини нисбатан тўлиқ очиб бера оладиган салоҳиятлар орқали уларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш энг оқилона усул ҳисобланади.

Рақобатбардошликнинг асосий элементи кластерлар ҳисобланади. Турли мамлакатларда шаклланган кластер сиёсати ҳозирда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Кўплаб терминлар ва тушунчаларнинг орасида минтақавий кластер ўзида рақобатбардош маҳсулотлар (хизматлар) ишлаб чиқарувчи ўзаро географик яқин жойлашган ва алоқадор корхоналар гуруҳини акс эттиради.

Кластерлар орқали минтақаларнинг рақобатбардошлигини босқичма-босқич ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва аниқ бир минтақанинг нисбий рақобат афзалликларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мумкин.

Минтақалар рақобатбардошлигини оширишда иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

**Х.М.Зуннунова** – Ўзбекистон Республикаси Банк-молия Академияси таянч докторанти

# ХАРАЖАТЛАР ЁШДАШУВИДА БАНКЛАРНИ БАҲОЛАШНИНГ БЕЛАРУСЬ АМАЛИЁТИ ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада тижорат банкларининг бозор қийматини баҳолашда қўлланиладиган тугатиш ёндошуви ва унинг бир қанча усулларини қўллашнинг ўзига хосликлари, ушбу ёндошувнинг камчиликлари ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банклари, бозор қиймати, актив, пассив, фойда, инфляция, ликвидацион қиймат, гудвилл.

**Аннотация:** Данной статье рассмотренны специфика применения ликвидационного подхода и его методов при оценки рыночной стоимости коммерческого банка, преведены недостатки и предложения по их решению.

**Ключевые слова:** коммерческие банки, рыночная стоимость, активы, пассивы, прибыль, инфляция, ликвидационная стоимость, гудвилл.

**Abstract:** This article discusses the specifics of applying the liquidation approach and its methods in assessing the market value of a commercial bank, and drawbacks and suggestions on how to solve them are presented.

**Keywords:** commercial banks, market value, assets, liabilities, profit, inflation, liquidation value, goodwill.

2018 йилда мамлакатимиз ва Белорусь Республикаси ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 420 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, ҳозирги кундаги МДҲ мамлакатлари ичидаги энг асосий иқтисодий муносабатлари мустаҳкамланиб бораётган мамлакатлардан биридир. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистондан Беларусга экспорт қилинган товар ва хизматлар 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 1,5 баробарга, ўзаро савдо ҳажми 2,5 баробарга ортган. Айни пайтда юртимизда беларусь сармоядорлари иштирокида 50 дан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда[1]. Белорусь Республикасининг LWO IT компанияси мамлакатимиз тижорат банклари учун рақамли банк яратиб бериши борасида тижорат банкларимиз билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишди. Белорусь Республикасининг банк тизимида қўлланилаётган технологиялар, банк операцияларнинг ўзига хос турлари тижорат банкларининг бозор қийматининг ошишига олиб келмоқда. Шу сабабли, тижорат банкларининг бозор қийматини аниқлашнинг белорусь амалиётларини ўрганиш долзарб ҳисобланади. Белорусь Республикаси бир нечта тижорат банкларининг сотилиши кутилмоқда. Шундай банклардин бири МТБ банкнинг бозор қийматини баҳолаш тартиби билан банкнинг баланс маълумотлари асосида танишиб чиқамиз. Мамлакатда тижорат банкларининг бозор қийматини аниқлашнинг

[1] https://stat.uz/uploads/docs/ves-yan-dek18-ru.pdf- Статистика Қўмитасининг Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси бўйича йиллик ҳисоботи

даромадлар, харажатлар ва таққослама ёндошувларидан ташқари, индекс ва активларнинг баланс жамғармаси усулларидан фойдаланилади. Шу усуллардан нисбатан соддароқ бўлган харажатлар ёндошуви асосида белорусь банкларидан бири МТБ банкни баҳоласак.

Бизнес қийматини харажат ёндашуви билан баҳолашда баҳоловчи баҳолаш объектини тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган харажатлар асосида баҳолашни амалга оширади. Ушбу ёндошувда қуйидаги усуллар қўлланилади:

- соф активлар усули — бизнес қиймати банк барча активларининг бозор қийматлари ва унинг мажбуриятлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади;
- тугатиш қиймати усули — бизнес қиймати банк тугатилганда унинг мулкдори олиши мумкин бўлган мулкнинг қиймати ва тугатиш харажатлари ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Соф активлар усули тижорат банкларининг активлари ва мажбуриятларини ҳар бир элементи бўйича бозор қиймати асосида баҳолашни ифодаловчи усулдир. Тижорат банкларининг бозор қийматини ушбу усулда аниқлаш учун аввало, балансда акс эттирилган ҳар бир активнинг бозор қиймати алоҳида аниқланиб, худду шу баҳолаш мажбуриятлар бўйича амалга оширилади. Активларни баҳолаш орқали эришилган натижадан мажбуриятлар бозор баҳосини айирмаси орқали банк капиталининг бозор қиймати (ёки тижорат банкининг бозор қиймати) аниқланади.

**Тижорат банкларининг бозор қиймати=Активларнинг бозор қиймати-Мажбуриятларнинг бозор қиймати** (1)

Банк баланси активлар, мажбуриятлар ва капиталнинг бозор қийматини акс эттирмаганлиги учун баланс сатрларига тўғрилашлар киритилади. Банк баланс активларини тузатиш киритиш тартиби билан мисол орқали тушунтирсак.

1-жадвал

Банк активлари қийматини баҳолаш

| Банк баланси актив сатрлари | Тузатиш киритиш усули |
|---|---|
| **Пул маблағлари ва унинг эквивалентлари** | Баланс қиймати валюта курсига нисбатан тўғриланади |
| **Кредитлар** | Асосий қарз суммаси кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси ёки бозор бўйича ўзгартирилади |
| **Қимматли қоғозлар ва инвестициялар** | Бозор бўйича баҳоланади |
| **Моддий активлар ва асосий воситалар** | Реал бозор қиймати |
| **Бошқа активлар** | Реал бозор қиймати |

Банк франшизаси- бу ижобий спрэд бўлиб, банкнинг жалб қилган фоиз ставкаси ва алтернатив қиймати ўртасидаги фарқ натижасида юзага келади. Мисол билан банк франшизасини тушунтириб берсак. Тижорат банкларининг бозор қийматини аниқлашда, унинг ресурслари актив операцияларни

молиялаштириш асосий манбаи эмас, балки аниқ бир фаолият сифатида кўриб чиқилади. Жаҳон ва миллий банк амалиётимизда депозитларни суғурталаш тизими орқали ҳимоялаш натижасида тижорат банклари қўшимча қиймат яратади. Бу қиймат рискка эга кредитга олинган маблағларга нисбатан жалб қилинган маблағлар қиймати арзонроққа тушиши мумкин. Бундай номутаносиблик туфайли ижобий спрэд юзага келади. Бундан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг харажатлар қисми ўзида ички, банк эгалари учун қийматга эга қийматни мужассамлаштиради деган хулосага келиш мумкин. Банк франшизасининг қиймати қанчалик юқори бўлса, банк қиймати ҳам шунчалик юқори бўлади.

**Тижорат банкининг бозор қиймати=Тижорат банкининг активларининг бозор қиймати-Тижорат банкининг мажбуриятлари бозор қиймати+ Банк франшизаси (депозит устамаси) (2)**

банк олди/сотди жараёнида депозит устамаси номоддий активларда акс эттирилиб, Goodwill деб номланади. Банк ижобий франшизага эга бўлиши мумкинлигидан далолат берувчи ҳолатлар сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

- активлар хажми бир хил бўлган банкларга нисбатан соф фоизли маржа кўрсаткичининг юқорилиги;
- ROA ва ROE кўрсаткичлари солиштирилаётган банкларга нисбатан юқори бўлган банкларда;
- таққосланаётган банкларга нисбатан операцион харажатларнинг камлиги;
- асосий депозитлар концентрация даражаси (суғурталанганлари)нинг юқорилиги.

Соф активлар усули бўйича тижорат банкининг бозор қийматини ҳисоблаш учун банкнинг активлари ва мажбуриятларининг бозор қиймати ҳар бир элементлар бўйича баҳолаб, ўз манбалари қийматини аниқлаш орқали баҳоланади. Бу усулдан фойдаланишнинг асосий шарти банк ички маълумотларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш лозим. Шундай қилиб, МТБ банкнинг бозор қиймати соф активлар усулига кўра, 66 211 минг белорус рублига тенг. Ортиқча фойда усулига кўра, банкнинг бозор қийматини баҳолашда гудвиллдан фойдаланиб, моддий активлар ва гудвилл баҳоси йиғиндиси банк қийматини беради. Моддий активлар қиймати соф активлар усули орқали аниқланади. Ортиқча фойда баҳоланаётган тижорат банкининг қиймати нормаллаштирилган фойдасидан кутилаётган фойда айирмасига тенг. Банк гудвиллининг бозор қиймати ортиқча фойдани тегишли капиталлаштириш коэффициентига бўлиш орқали ҳисобланади. Нормаллаштирилган фойда банкнинг ўз маблағларини Белорусь Республикаси банк тизими капитал рентабеллиги орқали ҳисобланади. Ортиқча фойда усули орқали МТБ банкнинг бозор қийматини ҳисобласак. Аввало, нормаллаштирилган фойда ҳисоблаймиз, у 8686 минг рублга тенг. 2014 йилдаги амалдаги фойдани ҳисобга олган ҳолда ортиқча фойда миқдори 13,4 млн.рублга тенг бўлган. Капиталлаштириш кўрсаткичи сифатида йиллик инфляция даражаси 16,2%ни олиб, МТБ банкнинг гудвилл қиймати 82,6

млн.рублга тенглигини аниқлаш мумкин. Моддий активлар қийматини сифатида ўз маблағлари қийматини оламиз. Ортиқча фойда усулига кўра, МТБ банкнинг қиймати 148828 минг рублга тенг[1].

Тугатиш қиймати усули тижорат банкларининг банкрот ёки яқин келажакда банкротликка юз тутиши мумкин бўлган ҳолатларда баҳолашда қўлланилади. Банкни ихтиёрий равишда тугатиш кредиторлар ва омонатчилар олдида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш имкониятига эга бўлган банк акциядорлари (иштирокчилари) умумий йиғилиши томонидан банкни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда амалга оширилади.

Банкни мажбурий тарзда тугатиш Марказий банкнинг банк лицензиясини чақириб олиш тўғрисидаги қарорига асосан амалга оширилади.




**1-расм. Тугатиш қиймати усули босқичлари**

Тижорат банклари активларини тугатишдан келган тушум таркибига қандай маблағлар кириши ва активлари қайси қиймат бўйича баҳоланиши қонунчиликка кўра аниқланади. Тижорат банкининг активлари икки гуруҳга ажратилади молиявий активлар ва номолиявий активлар. Банкнинг молиявий активлари қуйидагилардан иборат:

- пул маблағлари;
- ссудалар;
- қимматли қоғозлар;
- валюта бойликлари.

Миллий ва чет эл валюталаридаги банкнотлар, тангалар ва банк вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар шаклидаги молиявий активлар номинал қиймати бўйича баҳоланади. Қимматли қоғозлар шаклидаги активлар баҳоси қимматли қоғозлар бозоридаги вазиятга боғлиқ ва бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб, бозор қийматида баҳоланади.

Банк кредитлари портфели берилган кредитларни учинчи томонга сотиш ёки бу қарзлар бўйича маблағларни олиш имконини берадиган бошқа йўл билан тугатилади.

Номолиявий активларга қуйидагилар киради: бинолар ва иншоотлар,

[1] Беларусь Республикаси Марказий Банки маълумотлари асосида ҳисобланди.

транспорт воситалари, санъат асарлари, оргтехника, мебель, жиҳозлар ва банкнинг бошқа мулклар.

Номолиявий активлар ликвидатор томонидан баҳоловчи ташкилот иштирокида баҳоланади. Тугатувчи номолиявий активлар нархига таъсир этувчи барча ахборот ва омилларни ўрганади ва шулар асосида тахминий сотув нархини белгилайди. Бинолар, иншоотлар ва транспорт воситалари кўчмас мулкни баҳолашга доир белгиланган талабларга мувофиқ баҳоланади. Номолиявий активлар баҳоланганидан кейин тугатувчи потенциал харидорларга активлар сотилиши кўзда тутилаётганлиги ҳақида хабар беради ва банк мулкини сотади. Юқорида келтирилган жараёнлар амалга оширилгандан сўнг банк активларини тугатишдан келган тушум бизда шаклланади.

Ликвидация жараёнига йўналтирилган харажатларга баҳоловчи учун тўлов, иш ҳақи харажатлари, юридик ташкилотларга комиссион харажатлар ва бошқа харажатлар киради.

Бу усул тижорат банкларининг бозор қийматини эмас, тугатиш қийматини акс эттириб, банкларини тугатиш ва қўшиб юбориш шароитларида баҳолаш учун кўпроқ қўлланилади. Харажатлар ёндошуви асосида тижорат банкининг қийматини ликвидациялаш қиймати орқали ҳисоблаб чиқа олмаймиз, чунки МТБ банкининг яқин келажакда инқироз бўлиш эҳтимоли мавжуд эмас.

Харажатлар ёндошувининг асосий қуйидаги камчиликлари мавжуд:

- банкнинг активлари ва пассивларига асосий эътибор берилиб, келажакда олиниши мумкин бўлган даромадларнинг инобатга олинмаслиги;
- турли гуруҳдаги активларнинг тузилмаси борасидаги ички маълумотлар манбаларидан фойдаланишнинг лозимлиги;
- ҳар бир активларнинг жорий ҳолати бўйича алоҳида қийматининг ҳисоблашнинг қийинлиги сабабли ушбу усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигига шубҳа туғилади.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- баҳоловчиларни етарли маълумотлар базаси билан таъминлаш;
- инфляцияни инобатга олган ҳолда жойлаштирилган активларнинг даромад келтириш даражасини ҳисоблаш;
- ҳар бир актив бўйича алоҳида қийматни ҳисоблаш жараёни мураккаб бўлганда, банкнинг ўз маблағларига нисбатан ҳисоб-китобни амалга ошириш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон банкларининг бозор қийматини баҳолашда ушбу ёндошувдан фойдаланиш маъқулдир. Чунки, бошқа ёндошувлар фонд бозорининг ривожланганлиги, банкларнинг ўзаро қўшилиш бўйича маълумотларини ошкор этиши ва шу кабиларни талаб этади.

**УДК:336.71.078.3**
**И.Б.Нормаматов** – ҚарМИИ катта ўқитувчиси
**М. У.Пардаева** – ҚарМИИ талабаси

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини ривожлантиришда молиявий ресурсларнинг аҳамияти ва ундан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** контингент, аккредитация, кўпканалли, кўпвариантли, консультатив-эксперт, интграциялашув, эндаумент жамғармалари

**Аннотация:** в статье определяются проблемы, связанные со значением и эффективным использованием финансовых ресурсов в развитии системы высшего образования Республики Узбекистан, и разрабатываются научные рекомендации, направленные на их решение.

**Ключевые слова:** контингент, аккредитация, многоканальный, многомерный, консультативный-эксперт, интеграция, фонды эндаумент.

**Abstract**: The article identifies the problems associated with the value and efficient use of financial resources in the development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan, and develops scientific recommendations aimed at solving them.

**Keywords:** contingent, accreditation, multi-channel, multi-dimensional, advisory expert, integration, endowment funds.

Ўзбекистон Республикасида миллий мустақиллик қўлга киритилиши билан таълим муассасалари фаолиятининг янги молиявий-иқтисодий механизмини шакллантириш жараёни бошланди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги Қонуни билан тасдиқланган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» билан унинг асосий принциплари пойдевори танланган эди. «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ёзилишича, ҳар кимга кафолатланган таълим олиш тенг ҳуқуқи нафақат давлат, қолаверса нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш билан таъминланади. У шунингдек, давлат таълим ва кадрлар тайёрлаш дастурлари бўйича бепул таълим бериш, шунингдек, шартномавий асосларда таълим муассаларда пулли ўқитиш билан таъминланади. Таълим муассасалари юридик шахс ҳуқуқий мақоми билан қувватлантирилган, нодавлат таълим муассасаси эса у давлат томонидан аккредитация қилинган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқини ва таълим бериш фаолияти ҳуқуқини олади. «Таълим тўғрисида»ги Қонунда таълимни молиявий таъминлашнинг кўпканалли бўлиши принципи ҳам мустаҳкамлаб қўйилган (31-модда). Давлат таълим муасаасаларини молиявий таъминлаш республика ва маҳаллий бюджетлари ҳисобидан, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши ҳам кайд этилган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида таълим тизимини молия маблағлар билан таъминлаш механизмини такомиллаштиришга бағишланган махсус боб ажратилган. Унда таълим ва кадрлар тайёрлашни кўпвариантли молиявий таъминлаш тизимини жорий этиш (бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан), таълим муассасаси ўз-ўзини молиявий таъминлашини ривожлантириш, хусусий, шунингдек, хорижий инвестицияларни таълим соҳасига жалб этишни рағбатлантириш назарда тутилган эди.

Миллий дастурда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийлар ролини кучайтиришга ишора этилганди. Пулли таълим хизматлар, тадбиркорлик, консультатив-эксперт,ноширлик, ишлаб чиқариш, илмий ва уставдаги вазифаларга мос келувчи бошқа фаолият ҳисобидан таълим муассасалари даромадларини оширишнинг асосий манбалари белгиланган эди.

Молиявий таъминлашнинг кўп каналлилиги ва турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги таълим муассасаларининг бирга мавжуд бўлиши принциплари аралаш ижтимоий неъматларни ва ташқи ижобий эффектларни ўз ичига олувчи аралаш иқтисодиётнинг замонавий назариясига асосланган. Жаҳон амалиёти ҳам давлат сектори устун бўлган мамлакатлар ҳам, олий таълимнинг хусусий сектори етакчи ўринни эгаллаган мамлакатлар ҳам борлигидан далолат беради. Аммо улкан ижобий эффекти туфайли, жамиятнинг ҳозирги ҳаётида таълимнинг ижтимоий аҳамияти туфайли у ўз табиатига кўра тижорий фаолият эмас. Таълим соҳасида бозор муносабатларидан фойдаланишнинг объектив чекловлари мавжуддир. Бунда тижорат тадбиркорлик фаолияти фақат фойда топишни, таълим муасасаси даромадларини уни ҳаражатларидан кўпроқ бўлишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди, балки таълимнинг ижтимоий-аҳамиятли функцияларини рўёбга чиқариш воситаси сифатида қараб чиқилади. У солиққа тортилмайди, негаки таълим муассасларининг уставда ёзилган вазифаларини бажариш учун қайта инвестицияланади. Таълим муассасасининг давлат томонидан тўғридан-тўғри ва билвосита қўллаб-қуваватланиши тадбиркорлик рискларини амалда йўққа чиқаради. Гарчи янгича хўжалик юритиш шароитида таълим хизматлари бозори шаклланиб бораётган бўлса-да, унга нарх белгилаш давлат томонидан тартибга солиб турилади, маркетинг эса яққол ифодаланган ижтимоий-аҳлоқий характерга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқароси конституциявий ҳуқуқларининг кафолатланганлиги давлат бюджетидан молиявий таъминлашнинг устиворлиги ҳисобидан таъминланади.[1]

Ўзбекистон бўйича ушбу маълумотларни талқин қилаётганда бюджетдан ташқари молиявий маблағларнинг яхши натижаси тариқасида тавсифлашдан эҳтиёт бўлиш лозим. Энг аввало, бюджетдан ташқари даромадларнинг асосий манбаи талабаларга таълим беришнинг тўлов-контракт шакли бўлиб, унга,

[1] Косимова Г. Ижтимоий сохаларни молиялаш жараёнларини эркинлаштириш, Бозор, пул ва кредит. 2018, феврал, 2 сони

биринчидан, бутун бюджетдан ташқари даромаддарнинг 80%дан ортиғи унга тўғри келади. Талабалар ўқишига ҳақ тўлаётган кўпгина корхоналар ва ташкилотлар аслида давлатга қарашли ёки уларда давлат иштироки улуши салмоқлидир. Улар томонидан молиявий таъминланиш давлат молиявий таъминлаш манбалари ўрнини боса олмайди.

Иккинчидан, молиявий таъминлашнинг ушбу манбалари миллий иқтисодиёт ва меҳнат бозори ривожланишига кўпроқ боғлиқ бўлади. Талабалар таълим олишига асосан ҳозирги кунда иқтисодиётнинг даромади баланд тармоқларидаги корхоналар ҳақ тўлайдилар. Бу нарса Ўзбекистон иқтисодиёти глобал иқтисодий маконга интграциялашувга қараб кутилмаган бир тарзда шитоб билан ўзгариб кетиши мумкин.

Бюджетдан молиявий таъминлаш ўлчов бирлигига (ўқитувчи ставкасига) харажатлар нормасига ва бошланғич натура нормативларга - синфда таълим олаётганларнинг максимал миқдорига, ўқитувчи зиммасидаги ўқув юкланмасига, назорат кўрсаткичлари-қабул, контингент, битирув нормативларга таянади. Нормативлар уларга эришиш қийматда баҳоланишига боғлиқ бўлмайди.

Харажатлар бандлари бўйича нормалар белгиланипп мамлакатнинг барқарор молиявий-иқтисодий аҳволи ва инфляци; бўлмаган бир шароитда ўзини оқлайди. Ўтмишда ўқитувчилар учу! энергияга, турар жойга харажатлар инобатга олинмаган, ижтимош хизматлар эса таълим бюджетига киритилмаган эди. Янги бозо{шароитида қайд этилган бандма-банд нормалар белгиланипп ресурслар нархи ортишига зид келди. Бозор иқтисодиёть ривожланиши асносида нархлар ва аҳоли тўловга лаёқатинин] тартибга солувчи роли кучаяди, таълим муассасалари бюджетиш тузаётганда бу нарсани инобатга олмасликнинг иложи йўқ.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ[1]да қайд этиб ўтилганидек,Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, молиялаштиришнинг самарали ва шаффоф механизмларини жорий этиш;

иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, шунингдек истиқболда олий таълим муассасаларининг рейтинги ва ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини мустақил белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш;

олий таълим муассасаларининг таълим хизматлари экспорти ва қўшимча хизматлар кўрсатишга доир фаолиятини ривожлантириш;

[1] Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, ушбу жараёнда инновацион технологияларга асосланган, ресурстежамкор ва тез барпо этиладиган конструкция ва материаллардан фойдаланиш бўйича илғор технологиялар ва муҳандислик ечимларини қўллаш;

олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар билан таъминлаш, ўқув ва илмий жараёнларни ўқув ва лаборатория ускуналари, шунингдек лаборатория материаллари (реактивлар, кимёвий идиш, бутловчи, биологик материаллар ва бошқа объектлар) билан мунтазам равишда зарур миқдорларда таъминлаб боришнинг самарали механизмларини яратиш;

талабалар турар жойлари, кутубхона, ўқув устахоналари, лабораториялар, спорт соғломлаштириш ва ижтимоий инфратузилма объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

олий таълим муассасаларида ҳомийлик ва илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштиришдан тушган, мақсадли капитал ва бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган эндаумент жамғармаларини (endowment fund) ташкил этиш.

Бундан кўриниб турибдики, олий таълим тизимини инновацион ривожлантиришда замонавий усулда молиявий манбаларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш механизмини амалиётга тобора тезроқ жалб қилиши олий таълимни ҳалқаро стандартларга жавоб берган ҳолда хизмат қилиши мақсадга мувофиқдир.

**А.Кобилов –** ҚарДУ докторанти,
**Ш. Б.Суюнов –** ҚарМИИ магистранти

## КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

**Аннотация:** Мақолада кичик бизнес корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ва экспорт салохиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, шу жумладан, хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш орқали кичик бизнес корхоналарни барпо этиш омили сифатида қаралиши асосланган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес,инвестиция, самарадорлик, экспорт, импорт, маҳсулот сифати, рағбатлантириш

**Аннотация:** Статья основана на том факте, что инвестиции в малый бизнес увеличиваются, а экспортный потенциал рассматривается как фактор создания малых предприятий за счет создания новых рабочих мест, в том числе крупных иностранных инвестиций и стимулирования инвестиционной деятельности.

**Ключевые слова:** малый бизнес, инвестиции, эффективность, экспорт, импорт, качество продукции, стимулы

**Abstract**: The article is based on the fact that investment in small businesses is enhanced and export potential is considered to be a factor in the creation of small

businesses through the creation of new jobs, including large-scale foreign investments and stimulating investment activities.
**Keywords:** small business, investment, efficiency, export, import, product quality, incentives

Мамлакат иқтисодиётидаги инвестиция фаолиятининг ривожланиш даражаси шу мамлакатда олиб борилаётган инвестиция сиёсати ва унинг натижаси қандай самара бераётганлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, инвестиция сиёсатининг мақсади мавжуд инвестиция фаолиятининг ривожланиш истиқболига қаратилиши табиийдир. Бу мақсад ўзида давлатнинг инвестиция фаолиятини мунтазам равишда тартибга солишдан иборат бўлган вазифасини хам мужассам этади. Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг хамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, солиқларнинг фискал ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек,"Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида, инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди.Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди[1].

Мамлакат экспорт салохиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, давлат бюджетининг даромад қисмини солиқлар билан таъминлашда инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш орқали қўшма корхоналарни барпо этиш хамда улар фаолиятини ривожлантиришга иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралиши керак.

Кичик бизнес корхоналарига инвестицияларнинг жалб этилиши миллий иқтисодиётдаги бир қатор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни хал қилишда ўз самарасини беради. Жумладан:

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги илгор технологиялар билан жизоҳлаш асосида ишлаб чиқариш даражасини ошириш;
- ишлаб чиқарилган махсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)ларнинг сифатини тақсмиллаштириш ва уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш;
- аҳолининг мехнатга лаёқатли қисмини иш билан таъминлаш, уларнинг касбий махоратларини ошириш хамда иқтисодий даромадларини кўпайтириш;
- экспорт хажмини ошириш орқали валюта тушумларини кўпайтириш;

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 24.01.2020 йил

- бюджетга тўлайдиган солиқлар, ижара мажбуриятлари ва бошқа тўловлар ҳисобига бюджет даромадларини шакллантириш ва хоказолар.

Республикамизнинг барча худудларида замонавий техника ва технологиялар билан жихозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилишда, албатта, ички инвестициялар билан бир қаторда хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши хам мухим ўрин тутади.

Шу боисдан хам бундай фаолиятни ва ташкил этиладиган корхоналарни рағбатлантириш асосан солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Чунки хар бир инвестор ўз сармоясини бирор худудга киритар экан, уни бефарқ қолдирмайдиган ва эътиборини тортадиган асосий масала у ерда амал қилаётган солиқ қонунчилиги хамда солиқлардан берилаётган имтиёзлар масаласидир.

Бу тадбирларни тўлақонли амалга ошириш учун хорижий сармоялар иштирокидаги кичик бизнес корхоналарига солиқ имтиёзларини жорий этишда қуйидаги масалаларга алохида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим:

- солиқ имтиёзлари самарали қўлланилишига акс таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш;
- инвестиция фаоллигини кучайтириш мақсадида берилаётган барча имтиёзларни бир пайтда тақдим этиш;
- кичик бизнес корхоналарни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини чеклаб қўйишнинг ва рақобат мухити бузилишининг олдини олиш;
- кичик бизнес корхоналар ишлаб чиқарган тайёр махсулот таркибида махаллий хомашё ресурсларидан фойдаланганлик даражасига қараб уларга солиқлардан маълум енгилликлар бериш;
- солиқ имтиёзларининг жорий этилиши бюджет даромадларига ва шахсий иқтисодий манфаатларга зарар етказмаслиги лозим.

Кичик бизнес корхоналарга берилаётган имтиёзлар давлат бюджетининг даромадлар хажмига сезиларли таъсир қилиши табиий. Аммо бундай имтиёзлар эвазига корхоналар ихтиёрида қолган маблағлардан самарали фойдаланиш, қайта инвестиция қилиш ва фаолиятни ривожлантириш орқали келажакда бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилади.

Иқтисодий ўсишга эришиш учун нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишини ва тузилмасини тўғри танлаш хам мухим ахамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва кичик бизнес корхоналарни танлаш зарурки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олсинлар. Бундай ҳолатда кичик бизнес корхоналарда инвестициянинг тезда қайтарилиши ва қанчалик самарадорлиги мухим ахамият касб этади. Бу инвестиция жараёнини жонлантириш учун туртки бериш, кейинчалик эса инвестициялаш учун афзал тармоқлар ва хўжалик юритиш субъектларини танлашга имконият яратиши мумкин. Сармоя киритишни рағбатлантириш одатда солиқ ставкалари миқдорини ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар

қўллаш, солиқ кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечиктириш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади.

Давлат томонидан инвестиция фаолиятини бошқариш солиқ тизимини соддалаштириш; амортизация сиёсатини амалга ошириш; кредит сиёсатини юритиш; ер хамда бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш ва бошқаларни хам ўз ичига олади.

Ўзбекистонда бугунги кунда давлат инвестиция сиёсати қуйидаги ўзига хос икки йўналишга таянади:

- солиқ юкини енгиллаштириш, маблағъларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;
- маблағъларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш.

Кичик бизнес корхоналарнинг инвестицион сиёсатни жадал олиб борилиши нафақат иқтисодий ўсиш ва тизимни ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари, балки шерикчилик алоқаларини ўрнатиш, ишбилармон доиралар билан хамкорлик қилиш, турли молиявий институтлар билан алоқалар ўрнатиш ва давлатлараро алоқалар самарадорлигини оширишга эришишдир. Биз биламизки, кичик бизнес корхоналарда инвестициянинг иқтисодий ўсиш омили сифатида молиявий – иқтисодий ривожланиш учун муҳим дастаклардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек республика иқтисодиётига хорижий инвестицияни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

Инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукаммал тайёрланишига эришиш;

Кичик бизнес корхоналар ва хорижий инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини ройхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни кичик бизнес корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- кичик бизнес корхоналар маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;
- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бойича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш; иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- туризм соҳасини ривожлантириш, халқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

**С.Я.Исмоилова –** Фарғона Давлат университети мустақил изланувчиси

# МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ХАРАЖАТЛАРИНИНГ САМАРАЛИ САРФЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ ХУСУСИЙ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ РОЛИ

**Аннотация:** Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида муҳим таркибий қисмни ташкил этади ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолият кўрсатишларида асосий молиявий манба бўлиб ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини амалга оширишда, биринчи навбатда давлат маблағларини қайта тақсимлаш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чиқарилган моддий неъматларни тақсимлаш ва аҳолига етказиш асосан бюджет тизими орқали амалга оширади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиялаштириш асосан маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширилади. Мақолада маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашда бюджетдан молиялаштириш хусусий принципларининг роли кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** бюджет ассигнованиялари, молиялаштиришнинг хусусий принциплари, давлат-хусусий шериклиги, кредит методи, корхоналар молиявий ҳолатини бюджетли тартибга солиш принципи.

**Аннотация:** местные бюджеты составляют важную составляющую государственного бюджета Республики Узбекистан и являются основным финансовым ресурсом в деятельности органов местного самоуправления. Местные бюджеты играют важную роль в реализации экономических и социальных задач государства, прежде всего в перераспределении государственных средств и развитии социальной инфраструктуры. Распределение и доставка производимого материала в основном осуществляется через бюджетную систему. Финансирование мероприятий, связанных с социальной защитой населения, осуществляется преимущественно за счет средств местных бюджетов. В статье рассматривается роль частных принципов бюджетирования в обеспечении эффективного расходования местных бюджетов.

**Ключевые слова**: ассигнование бюджета, частные принципы финансирование, государственно-частное партнерство, кредитный метод, Принцип бюджетного регулирования финансового состояния предприятий.

**Abstract:** local budgets are an important component of the state budget of the Republic of Uzbekistan and are the main financial resource in the activities of local governments. Local budgets play an important role in implementing the economic and social functions of the state, primarily in processing public funds and developing social infrastructure. Distribution and delivery of the produced material is mainly carried out through the budget system. Financing of measures related to social protection of the population is carried out mainly at the expense of local budgets. The article discusses the role of private budgeting principles in ensuring effective spending of local budgets.

**Keywords:** budget allocation, private principles of financing, public-private partnership, credit method, principle of financial budget regulation in the condition of enterprises.

Маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашда бюджетдан молиялаштиришнинг умумий принциплари билан бир қаторда унинг хусусий принциплари талабларига қатъий риоя этиш ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида, уларнинг таркибига қуйидагилар киради:

- бюджет ассигнованияларини фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларига ажратиш;
- бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш;
- бюджетдан молиялаштиришда режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш;
- корхоналарнинг молиявий ҳолатини бюджетли тартибга солиш принципи ва бошқалар.

Энди уларнинг айримларини маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлаш нуқтаи-назаридан кўриб чиқишга ҳаракат қилайлик.

Бу ерда энг мунозарали ва бироз бўлса-да, изоҳга муҳтож бўлган принциплардан бири бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш ҳисобланади. Шу муносабат билан таъкидлаш жоизки, ҳар қандай бюджетда бўлгани сингари маҳаллий бюджетларнинг ўлчами ҳам чекланганлик характерига эга. Бу ушбу бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар қисмига нисбатан ҳам баравар тегишли. Бунинг устига, бюджетдан молиялаштиришнинг хусусий принципларидан бири ҳам бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш тарзида ифодалангандир. Буларнинг барчаси, жумладан, маҳаллий бюджетлар харажатларидан самарали фойдаланишни таъминлашга ҳам хизмат қилмоғи лозим.

Бироқ, амалиётда ажабланадиган ёки афсусланадиган жойи шундаки, бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш принципидан фойдаланиш ёки унинг талабларини ҳисобга олиш ҳамма вақт ҳам маъқулланавермайди. Унга нисбатан мунозара қилиш ҳоллари ҳам кўплаб учрайди. Бу принципнинг мазмун-моҳиятини нотўғри деб ҳисобловчи ва уни рад этувчилар йўқ эмас. Шунинг учун ҳам бюджетдан молиялаштиришнинг муҳим хусусий принципларидан бири бўлган бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш принципидан фойдаланиш дейилаётган ва унда бу принцип маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида қаралаётганда қуйидагилар эътиборга олинса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлур эди:

- биринчидан, бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш принципи фақат Ўзбекистон амалиётида фойдаланилаётган принцип эмас. Ундан дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, ривожланган мамлакатларда ҳам кенг фойдаланилади ва хусусан, маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бошқача сўзлар билан айтганда,

бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш принципи, жумладан, маҳаллий бюджетларнинг маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлашга хизмат қилади ва у шунга йўналтирилгандир;

- иккинчидан, бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш бюджетдан молиялаштириш жараёнида харажатларнинг чекланган бўлишини ҳам англатади. Бу ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ўта муҳим аҳамиятга эга. Зеро, харажатларнинг самарали бўлишини таъминловчи омиллардан бири ҳам уларнинг чекланганлигидир;

- учинчидан, бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш, энг аввало, харажатларнинг олинган даромадлар доирасида амалга оширилиши кераклигини ҳам билдиради. Бу ўринда маҳаллий бюджетларга тегишли бўлган даромадларни ўзига хос “қолдиқ” сифатида эътироф этиш керак, харажатлар эса ана шу даромадлар доирасида амалга оширилмоғи лозим;

- тўртинчидан, бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш, айниқса, ижтимоий соҳа тармоқларини молиялаштиришга нисбатан қўлланилиши керак. Бироқ, мамлакат олдида турган муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга маълум бир даврда даврда алоҳида эътибор бериладиган бўлса, у ҳолда амалиётда бу принципнинг талабларидан, биро бўлса-да, чекиниш ҳоллари содир бўлиши мумкин;

- бешинчидан, бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш принципини маҳаллий бюджетлар доирасида ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омил сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Шундай бўлишига қарамасдан, амалиётда ва ҳатто илмий доираларда ҳам, айрим ҳолларда, бунга айнан шундай қараш мавжуд. Бундай қараш ёки ёндашувларнинг ўз илмий ва амалий асосига эга эмаслиги исбот талаб этмайдиган ҳол ҳисобланади;

- олтинчидан, бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланишнинг лозимлиги, шунингдек, “даромадга қараб – буромад” қилиниши кераклигидан ҳам келиб чиқади.

Бизнингча, бюджетдан молиялаштириш жараёнида унинг хусусий принципларидан бири бўлган бюджет ассигнованияларининг ўлчамини аниқлашда “қолдиқ” ёндашувидан фойдаланиш принципининг мазмун-моҳиятини айнан юқоридаги бандларда акс эттирилган тарзда идрок этиш, охир оқибатда, жумладан, маҳаллий бюджет харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Энди эътиборимизни бюджетдан молиялаштиришда режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш принципига қаратайлик. Шу муносабат билан бу ерда, энг аввало, бюджетдан молиялаштиришда режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш бюджетдан молиялаштиришнинг хусусий принциплари орасида муҳим ўрин эгаллашини

таъкидлаб ўтишимиз лозим. Ундан фойдаланиш ҳозирги замонавий бозор иқтисоди шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Шундай бўлишига қарамасдан, амалиётга назар солар эканмиз, ҳанузгача бюджетдан молиялаштириш амалиётида бу принципдан фойдаланиш доирасининг жуда тор эканлигини кўришимиз мумкин. Бунинг устига, бюджет муассасаларининг жуда кўпчилиги бу принципдан фойдаланмаган дейишга ҳам асослар етарли. Ҳолбуки, бюджетдан молиялаштиришнинг бу хусусий принципи ўзида, маҳаллий бюджетларнинг маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш нуқтаи-назаридан, бир неча муҳим афзалликларни мужассам этади. Қуйида уларнинг энг муҳимларини келтириб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Биринчидан, маблағларни бюджетдан молиялаштириш жараёнида режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш назарда тутиладиган бўлса, бу, энг аввало, молиялаштириш манбаларининг диверсификацияланганлиги нуқтаи-назаридан принципиал аҳамиятга эга. Бундай вазиятда, бошқа шароитлар тенг бўлганда, молиялаштириш манбаларининг диверсификацияланганлик даражаси, нисбатан бўлса-да, юқорироқ даражада бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу муаммога нисбатан риск даражасини пасайтиради. Кўриниб турганидек, бу ҳолатнинг барчаси замонавий бозор иқтисодининг талаблари билан ҳамоҳангдир;

Иккинчидан, бюджетдан молиялаштириш жараёнида режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш назарда тутиладиган бўлса, бу, охир-оқибатда, шу йўлдан фойдаланаётган бюджет муассасаларининг масъулияти ва жавобгарлигини оширади. Зеро, кредит методидан фойдаланиш орқали қарзга олинган маблағларга муносабат уларнинг бюджетдан олинганларига нисбатан фарқ қилади. Бюджет муассасаларига кредит методини қўллаш орқали жалб қилинган маблағлар ўзларига нисбатан пухта ўйлаб, тежаб-тергаб ва улардан иложи борича юқори самара олишни кўзлаб сарфланишини тақозо этади. Буларнинг ҳар бири ҳам бозор иқтисодининг талабларига мосдир;

Учинчидан, кредит методини биргаликда қўллаш эвазига бюджет муассасалари молиялаштирилганда, бошқа шароитлар тенг бўлса, бу нарса бюджетдан молиялаштиришда банд бўлган бюджет ресурсларига бўлган эҳтиёжни камайтиради. Бу нарса, айниқса, мамлакат бюджети дефицитли қилиб режалаштирилаётган ҳозирги пайтда алоҳида аҳамиятга эгадир;

Тўртинчидан, бюджетдан молиялаштириш жараёнида режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш ҳозирги шароитда ҳаётга кенг тадбиқ этилаётган иқтисодий сиёсатнинг кўринишларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик йўналишига ҳам тўғри келади;

Бешинчидан, кредит методини қўллаш орқали бюджет муассасасига жалб қилинган қарзий маблағларга муносабат (у фақат ва фақат бу маблағларнинг энг самарали сарфланишига қаратилган бўлиши керак, албатта) масаласи, охир-оқибатда, унинг бюджет маблағлари қисмига нисбатан ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Натижада бутун бюджет

муассасасига тегишли бўлган маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлаш масаласи юқори поғонага кўтарилиши мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан яққол кўриниб турибдики, мамлакатимиз амалиётида бюджетдан молиялаштиришнинг хусусий принципларидан бири бўлган бюджетдан молиялаштиришда режалаштирилаётган харажатларни кредит методи орқали таъминлаш билан биргаликда фойдаланиш замонавий бозор иқтисодининг талабларига тўлиқ мос келади, у бюджет муассасаси доирасида умумий маблағларнинг самарали сарфланишини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, фикримизча, бу принципнинг амалиётда қўлланиш доирасини, иложи борича, кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

# V ШЎЪБА. "ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ"

**В.И.Абдукаримов** – д.э.н. профессор, директор Института экономики, управления и сервиса ФГБОУ ВО «Тамбовский государственный университет, имени Г.Р.Державина»,

## ТРАНСФОРМАЦИЯ СИСТЕМЫ МЕНЕДЖМЕНТА В РАМКАХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация:** В статье рассматриваются основные направления цифровой экономики, проблемы и пути внедрения и развития, ее влияние на жизнь человека, применение информационных технологий в областях экономики, актуальность кибербезопасности, цифровизация государственных услуг и создание общих платформ для трансграничного сотрудничества, изменения менеджмента в условиях информационной экономики, возможности для российского финансового рынка посредством применения новых технологий для повышения эффективности деятельности.

**Abstract:** In the article the basic directions of the digital economy, problems and ways of introduction and development, its impact on human life, the use of information technologies in the economy, the relevance of cyber security, digitalization of public services and the creation of common platforms for cross-border cooperation, changes of management in the information economy, opportunities for the Russian financial market through the application of new technologies to improve efficiency.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, кибербезопасность информационные технологии, финансовый сектор, электронная экономика, система менеджмента.

**Keywords**: digital economy, cybersecurity information technology, financial sector, electronic economy, management system

В настоящее время переход к цифровой экономике является объективной реальностью развития современного общества.

Правительство Российского государства активно занимается развитием данной отрасли. В 2016 году Владимир Путин поручил Федеральному собранию разработать план по развитию электронной экономики. К этому процессу были привлечены представители бизнеса, эксперты с различных министерств и экономистов.

Летом 2017 года правительством был утверждена Программа развития экономики, основной идеей которого является интеграция отечественной

виртуальной среды с цифровой экономикой Евразийского союза. В связи с этим на государственном уровне для ее успешной реализации были выделены значительные финансовые и технические ресурсы. Особое внимание уделяется разработке и внедрению телекоммуникационного оборудования и антивирусных программ.

План по развитию электронной экономики рассчитан на 8 лет. К 2025 году во всех уголках России должен появиться широкополосный Интернет. Стоимость абон.платы за Интернет не должна превышать 0,05 процента от среднемесячного дохода. До 2024 года в 10 самых крупных городах России будет доступен 5G Интернет.

Идеи цифровой экономики появились в конце двадцатого века, когда глобальная паутина начала проникать во все сферы жизни человека.

Сначала покупатели могли пробрести через сеть программное обеспечение, позже игры и книги. В настоящее время появилась возможность купить любой товар, не выходя из своего дома.

Применение информационных технологий планируется во многих областях экономики. Так, уже сейчас в госсекторе активно внедряется документооборот. В 2025 году 90 процентов всех межведомственных операций должно совершаться через виртуальную сеть. Количество онлайн государственных услуг также значительно растет (портал госуслуг).

Планируется в ближайшее время выпустить на дороги городов беспилотный общественный транспорт. Широко внедряются информационные технологии в здравоохранении (электронная запись на примем, дистанционное медицинское обслуживание и консультации), в образовании (дистанционное образование, онлайн лекции, электронные учебники, обучающие системы), в сфере услуг (электронные продажи товаров, билетов), в банковской сфере (онлайн банки). С использованием информационных технологий можно осуществлять электронную оплату налогов, штрафов и др.

Таким образом основное направление цифровой экономики - это обеспечение быстрого, легкого и качественного доступа к услугам посредством сети Интернет.

Использование информационных технологий позволяет :

- Повысить производительность труда;
- Расширить доступ к рынкам;
- Уменьшить издержки производства;
- Обрабатывать большие объемы информации;
- Повысить оперативность и качество принимаемых управленческих решений;
- Ускорить реализацию услуг и товаров;
- Повысить эффективность рекламных компаний;
- Широко использовать платежные сервисы;
- Перейти на оцифрованные деньги в расчетах, что значительно повышает их оперативность и усложняет их подделать.

Правительство играет важную роль в развитии цифровой экономики, мотивации перехода к ее принципам.

Уже сейчас планируется дать дополнительную поддержку вузам, выпускающие IT-специалистов, а высокотехнологическим предприятиям-налоговые льготы.

Так что же представляет собой цифровая экономика?

В утвержденной в России «Стратегии развития информационного общества РФ на 2017-2030 годы» дано следующее определение цифровой экономики: «Цифровая экономика – это хозяйственная деятельность, в которой ключевым фактором производства являются данные в цифровом виде, обработка больших объемов и использование результатов анализа которых по сравнению с традиционными формами хозяйствования позволяют существенно повысить эффективность различных видов производства, технологий, оборудования, хранения, продажи, доставки товаров и услуг».

Цифровая экономика, а именно возникновение новых возможностей, безусловно, позитивным образом отражается на жизни человека.

К другим плюсам развития цифровой экономики Всемирный банк в своем обзоре 2016 года «Цифровые дивиденды» относит:

- рост производительности труда;
- повышение конкурентоспособности компаний;
- снижение издержек производства;
- создание новых рабочих мест;
- преодоление бедности и социального неравенства.

Между тем, внедрение в жизнь элементов цифровой экономики несет для общества ряд минусов и угроз, среди которых:

- риск киберугроз, связанный с проблемой защиты персональных данных
- «цифровое рабство» (использование данных о миллионах людей для управления их поведением);
- рост безработицы на рынке труда, поскольку будет возрастать риск исчезновения некоторых профессий и даже отраслей (например, многие эксперты всерьез полагают, что банковская система в течение ближайших десяти лет исчезнет). Это станет возможным, вследствие дальнейшего распространения информационных технологий и ее продуктов, как-то: магазинов с электронными кассами, ботов, обслуживающих клиентов, беспилотных автомобилей и прочего);
**Keywords:** Motor Vehicles, Strategy, Marketing, Marketing Strategy, Competitiveness, Cost, Efficiency, Market, Price, Vehicle Services.

Ҳозирги пайтда бозордаги жараёнлар, ундаги тадбиркорлар таркиби ҳам тез ўзгариб бормоқда. Бундай ҳолатнинг содир бўлиши табиий. Чунки мамлакатимизда тадбиркорлик муҳити яратилди, булар учун кенг йўл очиб берилди. Бозорга янги-янги тадбиркорлар кириб келмоқда. Зеро янги иш ўринлари ҳам асосан шу тадбиркорлик эвазига кўпайиб бормоқда. Шундай шароитда ҳар бир субъект бозорда ўз ўрнини йўқотмасликка ҳаракат қилиб бориши лозим.

Мазкур ҳолат ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар маркетологлари томонидан шу субъектнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиққан бўлиши лозим. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўзи иштирок этаётган бозорда яна мавқеини кенгайтириш стратегияси;

- бошқа бозорларга кириб бориш стратегияси;
- барча кучни самарали натижа бераётган бозорга ташлаш стратегияси;
- зарур бўлганда бозорни ўзгартириш стратегияси;
- соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, янги-янги маршрутларни очишга қаратилган стратегия кабилар.

Булардан келиб чиқиб бозорга кириш стратегиясининг модели ишлаб чиқилиши ва доимий назоратда ушлаб турилиши лозим. Бу қуйидаги шаклга эга бўлади (1-расм).

| Харажат юқори бўлиши керак | Харажат паст бўлиши керак |
|---|---|




**1-расм. Корхонанинг бозорда ўз мавқеини ушлаб туриш ва янги бозорга кириш стратегияси**

**Бозорга тез кириб тез ва кўп фойда олиш стратегиясини** амалга ошириш учун харидорларни жалб қилиш бўйича кўпроқ харажат қилади ва кўпроқ куч сарфлашга тўғри келади. Бу автомобиль транспортида янги маршрутларни очиш, бир марталик хизматларнинг турлари ва сонини кўпайтириш, зарур ҳолларда машиналарни вақтинча ижарага бериш кабиларга алоҳида аҳамият берилади.

**Бозорга жадаллик билан кириб бориш стратегиясини** амалга ошириш учун биринчидан, бозор ҳажми жиҳатидан катта бўлиши керак. Иккинчидан, бозордаги харидорлар тез ўзгариб турадиган, бозордаги товарларнинг ҳолатини билмайдиган бўлиши лозим. Учинчидан, бозорда рақобат юқори бўлиб, бир хил товарлар таркибида пастроқ баҳога сотилиши рағбатлантириладиган ҳолат ҳосил қилиниши лозим. Тўртинчидан, товарнинг нархини бир хилда ушлаб туриб, кўпроқ фойдага эришиши учун таварларнинг таннархини муттасил камайтириб боришга эришиладиган бўлиши лозим. Ушбу ҳолатга автомобиль транспорти корхоналарида ҳам мослашиш мумкин. Жумладан, бензин билан юраётган бўлса пропан газига, пропан газида юраётган бўлса, ундан ҳам арзонроқ метан газига ўтишни тақозо қилади. Имкон қадар бир маршрутга бориб, қайтиши бўш бўлмаслиги

лозим. Автомобиллардан фойдаланиш коэффициентини ҳамиша юқори даражада ушлаб туришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

**Секин фойдага эришиш стратегияси**ни амалга ошириш учун, ушбу усулнинг ўзини оқлашини таъминлашда ҳам чккур маркетинг тадқиқотини ўтказиш лозим бўлади. Биринчидан, бозорнинг ҳажми унчалик катта бўлмайди. Иккинчидан, товар жуда кўп харидорлар учун таниш бўлиши керак. Чунки уларни жалб қилиш учун кўп харажат ва куч сарф қилинмайди. Учинчидан, харидорлар товарни олдиндан билганлиги учун қиммат сотиб олиш имконияти ва ҳоҳиши бўлиши лозим. Тўртинчидан, бозорда кучли рақобат бўлмаслиги керак. Ҳозирги пайтда автотранспорт хизматларини кўрсатишда рақобат анча кучайган. Унда турли русумдаги ва турли мулк шаклидаги автомобиллар иштирок этмоқда. Бундай шароитда йўл ҳақини камайтириш, хизмат сифатини ошириш билан бирга рекламани ҳам яхши йўлга қўйиш лозим бўлади.

**Бозорга секин кириш стратегияси** ҳам маълум даражада самарали бўлиши мумкин. Аммо мутахассислар аниқ вазиятни баҳолай билиши лозим. Биринчидан, бозорнинг кўлами катта бўлиши керак. Иккинчидан, харидорлар мазкур корхонанинг товари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим. Учинчидан, товарнинг баҳоси бозордаги бир хил товарларга нисбатан камроқ, аммо корхонага фойда келишини таъминлайдиган даражада бўлиши лозим. Тўртинчидан, бозорда рақобат унча катта бўлмаслиги керак. Ҳозирги кескин ўзгаришлар ва янгиланишлар даврида ҳам бозорга секин кириш стратегияси сақланиб қолишига сабаб, автомобил транспорти хизматини амалга ошириш учун қувватингиз етарли бўлмаслиги мумкин. Кескин рақобатга бардошли бўлиш учун бақувват бўлишликни тақозо қилади. Шу туфайли секин кириш стратегияси сақланиб қолган. Албатта бундай ҳолатда автотранспорт эгалари катта фойдага ва юқори самарадорликка давогар бўла олмайди.

Қайси стратегияни танлаш аниқ вазиятдан келиб чиқилади. Бунда барча ҳолатларни тўлиқ инобатга олиш лозим бўлади.Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда навбатдаги босқич уларнинг аниқ йўналишларини белгилашдан иборатдир. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Автотранспорт корхоналарининг маркетинг стратегиясининг рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган асосий йўналишлари**

| Стратегиянинг йўналишлари | Стратегиянинг мазмуни |
|---|---|
| **Дифференциация-лаш** | Рақобатчиларининг товарларига нисбатан қайсидир жиҳатидан (ранги, нархи, сифати, ўлчами кабилар) ижобий томонга фарқ қилишини таъминлаш. Худди шундай ҳолатни автотранспорт хизматларига ҳам қўллаш лозим бўлади. Масалан, йўловчи ташувчилар қишда иссиқ, ёзда салқинликни таъминлашлари лозим. |
| **Паст нарх бўйича** | Имкон қадар тежамкор технологиялар билан арзон |

| | |
|---|---|
| **етакчиликни қўлга олиш** | маҳсулот ишлаб чиқариб, бозорда ҳам рақобатчилари товарларига нисбатан арзон баҳода сотиш эвазига кўп маҳсулотни реализация қилишга эришиш. Бу автотранспорти хизматларини кўрсатишда унчалик осон ва тез эришиладиган ҳолат эмас. Бунга эришиш учун маркетологлар бош қотириши лозим бўлади. Йўлдаги хизматни арзон ва сифатли қилиб қандай юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги, маркетологларнинг стратегиясига боғлиқ. |
| **Ихтисослашиш** | Бирорта товарни рақобатчиларга нисбатан бежирим ва юқори сифатда ишлаб чиқишга ихтисослашиш ва шу товар билан бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш. Бу автотранспрт корхоналарида юк ташувчи бўлса, мева-сабзовотларни ташишда совутгичларни ўрнатга бўлса, маҳсулотини совутгичда қишгача сақлайман деганлар фақат шу транспортнинг хизматидан фойдаланади. |
| **Харидорга мослашиш** | Айрим ҳолларда рақобатчиларда йўқ нарсаларни талаб қиладиган чекланган харидорларга мос товарларни ишлаб чиқиш. Масалан, овчилик анжомлари, махсус кийимлар ва ҳ.к. Худди шундай ҳолатни автотранспрт корхоналарида ҳам ташкил қилиш мумкин. Масалан, бетон ташийдиган машина йўл-йўлакай ўзи қориштириб келади. Бундай бетоннинг ўта мустаҳкам бўлиш кафолати бор. Худди шундай бошқа транспорт воситаларини ҳам истеъмолчиларнинг талабларига мослаштириш мумкин. |
| **Диверсификациялаш** | Корхонанинг асосий маҳсулотини ишлаб чиқаришни камайтирмаган ҳолда бозор талабидан келиб чиқиб янги товарларни ишлаб чиқиш ва бозорга киритиш. Буни автотранспрт корхоналарида ҳам амлга ошириш мумкин. Буни икки йўналишда олиб борилади. Биринчиси бозони кенгайтиради ва иккинчидан автомобиллар сонини истеъмолчилар талабларига мос ҳолда кўпайтиради. Шутариқа диверсификация жараёнини қўлга киритади. |
| **Модернизациялаш** | Товарнинг рақобатчиларга нисбатан бозоргирлигини таъминлаш учун уни ишлаб чиқариш технологиясини, қадақлаш, ўраш каби жараёнларини замонавийлаштириш мақсадида янгилаш. Мазкур масала бугунги кунда автотранспрт корхоналарида амалга ошириш бир мунча осонлашди. Йўловчиларга қулай ўта замонавий транспорт воситалари дунё микёсида ва ўзимизда ҳам ишлаб чиқарилмокда. Муҳими талабни тўғри ўрганиб, маблағни самарали ва мақсадга мувофиқ сарфлаш |

| | |
|---|---|
| | стратегиясидан янглишмаслик лозим. |
| **Инновациялаш** | Бозони эгаллаш учун узлуксиз равишда янги ғояларни амалиётга жорий қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда автотранспрт корхоналари фаолиятида инновацияларни жорий қилиш унчалик мураккаб эмас. Олдин транспорт воситалари гараждан чиқса, қайтиб келгунча назорат қилиш имконияти чегараланган эди. Ҳозир уларга махсус қурилма ўрнатиб қўйилса, унинг қаердалиги ва қандай тезликда юрганлигини ҳам назорат қилиш имконияти яратилди. Худди шундай бошқа инновацион омиллардан ҳам кўплаб фойдаланиш имконияти мавжуд. Автотранспрт корхоналари заруратдан келиб чиқиб, ушбу жараённи бемалол бошқариши мумкин. |

Мазкур автотранспрт корхоналарида маркетинг стратегиясининг рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган асосий йўналишлари аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда тегишли йўналишлари кўрсатиб берилди. Буларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, маркетинг стратегиясини кенгайтириб бориши мумкин.

**А.Н.Холиқулов –** СамИСИ, Иқтисодий таҳлил ва статистика кафедраси мудири, и.ф.н., доцент

## МЕНЕЖМЕНТНИНГ ФИНЛЯНДИЯ МИЛЛИЙ МОДЕЛИ

**Аннотация:** мақолада “Финландия бошқарув мактаби асосчилари, Натижаларга йўналтирилган бошқарув, Финландия менежерлари эришган муваффақият омиллари, бу мамлакатнинг бошқарувдаги устунлик жиҳатлари келтирилган”.

**Калит сўзлар:** бошқарув, Финландия, бошқарув мактаби, менежментнинг ўзига хос модели.

**Аннотация:** в статье приводятся цитаты «Основатели финской школы управления, управления, ориентированного на конкретные результаты, факторы успеха финских менеджеров и приоритеты этой страны в управлении».

**Ключевые слова:** менеджмент, Финляндия, школа менеджмента, модель менеджмента.

**Abstract:**The article quotes"Founders of the Finland School of Management, Results-Based Management, Success Factors of Finnish Managers, and the Priorities of this Country in Governance."

**Keywords:** Management, Finland, School of Management, A Model of Management.

Ҳозирги юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, албатта мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда бошқарувнинг ўзига хос усули билан иқтисодиётимиз кундан ғ

кунга ривожланиб бормоқда. Бу борада менежмент тизими ривожланган мамлакатлар тажрибасни ўрганиш ва уларнинг афзалликларини хўжалик юритувчи субъектлар

Финландия бошқарув мактаби – бугунги кунда энг янги ва нисбатан ёш ҳисобланади. Мазкур мактаб асосчилари мамлакатда ўзоқ йиллар мобайнида миллий иқтисодиёт ва корхоналарни самарали бошқариш назарияси ва амалиёти билан шуғулланиб келган Тимо Санталайнен, Эеро Воутилайнен, Пертти Поррени, Иоуко Х. Ниссенлар ҳисобланишади. Фин мактабининг асосий ғояси раҳбар фаолиятининг натижавийлигига қаратилган. Бошқарув аввало раҳбар ва унинг қўл остидагиларнинг ўзаро алоқасидан иборат бўлиб, ташкилотнинг қуйилган мақсад ва вазифаларига эришиш учун моддий ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган фаолиятдир. Натижага йўналтирилган бошқарувнинг асосий ғояси шундан иборатки, ҳеч бир ташкилот ўз-ўзига ҳеч қандай қиймат яратмайди, чунки у алоҳида индивид ва гуруҳларнинг муайян натижага йўналтирилган фаолияти ҳисобланади.

Г.Хофстеде индекси асосида аниқланган кўрсаткичларга кўра Финландиянинг маданий тафовутлари менежментнинг ўзига хос модели шаклланиши мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

**Финландия менежменти учун Г.Хофстеде индекслари қиймати**

| Ҳукуматдан узоқда бўлиш | Индивидуализм/ коллективизм | Гендер тафовутлар | Ноаниқликдан қочиш | Келажакка ёндашиш ёки стратегик фикрлаш |
|---|---|---|---|---|
| 33 | 63 | 26 | 59 | 66 |

Натижаларга йўналтирилган бошқарув – ташкилотнинг барча аъзолари томонидан маъқулланган ва белгилаб олинган мақсад ва натижаларни амалга оширишга йўналтирилган бошқарув тизими, ғоялар ва йўналишлар мажмуидир. Бунда аввало хўжалик фаолиятидаги алоҳида вазиятлар, инсонларнинг ижодий фаолияти, шунингдек бошқарув услуби ва усуллари муҳим аҳамиятга эга.

Натижага йўналтирилган бошқарув жараёнида меҳнат мажбурий характерга эга бўлмайди, яъни унинг таркиби, кетма-кетлиги, меҳнат амалга ошадиган макон ва замон фақатгина раҳбар ва ходимлар эришган натижалар орқали асосланди.

Финландия менежерлари эришган муваффақият омиллари қуйидагиларда ўз аксини топган:

– натижаларга эришишга ишонч ва бунинг учун кўп ишлаш зарурлигини онгли равишда англаш;

– ўзига юклатилган вазифалар учун жавобгарликни ҳис қилиши ва хатарли қарорлар қабул қила олиш қолибияти;

– ўзгаришларни қабул қила олиши ва уни ташкилот мақсадлари учун бошқара олишлиги;

– бошқарувнинг шаффофлик тамойилига қатъий амал қилиши, ҳамкорликни қўллаб-қувватлаши ва тезкор қарорлар қабул қила олиши;

– барча вазиятга тайёр туриши;

– ташкилотдаги ўзгаришларни англаш олиши ва улардан самарали фойдаланиши;

– узвий ижтимоий алоқаларни йўлга қўйишга тайёрлиги;

– умумий бошқарувга тайёрлиги;

– ишга ижодий ёндашув;

– ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириши, жисмоний ва рухий ҳолатини доимо сақлай олиши;

– вақтдан унумли фойдаланиши;

– ўз-ўзини ва бошқаралрин мотивация қила олиши;

– касбий жиҳатдан маҳоратли меҳнат жамоаси билан ишлай олиши ва бошқара олиши;

– дунёқарашнинг кенглиги.

Фаолиятнинг натижавийлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

– технологияларнинг жадал ривожланиши, бошқарувнинг такомиллашуви;

– ташкилий қадриятлар, раҳбарнинг жисмоний ҳолати ва қўл остидаги муносабатларининг доимий ўзгариб бориши;

Натижалар бўйича бошқарувда асосий эътибор ходимларга қаратилади. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

– ҳар бир ходим ишда муваффақиятларга эришишни ҳоҳлайди;

– инсонлар жуда кўп қобилиятларга эга бўладилар;

– аксарият ходимлар масъулиятли бўлишга интилишади ва ишдан мамнун бўлишни ҳохлайдилар;

– инсонлар кўп ўқишни ва доимий равишда ўз билим ва малакасини ошириб боришни истайди;

– ҳар бир инсоннинг ҳали фойдаланилмаган қобилиятлари мавжуд.

Натижага йўналтирилган бошқариш босқичма-босқич амалга оширилади. бугунги кунда ушбу тизим Финландиянинг аксарият корхоналарига жорий этилган. Сўнгги йилларда эришилган иқтисодий соҳадаги ютуқлар бунинг самарасидир.

Финляндия – ЕИ энг ривожланган мамлакатларидан бири. Мамлакатнинг устунлик жиҳат аввало иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги, сифатли телекоммуникация тармоқлари, умумий инфратузилманинг юқори даражада ривожланганлиги, корхона ва ташкилотлар, олий таълим муассасалари, илмий – тадқиқот марказлари ўртасида узвий алоқанинг мавжудлиги билан ҳам изоҳланади. Айниқса, мамлакат аҳолисининг таълим даражасининг юқорилиги, замонавий технологияларнинг тезда ўзлаштирилаётганлиги ва бизнес юритиш муҳитининг соддалиги билан ажралиб туради.

**Ш.Х. Пардаев –** СамИСИ, Маркетинг кафедраси таянч докторанти,
**Д.Ҳ.Холмаматов–** СамИСИ, Маркетинг кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ҲАРАКАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** мазкур мақолада рақамли маркетинг агентликларини ташкил этишнинг аҳамияти, рақамли маркетинг агентликларининг функция ва хизматлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамли маркетинг агентликлари, маркетинг тадқиқотлари, сотув каналлари, реклама, рақамли каналлар, товар ҳаракати.

**Аннотация:** в этом статье рассказывается о важности создания агентств цифрого маркетинга, функциях и услугах агентсв цифрого маркетинга.

**Ключевые слова:** агентства цифрого маркетинга, маркетинговые исследования, каналы продаж, реклама, цифровые каналы, движение бренда.

**Abstract**: This article talks about the importance of creating digital marketing agencies, the functions and services of digital marketing agencies.

**Keywords:** digital marketing agencies, marketing research, sales channels, advertising, digital channels, brend movement.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида 2020-йилни «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилинди. Президентимиз ўз Мурожаатномасида мутасадди вакилларга "Рақамли Ўзбекистон-2030" дастурини ҳаётга тадбиқ этиш борасида тегишли топшириқлар берди. Бу борада иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш тўғрисида ҳам алоҳида таъкидлар бериб ўтди[1].

Президентимизнинг 2018 йил 3 июлида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3832 сон Қарори Республикамизда илгари сурилмоқчи бўлган рақамли иқтисодиёт тизимининг барча соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг рақамли технологияларини қўллаган ҳолда амалга оширилиш борасида қилинган муҳим ишларнинг бошланишига сабабчи бўлди.

Шу асосда мутахассис сифатида рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли маркетингни ривожлантириш ва амалга ошириш борасида фаолият кўрсатувчи маркетинг агентликлари фаолияти ташкил этилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ушбу агентликлар Республикамизда фаолият юритувчи тадбиркор-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномаси

ларнинг иқтисодиётимизга қўшаётган хиссаларини кўпайтиришга, ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи сифатида уларнинг брендини илгари суриш борасида товар ва хизматларини реклама қилишни таъминлаб беради. Шунингдек, рақобатбардош маҳсулотлар турларини аниқлаш, уларга янги бозорларни топиш, ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш хизматларини бажаради.

Рақамли маркетинг агентликлари қуйидаги хизматларни тақдим этади:

- интернет тармоқларида қидирув тизимини оптималлаштириш (SEO);
- қидирув маркетингини такомиллаштириш (CEM);
- таркибий маркетингни шакллантириш;
- маркетингнинг таъсир доирасини кенгайтириш;
- контент яратишни автоматлаштириш;
- электрон тижорат маркетингини ривожлантириш;
- ижтимоий медиа маркетингини жадаллаштириш;
- товар ва хизматлар ҳаракатини тўғридан-тўғри почта орқали таъминлаш;
- матнли ва расмли реклама роликларини яратиш;
- электрон китобларда реклама жойлаштириш;
- товар ва хизматларнинг ҳаракатини таъминлаш учун электрон дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш;
- жамиятдаги мавжуд ишлаб чиқарувчилар, маҳсулот етказиб берувчилар ва сотувчилар ўртасида провайдерлик хизматларини таклиф этиш (3PL,4PL ва 5PL);
- жамоатчилик билан савдо марказларида турли ҳил ўйинлар ва бошқа рақамли ишлаб чиқариш шакллари кўламини кенгайтириш ва бошқалар.

Рақамли маркетинг агентликлари учун биринчи навбатда асосий вазифаларидан бири бозор конъюнктурасини таҳлил қилиш ҳисобланади. Чунки, маркетинг фаолиятининг асосини ахборот ташкил этади. Бозор ва унинг таркибий тузилиши, ҳолати, талаб ва нарх конъюнктураси, корхонанинг ички муҳити ҳақидаги ахборотлар асосида маркетинг фаолиятида у ёки бу қарорлар қабул қилинади. Рақамли иқтисодиёт шароитида ўзгарувчан бозор конъюнктураси ҳақидаги ахборотлар тезкорлик билан олиниши ва потенциал истеъмолчиларга корхона, унинг товар ва хизматлари ҳақидаги ахборотлар узатилиши лозим.

Маркетинг агентликлари тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчиларга товар ишлаб чиқариш, товар ассортиментини режалаштириш, брендни танлаш, товар “ҳаётий даври”ни ўрганиш, нарх белгилаш, товар ҳаракатини самарали ташкил этиш ва силжитиш борасида ўз хизматларини ташкил этади. Уларнинг хизматлари маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, мақсадли бозор сегментларини танлаш, самарали сотув каналларини шакллантириш, реклама ва сотишни рағбатлантиришдан иборат.

Рақамли маркетинг агентликлар фаолияти  потенциал истеъмолчиларни барча мумкин бўлган рақамли каналлар - ижтимоий тармоқлар, интернет,

электрон почта хабарномалари ва бошқалар орқали жалб қилиб, уларни эҳтиёжи, хохиш-истакларини ўрганиш асосида кенг қамровли ахборотлар тўплашга қаратилган. Шунингдек, потенциал истеъмолчиларни offline SMS муҳитидан, телефонлардаги мобил иловалар орқали сўровнома-анкеталарни ўтказиш натижасида маркетинг тадқиқотларини рақамли шаклда ташкил этади. Бир вақтнинг ўзида бозор ҳақида ахборот зарур бўлган тадбиркор, ишлаб чиқарувчини ахборот билан таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, рақамли маркетинг агентликлари (online + offline) орқали маҳсулот ёки хизматларга бўлган талабни тадқиқ қилиш, рақобатчиларнинг стратегия-ларини ўрганиш, сотув каналларини аниқлаш ва кенг қамровли реклама қилиш орқали маҳсулот ва хизматлар сотилишини таъминлашдан иборат.

Рақамли маркетинг агентликлари қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Бозорни, унинг конъюнктурасини, истеъмолчиларни, уларнинг эҳтиёжи ва харид қувватини, фирма ва товар структурасини ўрганиш, шунингдек, корхонанинг ички муҳитини: иқтисодий-молиявий ҳолатини, ишлаб чиқариш қувватларини, кадрлар салоҳияти ва бошварув структурасини online + offline муҳитда таҳлил қилиш.

2. Янги товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, товар ассортиментини модификациялаш, товар функцияларини такомиллаштириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш, моддий-техника таъминотини ташкил қилиш, товар сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

3. Товар ҳаракати тизимини ташкил қилиш, буюртмаларни online тарзда шакллантириш ва бериш, товар захираларини online + offline муҳитида ташкил этиш ва бошқариш, сақлаш, сервис, талабни ташкил этиш ва сотишни рағбатлантиришни online + offline SMS муҳитидан, телефонлардаги мобил иловалар орқали амалга ошириш.

4. Маркетинг фаолиятини стратегик ва оператив режалаштириш, маркетингни бошқаришнинг ахборот таъминоти, корхонада коммуникациялар тизимини ташкил қилиш ва маркетинг назоратини ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Рақамли маркетинг агентликлари фаолиятларини амалга оширишда интернет тармоқларига боғланган ва боғланмаган ҳолда ишлаш қобилиятига эга бўлган маълум бир мосламаларга эга бўлиши керак. Ушбу мосламаларга қуйидагилар киради:

- рақамли телевидение ва онлайн радио;
- иловалар, тезкор хабарлар, онлайн ўйинлардаги реклама;
- SMS ва MMS - ахборот бюллетени;
- интерфаол ва ривожланган LED экранларда, ўзига-ўзи хизмат кўрсатадиган терминаллардаги реклама роликлари;
- СЕО ва SEM - тармоқдаги қидирув маркетинги;
- матнли реклама, баннерлар ва тизер реклама;
- SMM - ижтимоий медиа маркетинг;
- электрон почта маркетинги;

– портал маркетинги, унда веб-устаси ҳар бир ташриф буюрувчи ёки харидорни жалб қилиш учун тўлов олади.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли маркетинг агентликлари кўплаб каналларни ўз ичига олган кенг қамровли бозор тадқиқотлари, ишлаб чиқариш дастурлари, тижорат воситачиларини жалб қилиш орқали сотув каналларини шакллантириш ва рекламани ташкил қилувчи маркетинг фаолият соҳасидир. Савдо-саноат палатаси таркибида ва мустақил фаолият юритувчи рақамли маркетинг агентликларини ташкил этиш, тадбиркорлар, товар ишлаб чиқарувчиларнинг бизнес мақсадлари ва имкониятларини амалга оширишга кўмаклашади.

# VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ”

**Б.И.Исроилов** – и.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** мақолада автор томонидан таълим соҳасидаги коррупция ва унинг оқибатлари тўғрисидаги мавжуд қарашларни ўрганган. Таълим тизи-мидаги коррупция ва унинг салбий оқибатилари тўғрисида ўз фикр-мулоҳаза-ларини билдирган ҳамда уни олдини олиш бўйича таклифлар киритган.

**Калит сўзлар:** таълим тизими, коррупция, коррупцияни олдини олиш, таълим тизимидаги коррупция,  коррупцияга нисбатан муросасизлик, таълим тизимидаги корупциянинг салбий оқибатлари.

**Аннотация:** В статье, автором изучено имеющиеся взгляды относительно вопросов коррупции и его последствиях. На основе анализа, раскрыта суть и отрицательные последствия коррупции в образовательной сфере, а также внесено предложения по их устранению.

**Ключевые слова:** оброзовательная система**,** коррупция, предупреждение коррупции, коррупция в оброзовательной системе, снисходительность к коррупции, отрицательные последствия коррупции в оброзовательной системе.

**Abstract**: In the article, the author studied existing views of corruption and its consequences. Based on the analysis, essence and negative consequences of corruption in the educational sphere are disclosed, as well as proposals for their elimination are made.

**Keywords:** education system, corruption, prevention of corruption, corruption in education system, leniency to corruption, negative consequences of corruption in the education system.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти билан интеграциялашув жараёнлари бир қатор ижобий жиҳатлари билан бирга жамият ва давлат учун хавфли оқибатларга ҳам олиб келади. Айни пайтда, дунё иқтисодиётидаги ижобий ўзгаришлар, аҳолининг яшаш сифати даражаси ошиши билан бирга, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳамда коррупцияга оид ҳуқубузарликларни содир этиш кўрсаткичларининг ҳам  ўсишига таъсир этиши кузатилмоқда. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар айниқса ўтиш даврида кўпайиши дунё тажрибасидан маълумдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра дунё бўйича йиллик порахўрлик  билан боғлиқ  маблағлар айланмаси ҳажми

1 трилион долларни ташкил этиши ва бунинг оқибатида дунё иқтисодиёти 2, 6 трилион доллардан маҳрум бўлиши ҳамда ушбу йўқотиш дунё ЯИМнинг 5 фоизини ташкил этади [1].

Ушбу салбий иллатларга барҳам бериш жамиятла бошқарув ва назорат тизимини ислоҳ қилиш талаб этилади. Акс ҳолда, жамиятда коррупция даражасини ошади ва мазкур салбий ҳолат бошқарув тизимининг барча соҳаларини қамраб олади. Натижада жамиятдаги консерватив қарашлар, одатлар ва қонунчиликдаги жузъий нуқсонлар, ислоҳотларни амалга оширишга тўсиқ бўлиш билан бир вақтда мазкур қонунларни самарали қўллаш механизмига жиддий салбий таъсир ўтказади.

Маълумки, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими бошқарувдаги муаммоларнинг ҳал этишдан бошланади. Давлат ва жамият ривожига, халқнинг адолат ҳамда давлат бошқарув тизимига бўлган ишончига жиддий путур етказадиган муаммоли энг хавфли иллат коррупция ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий соҳалар билан бир қаторда кадрлар сиёсатида ҳам амалга оширилаётган ислоҳотлар хорижий давлатлар тараққиётида ҳам кузатилганлиги - ушбу ислоҳотлар зарурияти қонуниятли эканлигини исботлайди.

Фикримизнинг исботи сифатида 80-йилларда жаҳоннинг етук давлатларида амалга оширилган бошқарув тизимини янгилаб, кадрлар сиёсатининг янги тизимига ўтилганлигини; МДҲ мамлакатларида кадрлар сиёсати ислоҳотининг миллий тараққиёт шарти сифатида ислоҳ қилинаётганлиги каби кўплаб тарихий намуналарни келтириш мумкин.

Миллий давлатчиликнинг шакллантириш жараёни жамиятининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётини ислоҳ этиш билан узвий боғлиқ бўлиб, янгидан таркиб топаётган ижтимоий муносабатлар талабларига тўлиқ жавоб берувчи кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини шакллантиришни тақозо этади. Мамлакатда давлат ва жамият қурилиши янгидан шаклланаётган тузумларнинг фаоллиги, қобилиятлиги билан бирга, ушбу жараёнда етакчи ўринга чиқадиган уларнинг фаоллигига ҳам боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида“Бугунги кунда ислоҳотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ.” [2] эканлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда 2019 йил таълим тизими коррупциясиз соҳага айлантириш махсус дастур тайёрланиб, унинг ижросини таъминлаш учун сайъи ҳаракатлар амалга оширилди. Лекин таълим тизимида коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини аниқламасдан унга қарши курашиш етарли самара бермайди. Шу сабабли дунёнинг барча мамлакатлари коррупцияга қарши курашишни айнан унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганишдан бошлайди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширила-

ётган ишлар кўламига қарамасдан ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар кўпаймоқда. "Транспаренси Интернешнл" халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан эълон қилинган маълумотларига кўра 2019 йил якунлари бўйича Ўзбекистон коррупция даражаси индекси бўйича 180 мамлакат орасида 153 ўринни эгаллаган [3].

Таълим тизимидаги коррупция ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўлларини ўрган олимлар уларни қуйи ва юқори даражаларга бўлиб тадқиқ этишни таклиф этади [4].

Қуйи даражада содир этиладиган коррупция ҳолатлари ўқув жараёнида содир этилади. Жумладан, қуйи коррупция ҳолатлари сифатида қабул жараёни, ўқув сессиялари натижаларида баҳолаш ва якуний аттестацияда содир этиладиган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар ҳисобланади.

Юқори даражадаги коррупция ҳолатлари эса олий таълим муассасини аккредатциялаш, таълим фаолиятини лицензиялаш, квоталар ажратиш ва бюджетдан маблағ ажратиш билан боғлиқ ноқонуний ҳатти-ҳаракатларда намоён бўлади.

Стефан Р.Хайнеман “Таълим ва коррупция” асарида коррупциядан холи таълим тизимининг хусусиятлари:

- таълим олиш тизимининг тенглиги;
- ўқув дастурлар ва материалларининг тўғри тақсимланиши;
- таълим муассасалари аккредитациясининг шаффофлиги ва ҳалоллиги;
- таълим маҳсулотлари ва хизматлари кўрсатишнинг ҳалол ва сифатлилиги;
- таълим стандартлари талабларига таълим муассасалари ва профессор-ўқитувчилари, мулкдорлари томонидан тўлиқ амал қилиниш каби ҳолатларда намоён бўлишини қайд этади [5].

Давлат бошқаруви тизимидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига лозим даражада муносабат билдириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш оқибатида одамларнинг ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришишни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги Фармони билан коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида белгиланган асосий вазифалардан бири, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш масаласи ҳисобланади. Ушбу мақсадда Фармон билан 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб “ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш” тартиби жорий этилди [6]. Ёшларда таълим йўналишидан қатъий назар таълимнинг барча босқичида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий билимни эгаллаши шахсда коррупцияга муросасизлик кайфиятини шаклланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида коррупцияга қарши курашиш учун ҳар

биримиз “Ҳалоллик вакцинасини” тарқатишимиз зарурлигини таъкидлади.

Фикримизча, “Ҳалоллик вакцинасини (ҲВ)” тарқатиш ҲВ = “Билим+Ваколат+Ҳалоллик+Ошкоралик” формуласи асосида амалга оширилади.

Қайд этилганлар таълим тизимида коррупция ҳолатларига барҳам бериш ва таълим тизимида коррупция ҳолатларини олдини олиш учун белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадларида қуйидаги тартибларни амалиётга жорий этиш зарур, деб ҳисоблаймиз:

- қабул имтиҳонлари жараёнларининг янада шаффофлигини таъминлаш мақсадида сиртқи ва кечки таълим тизимига қабул қилишнинг суҳбат асосида қабул қилиш тизимидан воз кечиш ва тўғридан-тўғри буюртма бўйича қабул қилиш;
- қабул имтиҳонларини йил давомида шаффофлиги таъминланган ҳолда амалга ошириш механизмини жорий этиш;
- имтиёз билан таълим муассасасига қабул қилиш тартибидан тўлиқ воз кечиш ва олимпиада, мусобақалар ғолиблари, имтиёзли ўқувчилар учун тест синовлари бўйича тўплаган умумий баллларини10 фоиз миқдорида қўшимча бериш тартибини жорий қилиш;
- таълим бериш тизимини қандай мақсадда ўқитиш, ким томонидан ўқитиш, қандай усулда ўқитиш, таълим тизимини қандай ташкил этиш ва бошқариш ҳамда холис якуний аттестация таъмойиллари асосида ташкил этиш;
- тўлиқ степендиясиз ўқитиш тизимига ўтиш;
- таълим сифатини ошириш мақсадида якуний назоратларни таълим муассасисиз ўтказиш механизмини йўлга қўйиш;
- ишга қабул қилишда кадрлар билими даражасини хусусий амалиёт орқали баҳолашга ўтиш.

Фикримизча, кадрлар тайёрлаш давлат сиёсатининг янги концепцияси ҳамда коррупциясиз таълим дастурини ҳозирги замон сиёсатшунослик илми ва коррупцияга қарши курашиш амалиёти, ҳамда унинг назарий-методологик жиҳатларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

**Фойдаланилган адабиётлар руйхати:**


1. http://www : kun.uz. 9 декабрь 2018 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь. http://prezident.uz.

3 https://www.transparency.org/news/pressrelease/2018.

4.А.А.Салюк, М.А.Матненко.Коррупция в сфере образования как социаль-ное явление: проблемы и пути их решения. // Молодой ученый-2016, № 9, с.11. Актуальные проблемы права. Н.А.Бейсембаева. Проблема коррумпированности в сфере образования и пути её решения в современной России // Молодой ученый. — 2016.- № 9. -с. 67. Актуальные проблемы права. Г.Г. Кузнецов Г. Г. Коррупция в РФ: противодействие и ликвидация// Международный журнал экспериментального образования. - 2014. - № 6. - с. 58.

5. Хайнеман Стефан Р. Образование и коррупция // Народное образование. 2004. № 9.
6. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги 5729-сонли Фармони. Т.: Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон.

**Г.А.Мухтарова –** СамДУ иқтисодиёт ва бизнес факультети магистранти
**Д.К.Усманова –** СамДУ, иқтисодиёт ва бизнес факультети доценти, и.ф.н.

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олиниб, нодавлат таълим муассасалари, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини кўпайтиришга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** мактабгача таълим муассасаси, генофонд, қамров даражаси, мехнат бозори, педагог, психолог.

**Аннотация:** в настоящее время расширяются сети дошкольных учебных заведений, укрепляется ее материально-техническая база, возводятся новые детские сады на основе государственной программы. Принимая во внимание опыт развитых государств, большое значение уделяют расширению сети негосударственных учебных заведений, в частности детских садов. Это в свою очередь служит формированию конкурентной среды в системе и диверсификации образовательных услуг.

**Ключевые термины**. Дошкольные учебные заведения, генофонд, коээфициент покрытия, рынок труда, педагог, психолог.

**Abstract**: Currently, the networks of preschool educational institutions are expanding, its material and technical base is being strengthened, and new kindergartens are being built on the basis of the state program. Taking into account the experience of developed countries, they attach great importance to expanding the network of non-governmental educational institutions, in particular kindergartens. This, in turn, serves to create a competitive environment in the system and diversify educational services.

**Keywords:** Preschool educational institutions, gene pool, coverage ratio, labor market, teacher, psychologist.

Мамлакатимизда миллий генофондни мустаҳкамлаш, ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда.Психологларнинг ўрганиш натижаларига кўра инсон характери ва асосий кўникмалари етти ёшгача тўлиқ шаклланиб бўлиб, ундан кейинги бериладиган таълим тарбияларга пойдевор вазифасини ўтар экан. Шундай экан биз комил инсон тарбиясини боланинг илк гўдаклик давридан бошлаб шакллантириб бошлашимиз керак. Бироқ узоқ вақтгача болаларга таълим тарбия беришни бошланғич таълимдан бошлаб келдик, яъни мактабгача таълимга эътиборни камайтирдик, шу пайтгача бу тизим ривожланишдан ортда қолган эди. Охирги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоизга камайган. Оқибатда мактабгача ёшдаги болаларнинг 33 фоизи боғчаларга қамраб олинган, холос. Бу кўрсаткич Данияда 99 фоиз, Японияда 97 фоиз, Жанубий Кореяда 95 фоизни ташкил этади.

Мамалакатимиз Президенти 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда таълим тизимини ривожлантиришнинг кўплаб йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилган эди.

Президентимизнинг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди.

"Ҳаётимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия тизими ҳақида гапирганда, Абдулла Авлоний бобомизнинг доно фикрларини такрор ва такрор айтишга тўғри келади: таълим-тарбия – биз учун ҳаёт-мамот масаласидир Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.",-деди Президентимиз. Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бунга қўшимча исбот қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам биз мактабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борада катта ишларни бошладик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширмасак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади, дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олиниб, нодавлат таълим муассасалари, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини кўпайтиришга хизмат қилади.

Олиб борилган таҳлиллар болаларнинг мактабгача тълим билан қамровини таъминлаш, соҳада замонавий ўқув методик материаллар ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш, соҳага малакали педагог ва бошқарув кадрларни жалб қилиш масалаларини ҳал қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимидаги асосий муаммолар

қуйидагилар:
1. Соҳада кадрлар таъминоти ва кадрлар салоҳияти етарли эмаслиги;
2. Ҳудудларда мактабгача таълим ташкилотларининг ўша ҳудуд мактабгача ёшдаги болалар сонига нисбатан камлиги;
3. Мактабгача таълим ташкилотлари ўртасида рақобат муҳитининг йўқлиги яъни мактабгача таълим ташкилотларининг етишмаслиги;
4. Мактабгача таълим ташкилотларида тўғридан тўғри назоратнинг камлиги сабабли соғлом ва баланслаштирилган овқатлантиришдаги муаммолар;
5. Мактабгача таълим тизимининг моддий техника базаси, керакли мебел жиҳозлари, ўйинчоқларнинг эскирганлиги ва етишмаслиги;
6. Соҳага оид ахборот, ўқув-услубий, илмий , дидактик ишларнинг камлиги;
7. Соҳада замонавий техника-технологиялар, компютер, видеокузатув жиҳозларининг етишмаслиги ва бошқалар;

Ушбу соҳадаги энг катта муаммолардан бири бу соҳада Олий таълимда узоқ вақт мобайнида кадрлар ҳам ўқитилмади. Шу сабабли, мактабгача таълим тизимида ўрта–махсус ва турли соҳа мутахассисликлари ташкил қилади,жойлардаги мактабгача таълим ташкилотларида кадрлар таъминоти ва салоҳияти етарли эмас, соҳада 57 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилаётган бўлса-да, уларнинг 85 фоизини ўрта маълумотли кадрлар ташкил этаётгани фарзандларимизни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермайди.

Мактабгача таълимни ривожлантириш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

*меҳнат бозори учун олий маълумотли тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

*мактабгача таълим тизимига янги инновацион технологияларни, ахборот-коммуникацияларини жориий қилиш;

*мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаб топиш ва амалиётга татбиқ этиш;

*мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

*мактабгача таълим муассасалари учун замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

*мактабгача ёшдаги болаларни халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга эътиборни кучайтириш ва бунинг учун зарур шарт-шароитларни муҳайё этиш;

*мактабгача таълим муассасаларининг барча турлари учун ўзига хос дастурларни танлаб олиш, ота-оналар учун мактабгача таълимнинг барча муассасалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш ва ҳоказолар.

**Ш.О.Амирқулов –** ҚарМИИ мустақил тадқиқотчиси

# АГРАР СОҲАДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА МАКТАБГАЧА ТАЬЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ РОЛИ

**Аннотация**: мақолада қишлоқ жойларда инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишида мактабгача таьлим муассасаларининг аҳамияти таҳлил қилинган

**Калит сўзлар:** инсон капитали,аграр соҳа, ижтимоий соҳа, мактабгача таьлим муассасаси

**Аннотация**: в статье анализируется роль дошкольных учреждений в формировании и развитии человеческого капитала в сельской местности.

**Ключевые слова:** человеческий капитал, аграрный сектор, социальная сфера, дошкольное образование

**Abstract**: The article analyzes the role of pre-school institutions in the formation and development of human capital in rural areas

**Keywords:** human capital, agrarian sector, social sphere, preschool

Аграр соҳада инсон капиталини шакллантиришда таълим муҳим рол ўйнайди. Таьлим олиш жараёнида табиат томонидан яратилган кашфиёт-лардан самарали фойдаланилади, бу шахсни ҳар томонлама ривожланиб, мавжуд шароитларга мослашишига имкон беради ҳамда инсоннинг турли хил қизиқишлари шаклланади, билимлари тўпланади ва тажрибаси ортади, инсоннинг интеллектуал қобилияти ва касбий даражаси кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!" [1] деб қайд этди.

Шунингдек Президентимиз "биз... боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини жорий йилда 60 фоизга етказишимиз зарур. Ушбу мақсадларга шу йилнинг ўзида бюджетдан қарийб 1,8 триллион сўм маблағ ажратилади" [1] деб таькидлади.




**1-расм. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳаларга ажратмалар, % да*** [2]
*Манба: муаллиф ишланмаси

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам ижтимоий соҳани ривожлантиришга хусусан, таьлим тизимини ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилди ва бу соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда давлат бюджетини тақсимланишини таҳлил қилганимизда,

ижтимоий соҳага ажратмалар 2010 йилдаги 58,5% дан 2018 йилга 55,7 фоизгакамайганлигини, таьлимга йўналтирилган харажатлар мос равишда 33,3 % дан 33,5 фоизга, фанга ажратилган харажатлар 0,6 % дан 0,7 фоизга ошганлигини қайд этамиз (1-расм).

Инсон капиталини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистонда мактабгача таьлим вазирлиги ташкил этилди ва барча ҳудудларда унинг фаолияти йўлга қўйилди ва улар фаолиятини ташкил этиш учун (2017 йилда) давлат бюджетидан 1797,9 млрд сўм маблағ ажратилди [2].

Ўзбекистонда бугунги кунда 13215 та мактабгача таьлим муассасаси фаолият юритиб, унинг 2388 таси ёки 18,07 фоизи қишлоқ жойларида фаолият юритмоқда. Давлатга тегишли бўлган МТМларининг 3403 таси ёки 57,66 фоизи компьютер билан, 2869 таси ёки 48,61 фоизи интернет билан таьминланган.

**1-жадвал.**

**Қашқадарё вилоятининг қишлоқ жойларидаги мактабгача таълим муассасалари фаолияти динамикаси таҳлили (2019 йил)*** [3]

| Т/р | Кўрсаткичлар | Миқдори, бирлик | Тарбияланувчилар сони, киши | Қамрови, % | Қуввати, ўрин сони | Навбатда турган-лар, киши | олти ёшлилар, сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Жами МТМ;** | | | | | | |
| | Ўзбекистонда | 13215 | 1347272 | 52,39 | 1452672 | 473288 | 348252 |
| | улардан Қашқадарёда | 1048 | 86136 | 30,13 | 94120 | 29948 | 24765 |
| | Республикага нисбатан, % да | 7,93 | 6,39 | -22,26 | 6,48 | 6,33 | 7,11 |
| 2 | **Ш.ж.дан, Давлат МТМ;** | | | | | | |
| | Ўзбекистонда | 5902 | 1114406 | 41,28 | 1198967 | 471259 | 304870 |
| | улардан;Қашқадарёда | 377 | 66319 | 23,12 | 72555 | 29902 | 20217 |
| | Республикага нисбатан, % да | 6,39 | 5,95 | -18,16 | 6,05 | 6,35 | 6,63 |
| | **Нодавлат МТМ;** | | | | | | |
| | Ўзбекистонда | 815 | 45671 | 1,69 | 53906 | 472 | 10777 |
| | улардан Қашқадарёда | 45 | 2278 | 0,8 | 2324 | 0 | 594 |
| | Республикага нисбатан, % да | 5,52 | 4,99 | -0,89 | 4,31 | - | 5,51 |
| | **ДХШ билан хусусий МТМ;** | | | | | | |
| | Ўзбекистонда | 626 | 51152 | 1,89 | 55141 | 273 | 9989 |
| | Қашқадарёда | 102 | 6137 | 2,15 | 6618 | 11 | 1507 |
| | Республикага нисбатан, % да | 16,2 | 12,00 | +0,26 | 12,00 | 4,03 | 15,09 |
| | **Оилавий МТМ;** | | | | | | |
| | Ўзбекистонда | 5872 | 136043 | 5,04 | 144658 | 1284 | 22616 |
| | улардан Қашқадарёда | 524 | 11402 | 3,99 | 12623 | 35 | 2447 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Республикага нисбатан, % да | 8,92 | 8,38 | -1,05 | 8,73 | 2,73 | 10,82 |
| | **Корпоратив МТМ;** | | | | | | |
| | Ўзбекистонда | 50 | 9462 | 0,35 | 9695 | 190 | 2403 |
| | улардан Қашқадарёда | 6 | 1001 | 0,35 | 1008 | 0 | 314 |
| | Республикага нисбатан, % да | 12 | 10,57915874 | 0 | 10,39 | 0 | 13,06 |

*манба: Қашқадарё вилояти давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ёш болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси (2019 йил ҳолатида) республикада 52,39 фоизни ташкил этгани ҳолда Қашқадарё вилоятида эса 30,13 фоизни ташкил этиб, уш бу кўрсаткичда вилоят республика даражасидан -22,26 фоиз ортда қолмоқда. Қашқадарё вилояти ДХШ асосида хусусий болалар боғчаси қуришда республика даражасидан +0,26 фоиз миқдорида устунликка эришган. Қашқадарё вилояти аҳоли сони бўйича (2019 йил ҳолатида) республикада салмоқли (3213,1/33255,5*100)=9,66 фоиз улушга эга. Агар аҳоли сони ва ундаги демографик жараёнлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, вилоят МТМ ларининг барча кўрсаткичлари бўйича республика даражасидан анча паст даражани ташкил этмоқда. МТМ ларини олий маълумотли педагоглар билан таъминлашда республика (7810/111045*100)=7,03 фоиз улушга, Қашқадарё вилоятида эса бу кўрсаткич (275/6183*100)=4,45 фоизга эга бўлмоқда.

Таҳлиллардан келиб чиқиб, шуни қайд этиш мумкинки Қашқадарё вилоятида хусусий, ДХШ билан хусусий, корпоратив ва оилавий МТМларини қуриш масалаларига алоҳида эьтибор қаратиш зарур. Шунингдек, қишлоқ ҳудудларидаги МТМ ларини қуриш ва қишлоқ болаларини жалб этиш орқали уларнинг интелектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиши керак.

Қашқадарё вилоятида МТМ фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

- қишлоқ ҳудудларида ёшларни МТМ ларига қамровини ошириш учун янги МТМ қуришда банк кредитлари ставкасини пасайтириш, уларнинг муддатини узайтириш ҳамда лимитини ошириш;
- янги МТМ қуришда ер майдонларини ажратиш тизимини соддалаштириш;
- олий да ўрта махсус маълумотга эга бўлган МТМ йўналишидаги мутахассисларни олий маълумотли қилиб қайта тайёрлаш учун квоталарни кўпайтириш, уларни имтиҳонсиз ОТМсига қабулини ташкил этиш;
- барча МТМ ларига болаларни нафақат тарбиялаш, балки уларни камида 1-синф дастури даражасида таълим олишини ҳам таъминлаш зарур.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон, "Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. http://uza.uz/.
2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги маълумотлари.
3.Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ва Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

# VII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.
**А.Б. Хушваков –** ҚарМИИ магистранти

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

**Аннотация:** Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳсулотларини сифатини ошриш орқали рақобатбардошликни таъминлаш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш самарадорлигини ошириш йўллари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, рақобатбардошлик , маҳсулот сифати, хусусий тадбиркорлик, экспорт-импорт.

**Аннотация:** В статье объясняется, как повысить конкурентоспособность и повысить эффективность кредитования малого бизнеса и частного предпринимательства путем повышения качества продукции малого бизнеса и частного предпринимательства .

**Ключевые слова:** малый бизнес, конкурентоспособность, качество продукции, частное предпринимательство, экспорт-импорт.

**Abstract**: The article explains how to improve competitiveness and improve the lending efficiency of small businesses and private entrepreneurship by improving the quality of small business and private entrepreneurship.

products.

**Keywords:** small business, competitiveness, product quality, private entrepreneurship, export-import.

Ўзбекистонда ва хусусан Қашқадарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишда рақобатбардошлик муносабатларига таянган ҳолда сифатли кўрсаткичларга эришиш ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу жараёнга шу кун талабларидан келиб чиқиб, ёндашиш лозим. Шунинг учун ҳам иқтисодиётда қўлланиладиган турли механизмлардан фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари маҳсулотларини сифатини ошриш ва бунда рақобатбардошлик тамойилларини кенг қўллаш йўлларини ўрганиш лозим. Маҳсулот сифати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида маълум бир давр орлиғида маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан сотиш учун тақдим қилинган маҳсулот миқдорига бевосита таъсир кўрсатади. Сифат нарх-наво билан таклиф қилинаётган маҳсулотлар ўртасидаги боғлиқликни билдириб, нархнинг пасайиши билан таклиф миқдори ортади, ва унинг тескариси содир бўлади, бу жараён биринчи навбатда, маҳсулот сифатини талабга жавоб билан белгиланади.

Рақобатбардошлик муҳитини шаклланиши ва ривожланишини мулкчилик шакллари турлича бўлган хўжалик субъектлари ўртасида содир бўлиши бозор иқтисодиёти шароитида объектив заруриятдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек,”Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга, барча имкониятларимизни сафарбар этаяпмиз.“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди[1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда такомиллашган бозордаги каби хислат бўлиб, бу ерда тенглашган нарх сотувчининг ва харидорнинг тенглик асосида амалга ошириладиган савдоси натижасида ўрнатилади. Шу билан бир вақтда, амалиётда, ҳар қандай олди - сотди жараёни якка индивид-ларга маълум бир даражадаги самара олиш имконияти билан белгиланади.

Қашқадарё вилоятида 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 14969 тани ташкил қилди. 2017 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 53,3 фоизи (2016 йил январь-декабрда 54,1 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. 2017 йил январь-декабрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

-974,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 80,0 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 640,8 минг нафари якка тартибдаги тадбиркор, 151,4 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 85,5 фоизи ёки 6152,1 млрд. сўми (ўсиш 99,8 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 71,9 фоизи ёки 4198,0 млрд. сўмни ташкил қилди;

- 87,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 38,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

Иқтисодиётда рақобат ва рақобатбардошлик муносабатларини ривожланиши учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд бўлиб, ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолиятини рақобатчи корхоналар билан солиштирган ҳолда, бозордан ўзининг ўрнини топиши ва барқарор фаолият юритиши шу кун талабларидан келиб чиқади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби ўта мураккаб ва нозик соҳани янада ривожлантириш келажакда уни иқтисодий салоҳиятини ошишиға олиб келади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг барча тармоқларида, мулкнинг аксарият қисми давлат тасарруфидан чиқарилди ҳамда хусусийлаштирилди. Тармоқни ва ундаги корхоналарни бошқариш тизими ўзгартирилди, янги

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 24.01.2020 йил

мулк эгалари - мулкдорлар синфи шаклланиши жадаллашмоқда ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузирмалари фаолияти такомиллашмоқда.

Мамалакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида айниқса кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг барча элементларининг ўз ичига олган мустаҳкам бозор замини яратилди. Қулай иш мухитини яратишга қаратилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг иқтисодий ўсишдаги хиссасининг ошишига, янги иш ўринларининг ташкил этилишига, иш билан бандлик кўрсаткичининг ошишига ва иқтисодиётнинг ушбу мухим йўналишида сифат ўзгаришлари амалга оширилишига сабаб бўлди.

Хусусий мулкчилик тармоғини кенгайтириш, бизнес учун қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш вазифаларини амалга оширишдан асосий мақсад - аввало, иқтисодиётимизни жадал ва барқарор ривожлантириш, юртимизда эркинлик ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиб бериш имконияти яратилди.

Юксак даражадага ривожланган хорижий мамлакатлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тажрибасини, алоҳида эътибор билан ўрганиш ҳамда уларни бизнинг мамлакатимиз амалиётида қўллаш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш тажрибасини ўрганиб, уни бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида бизнинг мамлакатимиз хўжалик юритувчи субъектларда ҳам қўллаш ва ёйиш келажакда уларни иш фаолияти самарадорлигини ошишига олиб келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни фақат вилоят миқёсида эмас, балки ташқи савдога ҳам етказиб бериш, бунинг учун Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари ва хориж мамлакатларида юқори даражадаги инфратузилмага эга бўлган савдо уйлари ишини йўлга қўйиш орқали хусусий тадбиркорликнинг экспорт-импорт фаолиятини замон талаблари асосида амалга ошириш чора-тадбирларини кўриш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан имтиёзлар белгилашда мазкур жараёнга давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида ёндашиш; имтиёзлар рағбатлантирувчилик таъсирининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик; имтиёзлар ҳар бир турининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни ўзаро узвий боғлиқликда ва кетма-кетликда қўллаш, бунда ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича энг юқори самарага эришиш мумкин бўлган имтиёз туридан фойдаланиш; имтиёзларнинг таъсирини мунтазам равишда таҳлил қилиб, уларнинг самарадорлигини баҳолаб бориш ҳамда шароитлар ўзгариши туфайли ушбу таъсир пасайганда уларни ўзгартириш бўйича чораларнинг ўз вақтида қўлланиши юқори даражадаги самарани таъминлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан тартибга солишда пул-кредит сиёсати таъсирининг ўзига хос

тавсифини эътиборга олиш мазкур жараёнлар самарадорлигининг ошишига имкон яратади. Айниқса, кичик бизнес субъектлари томонидан банк кредитларига бўлган талабни тўғри шакллантирилишининг тартибга солиниши, мазкур жараёнларнинг рағбатлантирилишида, энг аввало мамлакатдаги иқтисодий фаолликни таъминлаб туриш учун етарли пул миқдори, яъни иқтисодиётнинг мақбул даражадаги монетизация даражасини таъминлаш вазифасидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тижорат банкларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш самарадорлигини ошириш бўйича давлат таъсири ўз ичига қуйидаги асосий тадбирларни олиши лозим: тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлашдан манфаатдорлигини ошириш; Марказий банкнинг монетар сиёсат дастакларидан тижорат банкларини кичик бизнес субъектларини кредитлашда рағбатлантириш йўлида фойдаланиш; Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси кредитларини кўпайтиришни рағбатлантириш; тижорат банкларининг кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар салмоғини оширишни рағбатлантириш.

**Р.Х.Эргашев –** ҚарМИИ профессори,
**А.Т.Мингяшаров –** ҚарМИИ магистранти

## МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

**Аннотация:** ушбу мақолада меҳнат бозорини ошириш орқали аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва унинг миллий иқтисодиётни юксалтиришдаги, янги иш ўринларини яратишдаги ҳамда аҳолининг ҳаёт фаровонлигини оширишдаги ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ҳаракатлантирувчи омили сифатида кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори, аҳоли иш бандлиги, янги иш ўринлари, ҳаёт фаровонлиги.

**Аннотация:** данная статья рассматривает занятость как движущую силу рынка труда и его движущую силу в стимулировании национальной экономики, создании новых рабочих мест и улучшении благосостояния населения и других социальных проблем.

**Ключевые слова:** рынок труда, занятость населения, новые рабочие места и благосостояние.

**Abstract**: This article considers employment as the driving force of the labor market and its driving force in boosting the national economy, creating new jobs and improving the well-being of the population and other social issues.

**Keywords:** labor market, employment of population, new jobs, and welfare.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мехнат бозори соҳаси жаҳон иқтисодиётининг асосий соҳаси сифатида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Жаҳон ялпи махсулотининг 62-74 фоизи меҳнат бозори ҳиссасига тўғри

келади[1]. Иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб мамлакатларида меҳнат бозоримиллий иқтисодиётнинг устун ривожланган, биринчи даражали секторига айланди.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида меҳнат бозори жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг миллий иқтисодиётни юксалтиришдаги, янги иш ўринларини яратишдаги, мамлакат аҳолисини иш билан таъминлашдаги ҳамда аҳолининг ҳаёт фаровонлигини оширишдаги ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ҳаракатлантирувчи омили сифатидаги роли тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида, Миллий малака тизими ишлаб чиқилади”[2].

Мамлакатда меҳнат бозорида банд аҳолининг иқтисодиётда банд аҳоли сонидаги улуши тобора ўсиб бормоқда. Лекин у ривожланган мамлакатлар эришган даражага нисбатан ҳали анча кам. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ушбу соҳани жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида меҳнат бозори соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши мамлакатимизда меҳнат бозори соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини ошириш бўйича хорижий тажрибалардан мақбул фойдаланишни тақозо этади.

Жаҳон иқтисодиётида меҳнат бозори соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли ошиб бормоқда. Иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб мамлакатларида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи меҳнат бозори соҳасида фаолият кўрсатади[3]. Инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат унумдорлигининг тез суръатлар билан ўсиши натижасида хизматлар соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларининг долзарблиги янада ошади. Шу жиҳатдан, хорижий тажрибалар асосида меҳнат бозори соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг янги иш ўринларини яратишдаги ролини ошириш масалалари бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Меҳнат бозори, бозор тизимининг ажралмас қисми сифатида фақат товар ишлаб чиқариш ва муомаласи умумий ҳукмрон бўлгандагина вужудга келади. Ишчи кучи «меҳнатга қобилияти»нинг товарга айланиши меҳнат бозори шаклланишининг бош шарти ҳисобланади. Ишчи кучи товарга шундай ҳолда айланадики, агар унинг эгаси - ходим - ишлаб чиқариш воситалари ва турмуш кечириш воситаларидан юридик эркин шахс бўлса. Шахснинг фуқаролик эркинлиги ходимга меҳнатни қўллаш соҳаси, ундан фойдаланиш шароитлари ва иш ҳақини эркин танлаш ҳуқуқини расмий беради. Эркин субъект сифатида у шахсий мулкчилик ва ўзининг ишчи

[1]http://bukvi.ru

[2] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 24.01.2020 йил

[3]Пастухов А.Л. Ускорение развития сферы услуг как необходимое условие модернизации экономики // Экономика и экономические науки, 2012.-№20. – С.80-85.

кучига эгалик ҳуқуқига эга бўлади.

Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш меҳнат бозорининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади. Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби - таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсиши.

Меҳнат бозори учун қуйидаги хусусиятлар характерли. **Биринчидан,** агар ишчи кучи меҳнат жараёнида қиймат барпо этса, ресурсларнинг бошқа ҳамма турлари меҳнатнинг ўзи билан янги қийматга ўтади холос. **Иккинчидан,** иш кучи таклифи демографик омиллар билан - туғилиш даражаси меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши суръати унинг жинсга доир ёш тузилиши билан белгиланади. **Учинчидан,** ишчи кучи динамикасига миграция жараёни ҳам жиддий таъсир кўрсатади. **Тўртинчидан,** ишчи кучига бўлган талабга илмий-техник тараққиёт ҳам таъсир этади.

Аграр меҳнат бозорининг шаклланиш жараёнида бандлик муаммоси кескинлашади. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар асосида янги муаммолар ҳам келиб чиқади, яширин ишсизлик ортади, қишлоқ хўжалигининг юқори малакали ишчи ва мутахассислари сони камаяди, меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони қисқаради, ишчиларнинг ўртача ёши ортади. Аммо, қишлоқдан аҳолининг миграцияси камаяди. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг қишлоқдан шаҳарга оқиб боришининг камайиши қишлоқда вазиятнинг яхшилангани оқибати эмас, балки шаҳарда ишчи кучига талабнинг қисқаргани билан боғлиқдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, аграр меҳнат бозори меҳнат ресурсларидан фойдаланишни сезиларли яхшилашга, уларга қишлоқ хўжалигидаги талабнинг кескин қисқартиришга қодир. Шу билан бирга бозор муносабатлари энг оғири ишсизлик бўлган қатор ижтимоий оқибатларга олиб келади.

Ғарбда ишсизлик кўламининг ўсиши учун нормал асос-бозорнинг келгусида кенгайиши озиқ-овқат товарларини қайта ишлаб чиқаришни, демак ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишини билдирса, бозорнинг тугагани бўлади.

Меҳнат бозорининг шаклланишига қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатининг мавсумийлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Айниқса, қишлоқ хўжалиги экинларининг механизациялаштирилиши даражаси паст ҳолда етиштириладиган хўжалигиларда меҳнат ресурсларига талаб юқори.

Таъкидлаш керакки, қишлоқ жойларида ишчиларнинг ишдан бўш қолиши суръатининг ўсиши шаҳарга нисбатан кўпроқ кузатилади. Ишсизлар сонини оширувчи резервлар банд бўлмаган аҳоли (уй бекалари ва бошқалар) ҳисобланади. Қишлоқ жойларида уларнинг улушига 12 % меҳнатга қобилиятли аҳоли тўғри келади. Қишлоқ аҳолисининг ишсизлик даражаси 2000 йилдан 2018 йилгача 6,2 дан 3,1% га қисқарди.

Иқтисодиёт тармоқларида меҳнат бозорларини барқарорлаштириш,

индивидуал меҳнат фаолиятининг ривожланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг янги шакллари ташкил этилиши билан қўшимча ишчи ўринлари яратиш имкони туғилади. Бунинг учун давлат томонидан қўллаб-қувватловчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ишсизларнинг демографик таркиби таҳлили шуни кўрсатадики, улардан 2/3 қисми аёллардан, 45 % дан кўпроғи 16-29 ёшдаги ёшлардан иборат. Қишлоқлардаги ишсизлар орасида аёлларнинг ҳам бўлиши, биринчи навбатда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги мутахассислар ва хизмат қилувчилар сонининг камайиши, шунингдек, қишлоқ ижтимоий-маданий соҳасининг вайрон бўлиши билан боғлиқ.

Меҳнат бозоридаги сиёсатга ишини йўқотган, лекин самарали меҳнат қилишни ҳоҳловчи ва фаолиятнинг янги турини фаол қидираётган қишлоқнинг меҳнатга қобилиятли аҳолисини қўллаб-қувватлашнинг давлат чора-тадбирларини ҳам қўшиш керак:

✓ меҳнат бозори соҳасининг ривожланиши ва унда банд аҳоли сонига таъсир кўрсатувчи иш ҳақи, меҳнат унумдорлиги, инвестиция, аҳолининг пул даромадлари, харажатлари ва жамғармалари, моддий бойлик заҳираси каби омиллар ва кўрсаткичларнинг ўзгариши мумкин;

✓ меҳнат бозори соҳасини баҳолашда аҳолини хизматлар билан таъминланганлик даражаси кўрсаткичини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади;

✓ меҳнат бозори соҳасини жадал суръатлар билан ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш имкониятлари мавжуд.

**U.Xudayberdiyev** – SamISI dotsenti
**S.G‘apparov** – SamISI talabasi
**Sh.Abdiqobilov** –SamISI talabasi

## QISHLOQ XO‘JALIGI SOHASINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI

**Annotatsiya:** maqolada mamlakatimiz qishloq xo‘jaligi sohasi yetakchi sohalardan ekanligi bilan birga, sohadagi kamchiliklar nazariy bayon etilgan va shu sohani rivojlantirish va yaxshilash bo‘yicha ilmiy xulosa va tavsiyalar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** iqtisodiyot, qishloq xo‘jaligi, soha, strategiya, raqobatbardoshlik, vazifalar, kadrlar, innovatsion texnologiyalar, investitsiya.

**Аннотация:** Хотя сельское хозяйство является одним из ведущих в стране, теоретически изложены недостатки в этой области и представлены научные выводы и рекомендации по развитию и совершенствованию этой области.

**Ключевые слова:** экономика, сельское хозяйство, промышленность, стратегия, конкурентоспособность, задачи, персонал, инновационные технологии, инвестиции.

**Abstract::** Although the agricultural sector of the country is one of the leading, the shortcomings in the field are theoretically stated and the scientific

conclusions and recommendations for the development and improvement of this sphere are presented.

**Keywords:** economics, agriculture, industry, strategy, competitiveness, tasks, personnel, innovative technologies, investment.

> "… Biz uchun o'ta muhim vazifa – qishloq xo'jaligi uchun yuksak bilim va malakaga ega bo'lgan oliy va o'rta maxsus ma'lumotli kadrlar tizimini tubdan takomillashtirishimiz lozim[1]".
>
> ***Shavkat Mirziyoyev***

Iqtisodiyotning rivojlanishiga erishish har bir mamlakatning oliy maqsadi hisoblanadi, bunda zamon talablariga javob beradigan va raqobatbardosh strategiyani ishlab chiqish mamlakat kelgusi hayotida muhim o'rinni egallaydi. O'zbekiston Respublikasi ham o'z iqtisodiyotini rivojlantirish uchun chuqur islohotlar olib bormoqda. 2017 - 2021 yillarga mo'ljallangan mamlakat rivojlanishini ta'minlashga xizmat qiladigan Harakatlar strategiyasining ishlab chiqilishi va bundan tashqari yurtimizda "Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanishtirish yili" deb nomlanganligi ham mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishiga qaratilgan omillar hisoblandi va eng muhim vazifalar amalga oshirildi.

Shunday qilib raqobatbardosh iqtisodiyot bu ish va vazifalarning tezda amalga oshishida muhim rol o'ynaydi. O'zi raqobatbardosh iqtisodiyot nima degan savol tug'ilishi mumkin. Demak, bu har tomonlama maqbul sur'atlar va muttanosiblik bilan o'shib boradigan milliy iqtisodiyot, unda xususiy mulkchilikka asoslangan tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish uchun yaratilgan kerakli shart - sharoitlar, aholi turmush darajasini doimiy yaxshilanib borishiga xizmat qiladigan bozor iqtisodiyoti qonunlari asosida ishlab chiqilgan iqtisodiy mexanizimi hamda ishlab chiqarish resurslari erkin harakatlanadigan va bozor mexanizmi yordamida tartibga solinadigan ochiq iqtisodiy tizim hisoblanadi. Hammaga ma'lumki, bizning mamlakat industrial agrar mamlakat hisoblanadi. Suv, yer, havo va fasllarning o'z vaqtidaligi bunga juda katta imkoniyatlar yaratadi. Bundan tashqari, aholimizning yarmidan ko'p qismi qishloq joylarda yashashadi. Biroq yaqin kelajakda, urbanizatsiya jarayoni o'sishini hisobga olgan holda, shuni yodda saqlash lozim qishloq xo'jaligi bu bugunimiz bo'lishi bilan bir qatorda ertamiz hamdir. Shu sohani yanada rivojlantira olsak mamlakatimiz raqobatbardosh agrar soha maqomiga chin ma'noda ega bo'la oladi. Chunki, qishloq xo'jaligi sohasi qolgan sohalarga nisbatan potensiali bor soha hisoblanadi va ancha kamroq resurslarni talab etadi, mamlakat iqtisodiyotidagi ulushi ham katta va eng muhimi agrar soha mamlakatimizning qiyin iqtisodiy holatdan chiqishiga vordam beradi. Xo'sh, qishloq xo'jalik sohamiz nega tez sur'atlarda rivojlanmayapti? Buning sabablari sifatida quyidagilarni kirish mumkin:

- malakali va har tomonlama yetuk kadrlarning yetishmasligi;
- qishloq xo'jaligi sohasida investitsion muhitni yaxshi rivojlanmaganligi;
- sohaga innovatsion texnologiyalarni va innovatsiyalarni ommaviy tus

---
[1] Xabar.uz internet sayti asosida.

olmayotganligi;

- mamlakatimiz qishloq xojalik sohasida eskicha fikrlaydigan, eskicha dunyoqarash, tafakkurga ega bo‘lgan kadrlar anchaginani tashkil etishi.

Haqiqatdan ham har bir soha borki, uning rivoji kadrlar faoliyatiga bog‘liq bo‘ladi, unga mahalliy va xorijiy investitsiyalarni jalb eta olmas ekanmiz soha yetarli rivojlana olmaydi. Sohaga innovatsion texnologiyalarni hamda innovatsion va mukammal g‘oyalani keng tarzda rivojlanmayotganligi va bugungi kunda ham, mamlakatimiz qishloq xojalik sohasida eskicha fikrlaydigan, eskicha dunyoqarash, tafakkurga ega bo‘lgan kadrlar anchaginani tashkil etishi, malakasiz kadrlar innovatsion texnologiyalarni amalda qo‘llay olmasliklari, ulardan raqobatga, bizga kerak raqobatbardosh mislsiz g‘oyalarning chiqishi juda qiyin. Mamlakat rivojlanishiga to‘sqinlik qiladigan va ortda qolishida eng kata kemiruvchi omil aynan kadrlar hisoblanishini hisobga olsak, aholi iste'molining aksariyati, deyarli 90 foizdan ziyod qismi qishloq xo‘jaligi mahsulotlariga to‘g`ri kelishi[1] bu sohaga e’tiborimizni yanada oshiradi.

Shu muomo va kamchiliklarni hisobga olgan holda quyidagi takliflarni berishimiz mumkin:

- mukammal qishloq xo‘jaligi tizimini ishlab chiqish;
- xorijiy va mahalliy investitsiyalarni imkon qadar jalb etish;
- innovatsion texnika-texnologiyalarni bosqichma-bosqich jalb etishni tezlashtirish va jalb etganlarga imtiyozni yanada oshirish;
- eskicha fikrlaydigan kadrlarni rahbariyatdan bosqichma-bosqich olish;
- qishloq xo‘jaligi marketingini rivojlantirish.

Xulosa sifatida, yurtimiz har tomonlama iqtisodiyotimizni raqobatbardoshligini oshirishda barcha tarmoqlar birday harakatda bo‘lishizamon talabi. Misol uchun, ta'lim tizimi malakali kadr birdek yetkazib bera olmasa tarmoqlarda uzulish bo‘lishi bilan birga rivojlanish ham bo‘lmaydi, qishloq xo‘jaligi yaxshi faoliyat yurita olmas ekan oziq – ovqat mahsuloti sanoati xech qachon o‘sa olmaydi. Bir soha rivojlanishi yaxshi ammo har bir soha va tarmoqni rivojlantirish hozirgi kunda juda dolzarb masala hisoblanadi. Imkoniyalar bor, strategiya bor, ijrosi ham bor lekin aniq bir tizim shakldа emas. Tizim ishlasa birdek, ob-havo va iqlim shart-sharoitlar inobatga olsak, demak, rivojlanish bo‘ladi. Shuni ham qayd etib o‘tish joizki, mamlakatda iqtisodiy holatni chuqur va oqilona tahlil qilish, unga holis baho berish, yuzaga kelgan nomutanosibliklarni bartraf etish borasida ketma - ketlikka ega bo‘lgan choralarni ko‘rish bugungi kunda barcha davlatlarda muhim vazifa hisoblanadi , xususan yurtimiz jonajon O‘zbekistonimizni ham.

**Foydalanilgan adabiyotlar**


1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlis Senati va Qonunchilik palatasiga Murojaatnomasi. Toshkent. 2018 y . 28.12. www.uza.uz
2. Muxammedov M. va boshqalar “Xizmat ko‘rsatish sohasi va turizmni rivojlantishning nazariy asoslari”. C.: Zarafshon, 2017 .299 b.


[1] Stat.uz – O’zbekiston Respublikasi Statistika Qo’mitasining rasmiy ma’lumotlari asosida.

3. Muxammedov M.M., Urunbaeva Y.P. “Aholi turmush darajasini shakllantirish omillari va oshirish istiqbollari. Risola. “Zarafshon”, 2010. 131 b.
4. Urunbaeva Y.P. “Xizmat ko‘rsatish sohasi va aholi turmush darajasi: o‘zaro bog‘liqligi va rivojlanish istiqbollari. Monografiya. Toshkent: “FAN”, 2013. 156 b.
5. Shodmonov Sh.Sh, Mamaraximov B.E “Iqtisodiyot nazaryasi”: Ma’ruzalar matni / Toshkent.: “Iqtisod-Moliya”, 2016. 496 b.
6. www.stat.uz – O‘zbekiston Respublikasi Statistika Qo‘mitasi rasmiy internet portal.

**Х.А. Қобулов –** Тошкент молия институти доценти, и.ф.н.

## ИННОВАЦИОН ҲУДУДИЙ КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ҲУДУД МОЛИЯВИЙ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Маърузада иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг кластер усулини моҳияти, Ўзбекистон Республикасида инновацион ҳудудий кластерларни шакллантиришнинг зарурлиги, имкониятлари ва уларни ҳудуд молиявий салоҳиятини оширишдаги аҳамияти очиб берилган.

**Калит сўзлар:** ҳудудий иқтисодиёт, ҳудуд молиявий салоҳияти, ривожланиш, бизнес, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш, инновация, саноат, кластер, даромад, фойда, самара, илм, фан, таълим, илмий-тадқиқот.

**Аннотация.** В докладе рассматривается сущность кластеризации в организации экономических и производственных отношений, необходимость, возможности и факторы успешного развития инновационных региональных кластеров в Республике Узбекистан, также раскриты их значение в повышении финансового потенциала региона.

**Ключевые слова:** региональная экономика, финансовый потенциал региона, развитие, бизнес, предпринимательство, производство, инновации, промышленность, кластер, доход, прибыль, эффективность, знание, наука, образование, научное исследование.

**Abstract**: The report examines the essence of clustering in the organization of economic and industrial relations, the need, opportunities and factors for the successful development of innovative regional clusters in the Republic of Uzbekistan, their significance in increasing the financial potential of the region is also disclosed.

**Keywords:** regional economy, financial potential of the region, development, business, entrepreneurship, production, innovation, industry, cluster, income, profit, efficiency, knowledge, science, education, scientific research.

Кўпгина мамлакатлар ўзлари учун интенсив инновацион ривожланиш йўлини ва иқтисодиётни ташкил этишнинг кластер моделини танлади. Бундай моделда саноат сиёсати нафақат соҳаларни ривожлантиришга, балки ривожланган ижтимоий ва экологик муаммолар туфайли шаклланган ва

оширилган ҳамда самарали талабларга эга бўлган етакчи бозорларни эгаллашга қаратилади.

Кластерларни шакллантириш ҳудудлар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали механизми бўлиб, ҳудудий иқтисодиёт ривожланишига, миллий субъектларни қиймат яратишнинг халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилишига, хом ашёни қайта ишлаш даражасини ошириш учун кўмаклашишга, импорт ўрнини босишга, ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилишини кўпайишига ва натижада - ҳудудларнинг молиявий салоҳияти даражасини кўтарилишига улкан таъсир кўрсатади.

Инновацион вектор - бу Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиётини ривожлантиришнинг ва уни глобаллашув тенденцияларининг ўсиши шароитида рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир. Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Шу билан бирга, ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди. Ушбу камчиликлар мамлакатимизнинг жадал инновацион ривожланишига, инвестицияларни жалб этишга, иқтисодиётнинг ўсишига ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда. [1]

Глобал даражадаги индустрия кластерларни яратиш йўлидан кетмоқда. Кластер - бу ҳудуднинг ва умуман мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга ёрдам берадиган кенг тан олинган восита. Ривожланган мамлакатлар сингари ривожланаётган мамлакатларда ҳам кластер ташаббусларининг жадал ўсиб бориши уларнинг самарадорлигини ва ҳаётийлигини акс эттиради [2].

Хорижий мамлакатлар тажрибаси мамлакат иқтисодиётининг рақобатдошлигини оширишга ёрдам берадиган кластер сиёсатининг самарадорлигини кўрсатади.

Жаҳон тажрибаси [2, 3] кластерларнинг иқтисодий ривожланишдаги ва ҳудудий ва миллий иқтисодиётларнинг рақобатбардошлигини оширишдаги ролини намойиш қилмоқда. Бу ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш орқали уларнинг молиявий салоҳиятини оширишга ва янги иш ўринларини яратишга ёрдам берадиган, иқтисодиётни ривожлантиришга катта самарали таъсир кўрсатадиган, ўзларининг корхоналар, илмий-тадқиқот ташкилотлари

ва таълим муассасаларининг рақобатбардошлигини оширилишини таъминловчи илмий, таълим ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бирлаштириш имконияти билан боғлиқ. Ушбу самаралар, хусусан:

1) кластер корхоналари учун самараси: меҳнат унумдорлигини ошиши, фойданинг кўпайиши, сотиш бозорларини кенгайиши, инвесторларни жалб қилиниши, кластер ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги ички рақобат туфайли замонавий технологиялар ва инновацияларни жорий қилиниши;

2) давлат ҳокимияти органлари учун самараси: маҳаллий бюджетлар даромадларининг ўсиши, ишсизлик бўйича тўловларнинг қисқариши, инфратузилманинг ривожланиши;

3) ҳудудий иқтисодиёт учун самараси: ялпи ҳудудий маҳсулотнинг, инвестициялар ҳажмининг, юқори технологияли маҳсулотлар экспортининг, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг ўсиши ва бошқалар.

Умуман олганда, ишонч билан айтиш мумкинки, XXI аср инновацион-саноат ва ҳудудий кластерлар фаолиятига асосланган саноат тузилмасининг ривожланиш асридир. Айнан улар жаҳон иқтисодиётининг динамикасини тобора кўпроқ даражада белгилайдилар, анъанавий равишдаги йирик корхоналар ва холдингларга бириктирилган локомотив ролини эгаллайдилар.

Кластерлар замонавий инновацион ривожланиш йўлларини таклиф қилиб, мамлакатларга “хомашё лаънати”дан қутилишга ёрдам беради. Қаерда кластерли ёндошувдан фаол фойдаланилса, у ерда инсонларнинг ташкилий ва истеъмол хатти-ҳаракатлари янги шаклларининг асосли пайдо бўлишига олиб келувчи собиқ саноат жамиятининг ижтимоий тузилмасида позитив ўзгаришлар сезилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида биринчи марта кластернинг шакллари пайдо бўлмоқда, иқтисодиётни кластерли ривожлантиришнинг шарт-шароитлари яратилмоқда:

- кластерларни ривожлантиришни услубий ва ахборот-маслаҳат жиҳатдан қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилмоқда;
- республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳаракатларини зарурий мувофиқлаштириш йўлга қўйилмоқда;
- кластер сиёсатини шакллантиришга тадбирокрлар уюшмалари катта қизиқиш билдирмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудларнинг ижтимоий, иқтисодий, табиий имкониятларидан фойдаланган ҳолда инновацион кластерларнинг шакллантирилиши бизнес учун янги имкониятларни тақдим этади, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳисобига ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини оширишга имкон беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси". ҚҲММБ:06/18/5544/1951-сон, 22.09.2018 й.
2. Доржиева Е.В. Формирование и развитие конкурентоспособных агропромышленных кластеров на мезо-уровне экономики: монография. -

СПб: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2012.-168 с.
3. Заркович А.В., Стрябкова Е.А. Оценка влияния кластеров на инновационное развитие стран и регионов//Креативная экономика. - 2016. - № 11 (83).-с.13-20.
4. Ленчук Е.Б., Власкин Г.А. Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран // Экономический портал [Электронный ресурс].- Режим доступа: http://institutiones.com/.

**Ш.Ш.Файзиева –** ҚарМИИ "Иқтисодиёт" кафедраси доценти,
**М.М.Қулдошева –** ҚарМИИ 1-курс магистранти

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

**Аннотация:** ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда хизмат кўрсатишнинг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлил қилинган ҳамда соҳани тараққий эттиришдаги имкониятлар ёритилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амалда ривожлантириш омиллари бўйича тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** модернизация, бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик, корхона ва микрофирмалар, молиявий ресурслар, молиявий муассасалар, инвойс асосида экспорт шартномаси.

**Аннотация:** в данной статье анализируется развитие предоставления услуг в сфере малого бизнеса и частного предпринимательства, а также описываются возможности для развития отрасли. Также приведены рекомендации по факторам практического развития малого бизнеса и частного предпринимательства.

**Ключевые слова:** экспортный контракт на модернизацию, поддержку бизнеса, частное предпринимательство, предприятия и микрофирмы, финансовые ресурсы, финансовые учреждения, счета-фактуры.

**Abstract**: This article analyzes the development of services in small business and private entrepreneurship and presents opportunities for developing the industry. It also provides recommendations on the factors of practical development of small business and private entrepreneurship.

**Keywords:** export contract on modernization, business support, private entrepreneurship, enterprises and microfirms, financial resources, financial institutions, invoices.

Республикамизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин эгаллаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларни рағбатлантириш ва

қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий тараққиётга эришишнинг янги сифат босқичига ўтиши юзасидан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш бўйича белгиланган устувор йўналишларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчи локомотиви, деб эътироф этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Айниқса. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўсиш тенденциялари, ушбу субектларда бандлик даражасининг ошиши, иқтисодиёт тармоқларидаги улушининг кўпайганлиги ҳамда мамлакатда экспорт ва импортнинг умумий улушидаги ҳиссасининг ошиб бораётганлиги ижобий ўзгаришлардан ҳисобланади. Албатта, ушбу соҳада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, тўсиқ бўлаётган ва ривожланишга халақит бераётган муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, аниқ стратегик қарорлар қабул қилиш зарурият талаб қилмоқда. Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, мазкур йўналишда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш тенденцияларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда соҳани давлат томонидан янада қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар мажмуасини тубдан такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва келгусида рағбатлантириш, аҳоли турмуш тарзи ва даромадларининг ортишига ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни тобора ортаётганлиги сабаб бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбикорликда бандлар сони билан кичик корхоналар ва микрофирмалардаги бандлар сонини таққослайдиган бўлсак, улар ўртасидаги боғлиқликни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлашда Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳам таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиши зарур. Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттиришимиз лозим.”[1] Демак, ушбу фикрлардан келиб чиқан ҳолда сохта тадбиркорлик, рақобатчи обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиноий жавобгарлик бекор қилинади. Шунингдек, божхона қонун ҳужжатларини бузиш жиноятини биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни, жиноий жавобгарликдан озод қилиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

кераклигининг ҳам ушбу маърузада таъкидланганлиги тадбиркорлар учун алоҳида қўллаб-қувватловчи эътибор эканлигини англатади.

Шунингдек, Мурожаатномада тадбиркорларни янада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишдаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Ушбу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микро-молия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилиши айтилди. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўрадиган бўлсак, бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интилади.

Таъкидлаш лозимки, АҚШда кичик бизнес ялпи ички маҳсулотнинг катта қисмини беради, янги иш ўринларининг ярмидан кўпини яратади, асосийси, йилига 350-400 млрд. долларлик маҳсулотни экспорт қилади. Жаҳон саноатининг бошқа бир маркази – Германия-да бу соҳада меҳнатга яроқли аҳолининг 70 фоиздан ортиғи банд. Шу билан бирга, турли фаолиятнинг 90 дан ортиқ хилини қамраб олган ҳунармандчилик кичик корхоналарининг катта миқдори иш олиб боради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида Президентимизнинг жонкуярлик асосидаги қуйидаги фикрларига тўхталишимиз мумкин. “Шу билан бирга, ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли ишлаб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим. Ушбу мақсадлар учун 700 миллион доллар жалб қилинади. Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.”[1]

Хулоса ўрнида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бу - тузилмаларнинг моддий-техник асосини барпо этиш, уларга кўмаклашиш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш, ижтимоий-руҳий жиҳатдан кафолатлаш, суғурта тизими, зарур ахборотлар билан таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятини юксалтириш каби омиллар орқали амалга оширилиши лозим деб ўйлаймиз.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь

**А.Д.Равшанов –** ҚарМИИ доценти, и.ф.н.,
**Ф.Э.Раимов** – ҚарМИИ магистранти

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация**: ушбу мақолада қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларда ўрнини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган.

**Калитли сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, модернизация, диверсификация, инвестицион ва инновацион технологиялар, озиқ-овқат хавфсизлиги, рақобатбардош, рақобатдош, рақобат муҳити, агроинновация, инвестицион лойиҳалар.

**Аннотация**: эта статья поможет развитию сельского хозяйства на инвестиционно-инновационной основе, дальнейшему усилению роли сельскохозяйственной продукции на внутреннем и внешнем рынках.

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, модернизация, диверсификация, инвестиционные и инновационные технологии, продовольственная безопасности, конкурентоспособность, конкуренты, конкурентная среда, агроинновации, инновационные проекты.

**Abstract**: This article will help to develop agriculture on an investment-innovative basis, to further strengthen the role of agricultural products in domestic and foreign markets.

**Keywords:** agriculture, modernization, diversification, investment and innovation technologies, food security, competitive, rival, competitive environment, agro-innovation, investment projects.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида қишлоқ хўжаликларида маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бевосита юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган қувватларни техник янгилаш орқалигина таъминланишини ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишини таьминлаш мақсадида мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853 Фармони қабул қилиниб стратегияни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари белгилаб берилган. Шу жумладан, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш, соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш, қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш, қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот хизматлар тизимини ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришнинг муоммалари ҳозирги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида таъкидлаганидек, “бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агро-логистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирамиз. Чорвачилик, қоракўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади”[1].

Давлатимиз раҳбарининг ушбу кўрсатмаси иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестиция ва инновацияларни кенг кўламда жорий этиш зарурлигини кўрсатади. Шу билан бирга, маърузада ҳозирги кунда жаҳон бозорларида юзага келган беқарорлик мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашда инвестиция ва инновацияларни кенг кўламда жорий этиш устувор вазифалардан бири эканлиги белгилаб берилди.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш, қишлоқ хўжалигида юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш, техника ва технологияларни модернизациялаш ва техник янгилаш, қишлоқ хўжалигида ялпи ички маҳсулотнинг энергия ва материал сиғимини камайтириш муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун албатта, қишлоқ хўжалигида инвестиция ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва ривожлантириш зарур.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда инвестиция ва инновацион фаолликни ошириш, яъни, ишлаб чиқаришга инновацион ёндашув ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарали амалга оширилиши эвазига инновацион фаолликни янада кучайиши кузатилмоқда. Чунки қишлоқ хўжалиги корхоналарида инновацион маҳсулотлар яратиш кўламини кенгайиши ўз навбатида, ишлаб чиқариш жараёнининг янги йўналишларини жорий қилиш, иш ўринларни ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайишига шароит яратади.

Инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ўз навбатида, фан ва таълимнинг ривожланганлик даражаси билан бирга, инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг салмоғига боғлиқ. Буларнинг самараси илмий тадқиқот ва тажриба-синов соҳасида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда улар томонидан амалиётга татбиқ этилаётган янгиликларда намоён бўлади. Маълумки, ишлаб чиқаришни илмий ҳажмдор юқори технологиялар асосида ташкил этиш учун вақт, инвестиция, энергия, ишчи кучи каби ресурслар талаб этилади. Буларнинг орасида энг муҳими ишчи кучининг интеллектуал салоҳияти ва инвестиция ҳисобланади. Янгиликнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши, биринчидан, бозорда янги товар ва хизматларнинг пайдо бўлишига,

[1] Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январ.

иккинчидан, маҳсулотлар таннархининг пасайишига ҳамда рентабеллик даражасининг ортишига хизмат қилади.

Олиб борилган илмий тадқиқот натижаларига кўра мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг улкан имкониятлари мавжуд Шу сабабли мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг қуйидаги амалий таклифлари ишлаб чиқилди:

- маҳсулот етиштириш, харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда экспорт кластерини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалиги кооперация тизимини жорий этиш;
- қишлоқ хўжаликларида селекция ва наслчилик ишларини илмий жиҳатдан асосланган тўғри йўлга қўйиш;
- қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун уларнинг экин майдонларини оптималлаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш;
- суғориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини оширишнинг асосий йўли ҳар бир гектар экин майдонидан интенсивлаш ҳисобига олинадиган ҳосилдорликни ошириш;
- қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш, илғор технологиялар ва нав селекциялаш борасида янги инновацияларни жорий қилиш ва ҳ.к.

**А.Б. Курбонов –** ҚарМИИ, “Иқтисодиёт” кафедраси мудири,
**Ж.А. Абдуллаев –** ҚарМИИ магистранти,
**Ф.И. Гулбоева –** ҚарМИ магистранти

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада кичик бизнеснинг инновацион ғояларни ишлаб чиқишдаги аҳамияти ва янгиланиб келаётган эхтиёжларнинг мослашиш йўналишлари буйича таклифлар келтирилган

**Калит сўзлар:** Тадбиркорлик, кичик бизнес, инновацион иқтисодиёт, коммунтант, фирмалар.

**Аннотация:** В данной статье представлены предложения о важности малого бизнеса в развитии инновационных идей и тенденций в процессе адаптации к новым потребностям.

**Ключевые слова**: предпринимательство, малый бизнес, инновационная экономика, сообщества, фирмы.

**Abstract**: In the article of prediction and development of innovative business and trends in innovation and process adaptation to the process.

**Key words:** Entrepreneurship, small business, innovative economics, communities, firms.

Ривожланган давлатларда кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсати изчил равишда ўтказилади. Бунинг сабаби, кичик бизнеснинг ривожланишида икки жиҳатининг мавжудлигидир. Биринчидан,

кичик бизнеснинг бозор иқтисодиётида бажарадиган иқтисодий ва ижтимоий вазифалари билан боғлиқ бўлиб, бу вазифалар унинг аҳамиятини акс эттиради. Иккинчи жиҳати эса кичик бизнес субъекларига хос бўлган камчиликлар ва муайян давлатда шу камчилликлар туфайли уни ривожланиши суст бораётганлиги билан боғлиқ. Кичик бизнеснинг бу икки томонини очиб бериш мамлакатимизда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш зарурияти тақозо қилади.

Кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамиятини у бажарадиган иқтисодий ва ижтимоий вазифалар тўлиғича кўрсатиб беради. Ушбу вазифаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ- умумий вазифалар бўлиб, улар тадбиркорлик субъектининг очиқдан-очиқ эълон қилинган инновацион мақсадларини акс эттирадиган вазифалардир. Иккинчи гуруҳ-хусусий вазифалардир. Улар вақт ўтиши билан ўзини намоён этиб, инновацион фаолият қатнашчиларининг эълон қилинган мақсадларидан озми-кўпми фарқ қиладилар.

А.Смитнинг таъкидлаши бўйича: “Биз овқатланаётган пайтда қассоб, ошпаз ёки нонвойнинг саҳийлигига ишонмаймиз, биз улар хусусий манфаатларини амалга оширишга ҳаракат қилишларига ишонамиз, улар ўз манфаатларини орқасидан қувиб ва “кўринмас қўл” назорати остида ўзларнинг ҳаёлларига келмаган натижаларга эришадилар”[1].

Бу шуни англатадики, тадбиркор нафақат бойишга қаратилган индивидуал вазифаларни, балки яширин табиатга эга бўлган, ижтимоий характердаги функцияларни ҳам бажаради. Шунингдек, рақобатда узиб кетиш учун мақсадга инновацион ёндашади.

Бу эса бизга тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий вазифалар таркибидаги индивидуал вазифалар билан бирга, ижтимоий табиатга эга бўлган вазифаларни ажратишга имкон беради. Кичик бизнесни иқтисодий эркинликнинг омили сифатидаги асосий вазифаси биринчи ўринга қўйиш лозим. Кичик бизнес иқтисодий соҳада демократик тамойилларнинг кенг ёйилишини таминлайди. Бир томондан, кичик бизнеснинг ривожланиши инсонга ёлланма ишчи ёки мустақил тадбиркор бўлишни танлаш имкониятини беради. Иккинчи томондан, кичик бизнес субъектининг фаолияти йирик корпорациялар фаолиятига нисбатан кўпроқ эркин бозор қонуниятларига бўйсинади. Миллий иқтисодиётни эркинлаштиришда кичик бизнеснинг ушбу вазифаси муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки республикамизнинг асосини ташкил этувчи йирик корхоналарнинг давлатга боғлиқлик даражаси юқори бўлганлиги сабабли уларни бозорнинг эркин субъектлари сифатида кўриш қийин. Кичик бизнеснинг иккинчи вазифаси сифатида унинг яширин, интегратив (иқтисодиётни битта бутунликка боғловчи) вазифасини кўрсатиш лозим [2]. Бу вазифани бажарувчи фирмаларни коммутантлар деб аталиб, яратилган инновацион махсулотини оммалаштиришга хизмат қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида тўловга қобилиятли талабнинг

мавжудлиги автоматик равишда таклифни пайдо қилиши керак. Аммо ҳозирги даврда самарали ишлаб чиқариш унинг танловчанлиги билан белгиланади. Бу эса иқтисодий нуқтаи назардан ҳамма ҳолатларда ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Йирик корхона битта маҳсулотни катта ҳажмда ишлаб чиқарганида юқори самарага эришади ва фойдали бўлмаган товарларни ишлаб чиқаришга қўл урмайди.

Масалан, автомобиллар кўп ҳажмда ишлаб чиқариладиган товарлар бўлиб ҳисобланади. Лекин ўта йирик фирмаларга автомобиль ёқилғисини қуйиш шахобчаларини очиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки трансакцион харажатлар кўпайиб кетиб, кунлик фойда етарли бўлмайди.

Фақат кичик коммутант фирмалар ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга тайёрлар, бошқа компаниялар эса бу борада жуда танловчандирлар. Ўрта корхоналар кичик ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан тавсифланади. Лекин улар махсус ва узоқ муддатли эҳтиёж ташкил топган секторларда ишлаб чиқаришни йўлга қуядилар. Ўрта фирмалар тор соҳада ахборот тўплаб, фаолият юргизишлари зарур.

Бу зиддият ижтимоий эҳтиёжларни доимий излаш билан шуғулланадиган ва бозор талабларига мослаша оладиган коммутант фирмалар орқали ечилади. Шунинг учун ҳам бу фирмалар ўз фаолиятида режалаштиришнинг йўқлиги билан ажралиб туради - улар жуда ихчам ва ҳар қандай ўзгаришларга тайёр бўлиши керак.

Иқтисодиёт учун кичик фирмалар фаолиятининг катта аҳамиятга эга эканлиги уларнинг эгилувчанлиги билан боғлиқ. Кичик бизнеснинг ривожланиш даражаси ҳақида миллий иқтисодиётнинг тез-тез ўзгариб турадиган бозор ҳолатига мослашиш қобилияти орқали хулоса чиқариш мумкин[3].

Кичик бизнеснинг муҳим яширин вазифаларидан бири бозор иқтисодиётида рақобат муҳитини шакллантириш вазифаси бўлиб ҳисобланади. Албатта, кичик фирмаларнинг йирик корпорациялар билан тўқнаш келиши кўп ҳолларда уларнинг мағлубияти билан тугайди. Лекин бутун кичик бизнес сектори ва йирик капитал билан ўзаро муносабатларда кичик фирмалар асосий куч сифатида хизмат қилмоқда.

Етакчи олимлар ва халқаро форум ва ташкилотлар экспертлари, ўсаётган ишсизликни бартараф этишнинг ягона усули-янги корхоналар ва иш жойларини барпо этиш деган хулосага келишган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кичик бизнес аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг (аёллар, инвалидлар, қочоқлар ва бошқалар) меҳнатидан фойдаланади, улар йирик корхоналарда иш топа олмайдилар. Бундан ташқари кичик фирмалар амалий ўқитиш, ёш кадрларни тайёрлашнинг ўзига хос "Полигони" ҳисобланади. Шу билан бирга янгилик яратувчи кадрларни етиштириб беради.

Жахон мамлакатларида аҳолинниг катта қисми кичик бизнес соҳасида фаолият кўрсатади. Жумладан, Хитойда 80%, Японияда 48%, АҚШда 50% аҳоли, Ўзбекитонда эса 78 фоиз аҳоли кичик тадбиркорлик соҳасида банд. Жахон мамлакатларида кичик тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улуши ҳам

юқори даражада, жумладан, Хитойда 60%, Италияда 68%, Германияда 53%, Корияда 48%, АҚШда 50%, Россияда 21% ни, Ўзбекистонда эса 56 фоизни ташкил қилади. Хар бир 1000 аҳолига туғри келадиган тадбиркорлик субъектлари Европа иттифоқида 57 бирликни, АҚШда 90 бирликни, Россияда 27.2 бирликни [4], Ўзбекистонда эса 22 бирликни ташкил қилади. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кичик бизнеснинг улуши юқори даражада. Чунки янгиланиб бораётган эҳтиёжни аниқлаб, уни қондириш учун тезлик билан инновацион ғояларни амалиётга тадбиқ этади. Инновацион махсулотни биринчи ишлаб чиқарган мамлакат иқтисодий ўсади.

Кичик бизнес моддий ресурслардан фойдаланишни ҳам таъминлайди, яъни хом ашёнинг маҳаллий манбалари ва йирик ишлаб чиқариш чиқиндиларидан кенг фойдаланади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кичик бизнеснинг аҳолининг товар ва хизматларга бўлган талабини самарали ва тўлиғича қондириш вазифаси алоҳида аҳамиятга эга.

Жамият эҳтиёжлари, тармоқ, ҳудуд, корхона ва ташкилотлар, ҳар бир индивид эҳтиёжлари шунчалик хилма-хилки, хеч қандай давлат ташкилоти уларни тўлиқ ҳисобга олиб, қондира олмайди. Ундан ташқари улар вақт ўтиши билан кўпаядилар, ва охирги ўн йилликлар тажрибасининг кўрсатишича индивидуаллашмоқдалар. Фақат тадбиркор шу эҳтиёжларни тўлиғича ҳисобга олади ва қондиради.

Хулоса қилиб айтганда кичик фирмаларсиз баъзи бир бозор эҳтиёжларни тўлалиғича қондириб бўлмайди. Бу шундай эҳтиёжларки, уларни қондириш учун катта ҳажмдаги ва ўта юқори фойдали ёки ихтисослашган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лозим, бу талабга жавоб бермайдиган бошқа эҳтиёжлар эса қондирилмай қолади. Шу билан бирга, кичик бизнес ўзининг мижозларини ва дифференциялашган бозорларни яхши билганлиги сабабли бозор афзаликларидан фойдаланади. Бу, аввало, йирик корхоналарни ўзининг кичик ҳажмлари сабабли унчалик ҳам қизиқтирмайдиган бозор сегмент-ларида хизмат қилаётган корхоналарга тегишли. Улар қаторига истеъмол товарларини ишлаб чиқаришнинг катта қисми киради. Кичик бизнес талаб ўзгаришларига жуда сезгир бўлади, мижозларнинг янги ҳамда индивидуал талабларини қондиришга улгуради. Бизнеснинг ривожланиши кўпроқ ҳозирги замон маданиятида содир бўлаётган чуқур ўзгаришлар билан белгиланади. Агар бир нечта ўн йилликлар олдин товарни реализация қилишнинг муваффақиятли бўлиши бозор стандартларига мувофиқ бўлиши билан боғлиқ бўлса, бугунги кунда униг янгилиги, ташқи кўринишининг ўзига хослиги билан белгиланади. Шунга ўхшаш тенденциялар хизмат соҳасига ҳам тааллуқли - талаб сервиснинг сифати ва хилма-хиллигига боғлиқ.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. М., 1962. с. 276.

2. Брициева М. Малое предринимательтво как экономическая категория. // Экономика и общество. 1999, №8

3. И.Э.Турсунов. А.Б.Курбонов. Инновационные подходы развития предпринимательства. International Journal of Innovative Technologies in Economy 2 (5 (17))

4. Владимир Рувинский. Почему малый бизнес не растет .https://www.vedomosti.ru/opinion/articles/2019/05/08/

**Ю.П.Урунбаева –** СамИСИ катта ўқитувчиси,  и.ф.ф.д. (PhD)
**Д.С. Сувонқулов –** СамИСИ талабаси

# МАМЛАКАТ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

**Аннотация:** ушбу мақолада ўзбекистоннинг охирги ўн йилликдаги макроиқтисодий кўрсатгичлари, шунингдек, ялпи ички маҳсулот кўрсатгичлари ва ялпи ички маҳсулотда иқтисодий тармоқларнинг қанча улушга эга еканлиги ҳақида.
**Калит сўзлар:** макроиқтисодий кўрсаткичлар, ялпи ички маҳсулот реал ялпи ички маҳсулот, нарх индекси, соф миллий маҳсулот.
**Аннотация:** в данной статъе опискваются макроэкономические показатели Узбекистана за последнее десятилетие, а также Валовой внутренний продукт и доля отраслей экономики в Валовой внутренний продукт.
**Ключевые слова:** макроэкономические показатели, валовой внутренний продукт, реальный валовой внутренний продукт,индекс цен, чистый националъный продукт.
**Abstract**: this article describes the macroeconomic indicators of uzbekistan over the past decade, as well as the gross domestic product and the share of economic sectors in gross domestic product.
**Keywords:** Macroeconomic indicators, gross domestic product, real gross domestic product, price index, pure national product.

Макроиқтисодиёт мамлакат тармоғи иқтисодиётини, инфляция, ишсизлик, буджет тақчиллиги (дефисити), иқтисодий ўсиш, иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилиши ва шу каби умумий жараёнларни ўрганувчи фан. Макроиқтисодиёт ЯИМ, ЯММ, ялпи талаб, ялпи таклиф, тўлов баланси, пулбозори, товар бозори ва меҳнат бозори каби тушунчалар билан ишлайди. Макроиқтисодиёт — бозор хўжалиги умумий назариясининг бўлими, мамлакат иқтисодиёти, умуман миллий хўжаликка оид катта миқёсдаги иқтисодий ҳодисалар ва жараёнларни ўрганади.

Мамлакатнинг иқтисодиёти ҳолати ва ривожланишини ифодаловчи умумлашган кўрсаткичлар тизими — миллий бойлик, ялпи ички маҳсулот, ялпи миллий маҳсулот, соф миллий маҳсулот, миллий даромад, аҳоли даромадлари, давлат ва хусусий инвестициялар йиғиндиси, муомаладаги жами пул миқдори ва ҳ.к. Жами хўжалик бўйича жамланма, умумлаштирувчи кўрсаткичлар макроиқтисодиёт ўрганадиган объектлар ҳисобланади. Айни пайтда макроиқтисодиёт мамлакат миқёсида ўртача даромадлар, ўртача иш ҳақи, инфляция даражаси, ишсизлик, бандлик, меҳнат унумдорлиги сингари ўртача иқтисодий кўрсаткичларни ҳамда уларга давлатнинг иқтисодий сиёсати кўрсатадиган таъсирини ўрганади ва тадқиқ етади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар, бир томондан, маълум вақт оралиғида ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш ва миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини берса, иккинчи томондан, улар ялпи миллий маҳсулот ҳаракатининг барча

босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва фойдаланиш босқичларида уни кўргазмали шаклда акс эттиришга имкон беради. Шунингдек, ўсишнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари, мамлакат иқтисодиётини тавсифлайдиган кўрсаткичларнинг пасайиши ҳамда ортиши суръатлари ва унда юз бераётган иқтисодий жараёнлар, тузилмавий пропорсиялар ҳам макроиқтисодиёт предмети ҳисобланади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади.

Асосий макроиқтисодий кўрсатгичлардан бири бу - ялпи ички маҳсулотдир. Ялпи ички маҳсулот - бу муайян давр мобайнида (бир йил) ким томонидан яратилишидан қатий назар мамлакат ҳудудида яратилган барча якуний товар ва хизматларнинг бозор қийматидир.

Ялпи ички маҳсулот - бу бирон-бир мамлакат худудида жойлашган ташкилотлар ва корхоналарда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг умумий йиғиндисидан иборат.

Ялпи ички маҳсулот 3 хил усул асосида аниқланади:

1. Ишлаб чиқариш усули-бунда ялпи ички маҳсулот барча қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

$$\text{Yalpi ichki mahsulot} = \sum \mathbf{Q}\,\mathbf{Q}$$

2. Харажатлар усули-бунда якуний истеъмолчиларнинг харажатлари йиғиндиси сифатида аниқланади.

$$\text{Yalpi ichki mahsulot} = \mathrm{C} + \mathrm{I} + \mathrm{G} + \mathrm{X_n}$$

Бу ерда C-шахсий истеъмол харажатлари; I-инвестиция харажатлари яъни хусусий ички инвестиция; G-давлат харажатлари яъни товар ва хизматларнинг давлат хариди; $X_n$-чет элликларнинг харажатлари, яъни соф экспорт;

3. Даромадлар усули-бунда ялпи ички маҳсулот барча якуний истеъмолчиларнинг даромадлари йиғиндиси сифатида аниқланади. Шу билан бирга ялпи ички маҳсулот таркибида бизнесга эгри солиқлар ва амортизация ҳам киритилади.

ЯИМ = амортизация + бизнесга эгри солиқлар + ижара ҳақи + фоиз кўринишидаги даромадлар + ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи + якка тартибдаги қўйилмалардан даромадлар + корпорация фойдасига солиқлар + диведентлар + корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси.

ЯИМни аниқроқ қуйдагича тасаввур этиш мумкин:

- Барча иқтисодий агентларнинг ялпи даромадлари;
- Товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга харажатларнинг умумий ҳажми.

ЯИМ мамлакат иқтисодини аниқлаб бериши мумкин, чунки одамлар кам даромадга қараганда кўпроғини афзал кўрадилар. Шу туфайли, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик юқори бўлса, шахсий ишлаб чиқариш ва давлат эҳтиёжларини қондириш даражаси шунчалик юқори

бўлади. ЯИМ бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодиётдаги даромадни, ҳам ишлаб чиқаришга харажатлар ҳажмини ўлчайди, чунки бу икки кўрсатгич охир-оқибат бир хил миқдорни ифодалайди.

Макроиқтисодий миқдор кўрсатгичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни миллий ҳисоблар тизими орқали қуйдагича ифодалаш мумкин:

1. ЯИМ = Барча тармоқларнинг ялпи ишлаб чиқариш – оралиқ истеъмол.
2. Ялпи ички маҳсулот – амортизация = соф ички маҳсулот.
3. Соф ички маҳсулот–безнесдаги эгри солиқлар = миллий даромадлар.
4. Миллий даромад – ижтимоий суғуртага бадаллар–корпорация фойдасига солиқлар – корпорацияни тақсимланмаган фойдаси + трансферт тўловлари = шахсий даромад.
5. Реал ЯИМ – бу ЯИМнинг базис даврдаги нархларда ифодаланган кўрсатгичидир.
6. Шахсий даромад – якка тартибдаги солиқлар = Ихтиёрдаги даромад.

Номинал ЯИМнинг реал ЯИМга бўлган муносабати ЯИМ дефлятори деб номланади:

$$\text{YaIM narx indeksi} = \frac{\text{Nominal YaIM}}{\text{Real YaIM}}$$

ЯИМни Нарх индексига бўлган муносабатини 100% га кўпайтмаси Реал ЯИМ ҳисобланади.

$$\text{Real YaIM} = \frac{\text{YaIM}}{\text{Narx indeksi}} * 100\%$$

Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсатгичларидан бири бу-ЯИМ миқдори ҳисобланади. 2018-йил ҳисоби бўйича ЯИМ 50.5 млрддоллир, ўтган йилга нисбатан 3.42% га ошган. ЯИМни паретит қуватти 276.79 млрд доллир, ўтган йилга нисбатан 18.7% га ошган. Ялпи ички маҳсулот ошгани билан биргаликда аҳоли сони ҳам 32.95 млн.ни ташкил этади. Аҳоли сони ҳам 1.7% га ошган яъни 56минг киши ҳисобланади. Аҳоли жон бошига нисбатан ҳам улуши 1.66% га яъни 25 доллирга кўпайган. Ўзбекистоннинг ЯИМ 1992-йилдан 1999-йилгача ўсиш суръатида бўлган, 2000-йилдан 2003-йилгача пасайиб борган, 2004-йилдан 2010-йилгача жуда катта тезликда ўсган, 2011-йилдан ҳозиргача ўртача тезликда ўсмоқда (1-жадвал). Кўпгина микро кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб ва улар иқтисодиётининг ривожланиш мойиллари аниқласа, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали чин иқтисодиётни ҳолати унинг ўсиши ёки орқага кетиши ҳисоб қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Бу тизимга кирувчи турли хил кўрсаткичлар биринчидан, бизга маълум вақт оралиғидаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш ва миллий иқтисодиётнинг юритишга бевосита таъсир қилувчи омилларни пайқаш имконини беради (2-жадвал).



1-жадвал.Ўзбекистоннинг 10-йиллик ЯИМ миқдори ва аҳолининг улуши[1]

| 2017-йилнинг январ-декабр ойлари | | |
|---|---|---|
| Иқтисодий тармоқлар | Млрд.сўм | 2016 йилнинг январ-декабр ойларига нисбатан фоизда |
| Ялпи ички маҳсулот | 249 136,40 | 105,3 |
| Саноат маҳсулоти | 144 185,30 | 107 |
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 69 504,20 | 102 |
| Асосий капиталга киритилган инвестисиялар | 60 719,20 | 107,1 |
| Қурилиш ишлари | 34 060,80 | 105,6 |
| Юк айланмаси, млрд.тн.км | 66,9 | 102,5 |
| Йўловчи айланмаси, млрд.йўловчи-км | 129,5 | 103,3 |
| Чакана товар айланмаси | 105 767,80 | 102,4 |
| Хизматлар, жами | 116 795,70 | 108,9 |
| Ташқи савдо айланмаси млн. АҚШ доллари | 26 962,10 | 111,3 |
| Експорт млн. АҚШ доллари | 13 953,80 | 115,4 |

2-жадвал. Ўзбекистонниг 2017-йилдаги иқтисодий тармоқлардан олган даромадлари[2].

Иккинчидан, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, ЯИМни унинг ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта

[1]https://knoema.ru/atlas/Ўзбекистана
[2]https://stat.uz/makroiqtisodiyko’rsatgichlar

тақсимлаш ва натижада фойдаланиш босқичларида кўргазмали шаклда акс эттиришга имкон беради. Ниҳоят мазкур кўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва уларни фойдаланишига мос келиши (тенглига) кузатилганда, мамлакатдаги умумий иқтисодий мувозанатлик ҳолатини акс эттиради. Бутун миллий иқтисодиётининг ҳолатини характерловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар — ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), ички миллий маҳсулот (ИММ), соф миллий маҳсулот (СММ), миллий даромад (МД), ишчи кучи бандлиги ишсизлик, инфлация ва бошқалар ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжаликлар иқтисодий фаолиятнинг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади. Фараз қилайлик ишлаб чиқаришимизга қўшимча маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошладик, бунда бизнинг ҳам харажатларимиз, ҳам даромадимиз ошади. Қўшимча ишлаб чиқараётган маҳсулотимизга қўшимча ишчи ёлласак бунда ишчилар қиймати ортади, мабодо ишчи олмасакда ишлаб чиқаришимизни йўлга қўя олсак фойда кўпаяди. Бу миқдорларнинг барчаси мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотига таъсир қилади. Шу билан биргаликда фақатгина ишлаб чиқариш эмас хизмат кўрсатиш ҳам шулар жумласига киради. Аммо бизда бир нол томони мавжуд. Корхона ишлаб чиқаришни бошлади ва маълум вақтдан сўнг қўшимча ишлаб чиқаришни йўлга қўйди, аммо қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотни харидори кам бўлиб сотаолмади. Бу ЯИМга қандай таъсирга эга? Бу операцияда маҳсулотни заҳирага олиб қўйилганда, ишлаб чиқарилган маҳсулотга кетган харажатлар ошади, даромад эса камаяди. Умумий қоида шундан иборатки, фирма товарлар заҳираларини кўпайтирганда, заҳираларга инвестициялар ҳажми ҳам харажатлар таркибига, ҳам даромадлар таркибига киритилади. Давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳам худди шундай тарзда баҳоланади. Бу хизматларнинг қиймат баҳосини бериш қийин, чунки улар бозорда сотилмайди ва бозор нархига эга эмас. ЯИМ таркибида бу хизматлар уларни кўрсатишга кетадиган сарфларга мувофиқ ҳисобга олинади. Шартли ўтказилган қийматни ҳисоблаш услубияти мукаммал бўлмаганлиги ва кўплаб товарлар ҳамда хизматларнинг қиймати ЯИМга киритилмаганлиги сабабли, ЯИМ иқтисодий фаолият натижаларнинг идеал кўрсаткичи ҳисобланмайди.

Фойдаланилган адабиётлар


1. https://knoema.ru/atlas/Ўзбекистана
2. https://stat.uz/makroiqtisodiyko‘rsatgichlar
3. https://mf.uz/makroiqtisodiy ko‘rsatgichlar yillar bo‘yicha prognoz

**Н.М.Джалилова –** ҚарМИИ, “Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси,
**М.Ҳ. Ашуров–** ҚарМИИ 3-курс талабаси

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** мақолада қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ҳамда мазкур соҳа ривожида инновацияларнинг жорий қилиниши ҳамда давлат томонидан қўллаб - қувватланиши тўғрисида фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** фаол тадбиркорлик, бизнес, кичик инновацион тадбиркорлик, инновация, қишлоқ хўжалиги, технология.

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы развития предпринимательской деятельности в сельском хозяйстве, важность развития экономики страны и внедрения инноваций и государственной поддержки развития этого сектора.

**Ключевые слова:** активное предпринимательство, бизнес, малое инновационное предпринимательство, инновация, сельское хозяйство, технология.

**Abstract**: The article discusses the development of entrepreneurship in agriculture, the importance of developing the country's economy and introducing innovations and state support for the development of this sector.

**Keywords:** active entrepreneurship, business, small innovative entrepreneurship, innovation, agriculture, technology.

“Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир. Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз.”[1]

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигида фаол тадбиркорлик билан шуғулланадиган тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни олиб келиш ва жорий этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун тадбиркорлик фаолияти билан илмий-тадқиқот, инновацион фаолият ривожланишининг узвийлигини таъминлаш лозим. Кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш омилларидан биридир. Хусусан, жаҳон амалиёти инновацион жараённинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва мамлакатнинг халқаро бозорда мавқеини мустаҳкамлашдаги ҳал қилувчи ролини тасдиқлайди.

Ривожланган мамлакатларда ҳозирги вақтда бешинчи даражадан олтинчи технологик тартибга ўтиш асосида инновацион ривожланиш модели шаклланмоқда, бу уларга мамлакатларнинг халқаро рақобатбардошлилиги рейтингида етакчи ўринларни тақдим этади. Ривожланган мамлакатларда инновацион жараённинг асосий моторлари йирик корпорациялардир ва И.

Шумпетернинг сўзларига кўра, кенг кўламли ишлаб чиқариш технологик тараққиётнинг энг кучли моторига айланди. Лекин шу билан бирга, кичик бизнес янги маҳсулотлар ва технологияларни яратишда ҳам муҳим рол ўйнайди. Маълумотларга кўра, барча янги ишланмаларнинг 10-20 фоизи кичик бизнес ҳиссасига тўғри келади. Кичик фирмаларнинг илмий техник-тадқиқот ишлари учун умумий харажатлардаги улуши Ирландияда - 48,6%, Грецияда - 29,4%, Янги Зеландияда - 21,3%, Данияда - 10,2% ни ташкил этади.

Хусусан, мамлакатимизда кичик инновацион тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш иқтисодий ўсишга, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиши ва бандлигининг кўпайилишига, реал даромад ошишига олиб келади. Кичик инновацион тадбиркорликни (КИТ) шаклланиши ва ривожланишининг шартлари қуйидаги ижтимоий-иқтисодий омиллардир:

- кичик бизнеснинг инновационлиги, бу унинг мослашувчанлиги, янгиликларга юқори сезгирлиги ва ўзгарувчан бозор шароитларига мослашиши билан изоҳланади;
- бюрократиянинг юқори даражаси, асосан инновацияларни рағбатлантиришнинг вертикал усулидан фойдаланиш, нархларнинг ошиши ва бошқалар туфайли йирик корпорацияларнинг инновацияларни ривожлантириш ва ривожлантиришдаги чеклашлари;
- кичик бизнес самарали фаолият кўрсатиши мумкин бўлган иқтисодиётнинг янги илмий талабчан тармоқларининг пайдо бўлиши;
- инновацион маҳсулотларга истеъмол талабини индивидуаллаштириш;
- кичик инновацион тадбиркорликни ҳар томонлама давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Кичик инновацион корхоналар (КИТ) асосан йирик корхоналар истиқболсиз ёки юқори таваккалчилик деб ҳисобланадиган соҳаларда инновацияларни ривожлантириш ва ривожлантириш билан шуғулланади. КИТ-лар йирик компанияларга нисбатан бир қатор афзаллик ва камчиликларга эга, хусусан, КИТ инновацион жараённинг баъзи функцияларини илмий-тадқиқот ишлари учун камроқ харажатлар ва юқори самарадорлик билан бажаради. АҚШ тажрибаси шуни кўрсатадики, КИТда илмий-тадқиқот ишларининг иқтисодий самарадорлиги йирик корпорацияларга қараганда 4 баравар юқори. Бундан ташқари, КИТ лар инновацияларни йирик корпорацияларга қараганда 1 йил тезроқ киритадилар, шу билан бирга 75% га кам харажат қиладилар. Умуман олганда, ривожланган мамлакатларда кичик ва йирик бизнес инновацион фаолиятни амалга оширишда бир-бирини самарали тўлдирадиган саноат кооперацияси механизмлари орқали фаол ўзаро таъсир қилади.

Инновация барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ривожланиши учун объектив заруриятдир. КИТда тадқиқотлар ва ишланмаларнинг асосий мақсадлари:

- ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш;
- маҳсулотлар сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш;

- жаҳон бозорида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришнинг экологик хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

**Кичик инновацион корхоналарнинг афзалликлари ва камчиликлари**

| **Афзалликлари** | **Камчиликлари** |
|---|---|
| Янгиликка юқори сезувчанлик;<br>Инновацияларни жорий қилиш учун юқори мотивация;<br>Тезкор бошқарув қарорларини қабул қилиш;<br>Ташкилотда бюрократик процедураларнинг йўқлиги;<br>Ишлаб чиқариш фаолиятининг тор ихтисослашуви | Ўз манбаларининг чекланганлиги;<br>Ташқи молиялаштириш имкониятларининг чекланганлиги;<br>Менежмент касбий даражасининг пастлиги;<br>Ходимлар малакасининг етарли эмаслиги;<br>Меҳнат тақсимотининг аҳамиятсиз даражасида эканлиги. |

Жадвалда ифодаланган кичик инновацион корхоналарнинг камчиликларини келтириб чиқарувчи, яъни қишлоқ хўжалигида кичик бизнеснинг инновацион ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни таҳлил қилиб чиқиш керак ва бу омилларни ташқи ва ичкига фарқлаб амалга ошириш мумкин.

Кичик бизнеснинг самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатадиган ташқи омиллар:
- саноатнинг ихтисослашуви ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жойлашувини аниқлайдиган табиий омиллар (тупроқ сифати, музлатиш даврининг давомийлиги, сувнинг мавжудлиги, ҳududнинг топографик ҳолати ва бошқалар);
- ижтимоий-маданий омиллар - тадбиркорликни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини ва ишбилармонлик этикасини аниқлашга, эҳтиёжнинг хусусиятларини шакллантиришга таъсир қилади (ахлоқий меъёрлар, қишлоқ аҳолисининг билим даражаси ва бошқалар);
- демографик омиллар (аҳоли, жинс ва ёш гуруҳлари);
- технологик омиллар (фан ва техниканинг ривожланиш даражаси, янги технологияларнинг мавжудлиги ва уларни қўллаш);
- иқтисодий омиллар (солиқ сиёсати, бозор рақобати даражаси, даромад даражаси ва бошқалар);
- ҳуқуқий омиллар (тадбиркорликни қонуний ҳимоя қилиш, давлат томонидан тартибга солувчи аралашувнинг моҳияти);
- сиёсий омиллар (жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар табиати, бошқарув усуллари, сиёсий институтларнинг барқарорлиги);
- институционал омиллар (банк тизимини ривожлантириш, суғуртани ривожлантириш, алоқа ва ахборот таъминотини ривожлантириш).

Ички омилларга қуйидагилар киради:
- мулкий муносабатларни ривожлантириш (мулк ҳуқуқини аниқлашнинг аниқлиги, мулкчилик шаклларининг ривожланиши ва бошқалар);

- иш хужайраларининг ички ташкилий хусусиятлари (ташкилот миқёси, айниқса иэрархик тузилма ва бошқалар).

Кичик бизнеснинг ривожланиши ва шаклланиши жараёнида ҳар қандай омилнинг самарадорлиги ўзгариши мумкин. Баъзи омиллар ўз ролларини йўқотиши мумкин ёки янги, илгари мавжуд бўлмаган омиллар таъсир қила бошлайди.

Кичик бизнесга сезиларли таъсир кўрсатадиган ички ва ташқи омилларни таҳлил қилар эканмиз, биз тадбиркорлар дуч келадиган асосий муаммоларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин: ноқулай об-ҳаво шароити; тупроқнинг емирилиши ва экин майдонларининг камайиши; қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларининг эскириши; кам иш ҳақи ва жавобгарлик; юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги; қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳалақит берадиган инфратузилманинг суст ривожланганлиги; савдо каналларининг йўқлиги; ахборотнинг суст таъминланиши; хорижий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг юқори рақобати; молиявий ресурсларнинг етишмаслиги; кредитлар бўйича юқори фоиз ставкалари; ташқи ва ички бозорларда талабнинг етарли эмаслиги; давлатнинг суст қўллаб-қувватлаши ва бошқалар.

Юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалигида кичик бизнеснинг самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган бир қатор чора-тадбирларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигидаги кичик бизнес субъектлари учун солиқ ва солиққа тортишнинг мақбул тизимини яратиш;

- озиқ-овқат бозорида бозор инфратузилмасини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалиги кооперацияси ва агросаноат бирлашмасини фаол ривожлантириш;

- инвестиция базасини кенгайтириш кичик бизнес ўзининг инновацион шаклланиш босқичида қўшимча молиявий ва моддий ресурсларни жалб қилмасдан амалга ошира олмайди;

- тадбиркорлик таваккалчилигини самарали бошқариш чораларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш;

- кичик бизнесни ривожлантириш учун давлат ва коммунал мулкдан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш;

- фаол монополияга қарши сиёсат ва кичик корхоналарга нисбатан адолатсиз рақобатни бостириш;

- қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни оптималлаштириш ва бошқалар.

Қишлоқ жойларида кичик бизнеснинг инновацион ривожланишини секинлаштирадиган асосий муаммо бу шаҳар ривожланишига нисбатан тармоқ ривожланишидаги сезиларли кечикишдир. Қишлоқ жойларда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар

мажмуаси ижтимоий инфратузилма ва хизматларни ривожлантириш ва сақлашга устувор аҳамият бериб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини қўллаб-қувватлашни ўз ичига олиши керак. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий муаммоларидан бири саноатнинг аҳамиятини нотўғри баҳолашдир.

Кичик агробизнеснинг ижтимоий шароитларини яхшилаш учун биз қуйидагиларни таклиф қилишимиз мумкин:

- ёш мутахассисларни уй-жой билан таъминлаш учун маблағлардан мақсадли фойдаланиш;
- қишлоқ жойларида кичик бизнесни инновацион юритиш учун ёш мутахассисларни жалб этишни кучайтириш;
- ижтимоий соҳа объектлари бўлган корхоналар маҳсулот сотиш, кредит бериш бўйича кафолатлар, имтиёзлар бериш ва уларга рағбатлантириш чораларини кўриш;
- қишлоқ ёшларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёш мутахассисларни ижтимоий ишларга жалб қилиш ва бошқалар.

Ҳозирги вақтда давлат ўз навбатида кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш сиёсатини қуйидаги йўналишларда амалга оширмоқда:

- устувор фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорларга солиқ имтиёзлари ва рағбатлантиришлар яратилди;
- тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлаш ва суғурта қилиш;
- молиявий ёрдам бериш;
- кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурларини молиялаштириш ва бошқалар.

Кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва агробизнеснинг янада самарали ишлаши учун унинг фаолиятини тартибга солувчи ва барча хусусиятларни ҳисобга оладиган қонунчилик ва меъёрий базани янада ривожлантириш зарур. Барча хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга чиқиши учун тенг шароитларни таъминлаш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва кичик инновацион тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикасида инновацион тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган давлат қонун ижодкорлигининг асосий таркибий қисмига айланиши керак.

**Н.Муродова –** ҚарМИИ катта ўқитувчиси

# “ҚАРШИ-ЁҒ ЭКСТРАКЦИЯ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯЛАРНИ БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИ

**Аннотация:** ушбу мақолада Қашқадарё вилояти “Қарши-ёғ экстракция” АЖда замонавий инновацияларни бошқариш стратегияси бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** инновацион менежмент, стратегик режалаштириш, инновацион инвестициялаштириш, иммитация, инновацион стратегия

**Аннотация:**. в данной статье разрабатываются предложения и рекомендации по стратегии современного инновационного менеджмента в АО «Карши ёғ-экстракция» Кашкадарьинской области.

**Ключевые слова:** инновационный менеджмент, стратегическое планирование, инновационные инвестиции, имитация, инновационная стратегия

**Abstract**: This article elaborates suggestions and recommendations on the strategy of modern innovation management in JSC "Karshi-oil extraction" of Kashkadarya region.

**Keywords:** innovative management, strategic planning, innovative investment, imitation, innovation strategy.

Ҳозирги даврда республикамизда саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида инновацион товарларнинг салмоғи паст бўлиб, 18-20 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда, инновацион маҳсулотлар салмоғини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ошириш, маҳсулотларнинг энергия сиғимини камайтириш йўли билан саноат товарларининг рақобатбардошлигини таъминлаш зарур.

Инновация муносабатларини такомиллаштириш учун инновацион фаолият билан боғлиқ бўлган илмий изланиш жараёни даражаларидан келиб чиққан ҳолда субъектлар ўртасида инновацион муносабатларни ташкил этиш даражасига, инновацион илмий-тадқиқот ва амалий ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот билан инновацион субъектларни таъминлашга ва юқори интеллектуал даражага эга бўлган мутахассисларни жалб этишга, инновацион ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлашга, инновация ишларини олиб борувчилар фаолиятларининг самарали бўлишини таъминлаш учун ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга эътиборни кучайтириш зарур.

“Қарши-ёғ экстракция” акциядорлик жамиятида инновацион фаолияти-нинг самарадорлиги ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ёки янги йўналишда ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб унинг йўналишини аниқлаш учун қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

-ташкил этилаётган ишнинг янгилик даражасига;

-янги ишлаб чиқариш йўналишидаги товар ишлаб чиқаришнинг йўқлигига, унинг истеъмол бозорининг мавжудлигига;

- шу йўналиш бўйича янги инновацион маҳсулотларни ёки хизмат турларини инвестнциялаштиришнинг зарурлигига;

-инновацион инвестициялаштириш муносабатларини шакллантириш учун зарур бўлган муҳитнинг мавжудлигига;

- инновацион инвестициялаштириш фаолиятини олиб бориш учун зарур бўлган малакали ходимлар ва мутахассислар билан таъминланиш даражасига.

“Қарши-ёғ экстракция” акциядорлик жамиятида инновация фаолиятини амалга ошириш учун танланган йўналишлардан ташқари инновацион стратегияни ишлаб чиқиш ҳам мухим саналади.

Стратегик режалаштириш кўпгина тадқиқот ишларини олиб бориш, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида бозорни доимо назорат қилишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки хозирги пайтда, ўзгаришлар шиддат билан ўсиб бормоқда. Шу билан бирга стратегия шундай ишлаб чиқилиши лозимки, натижада уни бошқаси билан алмаштириш имкони бўлиши керак.

Стратегияни ишлаб чиқиш ташкилотнинг умумий мақсадини аниқлаш билан бошланади. Мақсадни аниқлашда фирма ёки корхонанинг ташқи муҳит, бозор, истеъмолчи билан алоқасини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

**жадвал**

**Ташкилотнинг инновацион стратегиялари турли хил босқичлардаги барқарор кўрсаткичлари**

| **Стратегияни таркиб топиши** | **Барқарорлик тури** | **Барқарорлик кўрсаткичлари** |
|---|---|---|
| Инвестицион дастурнинг таркиб топиши | Молиявий | Молиялаштирувчи томонларнинг ликвидлик ҳамда молиявий иқтисодий коэффициентлари |
| Ташкилот ривожланишининг имкониятларини хисоблаш | Статистик - иқтисодий | Альтман, Бивер ва Таффлерларнинг молиявий ва ижтимоий бошқарув ҳамда барқарорлик интеграл кўрсаткичлари |
| Реализация учун инновацион лойихаларни танлаш | Динамик-иқтисодий | Иқтисодий ўсишнинг ҳамда рақобатбардошликнинг хусусий ва интеграл кўрсаткичлари |
| Инновацион стратегияни турини танлаш | Структурали | Ташкилотнинг структурасини ифода этувчи ва унга таъсир этувчи когнитив хариталарнинг хусусий матрицаларининг аҳамияти |

Инновацион менежмент стратегиясини танлаш маҳсулот ҳаётий циклини аниқлашнинг асосини ташкил этади ва у фирма бозор позициясига ҳамда илмий-техника сиёсатига боғлиқ бўлади.

“Қарши-ёғ экстракция” акциядорлик жамиятида инновация стратегияларни танлашда қуйидаги усуллардан бирини танлаши мумкин:

1. Ҳужумкор-бу тадбиркорлик рақобати принципига амал қиладиган фирма фаолиятига оид стратегия ҳисобланади. У кичик инновация фирмалари учун хос бўлган хусусиятдир.

2. Мудофаа-мавжуд бозорларда фирманинг рақобат позициясини ушлаб туришга қаратилган. Бундай стратегиянинг бош вазифаси “харажат-натижа” нисбатларини фаоллаштириш ҳисобланади. Бундай стратегия илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини олиб боришни тақозо этади.

3. Иммитация (ўхшаш) - бу стратегия технологик ва бозор позицияси кучли бўлган фирмалар томонидан қўлланилади, у ёки бу янгиликлар бўйича пионер бўлмаган корхоналар томонидан бу стратегия қўлланилади. Бунда етакчи фирмалар ёки майда инновация фирмалари томонидан бозорга олиб чиқилган янгиликларнинг асосий истеъмол хусусияти қабул қилинади.

Модернизация шароитида инновацион стратегияни ишлаб чиқиш бошқарувнинг стандарт босқичларидан ташқари ўз ичига янги вужудга келиши мумкин бўлган хатарли факторларга қарши барқарор ишлайдиган анализ вариантлари бўлиши лозим. Қуйидаги жадвалда барқарор инновацион стратегияни ташкил этувчи хусусий ва интеграл кўрсаткичлари ифода этилган.

Фикримизча, “Қарши-ёғ экстракция” акциядорлик жамиятида инновацион стратегия усулини танлашда корхона томонидан ишлаб чиқилаётган маҳсулотларнинг ассортиментини эътиборга олиш лозим. Бунда бозорда кам сотилаётган кичик ҳажмдаги товарлар учун ҳужум стратегиясини танлаш зарур. Харажатлари ортиб бораётган ва ишлаб чиқариш таннархи ошган маҳсулотлар учун мудофаа стратегиясини ҳамда янги инновацион маҳсулотлар учун иммитация стратегиясини танлаш зарур.

**Д.Б.Тайлакова –** ҚарМИИ “Иқтисодиёт” кафедраси ассистенти

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

**Аннотация:** ушбу мақолада Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш омиллари очиб берилган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш, молиявий хизматлар, савдо хизматлари, таълим соҳасидаги хизматлари, ижара хизматлари, шахсий хизматлари.

**Аннотация:** В данной статье расматривается ускоренное развитие сферы услуг в Кашкадарьинской области и конкурентоспособности национальной экономики.

**Ключевые слова:** сфера услуг, финансовые услуги, торговые услуги, образовательные услуги, услуги аренды, персональные услуги.

**Abstract**: The accelerated development of the service sector in Kashkadarya region, of the national economy.

**Keywords:** service sector, financial services, trade services, education services, rental services, personal services.

Қашқадарё вилояти мамлакатимиздаги иқтисодиёти ривожланаётган тармоқларидан биридир. Вилоятимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида, аҳолининг хизматлари бугунги кунда ўсиб бораётган эҳтиёжининг таъминланишини янада яхшиланишига, турмуш даражасининг ҳамда даромадларнинг ошишига олиб келмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий шарти ва омилидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиш ва вазифаларини, шу жумладан:

- хизматларни ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг иқтисодиётдаги улушини 48,7 фоизга етказиш;
- 2020 йилга келиб, қишлоқ жойларида хизматларнинг 1,8 баробар ўсиши;
- сервис соҳасида жадал ривожланиш учун шарт-шароитларни яратиш, муҳандислик, коммуникация, автомобиль ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- турли хил инновацион хизматларни, янги алоқа объектларини кенгайтириш;
- аҳолининг телекоммуникация тармоғига техник имкониятларини таъминлаш, уларнинг асосида юқори сифатли хизматлар кўрсатиш, рақамли телефон алоқа ва телевидение тизимларига ўтишни таъминлаш, республика иқтисодиётида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг улушини 2020 йилгача 2,5 фоизга ошириш;
- замонавий электрон тўлов технологияларини жорий этиш билан молиявий хизматларни ривожлантириш;
- юқори технологияли тиббий хизматларни янада ривожлантириш[1].

Қашқадарё вилоятида хизматлар соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, турли хилдаги янги хизмат турлари ривожлантирилиб келинмоқда, 2019 йил 1-июнь ҳолатига кўра хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби (1-расм) % .

Ахборот ва алоқа хизматлари соҳасида хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларининг улуши 2,0 % ни ташкил этди. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январ-май ойларида кўрсатилган бозор хизматлари хажми 3078,8 млрд. сўмга тенг бўлди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 109,7 % ни ташкил этди. Кўрсатилган бозор хизматларининг таркибида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимлаганда савдо хизматларига 31,5 %, транспорт хизматларига 22,3 %, молиявий




**1 – расм. Қашқадарё вилоятида хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби,%** [2].

хизматларга 14,8 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларига 5,5 % юқори улушлар кетма – кетлиги кузатилди.

Қашқадарё вилоятида аҳолига кўрсатилаётган хизматлар асосан молиявий хизматлар, савдо хизматлари, таълим соҳасидаги хизматлари, ижара хизматлари, шахсий хизматлари ва бошқа хизматларига тўғри келади, 2019 йил январь-май ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган хизматларнинг асосий кўрсаткичларига кўра, жами хизматлар 3078,8 млрд сўм, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 109,7 фоизни ташкил этган.

Хизмат кўрсатиш сифатини ва хизмат даражасини оширишнинг барқарор тенденцияси, нафақат ўсиш суръатлари, балки мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида тармоқлари устувор ривожланишида ҳам намоён бўлмоқда, шу жумладан:

- хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муҳим хизматлар тиббий хизматлар ҳисобланади;
- кўриб чиқилаётган даврда нодавлат хизматларнинг улуши сезиларли даражада ошди [3].

Тадбиркорлик фаолиятида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда, албатта, унинг ҳақиқий ривожланганлик ҳолати, олдинги йилларга нисбатан ривожланиш тенденцияси ва таъминланганлик даражаси тўғрисидаги батафсил маълумотга эга бўлиш лозим.

Бизнинг фикримизча, тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантириш концепциясида асосий эътибор биринчи навбатда иқтисодий салоҳиятга эга фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатиш субъектларини қўллаб - қувватлаш, тармоқ ва ҳудуд учун зарур, аммо паст рентабелли соҳаларнинг ривожи учун қулай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий - иқтисодий сиёсати йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбатлантириш, ҳудудий аҳамиятга эга тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатиш маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга солиқ

имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни суғурталаш тизимини кенгайтириш ва молиявий имкониятлари чегараланган кичик тадбиркорлик корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

Тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатиш ривожлантиришнинг долзарб масалаларини кўрсатиб ўтилган барча даражаларда, ўз вақтида ва мувоффақиятли ҳал этилиши мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини янада оширади, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштиради.

Тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатиш фаолияти бугунги кунда йирик макроиқтисодий аҳамиятга эга ва унинг ҳолати талаб ва таклиф нисбатида аҳоли моддий истеъмоли даражасида, даромад ва ҳаражатларида, иқтисодиётнинг таркибий тузилишида ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам бу соҳада унинг салоҳиятидан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш долзарб муаммолардан бири бўлиб бормоқда. Тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатишнинг яқин ва узоқ келажакдаги ривожланиши унинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маҳсулотни ишлаб чиқаришдан истеъмолчигача етказишда зарур бўладиган барча жараёнларда унинг салоҳияти ва имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли “2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги қарори.
2. Қашқадарё вилояти Статистика бошқармасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
3. Казаков С.П. Тенденции развития сферы услуг в инновационной постиндустриальной экономике // Механизация строительства.2012.№ 6.с.14-18.



**А.И.Рахматуллаев –** ҚарМИИ, “Иқтисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент,

**И.Д. Йўлдошев –** ҚарМИИ 1-курс магистранти


## РАҚОБАТ – ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ


**Аннотация:** мақолада рақобатнинг табиати, иқтисодий моҳити ва унинг мамлакат ижтиомий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим омили эканлигидан келиб чиққан ҳолда, истиқболда рақобатбардошликни ошириш йўллари келтирилган.



**Калитли сўзлар:** товар, капитал, глобаллашув, инвестиция, экспорт модернизация, диверсификация.

**Аннотация:** в статье описывается характер конкуренции, ее экономический контекст и способы повышения конкурентоспособности в будущем, поскольку она является важным фактором обеспечения социально-экономической безопасности страны.

**Ключевые слова:** товар, капитал, глобаллизация, инвестиция, экспорт, модернизация, диверсификация.

**Abstract**: The article describes the nature of competition, its economic context and ways to improve competitiveness in the future, since it is an important factor in ensuring the country's social and economic security.

**Keywords:** product, capital, globalization, investment, export, modernization, diversification.

Ракобат-товар ишлаб чикариш ва бозор иктисодиётининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Бозор бор экан, унда рақобат ҳам мавжуддир. Рақобат бўлмаса, иқтисодиёт ҳам ривожланмайди. Рақобат кишилик жамиятининг барча жабҳаларига хос. Рақобат қайси жабҳаларда олиб борилишидан қатьий назар, унинг марказида инсон манфаатлари туради. Инсон табиатан ўзини, ўз манфаатларини ўйлайдиган қилиб яратилган. Ҳар бир инсон ўз имкониятларини намоён қилиш, фаровон ҳаёт кечириш, кишилар ўртасида обрў-эътибор қозониш (кабилар) учун ҳаракат қилади. Кишилик жамияти ҳаётининг асосини иқтисодий фаолият ташкил этар экан, демак жамият ҳаётида иқтисодий соҳалардаги рақобат асосий рол ўйнайди.

"Ракобатсиз бозор иқтисодиётини бўлиши мумкин эмас ва бундай иктисодиёт мавжуд бўла олмайди ҳам".[1]

Дунё миқёсида кундан кунга ривожланиб бораётган рақобат туфайли ҳар бир мамлакат олдида ўз иқтисодиёитнинг барқарорлигини таъминлаш, уни диверсификацсия қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш мамлакат иқтисодиётини унинг таҳдидларидан ҳимоя қилувчи муҳим вазифа туради. Чунки, мамлакатда рақобатга кенг йўл очиб берилмаса у мамлакатнинг иқтисодиёти таназзулга учраши муқаррар.

Бу борада Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида таъкидлаганларидек, ... “Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда.

Биз келгуси йил учун амалий режалар тузар эканмиз, халқаро майдондаги ана шундай мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда, тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олишимиз зарур.[1]

Ўзбекистонда қабул қилинган ислоҳот ва модернизация моделини

[1] Портер Е., Майкл Э. Конкуренция.-М.: Вильямс, 2003, 28-бет

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 28.12.2018. https://president.uz/uz/lists/view/2228

амалга оширишда тадрижий ёндашувни танланганлиги ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич олиб бориш имкониятини яратди.

Рақобат бозор хўжалигининг энг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасида рақобат янги рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўли билан ўз салоҳияти ва имкониятларини амалга ошириш учун шароитлар яратади.

Глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган шароитларда эса халқаро рақобат муаммолари биринчи ўринга чиқиб боради. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари, шу жумладан, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда ҳам рақобат тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган ва ушбу муаммолар билан шуғулланадиган идоралар ташкил этилган. Бу эса ўз навбатида бозор хўжалигининг муваффақиятли амал қилишида рақобатнинг етакчи ролини тан олинганлигидан далолат беради.

Капитал ва меҳнат ҳаракатчанлигининг ошганлиги, дунё иқтисодиётининг ёппасига ахборотлашуви, эркин савдо ва бозорлар интегратсиялашувида намоён бўлаётган глобаллашув жараёнлари, дунёнинг барча мамлакатлари учун ижтимоий–иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда кенг имкониятлар очмоқда. Лекин, шу билан бирга, мамлакатлар ушбу жараёнларга хос бўлган айрим қийинчиликларга ҳам дуч келмоқдалар. Айни пайтда дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, глабаллашув жараёнларидан асосан дунё бозорига тайёр рақобатбардош товарлар билан чиқаётган мамлакатлар кўпроқ наф олмоқдалар.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш зарурияти бошқа шарт- шароитлар билан ҳам белгиланади. Масалан, ички бозорнинг чегараланганлиги замонавий технологияларини қўллаш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини ҳам бир мунча чеклайди. Бундан ташҳари ҳар қандай мамлакат истеъмол товарларини маълум қисмини ташқи бозорлардан харид қилишга мажбур бўлади. Мана шундай шароитда мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш импортни таъминлаш учун валюта тушумларини кафолатлайди. Демак, рақобат-бардошлик иқтисодий хавфсизлик муаммоси билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Рақобатбардошлик – иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим механизми бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий хавфсизлик ва рақобатбардошлик доимо ўзаро муносабатда бўлиб туради. Иқтисодий хавфсизлик ҳам, рақобатбардошлик ҳам миллий хўжалик мажмуаси ва унинг таркибий қисмларини тавсифловчиларидир. Шу билан бирга рақобатбардошлик бир пайтнинг ўзида ҳам мақсад, ҳам миллий хўжалик мажмуаси ва унинг таркибий қисмларини ривожланиш даражасини индикатори бўлса, иқтисодий хавфсизлик унинг мавжудлиги ва ривожланиш шарти сифатида намоён бўлади.

Рақобатни қўллаб-қувватлаш, уни ривожлантириш, рақобат муҳитини яратиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, юксак иқтисодий ўсишга эришиш, иқтисодиётнинг самарали таркибини шакллантиришда ва миллий

иқтисодиётнинг рақобатдошлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатда рақобат муҳитини шакллантириш, рақобатни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини зарур даражада сақлаб туриш чуқур ўйланган, стратегик характерга эга бўлган мақсадга йўналтирилган ҳаракатларни талаб етади. Бунда эса давлатнинг роли айниқса муҳимдир.

Шундай экан, фикримизча истиқболда миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда иккита асосий йўлидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Биринчи йўл давлатнинг ролини янада ошириш бўлиб, бунда:

- рақобат муҳитини шакллантириш бўйича қонун ва қонун ости хужжатларини такомиллаштириш;
- экспортни рағбатлантириш;
- тенг мафаатли ва адолатли солиқ сиёсатини босқичма босқич амалга ошириш;
- самарали инвестиция сиёсатини қўллаб қувватлаш;
- истеъмол товарлари сифатини баҳолашнинг ягона тизимини яратиш ва қатъий сифат назоратини ўрнатиш;
- ишлаб чиқарувчиларни ва истеъмолчиларни ишончли ахборотлар билан таъминлаб боришни яхшилаш;
- ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашда иқтисодий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш.

Иккинчи йўл рақобатбардошликни оширишда ишлаб чиқарувчиларнинг маъсулиятини оширишга қаратилган бўлиб, бунда:

- технологик жараёнларни ҳамда хом ашё, материаллар ва энергия ресурслари сарфи нормаларини мақбуллаштириш, ишлаб чиқариш қувватлардан фойдаланиш даражасини кўпайтириш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш, фойдаланиш ва қўшимча сарф-харажатларни қисқартириш, харид қилинадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмлар қийматини пасайтириш, ходимлар сонини мақбуллаштириш ҳисобига саноат маҳсулоти таннархини камайтиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- моддий ва молиявий ресурсларни тежамкорлигига эришган ишлаб чиқариш бўлимларини корхоналар маъмурияти томонидан доимий рағбатлантириб бориш механизмини йўлга қўйиш.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, юқорида келтирилган таклифлардан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга ва мамлакатимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга ҳамда мамлакатдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади.

**О. Д.Хусаинов** – ҚарМИИ, Иқтисодиёт кафедраси докторанти

# ЧОРВАЧИЛИКНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация:** Инновация ва инновацион жараёнлар асримизнинг заруриятига айланиб улгурди. Қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда барча имкониятлар инновацион асосда ривожланишга қаратилмоқда. Ушбу мақолада чорвачиликни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишларига қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

**Аннотация:** Инновации и инновационные процессы стали необходимостью нашего века. В сельском хозяйстве, в частности в животноводстве, все возможности направлены на инновационное развитие. В данной статье представлены предложения и рекомендации по ключевым направлениям инновационного развития животноводства.

**Abstract**: Innovation and innovation processes have become a necessity of our century. In agriculture, in particular in livestock, all opportunities are aimed at innovative development. This article presents suggestions and recommendations on key areas of innovative development of animal husbandry.

**Калит сўзлар:** ветеринария хизматлари, инновацион янгиликлар, чорвачилик самарадорлиги, инновацион технологиялар

**Ключевые слова:** ветеринарные услуги, инновационные инновации, продуктивность животноводства, инновационные технологии

**Keywords:** veterinary equipment, innovative and innovative technologies, production products, innovative technologies

Бугунги кунда олиб борилаётган кенг қамровли изланишлар натижасида яратилаётган янгиликлар бутун инсоният ҳаётини, табиатни, жамиятни, фаолият соҳаларини ва шулар билан боғлиқ ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларини ўзгартирмоқда. Ўтган даврда ҳаёт ҳақиқатига айланиши шубҳали янгиликлар кишилар ҳаётининг мазмунига айланиб улгурди. XXI аср “ахборот асри” деб аталаётган ҳозирги даврда, ахборотларнинг катта оқими айни инновацион янгиликлар асосида яралмоқда. Замонавий жамиятда фаолият кўрсатаётган ҳар бир кишининг муҳим вазифаси – давр билан ҳамнафас ҳолда тараққиёт ютуқларидан хабардор бўлмоқ ва имкон қадар ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

Тараққиётни инновацион жараёнлар таъминлайди. Республикамизда ҳам кейинги йилларда эришилаётган ижобий натижалар замирида тармоқ ва соҳаларга киритилаётган инвестициялар ҳамда инновацион жараёнларни жорий этиш турганлигини кўрамиз. Инновацион жараёнлар иқтисодиёт соҳаларида фаолиятнинг тезлашишига, янгича сифатнинг таъминланишига ва юқори самарадорликка эришиш имкониятларини яратиши билан жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби қишлоқ хўжалигида ҳам инновацион жараёнларни инвестициялашга жиддий ёндашилмоқда. Хусусан, чорвачиликда янги инновацион технологияларни қўллашга эътибор

қилинмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, чорвачилик табиий жараёнлар билан бир бутунликдан келиб чиқиб натижа ҳосил қилади. Инсон омили табиий жараёнларнинг сифатли ва тез бориши учун шароитлар яратиб самарадорликни оширишга эришилади.

Республикамиз миқёсида аҳолини сифатли ва арзон гўшт-сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш билан бирга чорвачиликнинг самарадорлигини ошириш юзасидан кўпгина ишлар амалга оширилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чорвачиликда наслчиликни яхшилаш билан сифат ва миқдор самарадорлигига эришиш, чорва ҳайвонларини сақлаш, парваришлаш шароитларини яхшилаш ва озиқлантиришни оптималлаштириш, ветеринария хизматларини, профилактика-соғломлаштириш хизматларини такомиллаштириш шулар жумласидандир. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун соҳада инновацион янгиликлардан, замонавий жиҳозлар ва ускуналардан, иншоотлар ва препаратлардан фойдаланилмоқда.

Замонавий илм-фан ютуқларига асосланган инновациялар технологик, ташкилий, ишлаб чиқариш ва услубий йўналишларда яратилиб, натижада ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайишига, ишлаб чиқариш циклининг қисқаришига, кўрсатилаётган хизматлар сифатининг яхшиланишига, барча турдаги ресурсларнинг тежалишига ва ниҳоят бозор учун мутлақо янги турдаги маҳсулотларнинг тақдим этилишига олиб келади.

Чорвачиликда ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви нуқтаи-назаридан икки катта қисмга ажратиш мумкин. Булар: гўшт ишлаб чиқариш ва сут ишлаб чиқариш. Ҳар икки тизим ҳам жуда мураккаб ҳисобланади. Гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган тизимда чорва ҳайвонларининг вазнини оширишга, сут ишлаб чиқаришга ихтисослашувда эса чорва ҳайвонларидан кўп миқдорда ва сифатли сут олишга эътибор қаратилади. Иккала тизимда ҳам инновацияларни қўллашнинг ўзига хос йўналишлари ва хусусиятлари мавжуд.

Чорвачиликка ихтисослашган ишлаб чиқариш мураккаб ва кенг қамровли тизим. Ушбу тизимда инновацион янгиликларни жорий қилишнинг бир нечта йўналишларини кўрсатиш мумкин:

- чорвачилик соҳасида биология илми ва фанларини ривожлантириш, наслчилик ва насл инженериясида тадқиқотлар олиб бориб самарадорлиги юқори, табиий шароитларга мослашувчан тур ва зотларни яратиш;
- бугунги кунга қадар мавжуд бўлган, яратилган ва янгидан яратилаётган чорва зотларини сақлаш, парваришлаш ва кўпайтириш учун зарур оптимал шароитлар тизимини такомиллаштириш;
- ишлаб чиқариш йўналиши ва зот хусусиятидан келиб чиқиб илмий-техник тараққиётнинг сўнгги ютуқлари асосида озуқа турларини кўпайтириш, уларни маҳаллий хомашёдан фойдаланиб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, озуқа таннархини камайтирган ҳолда сифатини ошириш ҳамда самарадорлиги юқори озиқлантириш тизимини жорий этиш;

- ➢ чорвачиликда чорва молларини сақлаш, озиқлантириш ва парвариш қилиш, улардан маҳсулот олиш, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, бирламчи ва якуний қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиш жараёнларида фойдаланиладиган техника ва технологияларни, бино-иншоотларни модернизация қилиш. Бунда унумдорлиги паст, харажати ва энергия сиғими юқори бўлган қўл меҳнатидан, умрини ўтаб бўлган техника ва технологиялардан бутунлай воз кечилиши, жараёнларни интевсивлаштириш кўзда тутилади;
- ➢ чорвачиликка ветеринария хизматларини кўрсатувчи шаҳобчаларни зарурий биотехнологиялар билан жиҳозлаш, мутахассис-кадрларни замонавий йўналишларда қайта тайёрлаш, малакаларини ошириш ва шу асосда ихтисослаштириш;
- ➢ чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар учун ишлаб чиқариш шароитлари, чорва ҳайвонларининг ҳолати, уларга хизмат кўрсатилиши, озиқланиши, маҳсулдорлиги, маҳсулотларни сақлаш ва реализация қилиш жараёнларини тўла назорат қиладиган, бошқарадиган хусусий дастурий таъминот ҳамда инновацион мобил иловалар яратиш – жорий этиш;
- ➢ чорвачиликка хизмат кўрсатувчи юқори технологияларга асосланган инфраструктурани шакллантириш;
- ➢ соҳанинг ривожланиши учун ихтисослаштирилган йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, уларни мақсадли йўналтириш, қулай, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, шунингдек меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш;
- ➢ чорвачилик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи иқтисодий субъекларни соҳага оид барча зарур ахборотлар билан таъминловчи, уларга ахборот (реклама ва бошқа) ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи ва мониторинггини юритувчи тизимни йўлга қўйиш;
- ➢ чорвачилик хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилишда юқори натижаларга эришишган хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантиришнинг даражали механизмини жорий этиш.

Чорвачиликда наслчилик ва генетика йўналишида инновацион тадқиқотлар олиб бориш аввало малака ва билим, шунингдек илмталаб технологияларга зарурият туғдиради. Зеро, маҳсулдорлик аввало парвариш қилинаётган чорва молларининг наслига боғлиқ. Маҳсулдорлиги юқори зотларнинг ҳиссасига мос ҳолда ишлаб чиқариш потенциали шаклланади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида, хусусан чорвачиликда инновацион жараёнларни гуруҳлаштириш тармоқни комплекс ривожлантириш имкониятини беради. Тармоқни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар нуқтаи-назаридан инновацион жараёнларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Биологик: наслларни яратиш ва такомиллаштириш;
2. Техник: техник воситалар билан қуроллантириш, модернизация қилиш, қулай бино ва иншоотлар барпо этиш;

3. Технологик: жараёнларни механизациялаш, автоматлаштириш, роботлаштириш, компьютерлаштириш, рақамли дастурлаштириш;
4. Иқтисодий: моддий манфаатдорликнинг самарадорлигини ошириш;
5. Ҳуқуқий: мустаҳкам ҳимоя ва кафолатлар тизимини яратиш;
6. Ижтимоий: самарали тадбиркорлик ва бандликни таъминлаш;
7. Экологик: қайта ишланадиган қадоқли, сифатли ва табиий соф маҳсулот ишлаб чиқариш, табиатга зарарсиз ва чиқитсиз технологияларни қўллаш;
8. Ташкилий: ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг қўлай усулини танлаш ёки яратиш (ОТТ, ЯТТ, ХФ, МЧЖ, АЖ ва бошқалар);
9. Руҳий: ишчи-ходимлар ва жониворлар хусусиятидан келиб чиқиб, индивидуал ва умумий таъсир кўрсатиш чоралари;
10. Ижодий: ишлаб чиқариш жараёни иштирокчиларининг фикр-мулоҳаларидан келиб чиқадиган инновация.

Чорвачилик хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёни, миқдори, сифати, иқтисодий самарадорлиги ёки бозор ҳолатига қараб, юқорида келтирилган гуруҳларнинг муҳимлик даражаси ўзгариб туради. Хўжаликда ишлаб чиқаришга таъсир омилларининг ўзгаришидан келиб чиқиб инновацион жараёнларнинг устуворлик касб этиши ўртасида тизимли боғлиқликни белгиловчи дастур яратиш ва қўллаш ривожланишнинг янги босқичига асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

**Ш.С.Джалилова**– Старшая преподавательница, СамГАСИ,
**Диёра Шерзодова** – студентка СамГАСИ

## СУЩНОСТЬ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО ТРУДА В ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

**Аннотация.** в этой статье рассмотрен и определён сущность эффективности управленческого труда с помощью экономического, управленческого, психофизиологического и социального подходам. Так же рассмотрен делевые оценки труда и дано авторский термин на понятия эффективности труда управленческого персонала производственных предприятий.

**Ключевые слова:** эффективности труда, персонал, эффективность управления, фактор, труд.

**Аннотация.** ушбу мақолада меҳнат самарадорлигини бошқаришнинг моҳияти иқтисодий, ташкилий, психофизиологик ва ижтимоий ёндашувлар асосида тадқиқ этилган. Шунингдек, корхоналарда меҳнат самарадорлигини бошқариш тушунчасига муаллифлик ёндашуви келтирилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат самарадорлиги, персонал, бошқарув самарадорлиги, омил, меҳнат.

**Abstract**: In this article it is considered and determined essence of efficiency of administrative labor about the help economic, administrative, psycho-physiological and social to approaches. As it is considered estimations of labor and it is given the author's

term on concepts of efficiency of labor of the administrative personnel of the industrial enterprises.

**Keywords:** efficiency of labor, personnel, management efficiency, factor, labor.

Введение. Рассмотрение проблематики проектирования систем оценки эффективности труда управленческого персонала на производственных предприятиях в современных условиях представляется особенно важным и логичным начать с точки зрения смысла, придаваемого понятию "эффективность управленческого труда".

Изучение теории вопроса и анализ имеющейся литературы по смежным темам позволяют сделать вывод, что общепринятого определения понятия "эффективность управленческого труда" нет.

Материалы и методы. По-нашему мнению, можно выделить четыре основных подхода к трактовке данного термина.

1. Экономический. С точки зрения этого подхода эффективность труда вообще и управленческого, в частности, определяется в рамках таких дисциплин, как "Экономическая теория" и "Экономика труда".

Экономисты исходят из того, что основным в экономической теории и хозяйственной практике является принцип соответствия затрат и результатов. Затраты определяются по отношению к экономическим ресурсам, а результаты характеризуются объемом выпуска продукции, добавленной стоимостью, прибылью и другими показателями. В общем случае под "эффективностью" экономистами понимается отношение: результаты/затраты. А поскольку труд в экономической теории выделяется как один из видов экономических ресурсов, то под "эффективностью труда" (в том числе управленческого) понимается отношение полученного результата от труда к его затратам, в связи с чем эффективным может быть признан только тот труд, результаты от которого превышают его затраты.

2. Управленческий. В соответствии с этим подходом, характерным для дисциплины "Менеджмент" и смежных с ней, эффективность управленческого труда определяется достижением целей управляемой системы посредством оптимального использования имеющихся в распоряжении менеджеров ресурсов. При этом под ресурсами подразумевается не только управленческий труд, а вся располагаемая организацией их совокупность.
3. Психофизиологический. Данный подход характерен для областей знания "Психология". Так, согласно В.В.Адамчуку психофизиологическая эффективность труда[1] определяется воздействием трудового процесса на организм человека. С этой точки зрения эффективным является труд, который наряду с определенной производительностью обеспечивает безвредные, благоприятные санитарно-гигиенические условия и безопасность.
4. Социальный. Выше показанному психофизиологическое определение воздействием трудового процесса вытекает и понятие социалъной

эффективности труда, которое включает требование гармоничного развития личности каждого работника, повышение его квалификации и расширение производственного профиля, формирование позитивного социального климата в трудовых коллективах, усиление социально-политической активности и совершенствование всего образа жизни.

Под эффективностью труда управленческого персонала производственных предприятий вообще мы понимаем степень достижения целей и задач деятельности предприятия (управляемой системы) путем удовлетворения трех условий[2]: 1) соответствие деятельности управленческого персонала и ее результатов установленным требованиям и заранее определенным целям (задачам); 2) качественное выполнение работ наиболее рациональными и экономичными способами; 3) наиболее полное использование возможностей (способностей, знаний, умений) управленческих работников при благоприятном воздействии трудового процесса на человеческий организм.

Известно, что основными функциями в управлении являются планирование, организация, руководство и контроль. В нашем случае в системе оценки как раз и реализуется функция контроля в отношении деятельности управленческого персонала.

Результаты и обсуждения. Таким образом, оценка эффективности труда управленческого персонала - это конечный результат комплекса взаимосвязанных работ по сбору и анализу данных (оценочного процесса), позволяющий определить, насколько труд управленческого персонала посредством выполнения трех вышеперечисленных условий способствует достижению целей деятельности предприятия (управляемой системы), и получить достаточную информацию для принятия дальнейших решений в отношении оцениваемых работников.

В связи с этим, применительно к промышленному предприятию можно выделить и три уровня эффективности: индивидуальная, групповая и организационная. Задача руководителей предприятия заключается в выявлении возможностей повышения индивидуальной и групповой эффективности управленческого труда, чтобы достичь при этом организационной эффективности.

Индивидуальную эффективностъ управленческого труда мы определили выше как соответствие деятельности работника и ее результатов установленным требованиям и заранее определенним целям (задачам) при качественном выполнении работ наиболее рациональными и экономичными способами, эффективном использовании рабочего времени и возможностей работника.

Групповая эффективность в одних случаях представляет собой простую сумму индивидуальных эффективностей всех членов группы. В других - это нечто большее вследствие совместных действий и согласованного вклада каждого из участников (например, деятельность какого-либо подразделения или службы). При этом групповая эффективность может превышать

суммарную индивидуальную эффективность вследствие эффекта синергизма, возникающего в результате совместной деятельности. Поэтому групповую эффективность управленческого труда можно определить как степень достижения целей и задач деятельности группы при условии высокой индивидуальной эффективности ее членов.

Поскольку организации состоят из сотрудников и их групп, то организационная эффективность включает в себя и индивидуальную, и групповую. Исходя из этого можно сделать вывод, что оценка эффективности управленческого труда является связующим звеном между определением индивидуальной и групповой эффективности деятельности управленческого персонала и выявлением степени их влияния на организационную эффективность производственного предприятия.

Под деловой оценкой персонала понимается целенаправленный процесс установления соответствия качественных характеристик человека требованиям должности или рабочего места. Различают два основных вида деловой оценки: а) оценка кандидатов на вакантную должность или рабочее место при отборе персонала; б) текущая периодическая оценка сотрудников при аттестации.

Таким образом, основные цели деловой оценки персонала - это рациональная расстановка кадров и их эффективное использование. По-нашему мнению, оценка эффективности труда работников управления, может выступать как в качестве составной части их деловой оценки, так и в виде отдельной независимой системы. При этом в системе деловой оценки она в большей степени связана с аттестацией кадров, нежели чем с отбором персонала.

Основываясь на данном нами определении эффективности труда управленческого персонала можно сделать вывод, что она, во-первых, определяется тем, как люди работают, во-вторых, каких при этом результатов они достигают, и, в-третьих, как все это отражается на деятельности их предприятия. Исходя из этого, в обшем виде система оценки эффективности труда управленческого персонала производственных предприятий: оценка результатов труда и оценка труда.

Оценка труда работников характеризуется качеством выполнения работ с учетом организации труда и эффективности использования рабочего времени, то есть факторами, оказывающими косвенное влияние на достижение запланированных результатов.

Оценка результатов труда характеризуется соответствием результатов деятельности работников заранее определенным целям и задачам и их влиянием на конечные результаты деятельности предприятия.

Выводы. Таким образом, мы определились с тем, какой смысл вкладывается в понятие эффективности труда управленческого персонала производственных предприятий и что мы подразумеваем под оценкой этой эффективности.

**Литература:**

1. Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда: учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 1999. - с. 141.
2. Тухтабаев Ж.Ш. Совершенствование организационно-экономического механизма повышения эффективности труда на предприятиях в условии перехода к инновационной экономике: дисс.док.фил. (PhD) экон.наук. – Т., 2019.

**Ш.Ш.Мавлонов –** Қарши давлат университети магистранти

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Аннотация**: Ушбу мақолада саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошириш объектив зарурлиги таҳлил қилинган бўлиб ва айрим тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат унумдорлиги,саноат корхона,инновацион иқтисодиёт,самара,самадорлик

**Аннотация**: В данной статье анализируется объективная необходимость повышения производительности труда на промышленных предприятиях и даются некоторые рекомендации.

**Ключевые слова:** производительность труда, промышленное предприятие, инновационная экономика, эффективность, эффективность

**Abstract**: This article analyzes the objective need for increasing productivity in industrial enterprises and provides some recommendations.

**Keywords:** labor productivity, industrial enterprise, innovative economy, efficiency, efficiency

Жаҳонда инновацион иқтисодиёт шароитида саноат ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш ва унинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш борасидаги илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган илмий изланишлар таркибида саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсир кўламини аниқлаш, самарадорликни оширишнинг заҳира манбаларини кенгайтириш ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмни такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жаҳонда рақобат муҳитининг чуқурлашиб бораётган шароитда меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи тобора долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Халқаро Conference Board тадқиқотлар ташкилотининг маълумотларига кўра, “ҳар йили жаҳонда ўртача меҳнат самарадорлигининг ошиши 3,5-4,0 фоизни ташкил этади. Сўнгги йилларда саноат ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг юқорили:ги Германия, Ирландия, Норвегия, Хитой ва АҚШ каби мамлакатларда кузатилмоқда. Экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, саноат ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ошишига ишлаб чиқаришда инновацион тараққиётни

жадаллаштириш ва фаол инвестицион муҳитни яратилиши сабаб бўлган”[1].

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий жадаллаштириш, иқтисодий қудратимизни янада ошириш ва пировардида халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилгандир. “...иқтисоди моий-иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад инновацион тараққиётни ётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш”[2] муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу борада мавжуд заҳира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, инновацион технология ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳамда рақобатбардош иқтисодиётнинг муҳим таркиби бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш борасидаги илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Қашқадарё вилояти йирик саноат корхоналарининг ривожланишига меҳнат унумдорлиги ошишининг таъсири, аввало тайёр маҳсулот, ишлаб чиқарувчи ходимлар ва улар фойдаланадиган ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасидаги ниҳоятда оддий боғлиқлик борлигидадир. Ушбу боғлиқлик якуний меҳнат натижасининг ошишига бевосита таъсир кўрсатади. Тадқиқотда ёқилғи, металлургия, кимё ва нефт кимё ҳамда озиқ-овқат саноат тармоғидаги йирик саноат корхоналарида меҳнат самарадорлигининг ошиши танланган саноат корхоналари ривожланишига таъсири таҳлил қилинди. Саноат корхоналарнинг ривожланишида меҳнат натижаларининг баъзи ҳолларда юқори, баъзида эса паст бўлиши, унга таъсир кўрсатувчи омилларга боғлиқдир. Фойдаланиш даражаси ва муносабат турига кўра таъсир кўрсатувчи омиллар таъсир кўлами бўйича гуруҳларга бўлинган ҳолда таҳлил қилинди.

Қашқадарё вилояти йирик саноат корхоналарининг саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва меҳнат натижасини оширишдаги давлатнинг мақсадли чоралари, корхоналарнинг ўз фаолиятларида модернизация, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, кадрлар салоҳиятини ошириб бориш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни замонавий бошқарув усуллари асосида ташкил этиш, меҳнат натижасини баҳолаш йўлларини аниқлашда танланган “Шўртаннефтгаз” масъулияти чекланган жамияти, “Деҳқонобод калий заводи” масъулияти чекланган жамияти, “Қарши иккиламчи қора металл” масъулияти чекланган жамияти корхоналардаги ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошириш объектив асосланган жараён бўлиб, ўз-ўзидан амалга ошмайди, балки доимий назорат ва бошқаришни талаб этади. Меҳнат унумдорлиги оширишда инновацион менежментни жорий этиш ўзида жонли меҳнатдан минимал даражада фойдаланиб юқори меҳнат натижадорлигига эришишни, ижобий ишлаб чиқариш ва моддий-маданий шарт-шароитларни

---

[1] http://www.conference-board.org/data/chiefeconomist.cfm (Conference Board халқаро иқтисодий таҳлил қилиш тадқиқотлар ташкилоти маълумоти)

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).

яратишни кўзлайди. Меҳнат унумдорлиги ошириш олдига қўйилган мақсадларга эришишда эришиш воситалари тизими бевосита инновацион менежмент тамойиллари ва жамият ривожининг маълум босқичида хўжалик механизмининг ташкилий-иқтисодий чораларига боғлиқ бўлади. Иқтисодий чоралар бошқарувнинг барча даражаларида меҳнат унумдорлигиоширишни таъминловчи мураккаб иқтисодий тизим ҳисобланиб, мотивация, адолатлилик, ўзлуксизлик, рентабеллик каби тамойилларни ўз ичига олади. Масалан, мотивация – персонал меҳнат натижасини оширишни, узлуксизлик - ишлаб чиқариш қувватларининг даражаси, мавжуд асбоб-ускуналарнинг техник ҳолати ва таъминланганлик даражаси, технологик янгиланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни назарда тутади. Меҳнат унумдорлиги оширишнинг ташкилий чоралари эса режалаштириш ва илмийлик тамойилини ўз ичига олиб, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва самарали бошқаришни кўзда тутади. Бу тамойиллар меҳнат унумдорлигиошириш заҳира манбаларидан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизми тамойилларини ифода этиб, ўзаро боғлиқ-ликда меҳнат унумдорлиги самарали ошириш имкониятини кенгайтиради.

Меҳнат унумдорлиги инновацион менежмент асосида самарали оширишда персонал меҳнат натижаси ва фаолият меҳнатини баҳолаш тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Персонал меҳнати самарадорлигини баҳолаш саноат корхонасининг инсон ресурсларига нисбатан бажариладиган ташкилий назоратнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади ва қуйидаги мақсадни кўзлайди: персонал меҳнати натижадорлигини яхшилаш (мавжуд меҳнат салоҳиятини қўллаш ва тўлиқ фойдаланиш); иш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда раҳбар ва ишчиларни зарурий ахборот билан таъминлаш. Ишчилар меҳнатини баҳолашда хусусий кўрсаткич ҳисобланган персонал меҳнати фаолиятидаги мажбурият даражасидан фойдаланилди.

Саноат корхоналарида муносиб меҳнат муносабатларини яратиш, жонли меҳнат сарфини минималлаш ва меҳнат натижадорлигини ошириш меҳнат унумдорлиги оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг бош мезони ҳисобланади. Меҳнат унумдорлиги оширишнинг асосий мезонларига эришиш саноат корхоналарида меҳнат билан банд бўлган ишчиларнинг турмуш сифатини ва меҳнат сифатини ошириш, юқори меҳнат натижадорлигига эришиш, фаолиятга инновацион технологиялар ва бошқарув усулларини қўллаш имконини беради. Шу муносабат билан ижтимоий-иқтисодий ва иқтисодий ишлаб чиқариш меҳнат самарадорлиги саноат корхоналарида ижтимоий-меҳнат муносабатларида инсон меҳнат имкониятларини кенгайтиришни, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, хавфсиз ва қулай замонавий технология қўлланиладиган меҳнат шароитларига ҳамда меҳнат унумдорлиги юқори бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Саноат корхоналарининг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва экспорт имкониятларини кегайтириш мақсадида саноат маҳсулотларини

чиқур қайта ишлашга, юқори илм талаб, инновацион технологияларни жорий этишни ташкил этишга кўмаклашиш ва улар фаолиятини ривожлантириш самарали йўналишлардандир.

Хориж мамлакатларининг йирик саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигиошириш борасидаги тажрибаларни ўрганиш асосида шу мамлакатларда меҳнат унумдорлиги ошириш тизимини ривожлантириш орқали йирик саноат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш имкониятига эга бўлингани аниқланди.

Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигига эришишда меҳнат унумдорлиги ошириш омилларининг якуний меҳнат натижадорлигини оширишдаги заҳиралардан самарали фойдаланиш механизми муҳим ҳисобланади. Механизм ҳаракатининг вужудга келиши саноат корхоналарида кутилаётган самарани, жумладан, маҳсулот ҳажми ва сифатининг ошиши, инновацион менежмент воситаларини жорий этиш, инновацион саноат ишлаб чиқаришни ташкил этиш, меҳнат сарфининг қисқаришини олдиндан аниқлаш ҳамда истиқбол режаларни тузиш имконини беради.

**С.З. Назаров –** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси тингловчиси

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда давлат харидлари тизимида ахборот технологияларнинг ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг юзага келиш сабаблари таҳлил этиб ўтилган. Тадқиқотлар асосида мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган муаллифлик ёндашуви берилган.

**Калит сўзлар:** давлат харидлари, электрон рақамли имзо (ЭРИ), давлат бюджети, махсус ахборот портали, инвестицион муҳит.

**Аннотация:** В статье анализируются проблемы, связанные с созданием информационных технологий в сфере государственных закупок в Узбекистане, и их причины. На основании исследования представлен авторский подход к решению существующих проблем.

**Ключевые слова:** государственные закупки, электронная подпись (ЭЦП), государственный бюджет, специальный информационный портал, инвестиционный климат.

**Abstract**: The article analyzes the problems associated with the creation of information technologies in the field of public procurement in Uzbekistan, and their causes. Based on the study, the author's approach to solving existing problems is presented.

**Keywords:** government procurement, electronic signature (EDS), state budget, special information portal, investment climate.

Аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек, кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат харидлари алоҳида ўрин тутади.

Давлатимизда яқин кунгача давлат харидлари соҳаси 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган ва яхлит тизим мавжуд эмас эди. Баъзан ҳуқуқий жиҳатдан бир-бирини рад этувчи ҳолатлар ҳам вужудга келган. Бу каби муаммоларнинг олдини олиш, давлат харидларини тартибга солувчи ягона ва яхлит норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ҳамда уни бир хилда қўллаш мақсадида 2018 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун давлат харидлари очиқлиги ва шаффофлигини ҳамда бу соҳада тадбиркорларнинг позитив рақобатини таъминлашга хизмат қилади, шунингдек, давлат бюджети, марказлаштирилган манбалар ва давлат улушига эга бўлган корхоналар маблағларидан самарали фойдаланишга имкон яратади.

Ушбу қонун харидларнинг беш тартиб-таомилини белгилайди, ундан иккитаси (электрон дўкон, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион) давлат хариди бўйича қарор қабул қилишда инсон омилини буткул инкор этади. Қолган харид тартиб-таомиллари шаффофлиги махсус ахборот порталида зарур ахборот чоп этиш йўли билан таъминланади.

Ҳозирги кунда буюртмачилар ўз харидларини давлат харидлари соҳасида ягона бўлган махсус ахборот портали – www.xarid.uz орқали амалга ошириб келмоқдалар. Хусусан, 2019 йил давомида электрон дўкон ва аукцион орқали давлат буюртмачилари томонидан жами 3 801,1 млрд. сўмлик 703 091 та битим амалга оширилган бўлиб, шундан, электрон давлат харидлари тизимининг жорий этилиши натижасида 805,8 млрд. сўмлик маблағларнинг иқтисод қилинишига эришилди, бу эса амалга оширилган савдолар суммасига нисбатан 21,2 фоизни ташкил этди. Шундан, электрон аукцион бўйича жами 2 771,9 млрд. сўмлик 122 878 та савдолар амалга оширилган бўлиб, иқтисод қилинган маблағлар миқдори 602,5 млрд. сўмни ёки амалга оширилган савдолар миқдорининг 21,7 фоизини ташкил этди.

2019 йилда электрон дўконда 1029,2 млрд. сўм миқдорида 580 213 та битимлар амалга оширилди. Электрон дўконда нарх сўрови механизми жорий этилиши 203,3 млрд. сўмлик маблағларнинг иқтисод қилинишига олиб келди, бу эса амалга оширилган савдолар суммасига нисбатан 19,8 фоизни ташкил этди[1].

Бирок, танлов ва тендер савдолари орқали амалга оширилган харидлар

[1] http://xarid.uz/files/docs/general-statistics/%

тўғрисидаги маълумотлар корпоратив буюртмачилари томонидан тўлиқ махсус ахборот порталига жойлаштирилмаслик ҳолатлари учраб келмоқда, бу эса ўз навбатида давлат харидлари бўйича тўлиқ маълумотларни шакиллантиришда қийинчиликларни тўғдирмоқда.

Ҳукумат томонидан харид жараёнларининг очиқ-ойдинлиги, шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида электрон савдо жараёнларидан фойдаланиш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш инвестицион муҳитни яхшилаш орқали савдоларда рақобатни кучайтириш бўйича қатор ишлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Жумладан:

– ЎРТХБ (Оператор) ва Ғазначилик тизимлари интегралашуви натижасида шартнома ва тўловлар 1 кун ичида автомат равишда ҳисоб-китоб-клиринг палатаси тизимига ўтказилиб бериш тартиби жорий этилиши (муддатларни қисқариши);

– Вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилмаган, ягона етказиб берувчидан тўғридан-тўғри харид қилиш имконини кўзда тутувчи баённомалар шаклидаги топшириқларни ҳамда истисно тарзида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаб киритиш амалиёти қатъиян тақиқланишини белгиланди[1];

– Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси порталини жорий этилди[2] ва б..

Илмий изланишларимиз кўрсатишича, қонун ва қонун ости ҳужжатлар қабул қилинганига бир йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамасдан, давлат харидларида иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид айрим муаммо ва камчиликлар кузатилмоқда. Жумладан, давлат харидларида коррупциянинг мавжудлиги, харидларни ташкил этишда қонунчилик билан боғлиқ мураккабликларни вужудга келиши, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўзаро онгли англамаслик натижасида харидларни ўз вақтида амалга ошмаслиги, буюртмачилар томонидан қонунчиликда белгиланган қоидаларига амал қилмаслиги баён этилган[3].

Мамлакатимизнинг инвестицион муҳитини яхшилашда ҳамда иқтисодий ислоҳатларни ривожланишида давлат харидлари тизими муҳим ҳисобланади. Мазкур тизим орқали инвесторлар ўз маблағларини Ўзбекистонга киритилишида улар томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотлар қайд даражада бозорда реализация қилинишига эътибор қаратадилар.

---

[1] “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ-5780-сон Фармони

[2] “Саноат ярмаркалари ва электрон кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-833-сон Қарори

[3] http://journal.bfa.uz/maqola/atamuradov_t_t_3_son_2019.pdf

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат харидларини очиқлик ва шафофлик принципларини қўллаган ҳолда буюртмачилар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда резидент ва норезидентларни давлат харидларига кенг жалб қилиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

– хорижий етказиб берувчиларни (норезидентларни) электрон харидлари тизимига жалб қилиш орқали давлат харидлари қатнашувчиларнинг сонини ошириш ва рақобат муҳитини яратиш (электрон харидларида норезидентлар қатнашиш учун ЭРИ олиши кераклиги);

– етказиб берувчилар томонидан савдоларда қатнашишда факатгина интернет тармоғи ёрдамида ЭРИ билан (мобиль алоқасиз) харидларида қатнашиб келиши ва айрим худудларда интернет тармоғининг тезлиги етарли даражада эмаслигини[1] (рейтинг кўрсаткичлари паст бўлиши) инобатга олиб, оператор томонидан иштирокчилар учун мобиль версиясини ишлаб чиқиш;

– корпоратив буюртмачилари томонидан Давлат харидлари тартиб таомиллари асосида харид қилинишини тартибга солиш мақсадида, Молия вазирлиги Ғазначилиги ўтказиш (соддалашган тартибда) ёки Марказий банк ва Операторнинг ахборот тизимлари интеграцияси қилиш орқали давлат харидлари тизими билан тўлиқ қамраб олиш;

– Давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталини хорижий тилларига таржима қилган ҳолда Ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларини (ХМИ/ХҲМТ) томонидан ўтказиладиган тендер савдоларини ушбу портал орқали эълонларни жойлаштириш тизими жорий этиш ва шу билан хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни тендерларга кенг қатнашиш имкониятини яратиш;

– хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда (Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссиясининг ЮНСИТРАЛ[2]) харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турларини (кичик харидлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан харидлар) ҳамда яшил харидлар тизимларини ўрганган ҳолда жорий этиш масалаларни кўриб чиқиш;

– бюджет буюртмачилар учун кенг имкониятларни яратиш мақсадида ота-оналар ёки ҳомийлар томонидан (келишувда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса) ажратилиб берилаётган хомийлик маблағлари давлат харидлари тартиб-таомилларига тадбиқ этмаган ҳолда (махсус ахборот порталига маълумотларни жойлаштириш орқали) тажриба сифатида жорий этиш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлат харидлари соҳасида олиб борилаётган ишлар тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларида иштирок этишида ишончини ортишига, халқаро ташкилотлар томонидан давлатимизнинг рейтинг кўрсаткичларини яхшиланишига ҳамда мамлакатимиз тараққиёти йўлида Ўзбекистонга хорижий инвесторларни кенг жалб қилинишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

---

[1] https://uznews.uz/ru/article/17915 Узбекистан занял 136-е место в мире по скорости мобильного интернета

[2] https://www.uncitral.org/pdf/russian/texts/procurem/ml-procurement/2011-Model-Law-on-Public-Procurement-r.pdf

**Ғ.Т.Зоиров –** Қарши давлат университети магистранти

# МЕҲНАТ БОЗОРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ АҲОЛИНИ БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

**Аннотация**: Мақолада қишлоқ жойларда меҳнат бозорини ташкил этиш орқали аҳолини иш билан банд қилиш йўналишлари кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат бозори,иш билан бандлик,қишлоқ аҳолиси,аҳолининг ҳаёт фаровонлиги

**Аннотация**: В статье показаны тенденции занятости в сельской местности через создание рынка труда.

**Ключевые слова:** рынок труда, занятость, сельское население, благосостояние населения

**Abstract**: The article shows the trends in employment in rural areas through the creation of a labor market.

**Keywords:** labor market, employment, rural population, welfare of the population

Жаҳон иқтисодиётида меҳнат бозори соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги роли ошиб бормоқда. Иқтисодиёти юксак ривожланган Ғарб мамлакатларида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи меҳнат бозори соҳасида фаолият кўрсатади[1]. Инновацион иқтисодиёт шароитида меҳнат унумдорлигининг тез суръатлар билан ўсиши натижасида хизматлар соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммоларининг долзарблиги янада ошади. Шу жиҳатдан, хорижий тажрибалар асосида меҳнат бозори соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг янги иш ўринларини яратишдаги ролини ошириш масалалари бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам охирги йилларида меҳнат бозори жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг миллий иқтисодиётни юксалтиришдаги, янги иш ўринларини яратишдаги, мамлакат аҳолисини иш билан таъминлашдаги ҳамда аҳолининг ҳаёт фаровонлигини оширишдаги ва бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг ҳаракатлантирувчи омили сифатидаги роли тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, " Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизда кўтаришимиз керак[2]. Мамлакатда меҳнат бозорида банд аҳолининг иқтисодиётда банд аҳоли сонидаги улуши тобора ўсиб бормоқда. Лекин у ривожланган мамлакатлар эришган даражага нисбатан ҳали анча кам. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ушбу соҳани жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида

[1]Пастухов А.Л. Ускорение развития сферы услуг как необходимое условие модернизации экономики // Экономика и экономические науки, 2012.-№20. – С.80-85.

[2] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 24.01.2020 йил

меҳнат бозори соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши мамлакатимизда меҳнат бозори соҳасини ривожлантириш ва унда аҳоли бандлигини ошириш бўйича хорижий тажрибалардан мақбул фойдаланишни тақозо этади.

**Иқтисодиёт тармоқларида иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати орқали аҳоли фаровонлигини ошириш қуйидагича бўлади:**

мамлакат иқтисодиёт тармоқлари иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби устувор йўналишлар кўрсаткичларида алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек, экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хомашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

юқори инновацион технологиялар ва замонавий техника билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга киришa оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

конъюнктура ўзгаришларига тез мослашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни кейинги йилларда кескин ривожланиб бормоқда, бу эса иқтисодиёт тармоқларининг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамияти янада ошаётганидан далолат беради. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари бўлган ер, сув,меҳнат ресурслари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар миқёсида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодиёт тармоқларидан яъни қишлоқ хўжалиги асосан иккита йирик тармоқ-деҳқончилик ва чорвачиликдан иборат. Бу икки соҳа аҳоли фаровонлигини ошириш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради. қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўсимлик ва чорвачилик маҳсулотларни дастлаб қайта ишлайдиган бир қанча тармоқларни ҳам ўз ичига олади шу сабабли ушбу соҳага инновацияларни жорий этиш имкони яънада ошади. Иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг тахминан ярми, камроқ тараққий этган мамлакатларда эса кўпинча 80-90 фоизидан ортиғи қишлоқ хўжалиги тармоқларида банд. Ривожланаётган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади. Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муаммолари, жойлашиши қишлоқ хўжалиги тармоқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги  тармоқлари ишлаб чиқаришидаги аграр-иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар ҳамда соҳани диверсификациялаш натижалари Республикамизни МДҲ ичида қишлоқ хўжалиги  тармоқлари маҳсулотлари ишлаб чиқариши юқори даражада ўсаётган давлатлар қаторига киритиш имконини берди.

"Ўзмевасабзавотузумсаноат", "Ўзбекагроэкспорт" ва "Ўзбекозиқ-овқат" холдинг компанияси фаолияти таҳлилининг кўрсатишича, тармоқнинг экспорт потенциали талаб даражасида эмас.

Бунинг сабаби қуйидагилардан иборат:

Товар ишлаб чиқарувчилар  маҳсулотлари сотиладиган бозор хақидаги маълумотларга етарли даражада эга эмаслар.

Мева ва сабзавот маҳсулотларини етказиб берувчилар инновацион маҳсулотларга, жумладан уларнинг сифатига қўйиладиган талаблар ҳакида етарли тасаввурга эга эмаслар.

Ўзбекистон Республикасида пахта хом-ашёсини экспорт қилиш мақсадида йирик "Ўзпахтаёғсаноатэкспорт" холдинг компанияси ташкил этилди. Бу ўринда эслатиб ўтиш керакки, республикамиз пахта толасини жаҳон бозорига олиб чиқиши учун бир нечта мамлакатлар билан алоқа ўрнатиши талаб этилади. Негаки, жаҳон бозорига чиқиш учун албатта, икки ёки уч мамлакат ҳудудидан ўтишга тўғри келади. Бу ўз навбатида маҳсулот қийматига таъсир этади. Ўзбекистон пахта бўйича бир неча база-терминалларни барпо этди. Ушбу терминалларнинг ҳар бири 10 минг тонна пахта толасини сақлаш имкониятига эга. Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда умумий экспорт ҳажмининг 5,2% ини пахта толаси ташкил қилди. Пахта толасини мамлакатимизнинг ўзида хорижликларга сотиш ва Америка, Осиё, Европа мамлакатларига жўнатиш имконияти яратилди. Ўзбекистон Республикасида пахта экспорти жаҳон улушининг 7% ини ташкил этади, яъни ҳар йили Ўзбекистон 550-600 минг тонна пахта толасини экспорт қилади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қулай ҳудудида жойлашган. Унинг ҳудудида азалдан инсоният учун ниҳоятда керакли ҳисобланган турли хилдаги Иқтисодиёт тармоқлари махсулотлари етиштирилган. Чунки бу ҳудудда табиий-иқлим  шароитлар етарли. Жумладан, Республикада йиллик самарали температура 25-35% ни ташкил этиб, қуёшли кун 310 дан ортиқ бўлиб, бир йилда бирнеча марта ҳосил олиш имкони мавжуд. Ўзбекистоннинг жами ер майдони 44,4 млн гектар бўлиб, шундан 50,8 фоизи турли хилдаги Иқтисодиёт тармоқлари корхоналари, ташкилотлари ҳамда деҳқон хўжалигилари томонидан фойдаланилади.Уларнинг йиғиндиси мамлакат Иқтисодиёт тармоқларини ташкил этади. Асосий мақсад тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан мамлакат аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган талабини қондиришдир. Бунинг учун:

- тармоқда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳозирги замон талабидир;
- аҳоли бирданига истеъмол қиладиган сифатли қишлоқ хўжалиги махсулотларини барча талабларни қондирадиган даражада ишлаб чиқариш;
- қайта ишлаш саноати корхоналарининг қишлоқ хўжалиги  маҳсулотларига бўлган талабини қондириши лозим.

**С.И.Қўшақов –** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратурасининг 2-босқич тингловчиси

# ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИГА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация:** мақолада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги кучли рақобат, истеъмолчилар талабларини ошиши, ички бозорни ривожланишига тўсқинлик қилувчи ташқи омиллар ва бошқа турдаги таҳдидлар шароитида инновацион фаолиятнинг таъсири ҳамда инновацияларнинг устуворлигига эътибор қаратилган. Шунингдек, маҳаллий агросаноат секторида озиқ-овқатларни ишлаб чиқаришда (кластерлар усулида) инновация ва илмий тадқиқодларга бўлган эҳтиёжни ортиб боришининг асосий омили импорт ўрнини босувчи хавфсиз ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишда юқори самарадорликка интилишдан иборатдир.

**Калит сўзлар:** инновация,озиқ-овқат хавфсизлиги, тенденция, агросаноат кластери, барқарор ривожланиш, қишлоқ хўжалиги, аграр сектор, субъект, микро элементлар.

**Аннотация:** статья посвящена важности инноваций и инновационной деятельности в условиях сильной конкуренции в области продовольственной безопасности, потребительского спроса, внешних факторов и других угроз, которые препятствуют развитию внутреннего рынка. А также, ключевым фактором увеличения потребности в инновациях и научных исследованиях в области производства продуктов питания (кластеров) в местном агропромышленном секторе является стремление к высокой эффективности в создании безопасных и конкурентоспособных импортозамещающих продуктов.

**Ключевые слова:** инновация, продовольственная безопасность, тенденция, агропромышленный кластер, устойчивое развитие, сельское хозяйство, аграрный сектор, субъект, микроэлементы.

**Abstract**: The article is focused on the importance of innovation in the conditions of strong competition in the field of food security, consumer demand, external factors and other threats that impede the development of the domestic market. In addition, the key in rising the need for innovation in the field of domestic agricultural food production (clusters) and research is to achieve higher efficiency in creating competitive and import-substituting products.

**Keywords:** innovation, food security, trend, agro-industrial cluster, sustainable development, Agriculture, agricultural sector, subject, micro elements.

Бугунги кунда сайёрамизда тахминан 785 миллион нафар ёки ҳар тўққизинчи инсон тўйиб овқатланмайди. Бу кўрсаткич болалар орасида 5 ёшгача бўлган 90 миллион болани ташкил қилади. Уларнинг аксарияти (780 миллион нафари) ривожланаётган давлатлар яъни Африка ва Осиё минтақаси давлатлари хиссасига тўғри келади. Озиқ-овқат етишмаслиги муаммоси билан курашаётганлар сони Жанубий Осиёда энг юқори кўрсаткични ташкил

қилиб, 281 миллион нафар инсонлар тўйиб овқатланмайдилар[1].

Инсониятни хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат билан етарлича миқдорда таъминлаш тарихан ҳамда инновацион аср сифатида таърифланаётган XXI асрда ҳам глобал муаммолардан бири сифатида сақланиб қолмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги қуйидаги 4 та асосий мезондан иборат бўлади:




Озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотининг етарли ёки барқарор эмаслиги қисқа муддатли таъсирни шакллантирса, унинг сифатсизлиги ва таркибида фойдали бўлган етарли миқдордаги микро элементлани етишмаслиги узоқ муддатли таъсирни вужудга келтиради.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланмаслик натижасида инсонларни саломатлигини ёмонлашуви ёки ҳаётдан кўз юмиши – бу **ижтимоий оқибатларни** келтириб чиқарса, етарли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилмаслик натижасида инсонлардаги ишчанлик хусусиятларини сусайиб кетиши – бу **иқтисодий оқибатларга** олиб келади. Энг ачинарлиси эса, тўйиб овқатланмайдиган ёки етарли миқдордаги фойдали микро элементларини истеъмол қилмай улғайиб бораётган болалар келажакда қобилиятсиз инсонларга айланиб қолишини ҳеч бир оқибатга тенглаштириб бўлмайди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасига фан ва технологияларнинг ютуқларини жорий этиш учун озиқ-овқат секторининг ўзи аввало инновацион бўлиши керак (инновацияларни қабул қилишга тайёр бўлиши лозим). Бунда энг асосий омиллар агросаноат ва инсон капиталига инвестиция киритиш, озиқ-овқат саноати инфратузилмасининг имкониятлари, аграр инновациялар учун зарурий бошқарув тизимлари ва агросаноат билан илм-фан (ноу-хау) ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамловчи тадқиқот шароитларининг мавжудлиги ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги инновацияларни қўллаб-қувватловчи механизмлар ва инфратузилмани баҳолашда қишлоқ хўжалигининг инновацион тизими ҳамда экотизимни таҳлил қилиш лозим бўлади. Мазкур баҳолашдан асосий манфаатдор томонлар фермер хўжаликлари, илмий ва таълим тузилмалари, фирмалар (шунингдек, етказиб берувчилар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, қайта ишлаш, улгуржи ва чакана савдо), давлат идоралари, халқаро ташкилотлар ҳамда нодавлат ташкилотлари ҳисобланади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида инновацияларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда давлат томонидан аросаноат тизимидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, тадқиқотларни рағбатлантириш, инфратузилмани инвестициялаш, инсон капиталини ривожлантириш, иннновациялар учун

[1] FAO, IFAD ва WFP ҳисоботи 2015.

қулай муҳитни яратиш каби устувор омилларга жиддий эътибор қаратиш зарур бўлади.

Агросаноат тармоқларидаги инновацияларнинг халқаро тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали мамлакат қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатига жорий этилаётган инновацион технологияларни яқин ва узоқ муддатларда ривожланиш тенденцияларига таъсирини баҳолашда ижобий рол ўйнайди.

Бугунги кундаги глобаллашув шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланишига қаратилган инновацион моделларни яратиш керак. Инновацияларни қишлоқ хўжалиги соҳасига жорий этишда учта асосий мезонларга таяниш зарур:




Мамалакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлашда пайдо бўлаётган миллий инновация тизимлари кучли миллий илдизларга, анъаналарга, сиёсий ва маданий хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқий, молиявий ҳамда ижтимоий институтларнинг ўзаро боғлиқ тизимларига асосланиши керак.

Давлатнинг агро озиқ овқат секторида инновацияларни шаклланишининг жадал ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларини технологик ўзгариши ҳамда институционал инновацияларга асосланган янги ташкилий тузилмаларнинг вужудга келишига олиб келади. Технологик ва ташкилий инновациялар ўзаро боғлиқ бўлиб, бизнесни ташкил қилишнинг янги шаклларини пайдо қилишда инновацияларни эволюцион ривожланиш жараёнларини сифатида қаралади.

Мамлакатдаги агро озиқ овқат секторини ривожлантириш доирасида инновацион жараёнлар қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

1. Аграр соҳада ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш иқтисодий ва табиий биологик жараёнларнинг ўзаро комбинацияси асосида шаклланиши керак. Бунда инновацияларни амалга оширишда ҳам иқтисодий, ҳам табиат қонунларини ҳисобга олиш зарур.

2.Иннвацион субъектларнинг (ҳукумат, тижорат ва илм-фан) ўзаро таъсирининг асоси тармоқ алоқалари ҳисобланади. Бунда тармоқ алоқаларида барча иштирокчиларнинг манфаатлари ҳисобга олиниши ва халқаро интеграция муносабатларга асосланиши керак.

3. Давлат бош ислохотчи сифатида қуйидаги функцияларни бажаради:

- барча субъектлар (ваколатли идоралар, нодавлат ташкилотлари, бизнес вакиллари ва илм-фан тузилмалари) учун мажбурий бўлган тартиб-тамоилларни белгилайди.

- инвестициялар ва инновацияларни ривожланиши учун самарали шароитни шакллантиради ва мувофиқлаштиради.

- тадбиркор сифатида намоён бўлади.

4. Инновациялар шаклланадиган институтларда кадрлар тайёрланади, шу жумладан инновацион менежерлар ва улар агросаноат кластерларига юборилади. Агросаноат кластерларининг асосини ягона қиймат занжири, умумий технологиялар, оддий истеъмолчилар ҳамда етказиб берувчилар ташкил қилади.

Агросаноат кластерлари маълум бир соҳада ишлайдиган ва бир-бирини тўлдирадиган ўзаро боғлиқ бўлган компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар ва тегишли ташкилотларнинг (давлат идоралари, ўқув муассасалари, савдо бирлашмалари) географик жиҳатдан бир жойга жамланган бир гуруҳни белгилайди. Бугунги кундаги кластерлар тармоғи соғлом рақобатни вужудга келтирувчи институт сифатида самарали фаолият юритишига катта ишонч билдирилмоқда.

Агро саноат кластери маълум бир ҳудуднинг ривожланиш барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, агросаноат соҳасидаги ишлаб чиқаришда, илмий-маърифий комплексда ва агросаноат мажмуасининг бошқа соҳаларида рақобатбардош субъектларнинг ўзаро минтақавий саноат ҳамкорлиги сифатида белгиланган.

Аниқроқ айтганда агросаноат кластери бу - агросаноат мажмуасининг барча соҳаларида, инновацион инфратузилма институтлари (венчур фондлари, технопарклар, муҳандислик ва консалтинг фирмалари ва ҳ.к.), илмий ва ўқув муассасалари, давлат идоралари ҳамда молиявий институтлар ўртасидаги вертикал ва горизонтал муносабатларни ташкил этиш шаклидир.

Инновацион муҳитда агросаноат кластерларининг асосий хусусиятлари қуйидагича бўлади:

- технологик занжирга асосланган кооператив алоқалар ва инновацион фаолият;
- рақобат, ўзаро ҳамкорлик ва географик жиҳатдан ихтисослашган ҳудудда маҳсулотлар, хизматлар ва ресурслар бозорига қўшилиш[1];
- коллегиал мувофиқлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг экологик тозалиги;
- жаҳон бозорларида кучли рақобат позицияси ва рақобатбардошликдаги устунликлар;
- кластер аъзоларини кўникмалари, билимлари ва тажрибаларини синергистик комбинациясини мавжудлиги;

Агросаноат комплексида доимий инновацияларнинг шаклланиши глобаллашув, экологик муаммолар, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш зарурати (очлик, қашшоқлик муаммолари), ишлаб чиқаришдаги инқирозли ҳолатлар, бизнес субъектларининг муносабатлардаги номувофиқликлар, маҳсулотлар нархидаги номутаносибликлар ва кичик бизнес иштирокчиларини таназзулга учраши каби умумий ҳисобланган жараёнларни бартараф этишга хизмат қилади.

---

[1] Грядов С.И., Ковалева И.В. «Агропромышленный кластер: проблемы и перспективы развития» АГАУ. Вестник. 2009. - № 4.

Бугунги замонавий агросаноат бизнесидаги кичик субъектларни ҳудудий агросаноат кластерларига бирлашишининг асосий сабаблари сифатида қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин.




Ўзбекистон шароитида инновацион қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни кенгайтириш доирасида ҳосилдорлик ва даромадларни доимий равишда ошириб бориш мақсадида агросаноат мажмуаси таркибидаги фермер хўжаликларини янги технологиялар билан таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш керак.

Агросаноат кластерлари кўринишида шаклланаётган технологик ишлаб чиқариш занжирларининг ташкилий тузилмаси унинг иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабларида бир қатор ўзгаришларни вужудга келтиради.

1. Биргаликда инновацион сиёсатни амалга ошириш[1]:

- ғояларни яратиш ва тадбиқ этиш;
- инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқлаш;
- интеграл ишлаб чиқариш ва технологик пакетларни яратиш;
- потенциал хавфларни баҳолаш;
- суғурта қилиш ва молиялаштириш;
- инновацион маҳсулотларни оммавий ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш;
- янги ҳамкорлик тармоқларини шакллантириш.

2. Инновацион технологияларни (ноу-хау) тадбиқ этилиши, жорий алмашинув ҳолатдаги технологияларни бир соҳадан иккинчисига ўтиши ҳисобига мулкчиликнинг махсус шаклларини хосил қилади ва бу жараёнлар мулкчилик иштирокчиларини ўзаро муносабатларини мураккаблаштиради, шу билан бирга нархларни пасайиши учун шароит яратиб, транзакцион ҳаражатларни (ахборот олиш, ўзаро келишув ва учрашувлар билан боғлиқ ҳаражатлар, товарлар хусусиятларини аниқлаш билан боғлиқ ҳаражатлар, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва бошқалар) сезиларли даражада камайишига олиб келади.

3. Инвестицияларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтиради (тижорат кредитлари ва қимматли қоғозларни чиқариш).

4. Кичик, ўрта ва йирик бизнес субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун қулай шароитни шаклланишига олиб келади.

5. Агросаноат кластерлари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги секторидаги миллий дастурларни амалга оширишда асосий

---

[1] Gary P. Pisano., The evolution of science-based business: innovating how we innovate //ICC. - Vol. 19, N 2. - P. 472.

бўғин ва пойдевор сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга ҳудудлар ва миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишида жиддий таъсирга эга бўлади.

Агросаноат секторида давлат томонидан тартибга солиш тизими[1]:

- Агросаноат кластерлари учун иштирокчиларни танлаш ва улар ўртасида узоқ муддатли ҳамда барқарор ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- Етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида, якуний истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида, ишлаб чиқарувчилар ва илмий-ўқув комплекслари ўртасида муносабатларни тартибга солиш;

- Кластерларни ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш, кластерли молиялаштиришга кўмаклашиш ва ахборот таъминотини амалга оширишдан иборат.

Шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан бири агросаноат секторидаги салбий тенденцияларни (Салбий тенденция – бу мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш қобилиятининг пасайишидир) бартараф этиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали самарали чораларни кўришдир. Бунда озиқ-овқат ишлаб чиқарувчиларнинг инновацион фаолияти маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш йўналишидаги фаолиятини жадаллаштиришдан иборат бўлади.

Агросаноат тармоқларига (асосан кластерлар) инновацияларни жорий этиш орқали олинадиган маҳсулотлар охир оқибатда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак бўлади. Бунда келгусидаги кўрсаткичларни барқарор сақлаб қолиш даражасини аниқлашда умумий ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги инновацион маҳсулотлар улушини таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин.

**Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўсиш суръатлари[2]**
(ўтган йилга нисбатан, фоизда)
График №1




Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўсиш суръатини (1-график) таҳлил қилиш орқали (бунда инновацияларни

[1] Ketels Ch. Industrial Policy in USA. // Journal of Industry, Competition and Trade. 2010. - Vol. 7, - P. 143–323.
[2] Ўзбекситон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. Очиқ маълумотлар. https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6571-qishloq-xo-jaligi

таъсирини ҳам кузатиш мумкин), келгусидаги барқарор озиқ-овқат занжирини шаклланиши ва ўзгариш динамикасини кузатиш мумкин.

Шу билан биргаликда мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлашда энг муҳим омил ҳисобланган қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини ҳудудлар кесимида ўсишини (1-жадвал) ҳам таҳлил қилиш зарур. Чунки, мамлакатнинг қайси ҳудудида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги пасайишлар кузатилаётган ҳудудларни ўрганиш орқали келгусидаги вазифаларни режалаштиришда буни ҳисобга олиш муҳим саналади.

Жадвал №1

**Ҳудудлар кесимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари[1]**

(ўтган йилга нисбатан фоизда)

| | 2010й | 2011й | 2012й | 2013й | 2014 й | 2015й | 2016й | 2017 й | 2018й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Республика бўйича** | 106,3 | 106,2 | 107,2 | 106,6 | 106,3 | 106,1 | 106,3 | 101,0 | 100,2 |
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | 121,3 | 94,9 | 119,3 | 103,5 | 106,6 | 109,8 | 108,3 | 103,1 | 102,5 |
| **Андижон** | 108,0 | 108,9 | 107,8 | 107,1 | 106,9 | 106,3 | 106,4 | 99,9 | 105,3 |
| **Бухоро** | 107,6 | 107,1 | 106,3 | 106,6 | 106,7 | 107,1 | 108,4 | 103,5 | 104,8 |
| **Жиззах** | 106,4 | 106,2 | 106,9 | 107,0 | 106,3 | 106,7 | 106,3 | 103,5 | 101,6 |
| **Қашқадарё** | 107,0 | 104,9 | 107,1 | 107,4 | 106,0 | 106,1 | 106,5 | 103,3 | 96,8 |
| **Навоий** | 105,9 | 108,3 | 106,2 | 106,9 | 105,9 | 106,6 | 106,1 | 103,3 | 104,2 |
| **Наманган** | 105,8 | 107,5 | 107,2 | 107,9 | 108,0 | 106,3 | 107,4 | 103,3 | 99,3 |
| **Самарқанд** | 107,0 | 108,0 | 106,6 | 107,0 | 106,8 | 107,1 | 108,4 | 100,4 | 94,2 |
| **Сурхондарё** | 105,2 | 108,8 | 108,0 | 106,9 | 106,6 | 106,3 | 104,7 | 104,5 | 96,9 |
| **Сирдарё** | 105,6 | 105,5 | 108,9 | 106,0 | 106,0 | 105,5 | 105,8 | 93,0 | 97,6 |
| **Тошкент** | 102,9 | 103,7 | 104,1 | 103,3 | 104,1 | 103,3 | 101,9 | 96,9 | 102,8 |
| **Фарғона** | 106,1 | 107,7 | 106,0 | 107,0 | 106,1 | 105,7 | 105,7 | 97,1 | 101,8 |
| **Хоразм** | 102,5 | 100,3 | 110,3 | 109,7 | 106,2 | 105,5 | 107,0 | 101,4 | 99,0 |

Хулоса қилиб айтганда, озиқ-овқат хавфсизлигини барқарор таъминлашда давлат, бизнес ва илмий соҳа мажмуалари ўртасида тенг, ўзаро боғлиқ муносабатларни ташкил этишнинг янада самарали шаклларини яратиш керак бўлади. Бу инновацияларни кириб келиши ва самарали натижаларга эришига олиб келади.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг жаҳон инновацион ривожланиш индексидаги ўрни ҳавас қилгулик даражада эмас, мазкур индекс бўйича республикамиз 2015 йилда жаҳоннинг 140та давлати ичида 122-ўринда қайд этилгани, сўнгги тўрт йилда эса индексга Ўзбекистон кўрсаткичлари киритилмаганлиги бу йўналишда амалга оширилиши долзарб бўлган вазифаларни кечиктириб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Шу мақсадда бугунги кунда белгиланган асосий вазифа 2030 йилгача Ўзбекистонни инновацион ривожланиш индексида кучли 50таликка киришдир.

[1] Ibid.

Шу билан биргаликда инновацион агросаноат тармоқларини шакллантиришда инсонлар томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларини соғломлаштириш, турли касалликларни келтириб чиқарувчи қўшимчалардан фойдаланмаслик, ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларинг масъулиятини ошириш каби омилларни ўз ичига олган қатъий позицияни ҳам ҳисобга олиш зарур. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги жавобгарлик тушунчасини камайиб бориши, оддий инсонлар гарданига юк сифатида тушмоқда.

Зеро, сифатли ва хавфсиз маҳсулотларни истеъмол қилиш ҳар бир инсон учун қонуний хуқуқи сифатида кафолатланиши даркор.

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида қуйидаги таклифларни амалга жорий этилиш мақсадга мувофиқдир:

1. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат органини ташкил этиш керак (бу амалиёт Япония ва Сингапур каби ривожланган давлатларда юқори самарадорликни таъминламоқда);

2. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона концепция ва ягона қонун ишлаб чиқилиши лозим. Турли қонунларда мазкур соҳага тегишли талабларни бирлаштириб ягона қонуний ҳужжат “Озиқ-овқат хавфсизлиги Кодекси”ни қабул қилиш айнан бугунги кун талабидир (бу амалиёт ривожланган давлат ҳисобланган Канадада амалга жорий этилган);

3. Инновациялар кенг жорий этилаётган шароитда кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш долзарб аҳамиятга эгадир. Шу ўринда республикамизда кадрлар тайёрлашда биокаталитик, биосинтетик, биосенсор технологиялар, нано-био, биотиббиёт, ветеринария технологиялари, ижтимоий аҳамиятга эга касалликлардан зарарни камайтириш технологиялари каби илмий йўналишларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Озиқ-овқат саноати (агросаноат сектори ва қишлоқ хўжалиги ҳам) томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, агар, инсон саломатлиги учун зарарли ёки хавф соладиган даражада бўлса, мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан истеъмолдан қайтариб олиш амалиётини жорий этиш керак (бу амалиёт АҚШ ва Европа давлатларида кўп йиллардан буён амалда бўлиб келмоқда).

**Жасур Абдуллаев –** ҚарМИИ магистранти

# КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

**Аннотация**: Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятида охирги икки йилда кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришда рақобаотбардошликни таъминлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, маҳсулот сифати, рақобат, рақобатбордошлик, самарадорлик

**Аннотация**: в статье объясняется, как повысить конкурентоспособность и повысить эффективность малого бизнеса в кашкадариньской области, путем повышения качества продукции малого бизнеса .

**Ключевые слова:** малый бизнес, качество продукции, конкуренция, конкурентоспособность,эффективность

**Abstract**: This article presents suggestions and recommendations on how to create small businesses in the Kashkadarya region over the last two years and to ensure their competitiveness and productivity.

**Keywords:** small business, product quality, competition, competitiveness, efficiency.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари қаторидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳам ўрин олган. Бинобарин, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётганлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга, барча имкониятларимизни сафарбар этаяпмиз.“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди”[1].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз фаолиятлари билан энг муҳим, долзарб муаммони, яъни ички бозорнинг кенг халқ истеъмол молларига бўлган талабини қондириш ва ишсизликни тугатишдек ижтимоий муаммони ечишга ёрдамлашади . Қашқадарё вилоятида 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик бизнес субъектларининг сони 16752 тани ташкил қилди. Қашқадарё вилоятида 2018 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 64,3 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан:

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Халқ сўзи, 24.01.2020 йил

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3034,9 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 21,4 фоизи) ёки 2017 йилга 106,6 фоизни ташкил қилди;

-18144,9 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 96,9 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 99,0 фоизи) ташкил қилди.

- 1725,1 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 11,3 фоизи) ўзлаштирилди ва 2017 йилга нисбатан 105,2 фоизни ташкил қилди;

- 2860,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,7 фоизи) бажарилди ва 2017 йилга нисбатан105,2 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 103,9 фоизга (умумий юк айланмасига нисбатан 83,4 улуши), йўловчи айланмасининг эса 102,9 фоизга (умумий йўловчи айланмасига нисбатан 95,3 улуши) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 85,3 фоизи ёки 7550,4 млрд. сўми (ўсиш 103,5фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг, мос равишда 70,2 фоизи ёки 4897,9 млрд. сўмни ташкил қилди;

- 98,8млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 37,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди.

"Ўзбекенгилсаноат" АЖ томонидан Қашқадарё вилояти, Қарши туманида жойлашган "ЛТ Текстиль Интернейшнл" ҲКда (Нидерландия) тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўлиб, унинг ер майдони 30 гектар, шундан бино ва иншоатлар 12 гектарни ташкил этади.

"ЛТ Текстиль Интернейшнл" ҳусусий корхонасининг қуввати 22 минг тонна аралаш ип-калава биринчи босқичида ва 50 млн.кв.м. ип газлама иккинчи босқичида. "ЛТ Текстиль Интернейшнл" ҳусусий корхонанинг лойиҳа қиймати 105 млн.доллар хорижий инвестициялар.Ушбу корхонада йилига маҳсулотлар экспорти 44,0 млн.долларни ташкил этади.

"Ўзбекенгилсаноат" АЖ томонидан Қашқадарё вилояти, Қарши туманида жойлашган "ЛТ Текстиль Интернейшнл" ҲКда яратиладиган иш ўрни сони 700 киши бўлиб, ишга тушириш муддати 2017 йил 2-чорак 1-босқич,2019йил 4- чорак 2-босқичи.

"Ўзбекенгилсаноат" АЖ томонидан Қашқадарё вилояти, Қарши туманида жойлашган "ЛТ Текстиль Интернейшнл" ҲКда (Нидерландия) тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2о17 йилда 73394,3 млн.сўмни ташкил этган бўлса 2018 йилда 375598,5млн.сўмни бўлиб 2017 йилга нисбатан 521,4% ошган.

Бундан ташқари, республикамизда амалга оширилаётган бир қанча чора-тадбирлар, жумладан, 2004 йил май ойидан бошлаб асосий мақсади - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни доимий равишда замонавий технологиялар ва янги банк хизматлари билан таъминлашдан иборат бўлган "Bussines Leasing" компаниясининг фаолият юритиши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш ва унинг ЯИМдаги улушини кўпайтириш, бозор иқтисодиёти талабларига мос товар ва хизматлар бозорини шакллантириш ҳамда маҳсулот экспортини оширишда:

- хорижий инвестицияларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этишни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

- давлат ташкилотларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш;

- хусусий тадбиркорларнинг ресурслар ва сотиш бозорларида иштирокини кенгайтириш;

- молиявий қўллаб-қувватлаш ва қўшимча солиқ имтиёзларини жорий этишдаги асосий вазифалар жумласидандир.

Қашқадарё вилояти маълумотларидан маълумки, кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда бир маромдаги ўсиш таъминланди ва натижада улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,6 % ошиши таъминланди. Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йилнинг январь-декабрь ойида Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши – 21,4 % ни ташкил этган. Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Китоб тумани (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши (100,0 %), Чироқчи (73,3 %), Яккабоғ (70,2 %) ва Шаҳрисабз (67,8 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Муборак (1,6 %), Ғузор (2,5 %), Нишон (5,2 %) туманларида кузатилди. Худудлар кесимида саноат махсулотлари ишлаб чикариш ахоли жон бошига тўғри келиши энг юкори кўрсатгич Муборак туманига (49791 минг сўм) Ғузор туманига (14945,1 минг сўм) Нишон тумани (9684,7 минг сўм) ва Қарши шахри (63524 минг сўм) га тўғри келади. Энг паст кўрсатгич эса Китоб (1011,9 минг сўм) Чироқчи тумани (619,8 минг сўм) га тўғри келади. Худудлар кесимида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига тўғри келиши энг юқори кўрсатгич Қарши шахри (3276,6 минг сўм) Шаҳрисабз шахри (1734,4 минг сўм) Шаҳрисабз тумани (1099,7 минг сўм) Косон тумани (920,6 минг сўм) тўғри келади. Энг паст кўрсатгич эса Деҳқонобод (335,4 минг сўм) Ғузор тумани (372,0 минг сўм) га тўғри келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг такомиллашуви ҳамда миллий фаровонликка эришишнинг муҳим омилидир. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс

базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2018 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари томониидан молиявий қўллаб-қувватлашни кўриб чиқадиган бўлсак 2018 йил якунларига кўра, вилоятда кичик бизнес субъектлари (9713 та лойиҳа)га ажратилган кредитлар ҳажми 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошиб, қарийб 373,0 млрд. сўм (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 86,5 млрд. сўмга кўп)ни ташкил этди ва 2013 йил учун белгиланган 263,1 млрд. сўмлик прогноз кўрсаткичи 142,0 фоизга бажарилди ҳамда соҳада 19842 та қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

## М У Н Д А Р И Ж А :


| | | |
|---|---|---|
| **I ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ”** | | |
| Пўлатов М.Э., Пардаев М.Қ. | Янгиланаётган жамиятда иқтисодий ўсишнинг янгича турлари ва мезонлари | 3 |
| Колесниченко Е.А. | Управление процессом адаптации работников в организации в условиях инновационной и цифровой экономики | 7 |
| Мадаханов А.С., Aranha G.J., Hukamdev Ch., Сафаров Ш. | К вопросу об организации оздоровления населения Приаралья в условиях инновационной и цифровой экономики | 11 |
| Адилова З., Хонтўраев Б. | Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда фан ва таълимнинг ўрни | 16 |
| Маликов Т.С. | Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш: унда стимулнинг ролига қандай баҳо берилаяпти? | 19 |
| Ибрагимов Н.А. | Рақамли технологияларни жадал ривожлантириш истиқболлари | 24 |
| Олтаев Ш.С. | Бандлик сиёсати ва унинг асосий йўналишлари | 26 |
| Хамраева С.Н., Хасанов Ш.Х. | Рақамли иқтисодиёт шароитида электрон савдони ривожлантиришнинг аҳамияти | 30 |
| Кувандиков Ш.О. | Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденциялари | 33 |
| Шарипова Н. | Рақамли иқтисодиётга ўтишда электрон тўлов тизимлари ва электрон ҳамёнларнинг Ўзбекистон иқтисодиётида қўлланилиши | 37 |
| Гребенюк М.В., Савочкин М.П. | Цифровая экономика Узбекистана: актуальные проблемы и пути их решения | 41 |
| Қўзибоев Б.Ҳ. | Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари | 43 |
| Sultanova N.U. | Xizmat koʻrsatish korxonalari samaradorligini oshirishda online xizmatlarini qoʻllash | 46 |
| Умирзоқова Д.Э., Қаландаров К.З. | Савдо хизмати соҳасида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг хусусиятлари | 51 |
| **II ШЎЪБА. “МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИГА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА УЛАРНИ РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ”** | | |
| Пардаев М.Қ., Тагирова Н.Б. | Туризмни ривожлантиришда рекламадан фойдаланиш масалалари | 57 |

| | | |
|---|---|---|
| Зобова Е.В. Чепурова И.Ф. Гладышева А.В. Яковлева Л.А. | Продвижение туристско-рекреационного потенциала России на рынке туристских услуг | 61 |
| Курпаяниди К.И., Леонтьева Ю.Ю. | К проблеме определения и типологии «туристских дестинаций» | 65 |
| Пардаев М.Қ. | 2020 йил – Ўзбекистон туризмни ривожлантириш минтақаси бўлади | 68 |
| Равшанов А.Д., Ҳасанова Р.Б. | Туризм соҳасини инновацион ривожлантириш истиқболлари ҳамда истиқболларни башоратлаш | 72 |
| Хамракулова О.Д. | Проблемы привлечения инвестиций в туристическую отрасль Узбекистана | 74 |
| Jabborova Z.A. | Innovatsion va raqamli iqtisodiyot sharoitida turizm sohasini rivojlantirish | 78 |
| Рузибаева Н.Х., Рахмонов А.С. | Туристик хизматлар кўрсатишда рақамли иқтисодиётнинг афзалликлари | 81 |
| **III ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ МУАММОЛАРИ”** | | |
| Курбанов З.Н. | Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг муаммолари | 85 |
| Хусайнов Р.Ш. | Давлат тасарруфидаги объектларни хусусийлаштириш жараёнидаги мажбуриятларнинг ҳисоби ва аудит тизимини шакллантириш роли | 88 |
| Рахматуллаев А., Қурбонов Ш.Д. | Корхона ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва самарадорликни ошириш йўллари | 91 |
| Жалилова Ш.С., Меликов У. | Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи ташкилий омиллар | 93 |
| Пардаева О.М. | Оила хўжаликлари даромадлари таркиби ва уларни таҳлилини амалга ошириш йўллари | 97 |
| Urunbayeva Y.P., Eshquvvatova N.A | Oʻzbekiston raqamli iqtisodiyotida tadbirkorlik yuritishning yangi texnologiyalari tahlili va samaradorligi | 102 |
| **IV ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ”** | | |
| Олтаев Ш.С. | Хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш йўллари | 108 |
| Таджибаева Ш.А. | Роль и значение сетевых технологий при предоставлении банковских услуг в условиях цифровой экономики | 112 |

| | | |
|---|---|---|
| Назаров А.К.<br>Абдибаева Т.Х. | Рақамли иқтисодиёт шароитида кўчмас мулкни солиққа тортиш масалалари | 115 |
| Мухаммадиев Р.З. | Тиббий суғурта ва Ўзбекистонда уни ташкил этишнинг долзарб масалалари | 118 |
| Қурбонов А.Б.,<br>Серкаев С.Б.,<br>Мойлиев Э.Б. | Ҳудудларни инновацион ривожлантиришда инвестицион фаолиятни ривожлантириш йўналишлари ва тамойиллари | 122 |
| Боронов Б. | Молиявий активлар ҳисобига оид концептуал асослардаги ўзгаришлар | 126 |
| Nuritdinova V.Sh<br>Fayzullayev Q.A. | Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish va moliyalashtirish muammolari | 129 |
| Маманазарова Н. | Ҳудуд иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва йўналтирилган инвестициялар самарадорлиги | 131 |
| Зуннунова Х.М. | Харажатлар ёндашувида банкларни баҳолашнинг Беларусь амалиёти ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари | 134 |
| Нормаматов И.Б.<br>Пардаева М. У. | Олий таълим тизимини инновацион ривожлантиришда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш | 139 |
| Кобилов А.,<br>Суюнов Ш. Б. | Кичик бизнес корхоналарига инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш | 142 |
| Исмоилова С.Я. | Маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали сарфланишини таъминлашда бюджетдан молиялаштириш хусусий принципларининг роли | 146 |
| **V ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ МУАММОЛАРИ”** | | |
| Абдукаримов В.И. | Трансформация системы менеджмента в рамках развития цифровой экономики | 151 |
| Черемисина Т.Н.<br>Черемисина Н.В. | Особенности развития рынка бытовых услуг населению Тамбовской области | 162 |
| Морева С. Н. | Основные инструменты интернет-маркетинга в сфере услуг | 166 |
| Пардаев М.Қ.,<br>Калонов М.Б.,<br>Шодиева Г.М. | Автомобиль транспорти корхоналарида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг аҳамияти | 172 |
| Холиқулов А.Н. | Менежментнинг Финландия миллий модели | 176 |
| Пардаев Ш.Х.,<br>Холмаматов Д.Ҳ. | Рақамли иқтисодиёт шароитида товар ва хизматлар ҳаракати самарадорлигини оширишда рақамли маркетинг агентликларини ташкил этишнинг аҳамияти | 179 |

| | | |
|---|---|---|
| **VI ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ”** | | |
| Исроилов Б.И. | Таълим тизимида коррупцияни олдини олиш масалалари | 183 |
| Мухтарова Г.А.<br>Усманова Д.К. | Мактабгача таълим соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш муаммолари | 186 |
| Амирқулов Ш.О. | Аграр соҳада инсон капиталининг шаклланиши ва ривожланишида мактабгача таьлим муассасаларининг роли | 190 |
| **VII ШЎЪБА. “ИННОВАЦИОН ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА УМУМИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАР”** | | |
| Эргашев Р.Х.,<br>Хушваҳов А.Б. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш | 193 |
| Эргашев Р.Х.,<br>Мингяшаров А.Т. | Меҳнат бозорини ривожлантириш орқали аҳолининг бандлигини ошириш | 196 |
| Xudayberdiyev U.,<br>G‘apparov S.,<br>Abdiqobilov Sh. | Qishloq xo‘jaligi sohasini rivojlantirish muammolari | 199 |
| Қобулов Х.А. | Инновацион ҳудудий кластерларни шакл-лантиришнинг зарурлиги ва уларнинг ҳудуд молиявий салоҳиятини оширишдаги аҳамияти | 202 |
| Файзиева Ш.Ш.,<br>Қулдошева М.М. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда хизмат кўрсатишнинг ривожланиши | 205 |
| Равшанов А.Д.,<br>Раимов Ф.Э. | Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда инвестиция ва инновацион фаолиятнинг аҳамияти | 208 |
| Курбонов А.Б.,<br>Абдуллаев Ж.А.,<br>Гулбоева Ф.И. | Инновацион иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари | 210 |
| Урунбаева Ю.П.,<br>Сувонкулов Д.С. | Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлили | 214 |
| Джалилова Н.М.,<br>Ашуров М.Ҳ. | Қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инновацияларнинг ўрни | 219 |
| Муродова Н. | “Қарши-ёғ экстракция” акциядорлик жамиятида замонавий инновацияларни бошқариш стратегияси | 224 |
| Тайлакова Д.Б. | Қашқадарё вилоятининг тадбиркорлик соҳасида хизмат кўрсатишни ривожланиш тенденцияси | 226 |
| Рахматуллаев А.<br>Йўлдошев И.Д. | Рақобат – ижтимоий-иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили | 229 |

| | | |
|---|---|---|
| Хусаинов О. Д. | Чорвачиликни инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари | 233 |
| Джалилова Ш.С., Шерзодова Д. | Сущность оценки эффективности управленческого труда в производственных предприятиях | 236 |
| Мавлонов Ш.Ш. | Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарда меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари | 240 |
| Назаров С.З. | Ўзбекистонда давлат харидлари тизимида ахборот технологияларнинг ўрни | 243 |
| Зоиров Ғ.Т. | Меҳнат бозорини самарали ривожлантириш орқали аҳолини иш билан бандлигини ошириш | 247 |
| Қўшақов С.И. | Глобаллашув шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацияларнинг аҳамияти | 250 |
| Абдуллаев Ж. | Кичик бизнес корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш самарадорлиги | 258 |